



АМИР ТЕМУР

ҒАРБИЙ ЕВРОПА АДИБЛАРИ
НИГОҲИДА

БАҲОДИР ЭРМАТОВ

УЗБ
Э 18

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ



АМИР ТЕМУР

ҒАРБИЙ ЕВРОПА АДИБЛАРИ
НИГОҲИДА

117690

ТОИИ
kutubxonasi

худож.

БАҲОДИР ЭРМАТОВ

Тошкент
«Navro'z» нашриёти
2019

ББК 85.5 (Ўзб)

Э-18

УЎК 820.685

Эрматов, Баҳодир

Амир Темур Ғарбий Европа адиблари нигоҳида. Монография. Тошкент / «Navro'z» нашриёти, 2019 й. 256 бет.

Мазмуни-моҳиятига кўра янгилик бўлган ушбу китоб чинакам ватанпарварлик руҳида ёзилгани, мустақиллик даври мафқурасига, миллий ғоямизга тўла мос келиши билан алоҳида ажралиб туради. Муаллиф мамлакатимиз тарихида нисбатан кам ўрганилган, ғоят муҳим мавзунини тадқиқот объекти сифатида танлагани эътиборлидир. Ушбу тадқиқот саҳифалари орқали биз дунёда француз, испан, итальян, инглиз, немис, венгер темуршунослик мактаблари мавжуд эканидап воқиф бўламиз.

Жамиятимизнинг маънавий ҳаётини юксалтириш, халқимиз тарихининг шонли саҳифаларини, улуғ аждодларимизнинг шахсияти ва фаолиятини чуқур ўрганишда ушбу китоб ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамиятга эга.

Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ижод» жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди.

ISBN 978-9943-566-77-4

© Баҳодир Эрматов, 2019 й.

© «Navro'z» нашриёти, 2019 й.

СОҲИБҚИРОН ДАҲОСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Филология фанлари доктори Баҳодир Эрматов қаламига мансуб «Амир Темур Ғарбий Европа адиблари нигоҳида» деб номланган китоб мутолааси менда катта таассурот қолдирди.

Мазкур монографиянинг илмий жиҳатлари ҳақида муҳтарам олимларимиз албатта холис ва ҳаққоний муносабатларини баён этадилар, деб ўйлайман. Мен фақат тарих шайдоси бўлган бир ижодкор сифатида ўзимнинг баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдиришни жоиз, деб топдим.

Биринчидан, мазмун-моҳиятига кўра янгилик бўлган ушбу тадқиқот чинакам ватанпарварлик руҳида ёзилгани, мустақиллик даври мафкурасига, миллий ғоямизга тўла мос келиши билан алоҳида ажралиб туради.

Жамиятимизнинг маънавий ҳаётини юксалтириш, халқимиз тарихининг шонли саҳифаларини, улуғ аждодларимизнинг шахсияти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, ёшларимизни миллий ғурур, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуси билан тарбиялашда мана шундай китоблар, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамиятга эга.

Иккинчидан, муаллиф мамлакатимиз тарих фанида нисбатан кам ўрганилган, ғоят муҳим мавзунини тадқиқот объекти сифатида танлагани эътиборлидир.

Маълумки, буюк аждодимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳақида юртимизда ва дунёда шу қадар кўп илмий ва бадиий асарлар яратилганки, агарда улар бир жойга тўпланса, улкан ва бебаҳо кутубхона пайдо бўлиши табиийдир.

Ушбу тадқиқот саҳифалари орқали биз дунёда француз, испан, итальян, инглиз, немис, венгер темуршунослик мактаблари мавжуд эканидан воқиф бўламиз.

Айни вақтда, шўро тузумининг мафкуравий босимида қарамасдан, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ва

тарғиб этишдек қалтис ишга жасорат кўрсатган Иброҳим Мўминов, Алихонтўра Соғуний каби улуғ алломалар, Иброҳим Раҳим каби муҳаррирлар хотирасини ҳурмат билан ёдга оламиз.

Истиқлол йилларида юртимизда ўзбек темуршунослиги тарих илмининг алоҳида бир йўналиши сифатида шакллангани барчамизни мамнун этади. Бўрибой Аҳмедов, Поён Равшанов, Ашраф Аҳмедов, Ҳайдарбек Бобобеков, Очил Тоғаев, Акмал Саидов, Нозим Ҳабибуллаев, Дилором Юсупова, Амриддин Бердимуродов, Ҳамдам Содиков, Жумабой Раҳимов сингари олимлар, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Тўлқин Ҳайит, Ғулом Мирзо каби шоир ва адибларимиз, Мурод Абдуллаев, Ҳаким Сатторий, Михли Сафаров, Бахтиёр Ҳайдаров каби журналистларнинг илмий, бадиий ва публицистик асарлари, таржималари темурнома ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Жаҳон миқёсида улуғ Соҳибқиронга бағишланган асарларни тадқиқ этиш жиддий илмий изланишларни талаб этадиган масаладир. Бундан бир неча йил аввал таниқли ҳуқуқшунос олим, академик Акмал Саидов томонидан яратилган “Амир Темур ва Европа” номли монография шу йўлдаги дастлабки қадам бўлганини эътироф этиш лозим.

Бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур шахси, унинг фаолияти ҳақида яратилган юзлаб асарларни ҳар томонлама илмий таҳлил этиш, она тилимизга таржима қилиб, халқимизга етказиш юртимиздаги турли соҳа олимлари олдида турган муҳим вазифадир.

Баҳодир Эрматовнинг тадқиқоти ана шу заруратни чуқур англаш натижасида дунёга келган.

Учинчидан, китоб мавзу миқёси ва қамровининг, илмий мушоҳада доирасининг кенглиги билан эътиборни тортади. Унда Амир Темур ҳаётлиги пайтидаёқ жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли тилларда пайдо бўла бошлаган илк манбалардан тортиб бугунги кунгача бўлган даврда тарих ва адабиётнинг ранг-баранг йўналишларида, шунингдек, театр, мусиқа, тасвирий санъат, ҳай-

калтарошлик ва санъатнинг бошқа турларида яратилган асарлар илмий таҳлил доирасига қамраб олинади.

Муаллиф биз билмаган, ҳали илмий жамоатчилигимиз учун ҳам номаълум бўлган, нафақат Ғарбий Европа, балки дунёнинг бошқа минтақа ва ҳудудларида яратилган асарлар ҳақида ҳам қўшлаб ноёб, янги ва қизиқарли маълумотларни келтиради ва уларни илмий истеъмолга киритади.

Узоқ ўтмишни қўя турайлик, биз яқин йилларда, ҳозирги кунимизда ҳам хорижий мамлакатларда улуғ аждодларимизга бағишлаб яратилаётган асарлардан, афсуски, беҳабармиз. Улар ҳақида на дипломатик хизматларимиз, на оммавий ахборот воситалари орқали деярли хабар топмаймиз.

Мисол учун, аксарият кўпчилигимиз инглиз адиби Кристофер Марлонинг ҳанузгача жаҳон саҳналаридан тушмай келаётган “Буюк Амир Темур” трагедияси, америкалик шоир Эдгар Аллан Понинг шеърӣй достони ва немис композитори Генделнинг “Амир Темур” операси каби икки-учта асарни биламиз, холос. Ҳолбуки, мазкур тадқиқот ишида қайд этилганидек, 19–20-асрларда Италия, Франция, Германия, Австрия, Бельгия каби мамлакатларда Соҳибқирон бобомиз ҳаётига бағишланган 30 га яқин опера асарлари ушбу давлатлардаги нуфузли театрларда саҳнага қўйилган экан.

Амир Темур ҳақидаги опералар Европа саҳналарида шу кунларда ҳам мунтазам намойиш қилиб келинаётгани ҳақида муаллиф бир қанча ишончли маълумотларни келтирадики, бизнинг улардан беҳабарлигимиз ғоят ачинарлидир.

Ушбу китобда ана шу асарларнинг нафақат номлари, шу билан бирга, уларнинг композиторлари ва либретто муаллифлари, яратилган санаси, саҳна асарлари қўйилган шаҳар ва театрлар, уларда етакчи ролларни ижро этган артистларнинг исм-фамилиялари ҳам аниқ-равшан кўрсатиб берилгани кишини ҳайратга солади.

Монографияни яратиш жараёнида муаллифнинг катта масъулият билан жиддий изланишлар олиб

боргани, таъбир жоиз бўлса, “игна билан қудуқ қазиш” дек машаққатли юмуш билан кўп йиллар давомида муттасил шуғулланиб келгани кўриниб турибди.

Ўйлашимча, Баҳодир Эрматов ўтган асрнинг 80-йилларида хорижий давлатларда, жумладан, Жазоир ва Мадагаскарда француз тили таржимони бўлиб ишлаган даврида бўлғуси тадқиқоти учун зарур маълумотларни тўплаб боргани, турли мамлакатларда илмий сафарларда бўлиб, нодир ва ноёб асарлар билан атрофлича танишгани китобнинг кўлами ва салмоғини оширишга хизмат қилган бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, муаллиф холислик ва ҳаққонийликни бош мезон сифатида белгилайди, ўз фикрларини асослашда бирламчи манбаларга таянади.

Ижод ва илм аҳлига аёнки, Ғарбий Европа халқларининг кўп асрлик адабиётида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб эсселар, роман ва қиссалар, хроникалар, драматик асарлар яратилган. Улар орасида Амир Темурнинг ҳаёт йўли, давлатчилик сиёсати, бунёдкорлик ишларини объектив баҳолаб, тўғри талқин қилган асарлар билан бирга, Соҳибқирон шахсиятига нисбатан ғаразли битиклар, турли уйдирмалар ҳам учрайди.

Муҳими шундаки, муаллиф ушбу асарлар номини шунчаки санаш билан чекланмасдан, уларни ҳар томонлама илмий таҳлил қилади, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқимани кўрсатиб беради. Турли бўҳтон ёки ноҳолис маълумотларга қарши аниқ илмий асосда жавоб бериш мазкур тадқиқотнинг яна бир муҳим аспектини ташкил этади.

Бешинчидан, тадқиқот ишида ўзбек, француз, инглиз, итальян, испан, немис, рус, форс, араб, турк ва бошқа кўплаб тиллардаги матнлар параллель қўйилиб, ўзаро қиёсий таҳлилга тортилиши муаллифнинг бой билим ва юксак профессионал малакага эга эканидан далолатдир.

Маълумки, Ғарбий Европада Амир Темур ҳақидаги дастлабки асарлар эски лотин тилида битилган бўлиб, бугунги кунда уларга “тиши ўтадиган” мутахассислари-

миз бармоқ билан санарли. Баҳодир Эрматов республикамизда француз тили ва адабиёти бўйича етук мутахассислардан бири саналади. Айни пайтда, унинг бошқа бир қатор ғарб тиллари, хусусан, эски латин тилидаги маълумотлардан ҳам кенг фойдалангани тадқиқотнинг илмий аҳамияти ва қимматини оширади.

Олтинчидан, китоб жуда раvon, барча учун тушунарли, машҳур таржимашунос олим Ғайбулла Саломовга хос ширали тилда ёзилган бўлиб, худди бадиий-публицистик асар сингари завқ билан ўқилади.

Таъкидлаш жоизки, Баҳодир Эрматов юртимиз адабий жамоатчилиги орасида истеъдодли таржимон ва адабиётшунос олим сифатида ҳам танилган. Тадқиқот баёнида маҳоратли ижодкорнинг ўзига хос услуби сезилиб туради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Баҳодир Эрматовнинг “Амир Темур Ғарбий Европа адиблари нигоҳида” номли сермазмун китобини ўзбек темуршунослиги фанида янги саҳифа, деб баҳолаш учун барча асослар етарли.

Миллий ўзлигимизни англаш, ўтмишдан руҳ ва куч олиб, келажак сари ишонч билан қадам қўйишдек муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган изланувчан, заҳматкаш олимнинг илмий ва ижодий фаолиятига янги муваффақиятлар тилайман.

Хайриддин СУЛТОНОВ

МУҚАДДИМА

Амир Темур – шаън-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир. Соҳибқирон – халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзи. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шаҳси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили Амир Темурнинг таваллуд санаси кенг нишонланади. Соҳибқирон номи, унинг фаолияти билан боғлиқ тадбирлар алоҳида кўтаринки руҳда ўтади. Бошқача айтганда, Амир Темур номи, унинг сиймоси юксак ватанпарварлик, адолат ва озодлик тимсоли сифатида халқимизни бирлаштириш, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, буюк келажакимизни қуришда бизга янгидан янги куч-қувват ва шижоат бағишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсарой пештоқига «Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир», деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улуғвор гоя инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланди», деган сўзлари бу улуғ зотнинг ҳамиша халқ бахту саодати, фаровонлигини ўйлаб, давлатни адолат ила бошқарганидан далолат бериб турибди.

Ғарбий Европа халқларининг кўп асрлик ада-

биётларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ёзилган асарлар ниҳоятда кўп бўлиб, улар турли жанрларга мансуб. Уларнинг орасида эсселар, роман ва қиссалар, хроникалар (солномалар), драматик асарлар бор. Бироқ Ғарбий Европада буюк бобомиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илк асарлар эсдаликлар жанрида ёзилган бўлиб, улар Амир Темур замондошларининг қаламларига мансубдир.

Европалик муаррихларнинг солномалари ва адибларининг бадиий асарларини ўрганар эканмиз, кўз олдимизда Соҳибқироннинг анча мураккаб, зиддиятларга тўла қиёфаси намоён бўлади. Бу асарларнинг барчасида унинг саркардалиқ фаолияти ва ҳарбий санъатига алоҳида тўхтаб ўтилади. Ғарбий Европа мамлакатлари адиб ва муаррихлари Амир Темурнинг бунёдкорлик ишларига, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатга кўрсатган ҳомийлигига, Шарқ билан Ғарб ўртасида дўстлик ва биродарлик алоқаларни ўрнатишга қўшган ҳиссасига, хуллас, унинг жаҳон тарихида қолдирган ўчмас изига юксак баҳо берадилар.

Буюк аждодимизнинг энг муҳим фазилатларидан бири шу бўлганки, у ҳеч бир давлат ўз қўшнилари билан яхши алоқалар, манфаатли ҳамкорликсиз ёрқин истиқболга эга бўлмаслигини теран англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган, Франция, Испания, Англия ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган, ҳамда муносабатларини мустаҳкамлашга интилган.

Маълумки, Соҳибқирон ҳақида юзлаб асарлар битилган. Бироқ улуғ Амир Темурнинг Европа, бундан келиб чиқиб, жаҳон тарихида тутган

ўрнига бағишланган яна юзлаб асарлар борки, улар ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Француз темуршунос олимаси Кристиаан Эркининг таъкидлашича, «Амир Темурнинг тарихий қиёфаси ва бадийлашган сиймоси Европада хали ҳам ўрганилмаган бўлса-да, бу қизиқ мавзу чуқур тадқиқотни талаб қилади.» «Bien que la représentation historique et l'incarnation littéraire de Tamerlan en Europe n'aient pas encore été étudiées, ce sujet intéressant mérite un examen approfondi.»¹

Ҳа, Ғарбий Европа мамлакатлари мозийшунослар-шарқшунослари, хусусан, темуршунослари томонидан ёзилган асарлар юртимизда чуқур тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ҳам биз адабиётшунослар кўп бор таъкидланганидек, асарлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак.

¹ Aereke Kristiaan Au miroir des peurs occidentales/Samarcande 1400-1500. La cité-oasis de Tamerlan : cœur d'un Empire 1995 . – P.55.

БИРИНЧИ БЎЛИМ



ИЛК ЁЗМА
МАНБАЛАРДА
АМИР ТЕМУР
СИЙМОСИ



АМИР ТЕМУР ҲАҚИДАГИ ИЛК ЁЗМА МАНБАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРИХИ

Ғарбий Европага Амир Темур ҳақидаги илк маълумотлар Қора денгиз бандаргоҳларида фаолият кўрсатган венециялик ва генуялик савдогарлар орқали етиб борган. Соҳибқирон ва унинг салтанати ва хусусан, ҳарбий салоҳияти ҳақидаги илк ёзма маълумотлар ҳам айна шу пайтда, Амир Темур ҳаётлиги давридаёқ пайдо бўла бошлаган.

Венеция ва Генуя шаҳарлари архивларида Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасида бўлиб ўтган тарихий жангдан сўнг битилган номалар мавжуд бўлиб, уларда Мовароуннаҳр ҳукмдорининг қудрати мадҳ этилади. Мазкур номаларнинг муаллифлари Амир Темурнинг Йилдирим Боязид устидан қозонган тарихий ғалабасига венециялик ва генуялик жангчилар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишганини даъво қилади. Марино Сануто (Marino Sanuto)нинг *Vitae Ducum Venetorum* («Венеция ҳукмдорларининг ҳаёти») асарида шу ҳақда турли маълумотлар мавжуд.¹ XVI асрда битилган мазкур китобда Осиёнинг турли шаҳарларида фаолият кўрсатган венецияликларнинг эсдалик ва хотиралари жамланган. Китобдан, жумладан, Канди шаҳрида яшаган Жованни Корнаро (Giovanni Cornaro)нинг ҳикояси ўрин олган бўлиб, унда Султонни (Боязид Йилдирим назарда тутилмоқда – Б.Э.) маҳв этган Амир Темур ҳақида гап боради. Ўша 1402 йили Венеция ҳарбий денгиз кучларига қарашли йирик ҳарбий кема «Сопракомито» («Sopracomito»)нинг қўмондони Марко

¹ Sanuto Marino. *Vitae Ducum Venetorum. Rerum Italicarum Scriptores* китобида. – Milan 1733, (en part.vol XXII).

Гримани (Marco Grimani) Амир Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабаси ҳақида хабар берар экан, унинг Европа ҳукмдорлари билан фаол дипломатик алоқалар олиб бораётганига алоҳида тўхталади.

Амир Темур ҳақида, унинг тарихи, ғаним ва дўстлари, салтанати ва саройи, у ердаги урф-одат ва тартиблар ҳақида французларга илк бора ҳикоя қилиб берган асар – бу шубҳасиз Султония епископи Жан (Иоан)нинг қаламига мансуб «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» («Mémoires sur Tamerlan et sa cour»)дир.¹

Епископ Жан Амир Темурни яқиндан таниган, унинг ҳаёти ва фаолияти билан яхши таниш бўлган. Епископ Жан (Иоан) ҳақида икки оғиз сўз. 1403 йил май ойининг бошида Парижда бир руҳоний пайдо бўлиб, ўзини Амир Темурнинг элчиси деб таништиради. Чиндан ҳам у Амир Темурнинг мўъжазгина тамғаси босилиб, зарҳал ҳарфлар билан битилган ишонч ёрлиғи – мактубини Франция қироли Карл VIга топширади. Мактубни топширган Султония шахрининг епископи қирол саройида Карл VI ва Франциянинг бешта – Берри, Бургундия, Орлеан, Бурбон ва Бретания герцоглари ҳамда кўплаб бошқа юқори мансабли шахслар ҳузурда нутқ сўзлаб, ташрифининг икки сабабини баён қилади: биринчиси, Амир Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабасини маълум қилиш; шу ўринда у турк султонининг асир олиниб, унинг тутқунидан озод қилинган насроний бандиларни Амир Темур Европага қайтариб юборганини ва яна бошқа бандилар топиладиган бўлса, худди шундай йўл тутажигини билдиради. Ташрифининг иккинчи мақсади

¹ Mémoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403 par H. Moranvillé, Extrait de la Bibliothèque de l'Ecole des chartes. – Paris, 1894.

Франция қиролини ўз кўзи билан кўриш ва у ҳақда Амир Темурга сўзлаб бериш. Епископнинг гапига қараганда, унинг элчилиги насроний динига икки қулай имконият яратади: биринчидан, бу элчилик иккала дин вакилларига ҳам ўзаро эркин савдо қилиш имкониятини берса, иккинчидан, агар қирол ва герцоглар рози бўлишса, бу қулайликларни шартнома ёки аҳдлашув шаклида расмийлаштириш мумкин бўлади.¹

Баланд бўйли, оппоқ юнонча соқоли кўксига тушиб турган епископ Иоан ўзини итальян деб таништирганига қарамай, унинг шахси ва миллати хусусидаги баҳслар ҳалигача давом этиб келмоқда. Аввало унинг шахси хусусида. Кўпчилик уни бошқа бир Жанлар билан адаштириб юради. Биз сўз юритаётган Жан (Иоан) ўша даврдаги Рим папаси Бонифаций IX нинг 1398 йил 23 августдаги фармонида бинноан Султония шаҳрининг епископи этиб тайинланганига қадар Нахичеванда хизматда бўлган.² Буни таниқли француз шарқшунос олимлари Силвестр де Саси³ ва Ҳ.Моранвилелар ҳам тасдиқлайдиди.⁴ Бироқ Ҳ.Моранвиленинг таъкидлашича, Султония шаҳри алоҳида епископликни ташкил этмаган, аксинча, Нахичеван епископлигининг қароргоҳи Султонияда жойлашган. Нахичеванда биз сўз юритаётган Иоандан олдин ва ундан кейин бошқа Жанлар

¹ Cronographia regum Francorum, t.III, ad annum 1403.

² Richard Jean. La papauté et les missions d'Orient au Moyen Age (XIIIe-XVe siècles), Ecole française de Rome, 1977, p.p. 181-182; La route de Samarkand au temps de Tamerlan par Ruy Gonzalez de Clavijo, traduite et commentée par Lucien Kehren. – Paris: Imprimerie Nationale, 1990. – P. 51.

³ Sacy Silvestre de. Mémoire sur une correspondance inédite de Tamerlan avec Charles VI, Mémoires de l'Académie des inscriptions et belles – lettres. – Paris, 1822.

⁴ Mémoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403 par H. Moranvillé, Extrait de la Bibliothèque de l'Ecole des chartes. – Paris, 1894.

ҳам епископлик қилишган. Булар Жан де Кора (1346 йилда оламдан ўтган), Жан Галонифонтибус (1377 – 1398)лардир.¹

Бироқ Руи Гонсалес де Клавихонинг *La Route de Samarkand au temps de Tamerlan 1403-1406* («Амир Темур даврида Самарқандга саёҳат – 1403 – 1406 йиллар») китобига битган изоҳида Люсьен Керен «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» асарининг муаллифини Жан III деб ҳисоблайди ва уни 1412 йил оламдан ўтган деб кўрсатади.²

А.Керен ўзининг ушбу фикрига Жан Ришар ва А. Лонертс келтирган маълумотларни асос қилиб олади.

Силвестер де Саси ҳам епископнинг мақомини Жан III деб кўрсатиб, у нақ 1423 йилгача, яъни Жан III иш бошлагунига қадар Султонияга епископлик қилган, деб ҳисоблайди: «L'examen critique que j'ai fait des autorités qui peuvent servir et décider cette question, m'a conduit à établir, qu'en l'année dont il s'agit, ce siège était effectivement occupé par un frère archevêque, nommé Jean II^e du nom, qui y été élevé en 1398.»³ – «Бу масалага аниқлик киритишга қодир масъул шахслар ҳузурида олиб борган изланишларим натижасида шундай хулосага келдимки, ҳақиқатан ҳам сўз юритилаётган йили (1402, Амир Темурнинг

¹ Бу ҳақдаги маълумотлар Силвестр де Саси ва Ҳ.Моранвилеларнинг қайд этилган асарларида ҳамда *La Route de Samarkand au temps de Tamerlan par Ruy Gonzalez de Clavijo*, traduite et commentée par Lucien Kehren. – Paris: Imprimerie Nationale, 1990. – P.51 да келтирилган.

² *La Route de Samarkand au temps de Tamerlan par Ruy Gonzalez de Clavijo*, traduite et commentée par Lucien Kehren. – Paris: Imprimerie Nationale, 1990. – P.52.

³ Sacy Silvestre de. Mémoire sur une correspondance inédite de Tamerlan avec Charles VI, Mémoires de l'Académie des inscriptions et belles – lettres. – Paris, 1822. – P. 10

Франция қироли Карл VI га мактуби битилган йил, таъкид бизники – Б.Э.) мазкур лавозимни 1398 йилда тайинланган доминикан мазҳабидан бўлмиш Жан III исмли руҳоний эғаллаб турган.» (таржима бизники – Б.Э.).

Биз таниқли темуршунос олим Л.Кереннинг фикрига қўшиламыз ва «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» муаллифи бўлмиш Султония епископи Иоаннинг мақомини тадрижий ва мантиқий равишда (Жан де Кора ва Жан Галонифонтибусдан кейин) Жан (Иоан) III деб ҳисоблаймиз. Султониялик Иоаннинг миллатига келсак, юқорида кўриб ўтганимиздек, у ўзини италян деб таништирган бўлса-да, баъзилар уни чиндан ҳам италян,¹ баъзилар француз, баъзилар эса ҳатто инглиз деб ҳисоблашади.²

Бироқ энг ажабланарлиси шундаки, Ҳ.Моранвиленинг гувоҳлик беришича, Амир Темурнинг элчиси бўлмиш султониялик Иоан ўзининг «Амир Темур ва унинг саройи» номли эсдаликларини нафис француз тилида битиб, қирол Карл VI саройида тарқатган, соф француз тилида маъруза қилган.³

Бу бизнингча, айрим замонавий муаррихларнинг султониялик Иоан «телбасифат» инсон бўлган, деган даъволарини пучга чиқаради.⁴

¹ Richard Jean. La papauté et les missions d'Orient au Moyen Age (XIIIe -XVe siècles). – Rome: Ecole française de Rome, 1977. – P.182; R.Loenertz, O.P., Evêques dominicains des deux Arménies, Archivum Fratrum Praedicatorum, X, 1940. – P. 260-1; Moranvillé H. Mémoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403. – Paris, 1894. – P.2.

² Le Roulx J. Delaville. La France en Orient au XIVe siècle. – Paris, 1886. – P.391.

³ Moranvillé H. Mémoire sur..., PP. 2-3.

⁴ La Route de Samarkand au temps de Tamerlan par Ruy Gonzalez de Clavijo, traduite et commentée par Lucien Kehren. – Paris: Imprimerie Nationale, 1990. – P.50.

Епископ Иоаннинг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»и номаълум таржимон томонидан лотин тилига ағдарилган бўлиб, у *Chronographia Regum Francorum* («Франклар қироллари солномаси»)да тўлалигича келтирилган.¹

Кастилия қироли Энрике (Генри) III нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг 1404 йилда Самарқандга ташриф буюргани ва унинг буюк Соҳибқирон томонидан илиқ қабул қилингани тарихдан яхши маълум. Клавихонинг ўзи ушбу қабул маросими ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Шунда Темур Бек бизга он ҳазрат қиролимиз ҳақида саволлар берди: «Қирол ўғлимнинг ишлари қалай? Аҳволи яхшими? Соғлиги жойидами?» Биз унга жавоб бердик ва ўз ташрифимиздан мақсадимизни сўзладик; у бизни диққат билан тинглади.»² Бир қарашда нима учун Амир Темурдек буюк зот йироқдаги Кастилия қиролини «ўғлим» деб атагани ўқувчиға қоронғулигича қолади. «Етти иқлим султони» китобининг муаллифи, англиялик Хильда Хукхэм бу ҳақда сўз юритар экан, «ўғил» сўзи тобеинларга нисбатан мурожаат шакли эди», деб ёзади.³ Бунга ўзбек олими, тарих фанлари номзоди А.Зиёев ҳам қўшилади: «Ўша замон дипломатияси тилида «ўғлим» дегани – «менга тобе» дегани бўлган.»⁴

¹ Chronographia regum Francorum, t. III, publiée pour la Société de l'Histoire de France par H. Moranville. – Paris, 1897. – P. 206-223.

² Клавихо Руи Гонсалес де. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). – М.: Наука, 1990. – С. 106(44а). Таржима бизники.

³ Хильда Хукхэм. Етти иқлим султони. – Т.: Адолат, 1999. – Б.282.

⁴ Зиёев Азамат. Темур – марказлашган давлат асосчиси./Амир Темур: Шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг Мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти / Конференция ҳақида ҳисобот Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум материаллари (Самарқанд, 1996 йил, 27-29 сентябрь); Самарқанд шаҳри ҳокимияти, Конрад Аденауэр фонди. – Т., 1997. – Б.61-62.

Биз, афсуски, уларнинг бу фикрига қўшилмаймиз. Бунга сабаб, биринчидан, инглиз адибаси ва А.Зиёевдан ўзга на шарқлик ва на ғарблик бирор муаррих бундай фикрни билдирмаган. Иккинчидан, Кастилия ва Леон қироли Энрике III Амир Темурга тобе бўлмаган. Амир Темур ўз вассаллари ёхуд тобеинларини «ўғлим» деб атагани ҳақида ёки уларга шундай мурожаат қилгани ҳақида тарихда бирорта ҳам мисол йўқ. Бу саволга жавоб бериш учун эса, аввало, Энрике III нинг ҳаётига ҳамда Амир Темур билан Кастилия қироли ўртасидаги муносабатлар тарихига назар солмоқ лозим.

Энрике III 1379 йили Бургос шаҳрида Кастилия қироллари оиласида дунёга келган. Унинг бобоси Педро даврида ҳам, отаси Хуан I даврида ҳам Кастилия Португалия билан тинимсиз урушда бўлган. Хуан I ҳукмронлиги даврида эса мамлакат жуда танг аҳволга тушиб қолади: Кастилияга қарши курашда Португалияга Англия қиролининг қариндошларидан бири, Ланкастер герцоги ёрдамга келади. Хуан I Ланкастер герцоги билан музокаралар олиб бориб, битим тузади ва ўғли Энрикени унинг қизига уйлантиради. 1390 йили отаси отдан йиқилиб тушиб, бевақт вафот этганида Энрике III га оғир мерос қолганди: Португалия билан уруш давом этар, мамлакат ичкарасида ҳам заминдорларнинг ўзаро курашлари тўхтамас, ўлканинг иқтисодий аҳволи ниҳоятда оғир эди.

Энрике III ҳали ёш бўлганлиги учун мамлакатни уч йил давомида отаси васият қилиб кетган регентлар Кенгаши бошқаради. Бироқ 1393 йили тахтга ўтирган Энрике III қисқагина ҳукмдорлиги даврида мамлакатда тинчлик ўрнатади, иқтисодий аҳволни ўнглади. Унинг қўли остида Кастилияда «энрик» деб

аталувчи ҳозирги кунгача машҳур тилла танга зарб этила бошланди, мамлакатда тикувчилик ва тўқима-чилик саноати ривожланди, мавр ва испан готикасининг меваси бўлмиш мудеяр меъморчилик санъати гуллаб яшнади. Мадрид кўчалари кенгайтирилиб, Фавворалар ўрнатилди, мамлакатдаги илк қироллар саройи Эл Прадо бунёд этилди. Айниқса, Энрике III одамларни қобилиятларига қараб ишга тайинлар, амалдорларни қаттиқ назорат қилар, фуқаролар хурматига сазовор бўлган эди.¹

Ташқи сиёсат борасида ҳам Энрике III мохир дипломат сифатида танилди. Португалия билан ўн беш йиллик тинчлик битими имзоланди, Гренада билан яхши қўшничилик алоқалари ўрнатилиб, Кастилия дунёга танила бошлади. Қирол ўз олдига қўйган қатор режаларини амалга оширишига оғир касаллик ҳалақит берган. Энрике III номига ёшлигиданоқ «хаста» (el Dolente) сўзини қўшиб айтишарди, бироқ унинг нима билан оғригани ҳақида тарихда аниқ маълумотлар йўқ. Шундай бўлса ҳам унинг ғайратидан, тиниб-тинчимаслигидан замондошлари ғоят ҳайратланишган. Энрике III ўша пайтда Кичик ва Марказий Осиёда рўй бераётган воқеалардан яхши хабардор бўлган, Йилдирим Боязид Европага солаётган таҳдиддан ташвишга тушган. Шу сабабли ҳам у Боязид ва унинг ниятларидан воқиф бўлиш ҳамда Амир Темур ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун Шарққа элчилар юборди.

Энрике III юборган вакиллардан икки кишининг номларини биламиз: булар Понтеведра амлокининг эгаси Пайо Гомес де Сотомайор ҳамда аревало (Авила провинцияси)лик аслзода Ҳернан Санчес

¹ Historia social y economía de España y America, La Baja edad media peninsular. – Barcelone, 1971. – P.87.

Паласуэлослардир. Тарихда элчиларнинг қачон йўлга чиққанликлари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ, бироқ улар 1402 йили 28 июлда Анқара жангининг шохидлари бўлишган, жанг тугар-тугамас Амир Темурни зафар билан қутлашган. XVII асрда яшаб ўтган испан тарихчиси Гил Давила Гонсалес «Кастилия қироли Энрике III нинг ҳаёти ва фаолияти» китобида ёзишича, Амир Темур элчиларга жанговар қуроолар тўхфа этган.¹ Бундан боши осмонга етган Паласуэлос Амир Темур берган шамшир билан ҳатто жангда ҳам иштирок этган. Унинг мардлигини кузатиб турган Соҳибқирон «тутинган ўгли» бу учрашувдан хотира сифатида бундан буён ўз исми-шарифига «Амир Темур» номини қўшиб айтса яхши бўларди, деган фикр билдирган. Паласуэлос бундай илтифотдан бағоят хурсанд бўлган ва умрининг охиригача ўзининг исми-шарифини Ҳэрнан Санчес Паласуэлос Амир Темур деб юритган. Зикр этилган муаррих таъкидлашича, бу учрашувдан кўп йиллар ўтиб Паласуэлос ҳаётдан кўз юмгач, унинг Аревало шаҳри яқинидаги Рапариегос монастири ҳовлисига қўйилган қабри устидаги тошга қуйидаги сўзлар битилган экан: «Бу ерда Дон Энрике III нинг сарой аъени ва унинг Буюк Амир Темур ҳузуридаги элчиси муҳтарам рицар Ҳэрнан Санчес Паласуэлос Амир Темур ётибди...»²

Соҳибқирон томонидан илиқ қабул қилиниб, унинг ҳузурида бир неча кун меҳмон бўлган Сотомайор ва Паласуэлослар Энрике III нинг мол-мулки ва куч-қудратини кўкларга кўтаришган, унинг Амир Темур билан дўстона алоқалар ўрнатиш ниятида эканлигини маълум қилишган. Соҳибқирон

¹ Gonzales Gil Davila. Historia de la vida y hechos del rey Henrique tercero de Castilla. – Madrid, 1638. – P.174.

² Ўша жойда, P.175.

бундай алоқаларни қутлашини билдирган ва шу ердаёқ Кастилия қиролига мактуб биттирган.

Мактубдан кўриниб турганидек, соҳибқирон Амир Темур динидан, эътиқодидан қатъи назар, Кастилия қироли билан ҳам яхши муносабатлар ўрнатиш тарфдори бўлган. Шу сабабли ҳам у ўз юртларига қайтиб кетаётган элчилар орқали Энрике III га қимматбаҳо совғалар бериб, ўз элчиси ва унинг беш ҳамроҳини элчиларга қўшиб жўнатган.

Элчилар 1403 йил февралида Кастилияга омон-эсон етиб боришади. Уларни ва Соҳибқирон йўллаган элчи Муҳаммад Кешийни қирол Энрике III ўзининг Сеговиядаги қасрида қабул қилади. Амир Темурнинг эҳтиромидан Энрике III бағоят таъсирланади ва дўстона муносабатларни ривожлантириш учун зудлик билан Самарқандга янги элчиларни жўнатиш тараддудига тушади. Бироқ Пайо Гомес де Сотомайор олиб келган маълумотлардан қониқмаган Кастилия қироли ақл-заковати, нотиклиги ва бошқа кўп хислатлари билан ажралиб турган мадридлик аъёни Руи Гонсалес де Клавихони элчи лавозимига тайинлайди. Унга ҳамроҳлик қилиш учун диншунос олим Алонсо Паес де Санта Мария ва қирол гвардияси зобити Гомес де Саласар танланади.

1403 йил 21 майда Кастилиянинг Санта Мария бандаргоҳидан йўлга чиққан элчилар (Гомес де Саласар йўлда – Нишаниурда вафот этади) узоқ йўл босиб, 1404 йил 8 сентябрида Самарқандга кириб келишади. Соҳибқирон Клавихо ва унинг ҳамроҳларини қандай қабул қилгани бизга маълум. Кўриниб турганидек, Амир Темур Клавиходан «Энрике ўғлимнинг соғлиғи қалай?» деб сўраганида тамоман ҳақли эди. Зеро, у дастлабки испан элчилари ва Кастилияга бориб қайтиб келган ўз элчиси Муҳаммад Кеший

орқали Энрике III нинг хасталигидан хабардор бўлган. Бу билан у ўзининг нафақат ўта маданиятли ва доно давлат раҳбарчилигини намоён этган, балки ўз салтанати билан дўстона муносабатлар ўрнатган узоқ Кастилия қиролига оталарча ғамхўрлик кўрсатган. Амир Темурнинг қирол элчиларига айтган қуйидаги сўзлари ҳам айнан шундан далолат беради: «Қирол сизларни совғасиз, фақат (биргина) мактуб билан юборганида ҳам мен ўғлимнинг аҳволи ва соғлигини билиб, совға олгандай хурсанд бўлув эрдим.»¹

Самарқандда икки ярим ой меҳмон бўлган Клавихо ва Алонсо Паес де Санта Мария 1406 йил 2 мартда ватанларига қайтиб боришади ва 24 март куни ўша пайтда Алкала де Хенаресда истиқомат қилаётган қирол Энрике III томонидан қабул қилинадилар. Қирол Клавихонинг ҳисоботидан катта қониқиш ҳосил қилган. Энрике III 1406 йил 25 декабрда йигирма етти ёшида оламдан ўтган. Энрике III дан сўнг Клавихо унинг ўғли Хуан II га садоқат билан хизмат қилади ва 1412 йил 2 апрелда бандликни бажо келтиради. Клавихо Самарқанд сафаридан сўнг ўзи Мадридда қурдирган Муқаддас Франсуа мазҳаби черковига дафн этилган. 1760 йилда черков таъмирланиши муносабати билан қадимги қабрлар бузиб ташланган, 1936 йилги кучли ёнғин натижасида эса бузилмай қолган қабрларга тааллуқли хужжатлар ҳам ёниб кетган. Соҳибқирон билан суҳбатлашиб, бир дастурхондан тамадди қилган жасур кастилияликнинг излари шу тариқа йўқотилган. Клавихонинг кундаликлари илк марта 1582 йили

¹ Клавихо Р.Г.де. Самарқандга, Темур саройига қилинган саёҳат кундалиги (1403-1406). "Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида" тўпламида. Т., 1996, 64-бет, Очил Тоғаев таржимаси.

Севилияда Аргот де Молина (1549 – 1596) томонидан нашр этилган ва шундан сўнг дунёнинг бир қатор тилларига қайта-қайта таржима қилинган. Испанияда унинг кундаликлари бўйича диссертация ҳам ёқланган. Франсиско Лопес Эстрада томонидан тайёрланган «Амир Темур хузурига элчилик – XV аср қўлёзмаси таҳлили ва нашри» номли бу диссертация 1943 йили Мадридда Илмий тадқиқотлар Олий кенгашида ҳимоя қилинган.¹

АМИР ТЕМУР – АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, епископ Иоаннинг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»и Амир Темур билан Самарқандда учрашган европалик бошқа бир инсон – Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундаликлар»и каби Амир Темур шахси, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги бебаҳо ҳужжат ҳисобланади. «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» («Mémoires sur Tamerlan et sa cour») 23 қисм (боб)дан иборат бўлиб, унда Соҳибқирон Мовароуннаҳр тахтига ўтирган кундан бошлаб, 1402 йил август ойигача бўлиб ўтган асосий воқеа ва ҳодисалар тилга олинади, Амир Темурнинг ғанимлари ва дўстлари, у ўз салтанати ва қўшинида ўрнатган тартиб-қоидалар, унинг давлат арбоби ва саркардалик фаолияти, Соҳибқирон шахси, ҳатто унинг феъли-диди ҳамда қизиқишлари ҳақида қимматли ва бошқа ҳеч ким тилга олмаган маълумотлар келтирилган. «Хотиралар»нинг икки

¹ Estrada Francisco Lopez. Embajada a Tamorlan – Estudio y edicion de un manuscrito del siglo XV. – Consejo superior de Investigaciones científicas. – Madrid, 1943.

Французча қўлёзмаси мавжуд бўлиб, улар Франция Миллий кутубхонасининг француз фондида 5624 (fol.63 V^o) ва 12201 (fol.84 I^o) рақамлари остида сақланмоқда. Мазкур қўлёзмалардан бири кичик Арманистон қироли Хетум I нинг жияни, Горигос ҳокими Хетумнинг «Шарқ тарихлари гулдастаси» («Fleur des histoires d'Orient») номли асарига илова тариқасида – муаллифнинг қаламига мансуб асар сифатида киритилган: «Et incontinent apres la fin de ses hystoires nous avons trouvé l'hystoire d'ung Tartarin qu'il nomme Themur Bey...»¹

«Унинг (Хетумнинг) тарихларининг давоми сифатида биз Темур Бей деб аталмиш бир татар*нинг тарихини топдик...» (таржима бизники – Б.Э.) (*Европа мамлакатларида ёзилган ва нашр этилган кўплаб бадиий ва илмий китобларда Моваруннаҳр ерлари ёки Соҳибқирон Амир Темур давлати «Татария», миллати эса «татар» дея талқин қилинган. Бундай англашилмовчиликлар бошқа кўринишларда ҳам учрайди. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлар давлати «Буюк мўғуллар империяси»дея тилга олинади. Амир Темур номи эса «Тамерлан» тарзида берилади. Тарихдан маълум, Соҳибқирон бобомиз 1362 йилда ўнг оёқ ва ўнг қўлидан яраланади. Ул зотнинг ганимлари томонидан Амир Темурга нисбатан ҳақорат тарзида айтилган бу атама кейинчалик Европага тарқалиб кетади. Асарлар мазмунидан кўриниб турибдики, кўпчилик гарблик муаллифлар аслида бу номнинг маъносини тушунмаган ҳолда уни жаҳонгирнинг исми деб билади. Албатта, бундай нотўғри талқин ва ифодаларга нисбатан биз хорижий олим ва адиблар дунёқарашида ҳаққоний муносабатни шакллантириб бориши-

¹ Франция Миллий кутубхонаси, босма асарлар бўлими, O2r 18, fol. LX.

миз керак. Шу боис биз аслиятдаги «Татария», «татар», «Тамерлан» атамаларини таржима талқинида тахрир қилиб, тузатиб кетишга ўзимизни бурчли деб билдик. Тарихий ҳақиқатни тиклаш ҳар биримизнинг вазифамиздир. – Муҳаррирдан.) **Бир оз пастроқда ношир ўз «билимдонлиги»ни қуйидагича намоён этади: «Frere Hayton appelle Tamburlan Themur Bey; c'est un propre nom qui est dit de Themur, qui vault autant y dire comme seigneur...»¹**

«Биродар Хайтон Тамбурланни Темур Бей деб атайди; бу атоқли от бўлиб, «Темир» сўзидан олинган ва «хукмдор» деган маънони билдиради.» (таржима бизники – Б.Э.).

Бирок Ҳ. Моранвиленинг гувоҳлик беришича, бунда зикр этилган адибнинг заррача ҳам айби йўқ, зеро у XIV аср бошида оламдан ўтган,² Епископ Иоаннинг «Хотиралари» эса ундан бир аср кейин яратилган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, биз мазкур бўлимда епископ Иоаннинг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»ининг Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган ҳар икки қўлёзмаси матнларини қиёсий-танқидий таҳлил қиламиз, айрим ўринларда асарнинг лотинча таржимасидан ҳам фойдаланамиз.

Биз Султония епископининг хотираларини ўрганар эканмиз, у келтирган маълумотларнинг нечоғлик тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш учун Амир Темурнинг бошқа замондошлари ёзиб қолдирган фикрларига мурожаат қилишга мажбурмиз. Бу-

¹ Франция Миллий кутубхонаси, босма асарлар бўлими, О2r 18, fol.LXI.

² Moranvillé H. Mémoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403. – Paris, 1894. -P.3.

лар Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга, Темур саройига қилинган саёҳат кундалиги (1403-1406)», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»си, Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» ва бошқа асарлардир. Айрим баҳсталаб ўринларда аниқлик киритиш учун йирик француз шарқшунослари ва замонавий муаррихларнинг фикрларига ҳам муурожаат қиламиз.

Епископ Иоанинг «Хотиралари» билан илк бора танишган кишида у афсоналар ва ҳақиқат омукта-сидан иборат асар, деган таассурот туғилиши таби-ий. Ҳақиқатан ҳам «Хотиралар» муаллифи Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ қатор маъ-лум ҳамда номаълум афсона ва ривоятлардан кенг фойдаланган. Асарнинг дастлабки «Темур Бейнинг тахтга ўтириши» деб номланган бобидаёқ Клавихо ва Ибн Арабшоҳнинг асарларидан бизга яхши та-ниш бўлган Амир Темурнинг йигитлик йилларида-ги саргузаштлари билан боғлиқ афсонага дуч кела-миз. Епископ Иоан ёзиб қолдирган ҳикоя Кастилия элчиси ва араб муаррихининг талқинларидан деяр-ли фарқ қилмайди.¹ Епископ Иоан «Хотиралари»да:

«Ce seigneur icy fut au commencement de petite condicion et de petite renommé, ne il n'avoit pas dessoubz soy dix hommes, combien qu'il soit de commune bonne ligniée. Or, est il ainsi que en sa jeunesse, par sa sagesse et sciense malicieuse, il ot avecques soy sept autres jeunes et commença à venir en prosperité par maniere tyrannique, c'est assavoir par larrecins, comme en robant et pillant bestes et autres choses, par quoi il se multiplia

¹ Клавихо Руи Гонсалес де. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). – М.: Наука, 1990. – С.104-105 (42 а – б); Ибн Арабшоҳ. "Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур". – Т.: Меҳнат, 1992, 1-китоб. – Б. 68-75.

tant qu'il ot avec soy quarante compaignons, et ainsi doresnavant il commença à rober et pillier chevaulx, bestes, chasteaulx et terres et par ceste maniere il se augmenta tres fort en compaignie, en tant qu'il prist par force le chastel de Refuge, ouquel il mettoit toutes ses proies et ses roberies; et ainsi chascun jour il augmentoit et croissoit en chasteaulx, villes et terres.»¹

«Дастлаб бу ҳукмдорнинг қўли калта бўлган ва уни кўпчилик танимаган, унинг қўл остида ўзиникига ўхшаш оилалардан чиққан атиги ўн чоғлик маслақдоши бўлган. Бироқ у ёшлигиданоқ ўз ақл-заковоти ва топқирлиги ила етти ҳамроҳи билан кучга таяниб, моллар ва бошқа нарсаларга эғалик қилиб бойлик орттира борди, шу алфозда ҳамроҳларининг сони кўпайиб қирқтага етди, шундан сўнг у отлар ва бошқа жониворларни қўлга киритиб, қалъа ва амлокларни эғаллаб, маслақдошлари сонини ниҳоятда кўпайтирди, куч билан Рефюж қалъасини забт этди, моллар ва ўлжаларини ўша ерга жойлади; шу йўсинда унинг қалъалари, шаҳарлари ва амлоклари кундан-кунга кўпайиб ва кенгайиб борди.»²

Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундалиги»да: «Отец Тамурбека был благородным человеком..., но среднего достатка... и этот его сын [Тамурбек] начинал с того, что имел только столько [имущества], чтобы содержать себя и [еще] четырех или пять всадников... Возможно, поэтому или потому, что он был человеком храбрым, доброго сердца и щедро делился всем, что имел, присоединились к нему и

¹ Moranvillé H.. Mémoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403. – Paris, 1894. – P.10. Бундан кейин ушбу нашрдан олинган мисоллар қавс ичида қуйидаги кўринишда келтирилади: (Иоан, асар саҳифаси).

² Бу ерда ва бундан кейин француз тилидан таржималар бизники.

другие люди, так что [вскоре] у него стало триста всадников...»¹

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, епископ Иоан ҳикоясининг муқаддимасида зикр этилган Рефюж² қалъаси ва қўлга киритилган мол ва ўлжалар ҳақидаги маълумотлар Ибн Арабшоҳ битикларида ҳам айнан такрорланади.

«Кунлардан бирида Темурбек ўз ҳамроҳларига: «Бизнинг яқинимизда худонинг раҳмати ёғилиб турган Абу Туроб ал-Нахшабийнинг юрти-Нахшаб шаҳри бор. Бу шаҳар кўриқланиб, у баланд деворлар ичида яширингандир. Агар биз бу (шаҳар)ни эгалласак, у бизга таянч, мудофаа жойи, бошпана ва паноҳгоҳ бўлади.» – деди... Улар қўшинни тормор келтирдилар ва қўрғонлардан бирини эгаллаб, уни ўзлари қўлга киритган (нарса)ларини сақлайдиган қўрғонга айлантirdилар.». (Ибн Арабшоҳ, I,76-78).

Бундан ташқари, Қарши – Нахшаб шаҳри XIV асрдан шундай атала бошланган – номи шаҳар яқинида мўғуллар қурган қалъа («қарши» мўғул тилида «қалъа»ни билдиради) сўзидан келиб чиққанлигини ҳисобга оладиган бўлсак, (Ибн Арабшоҳ, 2, 112) епископ Иоан тилга олган Refuge (Рефюж) қалъаси «қарши» номининг французча таржимасидан ўзга нарса эмас.

Келтирилган мисолларнинг барчасида Амир Темур ўртамеъна ёхуд камбағал оиладан чиққан ва ўз фаолиятини мол ўғирлашдан бошлаган, деган фикр

¹ Клавихо Руи Гонсалес де. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). – М.: Наука, 1990. – С.104 (42 а-б). Бундан кейин ушбу нашрдан олинган мисоллар саҳифаси қавс ичида келтирилади.

² Французча refuge сўзи "бошпана", "истехком", "паноҳгоҳ" деб таржима қилинади. (Б.Э.)

ётибди. Бироқ, шуни ҳам унутмаслик керакки, бу Амир Темурдек афсоналарга бурканган инсон ҳақида у ҳаётлигидаёқ тарқалган ёхуд атайлаб тарқатилган миш-мишлардан ўзга нарса эмас.

Таниқли француз темуршуноси Л.Керен Амир Темурнинг ўнг қўли ва ўнг оёғидан қаерда, қандай ҳолатда жароҳатланганлиги ҳақидаги миш-мишларга тўхталиб, жумладан шундай деган эди: «Бу, биринчидан, Темурнинг – ҳамма нарсага қодир саркарданинг бундай миш-мишлар тарқатилишига бепарволик билан йўл қўйиб берганлигини кўрсатади, иккинчидан, эҳтимол, у оддий кишидан подшо тахтига кўтарилганлигини билдириб қўйиш учун бу хабарни атайлаб тарқаттиргандир?» (таъкид бизники – Б.Э.).¹

Келтирилган мисоллардаги гаплар ҳақиқатан ҳам миш-миш эканлигини муаллифларнинг ўзлари тасдиқлайдилар.

Клавихонинг таъкидлашича, у бу гапларни (яъни Амир Темурнинг ёшлиги ҳақидаги ҳикояларни) у ерда эмас, бу ерда эмас, айнан Соҳибқироннинг ватани Шаҳрисабзда ва унинг атрофларида эшитган: «...так, как было рассказано посланникам в этом городе и в других местах.»

Бу ҳикояларнинг ривоятдан иборат эканлигини у қўллаган «говорят» кесимидан ҳам билса бўлади. Ибн Арабшоҳ ҳам худди шундай кесим қўллайди – «яна айтишларича...».

Бу билан у ўзи китобхонга етказмоқчи бўлган воқеалар миш-мишлардан иборат эканлигига ишора қилади ва орадан кўп ўтмай, яъни икки саҳифадан сўнг, илгари ўзи айтганларини инкор қилади:

¹ Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. – Т.: Адолат, 1996. – Б. 60.

«Аммо энг тўғриси шуки, Темурнинг отаси зикр қилинган Тарағай султон давлатининг арконларидан бири эди.» (Ибн Арабшоҳ, I,71).

Епископ Иоан бундан кейин келтирган тафсилотлар ҳам бир қарашда Клавихонинг хикоясига яқин туради. Жумладан, епископ ёш Темурбек ва унинг сафдошларининг фаолияти Самарқанд ҳукмдорининг қўлоғига етиб, унинг қазабини келтирганини маълум қилади.

Бу ҳақда Клавихо эса шундай ёзади: «Слухи о том, что делал [Тамурбек], дошли до императора самаркандского, который был сеньором этой земли, и он приказал убить его где бы то ни было.» (Клавихо, 104/42^o).

Амир Темурнинг салтанат бошқарувини қўлга киритиш йўлидаги курашлари, жумладан, унинг Амир Хусайнни маҳв этиб, Сароймулкхонимни ўз никоҳига олиши ҳамда Мовароуннаҳр тахтига Суюрғатмишхонни ўтказишини епископ Иоан қўйидагича тасвирлайди:

«Et, Temir Bey poursuy ledit empereur, lequel trouva avec ses femmes et ses enfans et avecques petit de gens. Temir Bey haussa l'espée et occist l'empereur et prist l'une de ses femmes, laquelle estoit de la ligniée dudit empereur, et la prist à femme pour soy, et toutes les filles dudit empereur il les maria à ses filz; et les filz males, il les fist mourir, excepté un qu'il retint avecques lui, lequel estoit nommé Soltamacuch, dessoubz lequel nom Temir Bey se domine et regne. Et par ceste maniere, il print toute l'empire de Tartarie.» (Иоан, 11-12).

«Темур Бей зикр этилган императорнинг кетига тушди ва уни хотин ва фарзандлари, аъёнларининг кичик бир гуруҳи билан айш-ишрат қилиб турган чоғида учратди. Темур Бей шамширини кўтарди

ва императорни маҳв этди ва унга (императорга – Б.Э.) қариндош бўлган хотинини ўзига хотин қилиб олди, ўғилларига императорнинг қизларини олиб берди; императорнинг ўғилларини эса, биттасидан ташқари, ўлдиртирди; императорнинг тирик қолган ўғлининг исми Солтамакуш бўлиб, Темур Бей унинг номи билан ҳукмронлик қилди. Ва шу йўл билан у бутун империя ерларини қўлга киритди.»

Клавихода:

«А этого самаркандского императора недолюбливали его поданные, особенно простой люд, горожане и некоторые знатные. Они сказали Тамурбеку, чтобы он убил императора и [тогда] они его поставят у власти. И дело дошло до того, что однажды, когда император направлялся в какой-то город недалеко от Самарканде, Тамурбек напал на него, а тот бежал в горы и попросил встретившегося человека укрыть его и вылечить [от ран], обещая сделать его богатым, и отдал ему дорогое кольцо, которое носил. А тот человек вместо того, чтобы укрыть его, сказал о нем Тамурбеку, который тотчас явился и убил его. Потом он пошел на город Самарканде, взял его, захватил [власть], забрал жену [прежнего] государя и женился на ней, и теперь она считается его старшей женой, а зовут ее Кань (Биби-Ханым). А после этого он покорила империю Хорасания... и таким образом положил начало своему государству.» (Клавихо, 105/42^о).

Бироқ келтирилган мисолларда гап кетаётган ҳукмдор бир киши бўлмай, балки уч кишидир. Биринчи мисолда епископ Иоан ҳам, Кастилия элчиси ҳам айнан бир киши – амир Қазоғон ҳақида сўз юритмоқда. Иккинчи мисолда эса Клавихо дастлаб Илёс Хўжа, сўнг Амир Хусайн ҳақида ҳикоя қилса, епископ Иоан Амир Хусайн ҳақида сўз юритади.

Клавиходан фарқли ўлароқ, епископ Иоан Амир Темур салтанат бошқарувини ўзгаларнинг ёрдами билан қўлга киритди, деб кўрсатади:

«Voiant celsui Temir Bey s'en ala droit и l'empereur de Cathay, lequel estoit crestien de la sainture et qui estoit adversaire et ennemy de l'empereur de Tartarie. Si fist tant Temir Bey и cest empereur crestien qu'il ot de lui grant puissance de gens; par quoy il conquist moult de terres sur ledit empereur de Tartarie: et par especial il conquist et gagna la cité de Semercant, qui est es parties d'Orient, et estoit dudit empereur de Tartarie. Et adoncques il renvoya les gens dudit empereur crestien.» (Иоан, 10-11).

«Буни кўриб Темир Бей тўппа-тўғри Хитой императорининг хузурига борди, бу киши камарли насроний мазхабидан бўлиб, Мовароуннахр императорининг рақиби ва душмани эди. Темир Бей шу насроний император хузурида кўп ҳаракат қилиб, натижада ундан қудратли бир қўшинни ёрдамга олди; у бу қўшин билан зикр этилган Мовароуннахр императорининг кўп ерларини қўлга киритди; хусусан у Семеркант шаҳрини енгди ва эгаллади, шаҳар Шарқда жойлашган бўлиб, ушбу император давлатига қарарди. Шундан сўнг у насроний императорнинг одамларига рухсат берди.»

Маълумки, Амир Темур билан Амир Ҳусайн Мовароуннахрда якка ҳукмдорлик учун кураш олиб бораётган даврда мўғуллар хали ҳам минтақада йирик сиёсий куч ролини ўйнар эдилар. 1368 йил баҳорида Амир Темур улардан мадад сўраганида, мўғуллар рози бўлишган.

Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ қуйидагича ёзади:

«Шу пайтда Темур мўғулларга ҳам хат юборди. Улар хокимининг исми Қамаруддинхон эди. Мўғул-

лар Темур иродасига бўйсуниб, унинг тилагига амал қилдилар. Султон ерларини унинг қўлидан холис олиши учун ва унинг (султон) устидан ҳукм юритишини мўғуллар Темурга топширдилар... Мўғуллар ҳукмронлик жиловини унга топширганларидан кейин ўз ерларига қайтдилар.» (Ибн Арабшоҳ, I,78-79).

Шундан кейинги воқеалар ривожини епископ Жаннинг «Хотиралари»да ҳам, «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур»да ҳам бир-бирига жуда ўхшаш: Самарқандни қўлдан берган Амир Хусайн қаттиқ ғазабга келади ва қудратли қўшин тўплаб, Амир Темур билан янги муҳораба бошлашни режалаштиради.

Амир Хусайннинг шу пайтдаги аҳволини епископ Иоан қуйидагича тасвирлайди: «Voiant cecy, l'empereur des Tartres, qui estoit ainsi assailli et destoblé par ce Temir Bey, il assambla tres grant forces de gens pour aler contre son adversaire Temir Bey...» (Жан, 11)

«Темир Бей томонидан шу сифат хўрланган ва таҳқирланган император рақиби Темир Бейга қарши курашиш учун жуда катта қўшин тўлади...»

Ибн Арабшоҳ эса Амир Хусайнни қуйидагича тасвирлайди:

«Султон эса ўзининг бутун жидду жаҳди ё имконини ишга солиб, Темур оловини ўчиришга ва унинг пайини қирқишга тушди ва уни йўқотишни ўз олдига (мақсад қилиб) қўйди. Сўнгра у мавжланган денгиз мисоли сонсиз-саноксиз қўшин билан, ўзи бош бўлган ҳолда унга томон йўлга тушди...» (Ибн Арабшоҳ, I,79)

Шундан сўнг ҳар иккала муаллиф ҳам Амир Темур ишлатган хийла ҳақида сўз юритишади. Епископ Иоан талқинида Амир Хусайн Амир Темурга

қарши бевосита жанг қилиш ўрнига дастлаб унинг хузурига ўз элчиларини юборди ва ундан таслим бўлишни талаб қилади. Амир Темур элчиларни қабул қилар экан, қуйидагича найранг ишлатади: у рақибини доғда қолдириш ва ўзини нажотсиз, бетоб қилиб кўрсатиш учун, элчиларни хузурига киргазишдан олдин бир коса янгигина сўйилган мол қонини ичиб олади ва элчиларнинг талабларини бамайлихотир эшитиб бўлиб, ютган қонини қайт қилиб ташлайди ва бу билан ўзини ўлим тўшагида ётгандек кўрсатади. Элчилар ҳам Амир Темур ўлим тўшагида ётибди, курашишга ҳоли йўқ, деб қайтиб кетишади. Бу хушxabардан Амир Хусайн бағоят шод бўлиб, лашкарларига рухсат беради ва ўз яқинлари ҳамда кичик бир аскарлар гуруҳи билан қолиб, айшу ишратга берилади. Фурсатдан фойдаланган Амир Темур унга тўсатдан хужум қилади ва зафар қучади (Иоан, 11-12).

Ибн Арабшоҳ талқинида эса Амир Хусайн билан Амир Темур ўртасида жангнинг олдини олиб бўлмасди, зеро султон қўшинлари йўлга тушган эди. Амир Темур ўз ҳамроҳлари билан махфий сўқмоқлардан юриб, тун пардаси остида Қағалгар деб аталадиган жой яқинида султон қўшинларига етиб олади, рақиб эса уларни ҳам ўзларининг одамларидан деб ўйлайди. Амир Темур аскарлари ғанимга қўққисдан хужум қилиб, унинг кўп сонли қўшинини маҳв этадилар.

Епископ Иоан тасвиридаги Амир Темур ишлатган ҳийла афсонага ўхшаса-да, солномаларда шунга яқин бир ҳолатни учратиш мумкин. Жумладан, Низомиддин Шомий Амир Темур қўллаган қон билан боғлиқ бир ҳийла ҳақида шундай маълумот беради.

Ўз фаолиятининг бошидаёқ ёш Амир Темур Хўжанд вилоятининг амири Боязид Жалойир унга қарши тайёрлаган фитнанинг қурбони бўлишига бир баҳя қолади. Сухбат чоғида бу хиёнатни сезиб қолган Амир Темур бурнидан қон оқаётганини баҳона қилиб, ташқарига чиқиб кетади ва омон қолади:

«Амир Боязид эса Амир Соҳибқироннинг ёрдамида ғалаба қозониб, ҳукумат тахтига ўтирди. Шу аснода у хиёнаткорлик фикрида Амир Соҳибқиронга қасд қилди. Амир Соҳибқирон Худо кўнглига солиб, ўзининг равшан фикри ва сезгирлиги туфайли бу маънийни (олдиндан) сезиб қолди. Соҳибқиронни улуг Тангри келажакдаги буюк ишлар учун мўлжаллаб қўйганлигидан уни ўз химоясида сақлади: гўё қон келаетгандек, бурнини ушлаб мажлисдан чиқиб кетди ва дарҳол отга миниб... сахро томон жўнади ва бало денгизидан нажот сохилига етиб олди.»¹

Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ҳукмронлигини қўлга киритиши ҳақида Клавихонинг кундаликларига келтирилган талқин ҳам афсонага яқин бўлиб, шарқлик муаррихлар – Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг ҳикояларига ўхшаб кетади. Юқорида келтирилганидек, Клавихо Амир Темур билан Амир Хусайн ўртасидаги жангнинг сўнгги дақиқалари ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади:

«Тамурбек напал на него, а тот бежал в горы и попросил встретивщегося человека укрыть его и вылечить [от ран], обещая сделать его богатым, и отдал ему дорогое кольцо, которое носил. А тот человек вместо того, чтобы укрыть его, сказал о нем

¹ Шомий Низомиддин. Зафарнома. – Т., 1996. – Б.31-32. Бундан кейин мисоллар саҳтфаст қавс ичида келади.

Тамурбеку, который тотчас явился и убил его. Потом он пошел на город Самарканте, взял его, захватил [власть], забрал жену [прежнего] государя и женился на ней, и теперь она считается его старшей женой, а зовут ее Каньо (Биби-Ханым).» (Клавихо, 105/42^б).

Низомиддин Шомий ўз «Зафарнома»сида бу воқеага «Амир Хусайннинг қочгани ва минорага чиқиб олгани баёнида» номли алоҳида боб бағишлаган бўлиб, унда қуйидаги воқеа ҳикоя қилинади:

«(Амир Хусайн Балх қалъасидан чиқиб, минорага яширинди). Ғаройиб тасодифлардан бири шуки, бир киши отини йўқотган эди. Уни қидириб ҳар томон кезарди. Охири минора тепасига чиқиб, отини саҳродан қарамоқчи бўлди. Минорада Амир Хусайнни кўриб қолиб, таниди. Бечора Амир Хусайн жонининг хавфу хатаридан унга бир ҳовуч марварид бахшида қилди ва онг билан айтдики: «Менинг сиримни фош этма. Агар умрим вафо қилса ва давлатим қайтиб келса, сенга кўп яхшиликлар қиламан. Охират савобини бир Худонинг ўзигина билади». У киши... пастга тушиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига борди ва унга кўрган-билганларини сўзлаб берди.» (Низомиддин Шомий, Б.83-84 (59).

Келтирилган мисоллар ривоятга ўхшайди. Лекин баъзан ривоятларда ҳам жон бор. Зеро, мисолларнинг ҳар учаласида ҳам Амир Хусайн Амир Темурдан қочиб, баландликка (Клавихода – тоққа, Шомий ва Яздийда – минорага) яширинганлиги ҳикоя қилинади. Кўриниб турибдики, учала ҳикояда ҳам Амир Хусайн пора бериб ўз жонини сақлашга ҳаракат қилган, бироқ учала ҳолда ҳам у ўз мақсадига эришмаган. Бу, бир томондан, оддий инсонлар Амир Хусайнни нечоғлик ёмон кўришларию ёш Амир Темурга садоқатлари кучли эканлигини тасдиқласа,

иккинчи томондан, уларнинг эл-юрт тинчлиги, озодлиги, мустақиллиги ва келажаги борасидаги умидлари фақат Амир Темур билан боғлиқ бўлганлигидан далолат беради. Епископ Иоан Амир Темурнинг Мовароуннаҳр хукмронлигини қўлга киритиши ҳақида сўз юритар экан («Ва шу йўл билан у бутун империя ерларини қўлга киритди»), «Бу воқеалар рўй берганида у XL (қирқ) ёшга тўлган ёхуд ундан каттароқ эди» – *Quant ces choses icy furent faites, il y a bien XL ans ou plus*, дейди (Жан, 12). Бу билан епископ ўзи нафақат ўлкада рўй берган воқеа ва ходисалар ҳақида, балки Амир Темурнинг ёши тўғрисида ҳам аниқ тасаввур ва маълумотга эга эканлигини кўрсатади. Ҳақиқатдан ҳам, Амир Темур Балхда Султон Ҳусайн қўшинларини енгиб, Самарқандда қурултой ўтказганидан кейинги ўн йил ичида (1370-1380) «Мовароуннаҳр ва Туркистонда феодал тарқоқликка барҳам берилди. Мамлакат бир давлат бўлиб бирлаштирилди.»¹

Кўриниб турганидек, епископ Иоаннинг асарида афсона ва ҳақиқат уйғунлашиб кетган. У ўз «Хотиралар»ининг Амир Темурнинг бойликларига бағишлаган 12-бобида Соҳибқирон хазинасининг миқдори ҳақида ва у забт этган ўлкалардан йиғилган бойликлар ҳақида жумладан шундай дейди:

«*Et encores plus que tous les tresors qui sont mussiez dessoubz terre, par toutes ses provinces, il a fait querir et trouver et les a euz; et, l'an qui est passé, on dit qu'il trouva un balay qui poise cent et XVII saix, dont les VI saix font une once de cest paiz*» (Иоан, 18).

«Ва яна у ўз қўл остидаги барча вилоятлардаги ер ости бойликларини ҳам қидириб топдириб, уларга эга бўлди; айтишларича, ўтган йили (яъни 1401 йил)

¹ Аҳмедов Бўрибой. Амир Темур. – Т., 1995. – Б.589.

у оғирлиги юз ва XVII сә¹ келадиган бир жавоҳир топганким, VI сә бир унцияга тенгдир.»

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, ҳақиқатан ҳам 1401 йил май ойининг сўнгги кунларида, яъни Султония епископи Европага жўнаб кетишидан бир йил олдин Бағдод шаҳри қаршисида турган Амир Темурга амир Мусабек оғирлиги юз йигирма мисқол жавоҳир тақдим этган:

«Ушбу маҳалда Мусабек Мовароуннаҳр вилоятидин амирзода Муҳаммад Султон қошидан келиб, саломатлик хабарлар келтурди. Ва бир лаълким, юз йигирма мисқол эрди ва Бадахшон конидан ҳосил бўлуб эрди, соҳибқиронға торти.» (Шарафуддин Али Яздий, 248). Бу маълумотни Низомиддин Шомий ҳам тасдиқлайди.

Кўриниб турибдики, епископ Иоан келтирган маълумотлар тарихан рўй берган воқеаларга асосланган. Айниқса, Амир Темурга ҳадя этилган қимматбаҳо тош (лаъл) ва унинг оғирлигидаги аниқлик – 120 мисқол ва 117 сә – кишини ҳайратга солади. Мазкур бобда Амир Темур бойликлари ҳақидаги ҳикоясини давом эттириб, епископ Иоан жумладан шундай ёзади:

«Après, quant il ot prins la cité de Baldach, il trouva au fons du fleuve de Euftrate une nef où estoit tout le tresor et les joyaulx de tous les roys de Perse; et y trouva un arbre d'or tres pur et tres fin, où estoient pierres precieuses de diverses couleurs et de divers noms, et y avoit perles fines sans nombre telles que oncques on ne vit meilleurs ne les pareilles qui feussent de si tres grant valeur ne de si grant pris. Et toutes ses choses il envoya à Semercant, où il a XVIII palaiz tres grans, tous plains de

¹ сә – қадимий француз оғирлик ўлчови, тахминан бир мисқолга тенг келади (Б.Э.).

tresors, dont nul si ne pourroit souffisamment parler.» (Иоан, 18-19).

«Сўнгра, Балдаш (Бағдод – Б.Э.) шаҳри олинга-нидан кейин у Евфрат (Фирот) дарёсининг тубига ғарқ бўлган бир кемани топди, унда Форс қиролларининг барча бойликлари жойлаштирилган эди; хазинадан соф ва нафис олтин дарахт топилди, унда турфа рангли ва турфа номли қимматбаҳо тошлар ва сонсиз-саноқсиз марваридлар бўлиб, уларчалик катта аҳамиятга ва қийматга эга бўлган ёхуд улардан яхшироқ марваридларни ҳеч ким кўрган эмасди. Ва у бу нарсаларнинг ҳаммасини Семеркандга жўнатди, бу ерда унинг XVIII та улкан саройи бўлиб, уларнинг барчаси бойликларга шу қадар тўла эдики, ҳеч бир инсон уларнинг таърифини қилиб адо эта олмасди.»

Амир Темур ўзининг Бағдодга биринчи юриши чоғида на Фирот, на Дажла дарёсидан Султон Аҳмад Жалойирнинг хазинасини топгани ҳақида шарқлик муаррихлар ҳеч нарса демайдилар. Бироқ Бағдод иккинчи марта қамал қилинган пайтда, яъни 1401 йил ёзида, ўша хазина топилган бўлса ажаб эмас, зеро чиндан ҳам айнан ўшанда шаҳар ҳокими Феруж қочиб кетаётган кема Фирот дарёсига ғарқ бўлган эди.

Мазкур ҳодисани Шарафуддин Али Яздий қуйидагича тасвирлайди:

«Алқисса, Фаражи бедавлатким, Бағдод шаҳрида эрди, телбалардек ё фидойилартек жонидан кечиб, урушур эрди... Мансур черик тўрт ёндин кириб, ҳисор эли ҳар сориким қочиб борса эрдилар, анда ўқ ва қилич эрди. Фаражи бедавлат қизи билан кемага кириб, сувнунг юқори сори қочиб борур эрди. Ўқ захмидин ўзларини сувға солиб, балиғ таъмаси

бўлдилар. Ва маллохлар ҳукм била сувға кириб, Фаражнинг жасадини чиқардилар.» (Шарафуддин Али Яздий, 248).

Епископ Иоан Фирот дарёсига ғарқ бўлган кемадан топилган бойликлар орасидаги олтин дарахт тасвирига алоҳида тўхталади, бу дарахт ҳам бутун хазина қатори Самарқандга жўнатилаганини маълум қилади. Епископ мазкур олтин дарахт Самарқандга етиб борган-бормагани ҳақида лом-лим демаган, зеро у Соҳибқирон салтанатининг пойтахтида бўлмаган.

Бироқ 1404 йил Самарқандда Амир Темур билан мулоқотда бўлган Руи Гонсалес де Клавихо шу олтин дарахт ҳақиқатан ҳам бўлганлигини тасдиқлайди. Энрике III нинг элчиси уни Сарой Мулкхонимнинг чодирисида учратади. Клавихо дарахтни қуйидагича тасвирлайди:

«Ушбу хонтахта қаршисида эман дарахти шаклидаги «олтин» дарахт турибди. Дарахтнинг танаши одам оёғи йўғонлигича келади. Унинг шоҳларида эман дарахти баргларига ўхшаш япроқлар ҳар томонга таралган, баландиги одам бўйича бор. Дарахтнинг сарғиш, қизил, зангори ёқутлар, зумрадлар, ферузлар ва ажойиб йирик-йирик, думалоқ, сариқ марваридлардан «мевалари» бор эди. Бундан ташқари, дарахтга олтин қушчалар қўниб турибди. Қушчаларга ҳар хил сирли бўёқлар билан сайқал берилган. Баъзи қушчаларнинг қаноти туширилган, баъзилари тушиб кетадигандек бўлиб бутуқларга зўрға илиниб турибди, айримлари дарахтнинг ёқут, феруза, марварид ва бошқа тошлардан ишланган меваларини тумшукларида тишлаб турарди» (Очил Тоғаев таржимаси).¹

¹ Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Б.Аҳмедов таҳрири остида. – Т., 1996. – Б. 91-92.

Клавихо ёзиб қолдирган мазкур гувоҳлик Султония епископи Иоан ҳақиқатан ҳам ўз замонасида рўй берган муҳим воқеа-ҳодисалардан яхши огоҳ бўлганини яна бир бор тасдиқлайди, у битган мисраларнинг қийматини янада оширади.

Биз юқорида Султония епископни Иоаннинг Амир Темур ўз рақибларини алдаш учун ишлатган ҳийла-найранглари ҳақидаги фикрларининг гувоҳи бўлдик. Епископнинг хабар беришича, Соҳибқироннинг рақиблари ҳам унга нисбатан ҳийла-найранглар ишлатишган. Католик руҳоний ўз «Хотиралари»нинг ўн еттинчи бобида Амир Темур билан Қипчоқ хони Идику барлос ўртасида бўлиб ўтган бир воқеани тилга олади. Идику билан иттифоқ тузишни ихтиёр этган Амир Темур унинг қизларидан бирини келин қилиш ниятида Идику ҳузурига совчилар юборади. Идику совчиларни илиқ кутиб олади ва Амир Темур билан қудачилик қилишга рози бўлади. Бироқ, бўлажак келиннинг зеб-зийнатларию ўзининг сармояси камлигини баҳона қилиб, Амир Темурдан катта қалин сўрайди. Элчилар бу хабарни Амир Темурга етказадилар. «Элчиларнинг ҳисоботидан бағоят шод бўлган Амир Темур шу заҳотиёқ тилла, кумуш, жавоҳир ва қимматбаҳо шохӣ матолар ортилган XXV туя ва саройида энг юқори лавозимларни эгаллаган VIII баронни Қипчоққа жўнатди.» Бироқ Идику барча бойликларни қабул қилиб, элчиларни талайди, қизини эса Самарқандга юбормайди. Бундан Амир Темур ниҳоятда ғазабга келади. Султониялик епископ ҳикоя қилган мазкур воқеа хусусида Шарқ солномаларида ҳеч гап йўқ. Бироқ Р.Г.де Клавихо шунга ўхшаш воқеани ёзиб қолдирган:

«Между тем Тохтамиш (Тўхтамиш – Б.Э.), император Тарталии, и Тамурбек примирились и

вместе стараются обмануть Идигуя. Тамурбек послал сказать ему (Идигую – Б.Э.), что ведь ему известно, что он в его власти, что он его любит и прощает, если в чем-нибудь против него погрешил, и что хочет быть его другом; а чтобы между ними было родство, он предлагает женить своего внука на одной из его дочерей. Говорят, что этот Идигуй ответил ему, что он прожил с ним двадцать лет и был тем, кому он более всех доверял, и что знает его слишком хорошо и все его хитрости и что такими уловками его не провести, что он понимает, что все эти доводы только для того, чтобы обмануть, и если они действительно станут друзьями, так только на поле с оружием в руках, так он им ответил» (Клавихо, 144).

Клавихо қолдирган гувоҳликдан кўриниб турибдики, Амир Темур Идику билан ораларидаги нифоқни бартараф қилиш учун қуда-анда тутинишни (Хоразм шохи Юсуф Сўфи билан бўлгани каби) ва бунинг учун Идикунинг қизларидан бирини набира келин қилишни таклиф этган. Аммо, яна ўша Клавихонинг ёзишича, буни Идику рад этган. Демак, епископ Иоан ёзганидек, Амир Темур Идикуга қизи учун қалин сифатида 25 туядан иборат карвонни жўнатмаган. Бироқ епископ Иоаннинг хотираларини тадқиқ этган Ҳ. Моранвиле унинг гапида жон бор, деб ҳисоблайди:

«... l'exactitude ordinaire de l'archevêque de Sultanieh et la précision de la date qu'il donne feraient considérer son récit comme assez vraisemblable.»¹

«Султония епископининг тўғрилиги ва аниқ санани кўрсатиши (бундан икки йил бурун – Б.Э.) унинг ҳикоясини ҳақиқатга яқин, деб ҳисоблашга имкон беради» (таржима бизники – Б.Э.).

Ҳ.Моранвиле Шарафуддин Али Яздийнинг

¹ Moranvillé H. Mémoire sur Tamerlan et sa cour..., P.25.

«Зафарнома»сида бундай воқеа тилга олинмаганини эса қуйидагича изоҳлайди: «... il ne faut pas oublier que l'auteur persan est un panégyriste outré de Tamerlan: or, on s'explique qu'il ait évité de faire allusion à un épisode où Tamerlan est parfaitement ridicule».¹

«... форс адиби Амир Темурнинг жуда катта мухлиси эканлигини унутмаслик керак: шунинг учун у Амир Темур ниҳоятда кулгили аҳволга тушиб қолган сахнани эслатмасликка ҳаракат қилган бўлса керак» (таржима бизники – Б.Э.).

Бироқ шундай экан, Ҳ. Моранвилле нима учун Ибн Арабшоҳ бу ҳақда ҳеч нима демаганлигини ўйлаб ҳам кўрмайди? Бизнингча, агар шундай ёхуд шунга яқинроқ бирор воқеа ҳақиқатдан ҳам рўй берганида, Амир Темурга ўз муносабати билан Шарафуддин Али Яздийдан кескин фарқ қилган Ибн Арабшоҳ бундан усталик билан фойдаланган бўларди. Гарчи араб муаррихининг асарида «Идику ва у қилган иш ҳамда қай тариқа у Темурга чап бериб, уни алдагани баёни» деган алоҳида боб бўлса-да, унда епископ Иоан ҳикоя қилган воқеа эмас, мутлақо бошқа тарих тилга олинади: Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги 1395 йил апрель ойида Терек дарёси бўйида бўлиб ўтган ҳал қилувчи жангдан сўнг Соҳибқирон Самарқандга қайтади ва унинг эътиборини қозонган Идикуни ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлади. Амир Темурга бир мунча муддат ҳамроҳлик қилган Идику ўз қавми ҳузурига қайтмаса бўлмаслигини, зеро Тўхтамишхон уларни қириб ташлашлиги мумкинлигини баҳона қилиб, Соҳибқироннинг рухсати билан ортига қайтади. Бироқ Соҳибқирон тезда алданганлигини англайди:

¹ Moranvillé H. Mémoire sur Tamerlan et sa cour.... P.25.

«Идику Темурдан узоқлашгач, у (Темур) аввал ўзи қўлдан чиқазган (иш)ни тушунди ва Идикуни ўзининг ақлини ўғирлаб, чалғитганини фаҳмлади» (Ибн Арабшоҳ, I,158).

Амир Темурнинг бу пайтдаги ҳолати тасвири епископ Жан ва Ибн Арабшоҳда деярли бир хил.

Епископ: «...у (Амир Темур – Б.Э.) дунёда ҳеч ким мени бу қадар алдамаган, деб шунчалар изтироб чекдики, ҳеч ким бу ҳолга тушган эмас. У... ҳеч қачон бу сафарчалик ғазабланмаган эди ва умрида бунчалик куюнмаганини айтиб, бунинг учун ўч олмагунимча тинчимайман, деди» (таржима бизники – Б.Э.).

Ибн Арабшоҳ: «...у изтироб чекиб, ғазабланди; аламзада бўлиб, афсусланди. У ғазабидан тишларини гижирлатиб надомат қилди, лекин надоматнинг вақти эмас эди. У оз бўлмаса (Идикуга) ғазабидан ўзини ўлдираёзиб, (ушбу сўзлар) қадаҳларини ютди: «Бир куни келадик, унда золим ўз қўлларини тишлайди.» Айтишларича, зикр қилинган Идикудан бошқа ҳеч бир кимса Темурга чап бериб, уни на сўздаю, на амалда алдамаган» (Ибн Арабшоҳ, I,159).

Ибн Арабшоҳ ёзиб қолдирган воқеа 1395 йилда рўй берган, епископ Иоан ҳикоя қилган воқеа эса «бундан икки йил бурун», яъни у Парижга келиб «Хотиралар»ини қоғозга туширишидан (1403) икки йил бурун, тахминан 1400-1401 йилларда рўй берган дейилса, Клавихо ҳеч бир санани кўрсатмайди. Бундан ташқари, епископ Иоан ҳам, Клавихо ҳам кўпроқ бировлардан эшитганларига асосланишади, зеро епископ Амир Темур билан боғлиқ кўп воқеаларни Султонияда туриб қузатган бўлса, кастилиялик элчи Самарқандга 1404 йил сентябрида етиб келган, холос. Ибн Арабшоҳнинг ҳикояларида ҳам «айтишларича» кўп ишлатилади, зеро унинг асари-

да баён этилган воқеалар содир бўлган пайтларда у ҳали ёш бола бўлган. Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан таниш бўлган шарқлик муаррихлар асарларининг бирортасида ҳам унинг Идику билан қуда-андачилик қилиш нияти бўлганлиги хусусида ҳеч қандай маълумот йўқ. Демак, Ҳ.Моранвилленинг Шарафиддин Али Яздийни шу воқеа билан боғлиқ тафсилотларни атайлаб яширганликда айблаши ҳам мутлақо асоссиз.

Амир Темурнинг ёшлиги ва мамлакат ҳукмдорини енгиб (ўлдириб), унинг ўрнига ўзи тахтга ўтиргани ҳақида айнан шунга ўхшаш ривоятни Генуя дожи Баптиста Фулгосус (1479-1488) кундаликларида ҳам учратиш мумкин.¹

Султония епископни Иоаннинг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»ида ҳам афсона ва ривоятлар бор. Шундай ривоятлардан бири ҳақида епископ ўз асарининг «Темур Бейнинг имон-эътиқоди ва у кўрган башоратлар хусусида» номли XXII бобида қуйидагиларни ёзади:

«У (Амир Темур) тез-тез фаришталарни кўришини ва уларнинг ўзига қилган башоратларини айтиб юради ва бу дунёда нима иш қилса барисини Худонинг иродаси билан қилишини айтади. У кунлардан бир куни тушида фариштани кўрганини сўзлаб берди: эмишки унинг қаршисида ердан осмонгача етган нарвон турганмиш, тепада фаришта пайдо бўлиб, уни ўзи томон чорлармиш: «Ўрнингдан туриб, нарвонга чиқ», дебди унга фаришта. Темур Бей фаришта айтганини қилиб, LX (қирқинчи) қаватга кўтарилибди. Шунда фаришта унга: «Энди пастга туш», дебди. Темур Бей пастга тушибди. Шундан сўнг у бу тушнинг таъбирини сўрабди. Тушнинг

¹ Biographie universelle. – Paris, 1816. – P.4^l et 165.

таъбири қуйидагича экан: у бутун ер юзини эгаллаб, LX (қирқ) йил давомида соғ-омон хукмронлик қилар эмиш.»

Амир Темур 1370 йил тахтга ўтирган эди, Иоан ўз хотираларини 1403 йилда битган. Соҳибқирон бутун дунёни яна 7 йил ичида қўлга киритиши лозим эди. Бироқ у 1405 йил оламдан ўтди, демак унинг умри ҳақидаги башорат 5 йилга хато қилади.

Кастилия қиролининг Амир Темур ҳузурига жўнатган иккала элчиларининг Испанияга қайтганидан сўнг у ерда бу сафарлар, уларни амалга оширган инсонлар ва Амир Темур ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар пайдо бўлди. Клавихонинг асарида реал тарихий шахс сифатида тасвирланган Амир Темур Кастилияда афсонавий шахсга, халқ эртақларининг қаҳрамонига айланиб кетди. Бу афсона ва ривоятларни бутунлай инкор этиш мумкин эмас, зеро улар Амир Темур сиймосининг XV – XVI асрлар Европа бадий адабиётига кириб боришига йўл очиб берди.

АМИР ТЕМУР ЕВРОПАЛИК ҲАРБИЙЛАР НИГОҲИДА

Ўрта асрларда Ғарбий Европада буюк аждодимиз Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ўнлаб асарлар яратилган. Уларнинг барчасида Соҳибқироннинг саркардалик фаолияти ва ҳарбий санъатига алоҳида тўхталинади. Муаррих ва ҳарбийлар Амир Темурнинг ҳарбий маҳоратига юксак баҳо берадилар, уларнинг асарлари Соҳибқирон лашкарларининг нуфузи ва таркиби, қўшинда ўрнатилган тартиб-қоида ва интизомлар ҳақидаги маълумотларнинг аниқлиги билан ажралиб туради.

Францияда Соҳибқирон ҳаётлигидаёқ пайдо бўлган илк асарлардан бири **Франция Маршали Жан II Бусико** (1365-1421) қаламига мансуб бўлиб, у «Le Livre des faits du marechal Boucicaut» («Маршал Бусико амалга оширган ишлар») деб аталади. Ғарбий Европада, аниқроғи, Германияда Амир Темур ҳақида ёзилган асарлардан бири Иоханн Шильтбергернинг «Саёҳатлар» асаридир. Соҳибқирон ҳақида Жан II Бусиконинг хотиралари Ўзбекистонда хали ўрганилмаган, Иоханн Шильтбергер хотиралари эса бир марта рус тилида чоп этилган, холос.

Тарихдан яхши маълумки, Амир Темур Шарқда салтанати сарҳадларини кенгайтириб бораётган бир пайтда, Туркия султони Йилдирим Боязид ўз нигоҳини Ғарбга – Европага қаратган эди. Бундан хавотирга тушган Европа давлатлари ҳукмдорлари (Мажористон, Валахия, Франция ва бошқалар) Мажористон қироли Сигизмунд кўмондонлиги остида усмонли туркларга қарши салиб юришини ташкил қилдилар. 1396 йил 28 сентябрда Болгариянинг Дунай дарёси бўйида жойлашган кичик бир Никопол (ҳозир бу ерда 5500 одам истиқомат қилади – Б.Э.) шаҳри яқинида бўлган жангда Йилдирим Боязид қирол Сигзмунд бошчилигидаги европаликларнинг бирлашган кўшинини тор-мор этди. Бу ғалаба натижасида усмонли турклар учун Болқон ярим оролига кенг йўл очилди.

Никопол жангида иштирок этган Франция Маршали Жан II Бусико туркларга асир тушган ва жангнинг эртасигаёқ озод этилган. Маршал Жан II Бусико иккинчи марта 1399 йил турклар томонидан қамалга олинган Константинопол аҳолисига ёрдам қилиб, атиги минг кишилик лашқарга бош бўлиб, Эг-Мортдан олти кемада денгиз орқали йўлга

чиққан ва Константинопол қамалини ёриб ўтишга муваффақ бўлган ҳамда Византия пойтахтига келган. У Венеция ва Родосдан ёрдамга келган бир неча кема билан ўз қўшинини мустақамлаб (17 ҳарбий кема ва 1200 рицар), турк қирғоқларига қатор шиддатли хужумлар уюштирган, кўп ерларни вайрон қилган, аҳоли орасида ваҳима уруғини сепиб, истехкомларни забт этган ёхуд кулини кўкка совурган. Бу билан Боязидни Базелиус салтанати пойтахтини қамал қилиб турган қўшинларидан бир қисмини ўзига қарши ташлашга мажбур қилган эди. Шу вақтдан бошлаб Бусико Византия императори Мануэл II Палеолог хизматига ўтади.

Бу пайтда Йилдирим Боязид кудратининг тобора ортиб бораётгани, унинг Европага солаётган таҳдиди кўхна қитъанинг бошқа давлат раҳбарлари қатори Франция қироли Карл VI ни ҳам ғоятда ташвишга солиб қўйган эди. Икки бағоят муҳим сабаб: француз зодагонларидан тузилган қўшиннинг 1396 йили Боязид томонидан Никополда маҳв этилиши алами ҳамда худди шу йили ўз шарқий ҳудудлари тақдирини француз ҳукмдори кўлига топширган Генуя вассаллигини қайта тиклаш умиди Франция қироли Карл VI ни туркларга қарши курашда Амир Темур билан иттифоқ тузишга ундарди.

Қатор иқтидорсиз ёхуд омадсиз ҳокимлардан наф чиқмагач, Карл VI 1401 йили Генуяга обрў-эътиборли зодагонлардан бири, қаттиққўл ва садоқатли ижрочи Маршал Бусикони ҳоким этиб тайинлади. Бусико Генуянинг ҳокими бўлгач (1401-1407), шаҳарнинг Шарқдаги амлоклари тақдири билан шуғулланди; у амалга оширган биринчи тадбир Генуянинг Азов денгизи бўйидаги, Қримдаги, Шио, Фамагуст ва Перадаги савдо марказларига тафтишчилар юбориш

бўлди. У исёнкор генуяликларни тезда тиз чўқтирди. У ўз хабаргўйлари орқали Осиёда бўлаётган воқеа-ходисалардан огоҳ бўлиб, ўз навбатида Карл VI га мунтазам ахборот берган.

Айнан мана шу сабабдан Франция қироли Амир Темурнинг ўз салтанатининг ғарбий ҳудудларида жойлашган давлатлар устига зафарона юриши ва у билан Боязид ўртасида тўқнашув содир бўлишидан хабардор эди. Шу тўқнашув арафасида у Византия элчиси, доминикан мазҳабиллик руҳоний Франсуа орқали Улуғ амирга мактуб йўллади. Агар у туркларга хужум қиладиган бўлса, генуяликлар ва уларнинг ҳарбий денгиз кўшинларининг ёрдамини ваъда қилди. Чиндан ҳам кўп ўтмай Амир Темур Туркия ҳудудларига кирганида Бусиконинг амри билан Пера қалъаси деворларида Мовароуннаҳр ҳукмдорининг туғи ҳилпиради; бу билан Франция қироли ва Генуя шаҳрини ўз ҳимоясига олган Карл VI Боязидга қарши курашда Улуғ амир билан иттифоқ тузганлигини маълум қилди.

Бусико ўз китобининг XXXVII бобида Амир Темур шахсига тўхталиб, Соҳибқирон ва унинг кўшини ҳақида шундай ёзади:

«Ce Tamburlan etait de si haut courage qu'il avait l'intention de conquerir tout le monde si fortune lui eut voulu aider, mais il y faillit. Car, comme dit le commun proverbe, les hommes proposent et Dieu ordonne. Toutefois, par le tres grand travail en armes qu'il prit, auquel metier trente ans entiers il n'avait cesse ni repose en bonne ville, mais toujours aux champs avec si grand ost que c'etait merveille et par si grande ordonnance que toutes les necessites qu'il convenait pour fournir l'ost il menait avec soi, et si grande quantite de betes que merveille etait, et par si bon ordre qu'il n'y avait si petite

bete qui ne portait sa charge de quelque fardeau, meme les chevres et les moutons. Et les merveilles qu'il fit, et les grandes rivieres qu'il passa, et comment ses gens etaient endurcis au travail, ne serait sinon merveilles a raconter».¹

«Амир Темур багоят мард одам эди ва тақдир уни яна бир оз қўллаб-қувватлаганида бутун ер юзини забт этарди, аммо бу унга насиб этмади. Зеро, ҳаммага маълум бир мақолда айтилганидек, «ҳар бир иш Худонинг иродаси билан». Бироқ у қурол билан улкан ишни амалга оширди, у ўттиз йил давомида на жанг қилишдан тўхтади, на бир шаҳарда тузукрок тин олди, аксинча, ҳар доим мўъжизакор кўшини билан далаю даштда юрди ва лашкарлари орасида шундай қатъий тартиб ўрнатдики, уларнинг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган барча нарсани ўзи билан бирга олиб юрди. У амалга оширган мўъжизалар, у кечиб ўтган улкан дарёлар ва унинг меҳнатда тобланган одамлари қилган ишлар ҳақида мафтункор асарлар яратиш мумкин» (таржима бизники – Б.Э.).

Ҳарб санъатидан яхши хабардор бўлган Маршал Бусико буюк саркарда Амир Темур, унинг кўшини ҳақида тўлқинланиб ёзади. Биз келтирган парчанинг аслиятини кўздан кечириб, бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бусико Амир Темур ва унинг лашкарлари ҳақида гапирар экан «яхши» (bon, bonne), «тўлиқ» (entiers), «катта» (grand, grande), «буюк, улкан» (tres grand), «олий даражада, юксак» (haut), «мўъжиза, мўъжизакор, мафтункор» (merveille) сифатларини кўп қўллайди, уларни «шунчалар», «шу қадар» ва «багоят» (si) равишларига

¹ Walter Gérard. Le Mémorial des Siècles. XIV siècle, les hommes. Tamerlan par Marcel Brion. – Paris : Editions Albin Michel, 1963. – P. 275.

қўшиб ишлатади: *si bon ordre que* – шу қадар яхши тартиб; *si grand ost que* – шу қадар катта лашкар; *si grande ordonnance que* – шу қадар қатъий тартибли; *si grande quantite que* – шунчалар кўп сонли; *si haut courage que* – бағоят мард ва ҳ.к.

Маршал Бусико Генуяга 1407 йилгача ҳокимлик қилган. Францияга қайтгач, Бусико Англия ва Франция ўртасидаги юз йиллик (1337-1453) урушда иштирок этган. 1415 йил Франциянинг шимолида (Па де Кале департаменти) жойлашган кичик Азинкур шаҳарчаси яқинида Англия қироли Генри V қўшинлари билан бўлган жангда Маршал Бусико инглизлар томонидан банди этилган ва 1421 йил Лондонда тутқунликда вафот этган.

Бу мисол саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳарбий санъатининг европалик соҳа мутахассиси томонидан эътироф этилишининг ёрқин далилидир. Шу қадар нафис сатрларни битган Маршал Бусико, афсуски, бизга Амир Темур «амалга оширган мўъжизалар ҳақида мафтункор ҳикоялар» ёзиб қолдирмаган. Балки унинг вақти ёхуд имконияти бўлмагандир (доимий жанглар, асирликлар), балки бевақт ўлим бунга йўл қўймагандир.

Иоханн Шильтбергер ҳақидаги маълумотлар ҳам жуда кам. Бироқ биз Иоханн Шильтбергер европалик ҳукмдорлар усмонлик турклар истилосига қарши курашган даврларда яшаганини биламиз. Тарихдан яхши маълумки, 1352 йилдан 1396 йилгача Болқон ярим ороли ҳудудида Европа давлатлари қўшинлари билан усмонли турклар қўшинлари ўртасида бир неча қонли тўқнашувлар рўй берган. Энг даҳшатли тўқнашув 1396 йил 15 сентябрь куни Дунай дарёсига келиб қўшилувчи Шиль дарёси қирғоғида жойлашган Никополь (Болгария) шаҳри яқинида

рўй берган ва насроний рицарларнинг мағлубияти билан яқунланган.

И.Шильтбергер усмонли турклар ва Йилдирим Боязидга қарши жангда иштирок этган ва уларга асир тушган. Шильтбергер яна бошқа олтмиш банди билан Боязид томонидан Туркиянинг ўша пайтдаги пойтахти Брусса (Бурса)га олиб кетилган ва у ерда олти йил қолиб кетган.

Амир Темурнинг Яқин Шарқдаги етти йиллик юриши даврида (1399 – 1404) Миср мамлуқлари билан иттифоқчилик шартномасида бўлган Султон Боязид султон Сайфуддин Барқуқ (1382 – 1399)нинг илтимосига биноан унинг ҳузурига ўттиз минг аскарлик жанговар қўшинни жўнатади. Иоханн Шильтбергер шу қўшин сафида Мисрға жўнатилади, тахминларимизга қараганда 1401 йил охири ёки 1402 йил бошида Туркияга қайтади.

Анқара жангида (1402 йил 28 июль) Шильтбергер Амир Темур лашкарлари томонидан банди этилади ва Самарқандга олиб кетилади. Соҳибқирон вафоти (1405 йил 19 февраль)дан сўнг у дастлаб Амир Темурнинг Хуросондаги вакили Шохруҳ ҳузурида, сўнг Табризда шаҳзода Мироншоҳ ҳузурида хизматда бўлади. Мироншоҳ 1408 йил Қора Юсуф Туркман билан бўлган муҳорабада ҳалок бўлганидан сўнг Шильтбергер Мироншоҳнинг ўғли ва меросхўри шаҳзода Абубакрга хизматга ўтади. Шильтбергернинг ёзишича, Абубакр ҳузурида у тўрт йил хизмат қилган. Шундан сўнг Шильтбергер Олтин Ўрда хоңлари хизматида бўлган, бу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. И.Шильтбергер ўз ватанига 1427 йил Батуми, Константинополь, Краков, Эгер, Регенсбург, Ланстут ва Фрейзинген орқали

қайтиб келган. Ватанига қайтгач Шильтбергер ўз хотираларини ёзиб қолдирди. Иоханн Шильтбергернинг туғилган ва вафот этган йиллари аниқ эмас.

Румин олими М.Александреску-Дерска (Alexandrescu-Dersca) фикрича, унинг хотиралари илк бора 1557 йил Франкфуртда «Genfangenschaft in der Turkey» («Турк бандиси тарихи») номи остида нашр этилган. 1859 йилда эса Мюнхенда китобнинг бошқа бир варианты дабдабали «Reisen des Johannes Schiltberger aus Mynchen in Europa, Asien und Afrika von 1394 bis 1427» («Иоханн Шильтбергернинг Европа, Осиё ва Африка бўйлаб 1394 йилдан 1427 йилгача саёҳати») номи остида нашр этилди. Китоб рус (таржимон Ф.Браун, 1866), инглиз (таржимон Ж.Бушан Телфер, 1879) ва француз (таржимон Жозеф Мюллер, 1882) тилларига таржима қилинган.

Шильтбергернинг «Саёҳатлар»и Болқон ярим ороли, Кичик Осиё, Эрон, Яқин Шарқ ва Олтин Ўрда мамлакатларидаги XIV асрнинг 80-90-йиллари ва XV аср бошидаги мураккаб ҳарбий-сиёсий ҳолат ҳақида маълумотларга эга. И.Шильтбергернинг Олтин Ўрданинг XV асрнинг биринчи чорагида, феодал курашлар ва сулолавий ихтилофлар кучайган пайтидаги ижтимоий-сиёсий ҳолати ҳақидаги маълумотлари алоҳида аҳамиятга эга. Шильтбергернинг фикрича, XV аср бошида 25 йил давомида Олтин Ўрдада ўнта хон тахт алмашган.

Шильтбергер аҳолининг машғулоти, ахлоқи, одатлари ва диний этиқодлари, шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. «... аҳоли, – деб ёзади у, – донли ўсимликлардан фақат арпа экади. Улар, умуман нон ейишмайди, шароб ҳам ичишмайди, уларнинг ўрнини бия ва туя сути босади; улар бу

хайвонларнинг гўштини ҳам истеъмол қилишади. Таъкидлаш лозимки, бу давлатда подшо ва уламолар қишин-ёзин хотин, бола-чақалари, подалари ва бошқа мол-мулкани олиб бир яйловдан иккинчи яйловга кўчиб юради.»¹

Шильтбергер шу қадар қизиқувчан ва кузатувчан инсон бўлганки, унинг назаридан кўчманчилар ҳаётининг энг майда икир-чикирлари ҳам четда қолмаган. «Уларнинг овқатлари етишмаганида (отларнинг) қонини чиқариб, ҳаммалари бир бўлиб уни қайнатганлари ва еганларининг ўзим гувоҳи бўлганман. Худди шундай агар тезгина йўлга чиқиш зарур бўлиб қолса, улар бир бўлак гўштни силлиқ бўлакларга бўлишади-да, эгарнинг тагига жойлашади. Оч қолганларида шу гўштни тузлаб, кейин ейишади ва ўзларини яхши таом тайёрлагандек тасаввур қилишади, зеро йўл давомида эгарнинг тагидаги хом гўштнинг шираси оқиб кетади ва у отнинг иссигидан қуриб қолади. Улар (кўчманчилар) бошқача усулда овқат тайёрлашга вақтлари бўлмаганида шундай қиладилар.»²

Шильтбергер ўз «Саёҳатлар»ида Амир Темур ҳақида, унинг ворислари ва қариндошлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтади. Масалан, у Мироншоҳ ҳақида, Шоҳрух ва Абубакр ҳақида сўз юритади. Асарнинг XIV-XXIV боблари уларга бағишланган. Бошқа бобларда эса фақат таниқли маълумотлар қайд этилади. Бироқ Шильтбергер келтирган айрим маълумотлар Ўрта асрларда яшаган бошқа муаллифлар томонидан ҳам тасдиқланади. Бир мисол келтирамиз.

¹ Lucien Kehren. Les sources espagnoles de l'histoire et de la légende de Tamerlan // La Timuride No 14, Paris, 1995. – PP.10-11.

² Путешествия Иоханна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427г.) – Т.: ИПК «ШАРК», 1997. – С.60.

«Амир Темур Севастия салтанатини қандай қилиб қўлга киритгани ҳақида» деб номланувчи XII бобда Шильтбергер ёзади: «У (Амир Темур) шунда бир миллион лашкар жамлади, Севастияга йўл солди ва уни уч ҳафта қамал қилди. Ниҳоят, шаҳар деворлари остини қовлаб, шаҳарни ҳам қўлга киритди – у ерда Боязид юборган беш минг суворий ҳам бор эди. Уларнинг барчаси тириклайин кўмилди, зеро Амир Темур шаҳар ҳокимига қон тўкмасликка ваъда берганди»¹ (таъкид бизники – Б.Э.).

Амир Темурга замондош муаррихлар Абул-Мағазин ва Ибн Арабшоҳ ҳам 1400 йил ўн саккиз кунлик қамалдан сўнг қўлга киритилган Сивос шаҳри аҳолисига кўрсатилган шафқатсизликни худди Шильтбергердек тасвирлашади. Ибн Арабшоҳда, масалан, тириклайин кўмилган шаҳар ҳимоячиларининг сони Шильтбергерга қараганда бирмунча кам – уч минг.²

Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомий ҳам бу фалокат тафсилотларини баён этишда Шильтбергердан кўп фарқ қилишмайди. Шарафуддин Али Яздий ёзади: «Боязид суворийларининг сони тўрт минг кишига етарди. Бошқаларга ўрناк бўлсин учун уларнинг ҳаммасини чуқур ҳандоққа ташладилар ва тириклайин кўмдилар.»³

Низомиддин Шомий ёзади: «Барча тўрт минг суворийни тутиш ва тириклайин кўмиш ҳақида фармон бўлди, бошқа ғанимларга ўрناк бўлсин учун шундай қилинди.»⁴

¹ Путешествия Иоханна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427г.) – Т.: ИПК «ШАРК», 1997. – С. 60.

² Арабшоҳ Ибн. Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур. 2 жилдли, ж. 1. – Т.: Мехнат, 1992. – Б. 195.

³ Али Яздий Ш. Зафарнома. – Т.: «ШАРК»НМК, 1996. – Б. 233 (235^а).

⁴ ўша жойда.

Мисоллардан кўриниб турганидек, Шильтбергер келтирган рақам бошқа муаррихлар келтирган рақамларга деярли мос тушади.

Бироқ Шильтбергернинг «Саёҳатлар»ида айрим камчиликлар, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатиш ҳоллари учрайди. Жумладан:

1) Амир Темур билан Боязид ўртасидаги нифоқ ҳақида сўз кетганда, Шильтбергер унинг асосий сабабчиси қилиб Осман (Усмон) номини келтиради; гўёки у Соҳибқиронга мурожаат қилиб, ундан Боязид Османдан тортиб олган Севастияни қайтиб олишда ёрдам сўрайди. Аслида бу Осман эмас, Тохиртен бўлиб, гап Севастия эмас, Эрзурум ва Эрзинжон ҳақида кетарди; Османга саҳифа тагида изоҳ бериб Шильтбергер ўзига ўзи қарши чиқади: «туркларнинг раҳнамоси ва Усмонли Туркиянинг асосчиси Осман (1300-1324) назарда тутилмоқда»;

2) Амир Темур фарзандларининг сони ҳам нотўғри кўрсатилган; Шильтбергернинг фикрича, унинг иккита ўгли бўлган: Шохруҳ ва Мироншоҳ. Назаримизда, Шильтбергер Соҳибқироннинг у ўзи Мавороуннаҳрда «пайдо бўлишидан» олдинги ўғиллари – Жаҳонгир ва Умар Шайхни танимаган. У Шохруҳни Соҳибқироннинг катта ўғли деб атайди, аслида эса Шохруҳ кенжа ўғил бўлган.

Бунга ўхшаш хато ва камчиликларни Шильтбергер «Саёҳатлар»и нинг бошқа қисмларида ҳам учратиш мумкин. Шу сабабли ҳам машҳур рус тарихчиси Карамзин Шильтбергер ўзи тасвирлаган ўлкаларда чиндан ҳам бўлганлиги эҳтимолини назарда тутса-да, ўзининг машҳур асарига (И.Г.Р.V, пр.215) ёзган иловалардан бирида Шильтбергернинг маълумот ва хабарларини ноаниқ, маънисиз дейишга ўзини ҳақли, деб ҳисоблаган.

Француз темуршуноси Люсьен Керен «Саёхатлар»нинг Амир Темур ва темурийлар ҳақида сўз борган бобларини текшириб кўриб, «хотиралар тарихий ҳужжат сифатида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас», деб ҳисоблайди.¹ Бунда олим Шильтбергерга мурожаат қилади, зеро немис рицари ўзининг Амир Темур ва темурийлар ҳузурида бўлган даврини бир жумла билан ифодалайди: «Шундай қилиб, мен Амир Темурга асир тушдим ва уни ўз ватанигача кузатиб бориб, ҳузурида хизматда бўлдим.»² Ўзининг 1402 йилдан 1417 йилгача – 15 йил давомида нима билан шуғуллангани ҳақида эса лом-лим дейилмаган.

Юқорида баён қилинганлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1) Амир Темур ҳақидаги илк ёзма манбалар Ғарбий Европада унинг тириклик пайтидаёқ пайдо бўлган (1403). Уларнинг энг биринчиси буюк аждодимиз Франция ва Англияга йўллаган элчиси Жан (Иоан) қаламига мансуб «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» («*Mémoire sur Tamerlan et sa cour*») асаридир.

2) Ғарбий Европа ҳарбийлари Амир Темурнинг саркардалик маҳоратига, унинг қўшинига, қўшиндаги тартиб-интизомга юксак баҳо берганлар, Соҳибқиронни инсоният тарихидаги энг моҳир саркарда деб баҳолаганлар.

3) Ғарбий Европа давлатларининг ҳукмдорлари (қироллар) Амир Темур билан иттифоқчилик шартномаларини тузишга, савдо-сотиқ ва маданий ҳамкорлик қилишга интиланлар. Бунга Ғарбий Европа

¹ Kehren L. A propos d'une des sources de l'histoire timuride. Un européen dans l'armée de Tamerlan! // *La Timuride*, No 12, 1993. – P.19.


² Путешествия Иоханна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427г.) – Т.: ИПК «ШАРК», 1997. – С.34.

давлатлари қиролларининг энг ёши, Кастилия ва Леон ўлкалари қироли Энрике III биринчи бўлиб қўл урди.


4) Ғарбий Европа мамлакатларида Амир Темур ҳақида пайдо бўлган илк асарлар (хотиралар, гувоҳликлар, саёҳат кундаликлари) тарихий, ҳаётий воқеалар тасвири билан бир қаторда Соҳибқирон ҳақидаги афсона ва ривоятларга бой. Шу ривоятлар кейинги асрларда Ғарбий Европа мамлакатлари бадиий адабиётига Амир Темур сиймосининг кириб боришига йўл очиб берди.



ИККИНЧИ БЎЛИМ



ҒАРБИЙ ЕВРОПА
УЙҒОНИШ ДАВРИ
АДАБИЁТИДА
АМИР ТЕМУР
СИЙМОСИ
ТАЛҚИНИ



УЙҒОНИШ ДАВРИ НАСРИДА АМИР ТЕМУР ТАЛҚИНИ

Амир Темур Ғарбий Европанинг Уйғониш (Ренессанс) даври маданий анъаналарида шубҳасиз алоҳида ўрин эгаллайди. Уйғониш давридан бошлаб бу фигура Ғарбий Европа маданий ва тарихий ҳаётининг муҳим таркибий қисмига айланди. Усмонли туркларнинг Анқара жангида Мовароуннаҳр лашкарлари томонидан махв этилиши Европа адабиётида улкан қизиқиш уйғотди.

Соҳибқирон вафотидан бир неча йил кейин пайдо бўлган бир китоб Ғарбий Европа адабиёти ва санъатига Амир Темур мавзусининг кириб боришида салмоқли роль ўйнади. Бу 1370 йил Сиенна шаҳрида туғилиб, Амир Темур Дамашқни қўлга киритган пайтда шу шаҳарда бўлган сайёҳ ва тожир Белтрамо ёхуд Бертрандо Мигнанеллининг хотиралари эди. Мигнанелли Италияга қайтгач (тахминан XV асрнинг биринчи ўн йилликлари), «*Vita Tamerlani*» («Амир Темур ҳаёти») деб номланган китобчасини эълон қилди.¹ Шу пайтгача айрим тадқиқотчиларнинг асарларидагина эслатиб ўтилган² мазкур хотираларнинг икки қўлёзмаси мавжуд

¹ Mignanelli Beltramo de. *Vita Tamerlani*. // *Stephani Balusii Tutelanensis Miscellanea*. [...] – Lucca, 1764.

² Fischel W.J. *A New Latin Source on Tamerlane Conquest of Damascus (1400-1401)*. // *Oriens IX*, 1956. – PP.201-232; Piemontese A.M. *Bibliografia italiana dell'Iran (1462-1982)*, 2 vols. – Napoli, 1982; Навель Тильман. *Ренессанс даври бошланишида Амир Темур ва Марказии Осиёнинг Европа томонидан танилиши*. Амир Темур: шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти. Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум материаллари (Самарқанд, 1996 йил, 27-29 сентябрь). – Т., 1997. – Б.33-41.

бўлиб, улар Сиенна шаҳридаги (Италия) Интронати-лар оилавий кутубхонасида ҳамда Венадаги Австрия Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Б.Мигнанелли хотиралари лотин тилида битилган бўлиб, муаллифнинг асосий эътибори Мовароуннаҳр лашкарларига, улардаги тартиб-ин-тизом ҳамда Амир Темурнинг саркардалик маҳора-тига қаратилган. Матнда Амир Темур илми нужум, геометрия, магия (афсунгарлик) ва бошқа фанлар-дан яхши хабардор, кўп тилларни билувчи доно ва оқил инсон сифатида тасвирланади. Асарда кўплаб араб ва форс тилларидаги сўзлар қўлланилганли-ги муаллиф Амир Темур ҳақидаги Шарқ манбаларидан унумли фойдаланганлигидан далолат бера-ди. Айрим тадқиқотчилар Б.Мигнанелли асарини Соҳибқироннинг Сурия юришига доир Ғарбдаги ягона манба ҳисоблаб, уни Руи Гонсалес де Клави-хо ва бавариялик Иохан Шильтбергер асарларига таққослашса-да,¹ бизнингча у Ибн Халдуннинг «Тар-жиман ҳол»ига яқин туради. Бироқ итальян сайёҳи араб олимининг мазкур асари билан қай даражада таниш бўлганлиги биз учун ҳозирча номаълум.

Б.Мигнанелли хотираларида акс этирилган Амир Темур сиймоси ундан кейинги муаллифлар-нинг асарлари учун асосий мезон бўлди ва XV аср-нинг биринчи ўн йилликларидан бошлаб Ғарбий Европа тамойилига айланди. Уйғониш даври мада-ниятида Амир Темур жасур ва мард инсон тимсоли-га, кейинчалик эса тенги йўқ шахс тимсолига айла-ниб, Ғарбий Европа адабиёти ва санъати равнақида алоҳида ўрин эгаллади.

¹ Bernardini Michele. *Tamerlan et l'Italie*. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий анжуманда қилинган маъруза. – Т., 1996 йил, 24 – сентябрь.

Итальян адиби Пожжио Браччиолинининг 1448 йилда яратилган «*Historiae de Varietate Fortunae*» («Турфа Тақдирлар тарихи») асарида, жумладан, Амир Темур Осиё қитъасининг энг қудратли ҳукмдори – *imperatori Asiae potentissimo* сифатида тилга олинади.¹ Амир Темурнинг айнан шу сиймоси XV аср давомида яратилган «намунавий ҳикоялар» – *exempla* да қайта-қайта учрайди, Марко Антонио Сабеллико ва Баттиста Кампофуглоси каби муаллифлар эса машҳур тарихий персонаж илдизларини Европада Ҳерадотнинг асарларидан бошлаб енгилмас деб танилган скифлар ва массагетлар орасидан ахтардилар.

Амир Темурнинг мазкур сиймоси XV аср итальян тасвирий санъатида ҳам ўз ифодасини топди: Соҳибқирон унда «*Uomo famosi*» – «машҳур инсон» сифатида намоён бўлди. Машҳур кардинал, меценат Жордано Орсини ўзининг қадимий Рим услубидаги саройининг залларидан бирининг деворларига «Дунёнинг олти ёши» номли туркум суратлар ишлатади, дунёнинг олтинчи, яъни баркамол ёшани ифодаловчи шахслар орасидан Амир Темурнинг ҳам сиймоси жой олади. Тахминан 1432 йилда яратилган ва қатор тадқиқотчилар томонидан мусаввир Паоло Уччелло мўйқаламига мансуб деб тахмин қилинган мазкур девор сурати, афсуски, бизгача етиб келмаган, бироқ унинг репродукциялари ўша даврда яратилган қатор қўлёзмаларга, жумладан, «Сропаса Crespi» деб аталувчи «Жаҳон тарихи»га ва «La Croпаса Corcini»га киритилган² Италиян шарқшуноси Мишел Бернардинининг маълум қилишича, Турин

¹ Bracciolini Poggio. *Poggio Bracciolini Historiae de Varietate Fortunae* [...]. – Paris, 1723.

² Mode R.L.. *Masolino, Uccello and the Orsini «Uomini Famosi»*. // Burlington Magazine, CXIV, 1972. – PP. 369-378.

шаҳрида Амир Темурнинг ҳарбий кийимда, қўлида шамшир билан бўйи-басти билан ишланган бошқа бир портрети сақланиб қолган. Олимнинг таъкидлашича, Соҳибқироннинг мазкур тасвири Александр Македонскийга жуда ўхшаб кетади.¹ *Ушбу маълумот алоҳида диққатга сазовор, зеро у илк бора тасвирий санъатда ўз ифодасини топиб, кейинчалик мозийшунослик ва бадиий адабиётга кириб келган бундай ўхшатиш XV асрдаёқ пайдо бўлганидан дарак беради.*

Бундан ташқари, XV асрда Костантинополь турк султони Меҳмет II томонидан забт этилганидан кейин Италияда у ердан қочган қатор юнон олимлари пайдо бўлди, уларнинг асарлари эълон қилинди. Уйғониш даври гуманизмининг «қалдирғочлари» бўлмиш бу инсонлар XV асрнинг иккинчи ярмида нафақат итальян адабиёти ва санъатида, балки умум Европа маданиятида ҳам алоҳида роль ўйнадилар. Булар орасида Византия империясининг 1298 йилдан 1463 йилгача бўлган тарихини ўз ичига олган «*Historiae Demonstrationes*» («Намунали тақдирлар») асарининг муаллифи Леоникус Калкондилес (Leonicus Calcondyles), ўзининг *Cronaca* номли солномасини 1402 йилдан, аниқроғи, Амир Темур Йилдириш Боязид устидан зафар қучган Анқара жангидан бошлаб келаётган Георгиос Франце (Georgios Franze) ҳамда ўзидан кейинги мозийшунослик асарларига таъсир кўрсатган «Туркия-Византия тарихи» солномасининг муаллифи Михаил Дукас (Michel Ducas) лар бор эди.² Бу муаллифларнинг асарларида тари-

¹ Bernardini Michele. *Tamerlan et l'Italie*. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий анжуманда қилинган маъруза. – Т., 1996 йил, 24 – сентябрь.

² Calcondyla Leonicus. *Leonici Calcondylae Atheniensis ex interpretatione Ioannis Leunclavii*. – Paris, 1605; Franze Georgios. *Cronaca*. ed. Maisano R.. – Roma, 1990; Ducas Michele. *Istoria Turco-Bisantina*. – Bucaresti, 1958.

хий маълумотлар кўп бўлса-да, Амир Темур образига бадиий ёндашиш айнан ана шу асарлардан бошланди.

XVI асрга келиб нафақат мозийшунослар, балки кўплаб адиб ва драматурглар ҳам юқоридаги асарларга мурожаат қилдилар. Айнан XVI асрда Амир Темур тарихига тўғри ёндашишга уринишлар бўлди, бироқ XVIII асрнинг иккинчи ярмида шакланган илмий ориенталистиканинг замонавий вакиллари бу уринишларни танқид ҳам қилдилар. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини тасвирлашда кўплаб афсонавий ва фантастик унсурларни қўллаш ҳам айнан XVI асрдан бошланди. Натижада Ғарбий Европа адабиётларида фантастик унсурлардан кенг фойдаланилган асарлар пайдо бўлди. Жан Дю Бек (Jean Du Bec)нинг 1595 йилда нашр этилган «*Histoire du Grand Empereur Tamerlanes*» («Буюк император Амир Темур тарихи»), Сеньор де Сенктьон (Seigneur de Saintyon)нинг 1677 йилда нашр этилган «*Histoire du Grand Tamerlan*» («Буюк Амир Темур тарихи»), ёхуд Л.Вайн (L.Vane)нинг 1750 йилда Лондонда нашр қилинган «*The History of the Life of Tamerlane the Great*» («Буюк Амир Темур ҳаёти тарихи») асарлари шулар жумласидандир. Инглиз адиби Кристофер Марло (Ch.Marlowe)нинг «*Tamburlaine the Great*» («Буюк Амир Темур») трагедиясини ҳам шундай асарлар қаторига қўшиш мумкин.

Юқоридаги асарларнинг барчасида Амир Темурнинг Миср ва Хитойни забт этганлиги ҳақида гап боради. Бу, албатта, тарихий ҳақиқатдан анча йироқ бўлса-да, уларни бирлаштириб турадиган яна бир муҳим жиҳат бу асарларнинг ҳаммасида Амир Темурнинг барча юришларига унинг ёнида туриб қатнашган генуялик афсонавий персонаж Аксалла

ҳақида ҳикоя қилинади. Тарихий бирор аниқ шахснинг прототипи бўлмаган бу персонаж Соҳибқирон саройида ҳақиқатдан ҳам генуяликлар мавжудлигининг фантастик ифодаси бўлиши мумкин.

XVI асрга келиб Амир Темурнинг банди қилинган Боязидни қафасга солгани ҳақидаги ривоят қатор асарларда учрай бошлади. XV асрнинг охирида пайдо бўлган мазкур мавзу кейинчалик жуда кўп баҳсларга сабаб бўлди ва австриялик машҳур олим Ҳаммер-Пургштадт форс ва турк манбаларига, айниқса, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига асосланиб бу афсонанинг ёлғонлигини исботлади. Бироқ Амир Темур томонидан Боязиднинг қафасга солиниши ҳақидаги бу ривоят қатор тарихий ва драматик асарларнинг ёзилишига туртки бўлди.

XVI асрда Амир Темур ҳақидаги маълумотлар кенгайди, ҳаққонийлигини йўқотиб бўлса-да, гуманизм билан суғорилган асарларга манба берди. Бундай асарлар қаторига Марко Гуаччонинг 1553 йилда эълон қилинган «Жаҳон тарихи солномаси»¹ ва Пиетро Перондинининг 1597 йили Флоренцияда чоп этилган «Скифлар ҳукмрони Амир Темур ҳаёти»² асарларини киритиш мумкин.

XVI асрнинг биринчи ярмида Италия ва Испанияда, асрнинг иккинчи ярмида эса Германия, Франция ва Англияда Амир Темурнинг қатор солномалари яратилди. Улар, асосан, биз кўриб ўтган итальян муаррихларининг асарларига асосланган бўлиб, уларда тарихий далиллардан ташқари турли афсоналар ва уйдирмалардан кенг фойдаланилган.

¹ Guazzo Marco. *Cronica* [...]. – Venezia, 1553.

² Perondino Pietro. *Magni Tamerlanus Scytarum Imperatoris Vitae*. – Firenze, 1597.

Леоникус Калкондилеснинг «*Historiae Demonstrationes*» асари таъсирида XVI аср Ғарбий Европа адабиётларида Амир Темур шахсига салбий баҳо берилган асарлар ҳам пайдо бўлди. Жумладан, италян адиби Андреа Камбини Амир Темур ҳақидаги афсоналарга маҳв этилган Боязиднинг таҳқирланиши ҳақидаги саҳналарни киритди. Унинг ёзишича, Амир Темур Боязиднинг белига оёқ қўйиб отга минади, Боязидни стол остида сақлаб, овқатининг қолдиқларини унга худди итга ташлагандек ирғитади.¹ Ҳатто Ғарбий Европа католикларининг бошлиғи папа Пий II ҳам ўзининг «Осиё ва Европанинг беқиёс тасвири» (1534) асарида Амир Темур ўз ҳарбий юришлари чоғида Боязидни темир қафасга солиб юрарди, деган тухматли фикрни билдиради.² Унинг бу фикрини Георгий Франтцес ҳам такрорлади. Пьетро Перондини эса ўз солномасида (1553) юқоридаги барча уйдирмаларни бирлаштирди ва уларга банди этилган султон хотинининг Амир Темур томонидан таҳқирланиши ҳамда Боязиднинг ўз жонига суиқасд қилганини ҳам қўшади.³ Перондинининг ушбу мисраларини немис теологи Филипп Лонитцернинг «Турк хроникалари» (1578) асарида учратиш мумкин:

«*Vajazethes captus a Tamerlane, quomodo tractatus*

Nam catenis vinctus aureis inque cauea ferrea cancellata, per Asiam circumductus, & passim ostentatus, victori equum ascendenti, dorso subdito scabelli usum praebuit, prandenti vero & commessanti, quo magis ridiculo foret, & despiciatui, micas & frustilla sub mçsa tri-

¹ Cambini Andrea. Commentario... della origine de Turchi et imperio della cosa ottomanna, s.1.s.a., 1529.

² Pius II. Asiae Europaeque Elegantissima descriptio, MDXXLIV.

³ Peronidinus Petrus. Magni Tamerlani Scytarum Imperatoris Vita. – Roma, 1553.

podī alligatus, canis in modum colligere, iisque famem sedare cogebatur.

Uxor Baiazethis quomodo tractata.

Quin & uxor eius Lazari despotae filia, quam una cum ipso captivam traxerat, crepidulis tantum calciata, sagoque brevissimo induta militari, denudatis obscoenis dedecorose ante Baiazethis oculos, Scytharum proceribus una discumbentibus pocula ministrare cogebatur. Quod indignissime ferens Baiazethes, ira percitus, moeroreque confectus, mortem sibimet dirī impercabatur, qui nulla vi voti compos factus, animum inexorabili obstinatione despondens, capite innumeris ictibus ferreis caeuae clathris perfracto, illisoque cerebro, altero a captivate anno vita exceßit.»¹

Амир Темур ҳақидаги юқоридаги уйдирмалар яна бир немис муаррихи Ханс Левенклаунинг «Усмонли султонлар солномаси» (1588) ва «Турк миллатининг янги хроникаси» (1590) каби асарларида ҳам учрайди. Юқорида номлари зикр этилган муаррихларнинг фикрига Левенклау гўеки Амир Темур билан Боязид ўртасида бўлиб ўтган суҳбат тафсилотларини киритади. Унда қуйидаги саҳна мавжуд. Амир Темур Боязиддан сўрайди:

«– Агар менинг ўрнимда сен бўлганингда, нима қилардинг?»

Боязид эса шундай жавоб беради: – Юришга қийналишингни ҳисобга олиб, мен сенга илтифот кўрсатардим: темир қафасга солдирардим ва салтанатимнинг қаерига борсам, сени ўзим билан олиб юрардим. Тамаддинг учун, худди итимга берганимдек, ушоқ-увоқларни олдинга ташлардим. Отга ми-

¹ *Chronicorum Turcicorum... Tomus Primus... a Reverendo & doctissimo viro. D.Philippo Lonicero Theologo. -Francoforti ad Moenum, MDLXXVIII. – P.14.*

нишни ихтиёр этсам, сен менинг пойимда турган бўлардинг.

«Darnach hat er wider angefangen und gefragt:

– Ichan, wenn es im fall bei dir stünde, was wolestu mit mir thum? sag mir die Wahrheit.

Der Gilderun Chan ist ein halbstarrigen und zorniger Mann gewesen, hat ihm aus zorn geantwort:

– Wenn ich das Glück gehabt, daß ich dich bekommen hett, ich hette dich in tin Eisens Gätter geseßt und hette dich mit mir geführt.

Da nun der Temir Chan vom Gilderun Chan solches gehört, hat er bald ein Eisens Gätter zurichthen lassen, und hat ihne gefenglich darein geseßt».¹

Бирорта ҳам Ғарбий Европа тарихий манбасида Боязиднинг хотинининг исми кўрсатилмайди. Бироқ Халкондил ва ундан сўнг Лоницер берган маълумотларга қараганда, Боязиднинг хотини Булғория хукмдори Лазарнинг қизи бўлган.

Амир Темур ва Самарқанд Абраҳам Ортелиуснинг (Abraham Ortelius) 1564 йил Анверда эълон қилинган «*Theatrum orbis terrarium*» («Барча мамлакатлар харитаси») номли Европада нашр этилган биринчи альбомда ҳам тилга олинади. Мазкур асар асрлар давомида янги муаллифлар учун асосий манбалардан бири бўлиб турди. Аҳмад ибн Арабшоҳнинг асари ҳам шу асрда Европада тилларга, жумладан, аббат Жан дю Бек (Jean du Ves, 1610 йил вафот этган) томонидан «*Histoire de grand Tamerlan tirée des monuments antiques des Arabes*» («Арабларнинг қадимий ёдгорликларидан олинган буюк Амир Темур тарихи») номи остида француз тилига таржима қилинди. 1577 йил жаноб Сенктьон (Saintyon) томо-

¹ Lewenklaw Yans. Neuwe Chronica Türkischer Nation, von Türcken selbst beschrieben... – Franckfurt am Mein, MDXC. – S. 14.

нидан чоп эттирилган «*Histoire de grand Tamerlan tirée d'un excellent manuscrit et des quelques autres originaux*» («Ажойиб бир қўлёзма ва бошқаларидан олинган буюк Амир Темур тарихи») номли асарда кўрсатилган «ажойиб қўлёзма» Жан дю Бекнинг таржимасидан ўзга нарса эмасди.

Француз темуршуноси Л.Кереннинг фикрича, «Афсонавий Амир Темур образининг Ғарбий Европа халқлари адабиётига кириб бориши Клавихо саёҳати кундаликларининг 1582 йилдаги биринчи нашрига Аргот де Молина киритган икки биографик хотирадан бошланади.» – «*L'entrée du personnage légendaire de Tamerlan dans la littérature européenne populaire d'Occident semble provenir des deux brèves notices biographiques qu'Argote de Molina fit ajouter à son édition princeps de la relation de l'ambassade de Clavijo, en 1582.*»¹

Ғарчи биз Кастилия элчиси Клавихонинг ўзи ёзиб қолдирган «Кундаликлар»ида учратмасак-да, ушбу асарнинг Аргот де Молина тайёрлаган нашрига² икки ҳикоя киритилган. Л.Керен таъкидлашича, асар номида йўқ бу ҳикояларни Аргот де Молина нашрдан олдин шошилинич киритган бўлса керак.³ Ҳикоялардан бири Испания қиролларининг солномачиси, Гонсало Фернандес де Овиедонинг «Испаниянинг умумий тарихи» асаридан олинган. Унда

¹ Kehren L. Tamerlan dans la légende et dans l'histoire / La route de Samarkand au temps de Tamerlan. – Paris: Imprimerie Nationale, 1990. – P.27.

² Historia del Gran Tamorlán e itinerario y enaración del viage y relacion de la Embaxada que Ruy González de Clavijo le bizo por mandado del muy poderoso señor rey don Henrique el Tercero de Casilla. E breve discurso fecho por Gonçalo Argote de Molina. – Séville, 1582.

³ Kehren L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. – Paris: Imprimerie Nationale, 1990. – P.301.

гўёки Клавихонинг Амир Темур билан суҳбати тафсилоти келтирилган.

Г.Овиедонинг ёзишича, Амир Темурнинг ғаройиб тош ўрнатилган бир узуги бўлган, агар Соҳибқироннинг суҳбатдоши ёки суҳбатдошлари ёлгон сўзласалар узукдаги тош ўз рангини ўзгартирган.¹ Бундан хабардор бўлган Клавихо унинг ҳузурда Испания ҳақида ақл бовар қилмас афсоналарни сўзлаган ҳамда ёлгон сўзлашда айбланмаслик учун ўз ҳикояларини мажозий образларда баён этган. Г.Овиедонинг ёзишича, натижада Амир Темур бармоғидаги узукнинг ранги ўзгармаган, унинг соҳиби эса кастилияликнинг ҳикоясидан доғ бўлган.

Муаллифнинг таъкидлашича, Клавихо ўз ватани ҳақида Амир Темурга қуйидагиларни ҳикоя қилган экан:

1) унинг ҳукмдори онҳазрат қиролнинг учта олийзот аъёнлари бўлиб, улар олти минг тилла шамшир кўтарган суворийлар билан қиролнинг юришларида ҳамроҳ бўлишлари мумкин экан. Г.Овиедонинг таъкидлашича, бу билан Клавихо Сантьяго, Алкантра ва Калатрава орденлари ҳокимлари ҳамда уларнинг руҳоний-суворийларини назарда тутган;

2) унинг қироли салтанатида узунлиги 40 милялик кўприк бўлиб, бу кўприкдан бир пайтнинг ўзида 200 000 бош қорамол ўтар экан: бу билан у Гуадиана дарёси сувлари ер остига кириб кетиб, кейин яна пайдо бўладиган масофани маълум қилган;

3) унинг қироли қўлида бир шер ва буқа бўлиб, улар ўн икки сигирнинг ўтлоқларида емакланар экан: бу билан у Кастилиянинг Lion у Toro (Шер

¹ Oviedo Gonçalo Fernandez de. Chronique générale d'Espagne. Mss.h-I-7. – B.M.Escorial, 1532.

ва Буқа) вилояти ва ундаги ўн икки йирик шаҳарга ишора қилган;

4) унинг қироли салтанатида бир шаҳар бўлиб, шаҳарни ҳар томондан сув ва олов ўраб турар экан: бу билан у атрофида қатор булоқлар чиқиб турувчи ва деворлари кремний (оловтош)дан тикланган Мадридни назарда тутган;

5) унинг қиролнинг уч ити бўлиб, улар бир пайтнинг ўзида Кастилиядан 200 ўқчини сафарбар қила олишар экан: бу билан Клавихо «Сап» сўзи билан бошланувчи уч шаҳарни назарда тутган; булар Испаниядаги Can de Róa (Кандероа), Can de Muño (Кандемуно) ва Canes de Curita (Канесдекрута) шаҳарлари экан («Сап» сўзи архаик ва поэтик испан тилида «ит» деган маънони беради, таъкид бизники – Б.Э.).¹

Юқоридаги асарларни нафақат улар учун, балки Ғарбий Европада битилган Амир Темур солномалари ва унга бағишланган бадий асарларнинг аксариятига хос бўлган умумий жиҳатлар бирлаштириб туради. Зикр этилган муштаракликлардан ташқари, европаликлар назарида энг асосийси, Амир Темурга Худонинг ғазабини амалга оширувчи инсон, ер юзига такаббур ҳукмдорлар-у гуноҳкор бандаларни жазолаш учун юборилган «Худонинг ғазоби» деб қараш кенг тарқалган эди.

Иккинчиси, XV – XVI асрларда Европа халқлари тасавуридаги Амир Темур қиёфасида Ренессанснинг суюкли идеаллари мужассамлашган эди. Зеро, Ренессанс «мардлик» этикасининг асосини инсоннинг келиб чиқиши ёхуд бойлиги эмас, шахсий хизматлари ташкил этарди. XVI аср охиригача

¹ Kehren Lucien Les sources espagnoles de la légende de Tamerlan // La Timuride No 14, Paris, 1995. – PP.10-11.

Ғарб муаррихлари Амир Темурни оддий камбағал оиладан чиққан ва барча ютуқларини шахсан ўзи қўлга киритган деб ҳисоблашган. Атиги ўттиз йил ичида тинимсиз юришлар ва жанглар натижасида сарҳадсиз салтанат бунёд этган ҳамда мағлубият нималигини билмай шон-шухрат чўққисида вафот этган жангчининг бош айлантирадиган зафарлари шахсинг чексиз имкониятлари ва тақдирнинг шафқатсизлиги ҳақидаги гуманистик шиорга жуда мос тушарди.

ЖАН ДЮ БЕК ИЖОДИДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

Гуманистик ғоялар тобора кенг ёйилиб бораётган XV-XVI асрларда Ғарбий Европада Соҳибқиронни ҳар томонлама ижобийлаштиришга қаратилган асарлар ҳам кўп эди. Жумладан, XV асрнинг ўрталарида таниқли итальян гуманисти Поджо Браччолини Амир Темурга қасида битди. XV аср охири – XVI аср бошида яшаб ижод этган йирик сиёсатшунос Никколо Макиавелли Амир Темур фаолиятига юксак баҳо берди («Шаҳаншоҳ», 1513). XVI асрнинг биринчи ярмида Италия ва Испанияда, иккинчи ярмида эса Германия, Франция ва Англияда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўплаб асарлар яратилди.¹ Амир Темур образига бадиий ёндашиш айнан шу асарлардан бошланди.

¹ Méxia Pero. Vida del gran Tamerlan / Méxia Pero. Silva de varia lección. – Madrid, 1540; бу асар ўша даврдаёқ инглиз тилига икки марта: The Life of Tamburlain the Great. – London : The Forest, 1571(Томас Фортеску) ва The Life of Tamburlain the Great – London : English Myrror (Жорж Уэтстон), 1886 таржима қилинган; Perondinus Petrus. Magni Tamerlani Scytarum Imperatoris Vita. – Roma, 1553; Ortelius Abraham. Theatrum orbis terrarium (атлас). – Anvers, 1564; Magnon. Le Grand Tamerlan et Bajazet. – Rouen, 1647.

Француз муаррихи Жан дю Бекнинг 1594 йилда нашр этилган «Буюк Амир Темур тарихи» шундай асарлар жумласидан.¹ Биз ўз тадқиқотимизда мазкур асарнинг иккинчи нашридан фойдаландик.²

Дю Бекнинг асарида келтирилган маълумотлар XV-XVI асрларда Фарбий европаликлар Амир Темур ҳақида билганларидан кескин фарқ қилади. Асарга битилган сўзбошида муаллиф бу маълумотларни араб муаррихи ал-Ҳасан (Alhacent) дан олганлигини билдиради. Дю Бек ал-Ҳасан билан Испаниянинг Леванте³сида танишиб қолган. Асардаги ал-Ҳасан аслида уйдирма шахс бўлиб, у муаллиф – дю Бекнинг ўзига тааллуқли бўлган фикрларни китобхонга етказиш учун хизмат қилади. Дю Бек Фарбий Европада биринчи бўлиб Амир Темурни «махаллий императорлар» оиласидан чиққан деган фикрни билдирди ва уни Зағатай (Чигатой) ҳукмдорининг ўгли, деб таъкидлади. Шунингдек, дю Бекнинг фикрича, Амир Темур насронийларга ҳайрихоҳлик қилган, деистик дунёқарашга эга бўлган:

«Or auroit-il toute Religion en reverence, moienant qu'elle adorast un seul Dieu, Createur de toutes choses; et disoit souvent que la gradeur de la Divinite estoit la diuersite des nations... lesquels la seruoyent diuersement...».⁴

«У барча нарсаларнинг яратгучиси ёлғиз бир Ху-

¹ Вec Jean du. Histoire du Grand Empereur Tamerlanes, tirée des Monuments antiques des Arabes par Messire Jean du Bec... – Paris, MDXCIV.

² ўша жойда.

³ Леванте – Испаниянинг Ўрта денгизга туташ қирғоқларини ўз ичига олувчи ўлка.

⁴ Вec Jean du. Histoire du Grand Empereur Tamerlanes, tirée des Monuments antiques des Arabes par Messire Jean du Bec... Nouvellement reuue et corrigée. – Paris, MDCVII. – P.17.

дога эътиқод қилса-да, барча динларга эҳтиром билан қарарди, тез-тез Худонинг кучи миллатларнинг турфа хиллигида кўринади, миллатлар эса унга турлича эътиқодда бўладилар, деб тақрорларди...»

Асар воқеалари асосан Самарқандда, Камбала (Кабала)да, Трабезонд ва Анқара яқинидаги Сезарияда бўлиб ўтади. Асарда Амир Темур, Боязид, унинг ўғиллари ва хотини (Болгария шоҳи Лазарнинг қизи), Калибес, Аксалладан ташқари банди этилган Натолия пошоси, ҳамда Соҳибқирон билан ёнма-ён жанг қилган Чарикан князи Хиансон, Тана (Дон) князи каби персонажлар бор.

Уйғониш даврида яратилган насрий асарларнинг деярли барчасида, жумладан дю Бекнинг «Буюк Амир Темур тарихи» асарида ҳам, XVII асрда яратилган драматик асарларда ҳам Амир Темурнинг барча юришларига унинг ёнида туриб қатнашган генуялик афсонавий персонаж насроний Аксалла ҳақида ҳикоя қилинади. Дю Бекнинг биз таҳлил қилаётган асарида эса Аксалла Соҳибқироннинг энг яқин маслаҳатчиси ва бош ҳарбий саркардаси сифатида тасвирланади:

*«Il avoit un Chrestien en sa Cour qu'il aimoit fort; & que l'õ avoit en grand respect, qui s'appeloit Axalla, qui estoit Geneuois; nourry dus sa jeunesse proche de luy; cestuy-cy principalement l'excitoit aux grâdes & hautes entreprinses, & nonobstant sa Religion le croyoit».*¹ – «Унинг саройида бир насрона бўлиб, ҳукмдор уни жуда яхши кўрарди; у катта хурматга эга эди, исми Аксалла бўлиб, генуялик эди; у ёшлигидан саройда катта бўлган; ҳукмдор унинг динидан қатъи назар, энг йирик ва муҳим ишларни унга ишониб топширарди».

Жумладан, асарнинг «Амир Темурнинг турклар

¹ ўша жойда.

императори Боязидга қарши уруши» деб номланган учинчи бобида ҳикоя қилинишича, Амир Темур Византия императори Палеологдан ёрдам сўралган мактуб олади. Мактубда Боязид Византия ерларига кирганлиги, пойтахт шаҳар Константинополни қамалга олишга ҳаракат қилаётганлиги баён этилиб, юнонлар Амир Темурга чуқур ҳурмат билдиришлари ифодаланган ва ундан «бу ваҳший» дан ўзларини ҳимоя қилиш илтимос қилинган эди:

*«Cest aise & ce bon temps nous dura tout l'Hyver, durant laquelle le Prince eut auis, comme Baiazet Eupereur des Turcs auoit entrepris de ioindre l'Empire de Grece au sien, & mesme faisoit dessein d'assieger Constantinopole : ce qu'ayant sçeu, & luy ayant mesme esté demâdé secours par l'Empereur Grec, il depescha vers Baiazet, pour luy declarer sa volonte en cela, & luy remonstrer de sa part qu'il n'eust à molester l'Empereur Paleologue, que estoit son allié... Surquoy il auoit affaire & qu'il se contentast d'imposer la loy aux siens, & non aux autres, veu qu'il ne luy estoit point né subiect.»*¹ – «Буюк ҳазрати олийлари! Византия императори Палеолог Сизга таъзим қилади. Қишимиз яхши ўтдию, Императоримиз Турклар подшоҳи Боязид Юнонистонни ўз давлатига қўшиб олиб, Константинополга ҳужум қилишга ҳаракат қилаётганини англаб етди. Биз эса, ҳазрати олийлари, фақат сиздан, дўстимиз ва иттифокдошимиздан ёрдам кутамиз».

Турк султониға қарши курашға тайёрланаётган Соҳибқирон Аксаллага Мовароуннаҳрдан қўшимча лашкар олиб келишни топширади:

«...mais d'autre costé aussi le Prince... resueillé aussi de l'augmentation de la gloire de son nom par Axalla, estoit

¹ Bec Jean du. Histoire du Grand Empereur Tamerlanes, tirée des Monuments antiques des Arabes par Messire Jean du Bec... Nouvellement reuue et corrigée. – Paris, MDCVII. – P.82.

*desireaux de ceste entreprinse, partant ne cessa point Axalla, que le Prince ne l'eust enuoyé a Sachetay pour commencer à assambler les forces de toutes parts, afin que sur le Printçips il s'acheminast».*¹

«Аксалла туфайли шуҳратига шуҳрат кўшилаётган ҳукмдор уни Зағатай (Чиғатой) га жўнатишдан иккиланмади, Аксалла ҳар бир аҳоли масканидан лашкар йиғиши ва улар билан баҳорда ортга қайтиши лозим эди».

*«Or auoit le Prince obtenu, de l'Empereur son oncle pour ceste entreprinse, cent mille hommes de pied, & quatre vingts mille cheuaux, & en esperoit biē autant de Sachetay, sans les grands Seigneurs qui l'accompagneroient pour chercher de la gloire, dont il faisoit estat encore de cinquante mille hommes, qu'ils luy ameneroient avec cela. Il pensoit bien donc auoir moyen avec ces forces de deliurer l'Empereur de Grece...»*²

«Аксалла топшириқни аъло даражада бажаради: ўзи билан юз минг пиёда аскар ва саксон минг суворий олиб келади. Бундан ташқари, Чиғатойдан зафар қучиш учун келадиган аслзодалар ўзлари билан яна эллик минг аскар олиб келишлари кутилмоқда эди. Уларнинг ёрдами билан Амир Темур юнонлар императорига ёрдам бера оларди».

Тарихий бирор аниқ шахснинг прототипи бўлмаган Аксалла Соҳибқирон саройида ҳақиқатан ҳам генуяликлар хизмат қилганлигининг фантастик ифодаси бўлиши мумкин.

Юнон муаррихларининг асарларида ёзилганидек, XV-XVI асрларда Ғарбий Европада уларнинг таъсирида ёзилган асарларда ҳам Амир Темурнинг Миср ва Хитойни забт этганлиги ҳақида гап боради. Дю Бекнинг «Буюк Амир Темур тарихи» асари

¹ ўша жойда, Р.83.

² ўша жойда, Р.84.

ҳам бундан ҳоли эмас. Жумладан, асарда Византия императори Палеологнинг хати Амир Темурнинг қўлига салтанат пойтахти Камбалада, қайнотаси ва амакиси бўлмиш Буюк хон қароргоҳида тегади. Амир Темур Хитойга юриш қилаётган бир пайтида пойтахтда исён кўтарилганлиги сабабли у ерга қайтиб келган эди. Камбалани узоқ қамалга олган Амир Темур ниҳоят Калибес бошчилигидаги исённи енгади, шундан сўнг усмонли туркларга қарши курашга отланади.

Амир Темурнинг Камбаладан, Загатай ва Хитойдан келган лашкарлари Озара шаҳри яқинида йиғиладилар. Соҳибқирон Камбаладан Самарқандга жўнайди, тез орада унинг ёнига Аксалла ҳам келади. Шундан сўнг Амир Темур Озарага қайтади. Мовароуннаҳрликлар Кафа, Трабезонд ва Грузиядан ўтиб Башишиш шаҳрига етиб келадилар, бир муддат тин олганларидан сўнг Фирот дарёси қирғоғидаги Сивос шаҳрига етадилар. Бу ерда Чарикан князи Хиансон жасорат кўрсатади. Дю Бекнинг ҳикоя қилишича, Хиансон Амир Темур кўшинида алоҳида ҳурматга эга бўлган, Аксалла йўқ пайтларида у кўшиннинг авангардига қўмондонлик қилган. Аксалла Хиансонни тўрт минг қишилик суворийларга бош қилиб разведка қилиш ва «тил» тутиб келишга юборади. Уларни турк лашкарлари сезиб қолишади. Ана шунда Хиансон гўё чекинаётгандек бўлиб, турк сипоҳиларини қуршаб олади, улардан катта бир гуруҳ, жумладан, бошлиғи Натолия подшосини асирга олади.

Асарда Амир Темур билан Боязид ўртасидаги жанг тасвирида Дю Бек султон ҳақида деярли гапирмайди. Фақат унинг лашкарлари мағлубиятга учраётгани, Боязид ва ўғилларининг қочишлари,

асир олинишлари тасвирланади, холос (асарнинг учинчи боби).

Ушбу асар талқини бўйича ҳам Амир Темур – ижобий, ҳатто идеал қаҳрамон, насронийларнинг ҳалоскори. Бундан ташқари, у олижаноблик ва бағрикенгликхислатларига, саркардаликиқтидорига эга инсон. Амир Темур ўз қўшинидаги барча аскарлар ўз вақтида рағбатлантирилиб турилишига катта аҳамият беради, улардан эгалланган шаҳар ва ўлкаларда талончиликка йўл қўймасликларини талаб қилади.

Дю Бекнинг китоби Ғарбий Европада катта шухрат қозонди.

1597 йилдаёқ у инглиз тилига таржима қилинди. Натижада, 1603 йил инглиз муаррихи Ричард Ноллинг «Умумий турк тарихи» асари дунё юзини кўрди.¹ Асардаги Боязидга бағишланган боб тўлалигича дю Бекнинг «Буюк Амир Темур тарихи» китобига асосланган бўлиб, айрим ўринларда ундан сўзма-сўз кўчирилган. Дю Бекнинг асаридан олинган кичик бир парча Византия солномачиси Халкондилнинг 1620 йил Парижда француз тилида эълон қилинган «Юнон (Византия) империясининг инқирозга учраши тарихи» номли асирида келтирилган.² Француз муаррихи Сенъор де Сенктьон (Seigneur de Saintyon) нинг 1677 йилда нашр этилган «Histoire du Grand Tamerlan d'après les Memoires de l'Arabe Alhacent»

¹ The General Historie of the Turkes... Faithfullie collected out of the best Histories, both autient and moderne, and digested into one continuat Historie until this present yeare 1603 by Richard Knolles. – London, 1603.

² L'Histoire De la Decadence De L'Empire Grec et Etablissement De Celuy des Turcs, par Chalcondile Athenien De la traduction de B. De Vigenere Bourbonnois... Avec la Continuation de la mesme Histoire... A laquelle ont este adjoustez les Eloges des Seigneurs Othomans... Par Artus Thomas sieur d'Embry, Parisien. A Paris, MDCXX.

(«Араб ал-Ҳасаннинг хотиралари асосида ёритилган Буюк Амир Темур тарихи») асари, номидан кўриниб турганидек, Дю Бекнинг «Буюк Амир Темур тарихи» китобидан ўзга нарса эмас.

Жан дю Бек томонидан яратилган Амир Темур ҳақидаги асар XVII асрда бир неча маротаба нашр этилди (Брюссель 1601, Лион 1602, Руан 1614, Париж 1677, Амстердам 1678, Утрихт 1679, Лион 1691) ва бутун Европада кенг ёйилди, нафақат янгидан-янги насрий асарлар, балки драматик асарлар яратилишига ҳам туртки бўлди. Дю Бекнинг «Буюк Амир Темур тарихи» асарининг таъсири ҳатто Россияга ҳам етиб келди. Жумладан, илгари фақат «Инжил» мавзуларида спектакллар кўрсатиб келган Москва театри 1675 йили номаълум муаллифнинг «Боязид ва Амир Темур» (баъзи манбаларда «Оқсоқ Темурнинг фаолияти») пьесасини сахналаштирди. Мазкур пьеса Кристофер Марлонинг «Буюк Амир Темур» асари таъсирида яратилган деб даъво қилувчи россиялик ва гарблик қатор адабиётшунослар¹ билан баҳсга киришган рус олими А.Т.Парфенов у, асосан, Жан дю Бекнинг таъсири остида ёзилганини таъкидлайди:

«Основным первоисточником «Темур-Аксаково действия» является не трагедия английского драматурга XVI века Кристофера Марло «Тамерлан Великий»

¹ Морозов П.О. Очерки из истории русской драмы XVII– XVIII столетий. – СПб, 1888. – С.180-183; Тиандер К.Ф. Очерк истории театра в Западной Европе и России. – Харьков, 1911. – С.172; Булгаков А.С. Комедия о Тамерлане и Баязете / Старинный спектакль в России. – Л., 1928. – С.317-357; Данилов С.С. Очерки по истории русского драматического театра. – М.-Л.: Искусство, 1948. – С.64; Еремин И.П. Московский театр XVII в. / История русской литературы, т. II, часть вторая. – М.:Наука, 1948. – С.371; Всеволодский-Гернгросс В. Русский театр. От истоков до середины XVIII в. – М.: Наука, 1957. – С.114; Мазон А.А. «Артаксерово действие» и репертуар пастора Грегори. ТОДРЛ, т. XIV. – С.361-362; Simons E.J. English Literature and Culture in Russia (1553-1840). – Cambridge (Mass.), 1935. – P.41.

(как было принято считать), а «История великого Тамерлана» дю Бека. Дополнительными источниками пьесы являются исторические сочинения Левенклау, Перондини или Леонитцера – непосредственно или через какую-либо немецкую хронику XVII в., а также, возможно, «Всеобщая история турок» Нолля и одна из немецких пьес XVII в. о Тимуре.»¹ (таъкид бизники –Б.Э.)

Шу билан бирга, рус олими Жан дю Бекнинг «Буюк Амир Темур тарихи» асарини «XVII асрда кенг тарқалган Амир Темурнинг қалбаки биографияси» деган нотўғри хулоса чиқаради:

«История великого Тамерлана» дю Бека – популярная в XVII в. псевдоисторическая биография Тимура.»²

«Дю Бекнинг XVII асрда оммалашган «Буюк Амир Темур тарихи» Темурнинг қалбаки биографиясидир.»

Пьеса рус театри анъаналарида яратилган бўлса ҳам, Амир Темур ҳақидаги Европада кенг ёйилган фикр ва таассуротларга таянган. Агар қадимий рус адабиётида Амир Темур ҳақида шафқатсиз фотиҳ, ёвуз инсон ва насронийларнинг душмани деган турғун тасаввур мавжуд бўлган бўлса, Фарбий Европада Соҳибқирон ҳақида ундан-да барқарор ижобий фикр ҳукмрон эди.

Фарбий Европа гуманистларининг Амир Темурга бўлган умумий қизиқишининг сабаблари кўп албатта. Лекин улардан энг асосийларидан бири шуки, Анқара яқинидаги жангда Амир Темурнинг турк кўшинларини маҳв этиши европаликларнинг

¹ Парфенов А.Т. К вопросу о первоисточниках «Темур-Аксаково действия» // Вестник Московского университета. 1969, № 2. – С.30.

² ўша жойда.

ақлини мангуга лол қолдирди, Соҳибқирон уларнинг ҳалоскори сифатида намоён бўлди.¹

Шундай қилиб, Ғарб XVI асрнинг иккинчи ярмида Амир Темур шахсига қаттиқ қизиқиб қолди. Бу давр янгидан-янги жуғрофий кашфиётлар даври эди. Европалик китобхонларни саёҳат таассуротлари, элчиларнинг сафарлари, газеталарда ер юзида ва денгиздаги саргузаштлар, экзотик ўлкаларнинг реал ва фантастик тасвирлари, маҳаллий ҳукумат ва аҳоли, уларнинг урф-одатлари, флора ва фаунаси ҳақидаги хабарлар кўпроқ қизиқтирарди. XV асрда нашр ишлари иқтисодий жиҳатдан фойдали юмушга айланган бир чоғда бу ҳақдаги маълумотлар оммалашди. Амир Темурнинг Самарқанддаги саройи шу жанрда ёзилган асарлар орасида энг гўзали ва экзотики бўлиб, «скиф» сифати Амир Темур ва Марказий Осиёни англатарди. Бироқ маълумотларнинг тўғрилигига фақат экзотикага бўлган қизиқиш кафолат бера олмасди. XV-XVI асрларда тарих мустақил фан бўлмай, олинган маълумотларни ифодалаш ёхуд қайд этишнинг маълум қоидаси йўқ эди. Тарих ва география ахлоқ, фалсафа ёки мафкурага қоришиб кетарди. Фортеску, жумладан, Амир Темурнинг ўлимига унинг Худо шаънига ёмон сўзларни айтганлиги сабаб, деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам Уйғониш даври адабиётидаги Амир Темур сиймоси фақат муаллифларнинг тарихий ҳақиқатга

¹ Лепанг ёки Навпакт – Юнонистоннинг Коринф бўтозига кираверишида жойлашган шаҳарча яқинида 1571 йил рўй берган тўқнашувга қадар Европа давлатлари туркларга Анқара муҳорабаси билан қиёслаш мумкин бўлган бирорга ҳам кучли зарба беролмадилар. Бу жангда испан шаҳзодаси дон Хуан кўмондонлик қилган Муқаддас Лига (Испания, Венеция, Ватикан) насроний флоти Али Пошо бошчилигидаги турк флотини маҳв этган. Бироқ насронийларни беҳад қувонтирган бу галабанинг мевалари тез орада сезилмаган. (Б.Э.)

яқин бўлиш ниятидангина эмас, балки, айниқса, Макиавеллининг «Шаҳзода»си нашр этилганидан сўнг (1513), замоннинг сиёсатшунослик ва ҳарбий стратегияга бўлган катта қизиқишига боғлиқ эди.

Бу асарда, маълумки, кучли, марказлашган давлат механизмлари, уни қўлга киритиш ва сақлаб қолиш йўллари ҳақида сўз юритилади. Гуманист муаллифлар ҳам Амир Темурнинг муваффақиятларини ғоявий ифодалаш йўлида сиёсатшунослик ва Макиавеллининг *virtù* – имконият, қудратига асосланар эдилар. Жумладан, Сенктьон ўз асарининг Дю Бекнинг *Histoire de grand Tamerlan* ининг Амир Темурнинг ҳарбий стратегияси ҳақида гап кетган қисмида таъкидланишича, асарга «ҳарб санъатига эришиш ниятида бўлганлар учун зарур бўлган бошқа кўрсатмалар» (*autres instructions pour la guerre, qui ne doivent estre ignorées de ceux qui veulent atteindre à la science des armes*) ҳам қўшилган. Унинг давомида Амир Темур тарихи «буюк саркарда бўлишни истаганларга ўрнак бўлади» деган жумла битилган. Натижада, Уйғониш даврида Амир Темур мавзуси «юксак» адабий жанрлар деб ҳисобланган эпопея ва трагедияларга асосий материал бўлиб кирди.

КРИСТОФЕР МАРЛОНИНГ «БУЮК АМИР ТЕМУР» ТРАГЕДИЯСИДА СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ

Ғарбда Уйғониш (Ренессанс) даврида Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўплаб асарлар нашр этилди. Европада XV – XVI асрларда чоп этилган бундай асарлар орасида илгарилари битилганлари ҳам бор. Жумладан, Клавихонинг «*Historia del gran Tamorlan e itinerario y enarración de la*

embaxada) («Буюк Амир Темур тарихи ва элчилик сафари баёни») асари 1582 йил Севилияда нашр этилди. Асар ундан кейин яратилган тарихий ва бадиий асарлар учун асосий манба бўлиб қолди. Жумладан, Перо Мексия ўзининг «*Silva de varia lección*» («Турли маърузалар мажмуаси») тўпламига кирган «*Vida del gran Tamerlan*» («Буюк Амир Темур ҳаёти») номли эссесида Клавиходан жуда қўп нарса олган.¹ Мексиянинг бу асари XVI асрнинг ўзида икки марта инглиз тилига таржима қилинган. Уни дастлаб Томас Фортеску (Thomas Fortescue, *The Forests*, 1571), сўнг Жорж Уэтстон (George Whetstone, *English Myrror*, 1586) таржима қилганлар.

1553 йил италян муаррихи Петро Перрондининг «*Magni Tamerlani Scytarum Imperatoris Vita*» («Скифлар императори Амир Темурнинг ҳаёти») асари эълон қилинди.

Аҳмад ибн Арабшоҳнинг асари ҳам шу асрда Европа тилларига, жумладан, аббат Жан дю Бек (Jean du Bec) томонидан «*Histoire de grand Tamerlan tirée des moniments antiques des Arabes*» («Арабларнинг қадимий ёдгорликларидан олинган буюк Амир Темур тарихи») номи остида француз тилига таржима қилинди. 1577 йил жаноб Сенктьон (Saintyon) томонидан чоп этирилган «*Histoire de grand Tamerlan tirée d'un excellent manuscrit et des quelques autres originaux*» («Ажойиб бир қўлёзма ва бошқаларидан олинган буюк Амир Темур тарихи») номли асарда кўрсатилган «ажойиб қўлёзма» Жан дю Бекнинг таржимасидан ўзга нарса эмасди.

Мовароуннаҳр XVI асрнинг машҳур картографи Абрахам Ортелиуснинг (Abraham Ortelius) 1564 йил

¹ Méxia Pero. *Vida del gran Tamerlan / Méxia Pero. Silva de varia lección*. – Madrid, 1540.

Анверда эълон қилинган «*Theatrum orbis terrarium*» («Ер атрофи қиёфаси») номли Европада нашр этилган биринчи географик атласидан жой олган. Мазкур асар асрлар давомида олимлар ва муаллифлар учун асосий манбалардан бири бўлди.

Шундай қилиб, Ғарб XVI асрнинг иккинчи ярмида Амир Темур шахсига қаттиқ қизиқиб қолди. Бу давр янгидан-янги жуғрофий кашфиётлар даври эди. Европалик китобхонларни саёҳат таассуротлари, элчиларнинг сафарлари, газеталарда ер юзи ва денгиздаги саргузаштлар, экзотик ўлкаларнинг реал ва фантастик тасвирлари, маҳаллий ҳукумат ва аҳоли, уларнинг урф-одатлари, флора ва фаунаси ҳақидаги хабарлар кўпроқ қизиқтирарди. XV асрда нашр ишлари иқтисодий жиҳатдан фойдали юмушга айланган бир чоғда бу ҳақдаги маълумотлар оммавий бўлиб кетди. Бироқ маълумотларнинг тўғрилигига фақат экзотикага бўлган қизиқиш кафолат бера олмасди.

Макиавелли назариясига асосланган Амир Темур ҳақидаги энг машҳур пьеса инглиз адиби Кристофер Марло (1564 – 1593)нинг эркин шеър (верлибрда битилган икки қисмдан иборат «Буюк Амир Темур» («*Tamburlaine the Great*») тарихий романтик трагедиясидир. Трагедиянинг ҳар икки қисми 1587 – 1588 йилларда Лондонда сахналаштирилган бўлиб, улар илк маротаба 1590 йил (аноним) нашр этилган. Шуниси эътиборга лойиқки, бу нашрда асар «пьеса» (*play*) деб эмас, балки «фожиавий нутқлар» (*tragic discourses*) деб номланган.

Кристофер Марлонинг «Буюк Амир Темур» трагедиясига Петро Перрондинининг «*Magni Tamerlani Scytarum Imperatoris Vita*», Педро Мексианинг Клавиho асарига асосланган «*Vida del gran Tamerlan*»нинг

инглизча таржималари асосий манба бўлиб кирган. Трагедияда Абрахам Ортелининг «*Theatrum Orbis Terrarum*»идан кенг фойдаланилган. Ортели Қора денгизнинг шимолида жойлашган ўлкаларни «Скифия» деб атайди. Бироқ XVI асрда Марказий Осиёнинг бир қисми ҳам «Скифия» деб аталган. Бундан ташқари, Кристофер Марло қадимий тилларни яхши билган.

Ренессансда қиролича Елизаветта ҳукмронлиги (1558 – 1603) даврида шаклланган ва ривожланган инглиз трагедияси асосчиси, бадиий адабиёт ҳамда сахнанинг типик вакили, драматург ва актёр Кристофор Марло ўзининг илк трагедияси «Буюк Амир Темур»даёқ яратувчи бўлиб кўринди. «Кристофер Марлонинг «Буюк Амир Темур» асари, – деб ёзади Рой У. Беттенхауз, – инглиз тилидаги энг буюк трагедия деб тан олинган.» – Marlowe's Tamburlaine is generally reckoned the earliest great tragedy in English.¹

Кристофер Марло Уйғониш (Ренессанс) даврида, аниқроғи, унинг гуманизми инқирозга юз тутаётган даврда қисқа яшаб, ижод қилди. Инглиз драмаси тарихида бу давр тахминан XVI асрнинг 80 – 90-йилларидан бошланиб, XVII асрнинг 20-йилларида тугайди. Албатта, гуманизм ғоялари Уйғониш даври санъати равнақининг маънавий асоси бўлган. Шу ғоялар билан суғорилган Уйғониш даври санъати ҳар тарафлама мукамал, тўлиқ инсон сиймосини яратди. Италиян гуманистлари инсоннинг эркинлигини ёқлаб чиқдилар. «Бироқ италиян Уйғониши эркинлик деганда алоҳида шахсни назарда тутарди, – деб ёзади А.К.Дживегелов. – Гуманизм инсон ўз туйғулари, фикрлари ва эътиқодида ҳеч кимнинг ёрда-

¹ Battenhouse Roy W. Preface / Marlowe's Tamburlaine. A Study in Renaissance Moral Philosophy. – Vanderbilt Nashville: Vanderbilt University Press, 1966. – P. v.

мига муҳтож эмаслигини, тепасида у ўзи хоҳлаганча ҳис қилиши ва ўйлашига халақит берадиган куч туришини ёқтирмаслигини тушунтиради.»¹

Албатта, гуманизмга феодал тузум чирий бошлаган ва капиталистик муносабатлар ўрнатилаётган тарихий тараққиёт йўналишининг ажралмас қисми бўлмиш Уйғониш маданиятининг асосий ғоявий мазмуни сифатида қаралади. Гуманизм, энг аввало, антик меросга таяниб, маданият воситаларини тасдиқлашга хизмат қилган прогрессив ғоявий ҳаракат эди. У қатор босқичларни бошдан кечирди: XIV асрда шаклланди, кейинги юз йилликда қайта ташкил топди ва гуллаб-яшнади, XVI асрда эса аста-секин инқирозга юз тутди. Уйғониш фалсафа, сиёсий мафкура, турли фанлар ва ижтимоий тафаккурнинг бошқа шакллари равнақи билан узвий боғлиқ бўлиб, энг аввало, Ренессанс бадиий маданиятига катта таъсир кўрсатди.

Антик асосда қайта туғилган этика, риторика, филология ва тарихни ўз ичига олган гуманитар фанлар ғоявий асосини инсон, унинг табиат ва жамиятдаги ўрни эгаллаган гуманизм шаклланиши ва тараққиётида бош йўналиш бўлди. Бу таълимотлар, асосан, этикада шаклланиб, ренессанс маданиятининг турли жабҳаларида бойитилиб борди. Гуманистик этика инсоннинг ер юзидаги ҳаёти, бахт-саодатга ўз қўли билан эришишини биринчи ўринга қўйди. Гуманистлар инсоннинг ижодий имкониятлари ва иродаси, ер юзида бахт-саодат ўрнатишдаги кенг имкониятларига таяниб, ижтимоий эстетикага янгича ёндашдилар.

Биз мазкур қисмда Кристофер Марлонинг 1980

¹ Дживилегов А., Бояджиев Г. *История западно-европейского театра*. – М., 1991.

ийл Москвадаги «Высшая школа» нашриётида босилиб чиққан «Икки трагедия» китобидан жой олган «Буюк Амир Темур» трагедияси¹ ва унинг Маъруф Жалил томонидан бажарилган (рус тили орқали) ўзбекча таржимаси қўлёзмасидан фойдаландик.²

Пьеса кучли ирода соҳиби Амир Темурнинг оддий чўпонликдан Форс подшоҳи Микет ва унинг укаси Хосрав орасидаги келишмовчиликдан усталик билан фойдаланиб, тахтга ўтириши ҳикоясидан бошланади. Трагедиянинг биринчи қисмида Амир Темур образи гуманизм намуналари асосида яратилган. Драмада Амир Темур тавсифини унда иштирок этувчи персонажлар беради. А.Т.Парфеновнинг таъкидлашича, Амир Темур олдида қолган деярли барча персонажлар жонсиз. «Буюк Амир Темур» бутунлай «мавҳум асар» – унинг сюжетида яхлитлик йўқ, сон-саноксиз персонажларнинг вазифаси фақатгина Амир Темур характерининг муайян томонини яшириш ёхуд унинг поғонама-поғона кўтарилишининг турли босқичлари муҳитини яратиш учунгина мавжуд, уларнинг сезги ва туйғулари Ўрта асрлар физиологияси тамойиллари асосида яратилган, персонажларни бир-биридан фарқини кўрсатадиган лисоний унсурлар йўқ, бутун пьеса давомида ягона усул сақланади, тарихий воқеликлар тез-тез унутилади, асосий диққат-эътибор тақдири ва шахси трагедияга асос қилиб олинган зиддиятларни туғдирувчи Амир Темурга қаратилган.³

¹ Marlowe Christopher. Two Tragedies (Tamdurlaine the Great, Parts I and II. The Tragical History of Doctor Faustus). – Moscow: Vyšša Škola, 1980. (бундан кейин шу китобдан олинган мисоллар саҳифаси қавс ичида келтирилади – Б.Э.).

² Марло Кристофер. Буюк Темур./икки қисми фожеа/ Маъруф Жалил таржимаси.

³ Парфенов А. Т. Кристофер Марло.– М., 1964. – С.94-95.

Пьесанинг биринчи қисмида урғу, асосан, Амир Темурнинг Макиавелли таърифлаганидек тахтга ўтириш орзусига қаратилган бўлиб, бу орзунинг амалга ошишига ҳеч бир нарса тўсқин бўлмайди. Трагедиянинг иккинчи парда 7-сахнасида Амир Темур лашкарлари билан бўлиб ўтган жангда Микет ўлади. Темур унинг тожини олиб, бошига кияди:

Not all the curses which the Furies breathe
Shall make me leave so rich a prize as this...
Though Mars himself, the angry god of arms,
And all the earthly potentates conspire
To dispossess me of this diadem,
Yet will I wear it in despite of them. (P.28.)

Бирдан келганда ҳам барча малоикалар,
Сира қўлдан бермас эдим бундай ўлжани...
Майли Миррих, саркаш уруш маъбуди майли,
Майли жаҳон подшолари фитна қўзғасин –
Мендан тортиб олмоқ учун мана шу тожни,
Ҳаммасини яксон этиб, тожни олурман.¹

У ўзининг зукко ҳарбий зафарлари ва чиройли нутқи эвазига тахтга эришади:

So; now it is more surer on my head
Than if the gods had held a parliament
And all prounc'd me king of Persia. (P.28.)

У энди меңики бўлди, шуниси маъқул,
Туғилмаган, боқий тангрининг ўзи
Уни менга бағишлади, хулласи калом. (Б.61)

¹ Марло Кристофер. Буюк Темур./икки қисмли фожеа/ Маъруф Жалил таржимаси. – Б.61.(мазкур таржима нашр этилган эмас. Шу сабабли бундан кейин таржима қўлёзмасидан олинган мисолларнинг саҳифаси матнда, қавс ичида келтирилади. – Э.Б.)

Амир Темур қандай қарор қабул қилса, унинг қандай нияти бўлса, шу заҳотиёқ амалга ошади, зеро унда ҳокимиятни эгаллаш, бошқариш ва кенгайтириш учун барча хислат мавжуд – иродаси кучли, ақли, билими бор, ўз вазифасининг илоҳийлигига ишончи комил. Пьесада Амир Темурнинг нияти дунёни эгаллашдир:

Бутун дунё тожини ўз бошингда кўрмоқ,
Якка-ёлғиз, тугал роҳат-фароғат шудир. (Б.60)

Бу албатта хаёлий орзу. Бироқ уни амалга ошириш учун у тинмайди – сафар кетидан сафар, муҳораба кетидан муҳораба уюштиради, шаҳарларни, давлатларни эгаллайди. Ҳеч ким унга тўсқинлик қилолмайди, одамлар ҳам, худолар ҳам. У ҳеч кимдан кўрқмайди.¹

Трагик образларда бўлганидек, Амир Темурда, Фауст ва Варравада икки умумий хислат мавжуд. Улар ҳаракатсиз, жонсиз, улар ҳаракат ривожланиши билан кўзғоладилар. Уларнинг кўриниши биринчи саҳналардаёқ маълум бўлиб, охиригача шундай қолади. Бу ерда бир нарса иккинчисига боғлиқ – улар шу қадар буюк-ки, ҳатто бутун ҳаракатни тўхтатиб қўяди. Амир Темур ва Фауст асар сюжетига салобат беради, зеро, уларсиз асарларнинг сюжети бўм-бўш.

К.Марло ўзига қадар инглиз театрида мавжуд бўлмаган ҳаракат бирлигини қўллаш, унинг асосий мавзу ва бошқа фикрларни бирлаштирувчи якка го-ядаги кўринишини енгилга ҳаракат қилди. К.Марло асарларида бош қаҳрамон образида мужассамлашган буюк иштиёқ марказда туради. У умумий

¹ Дживелегов Алексей Карпович. Предшественники Шекспира: (yes@lib.ru)

(типик) персонаж ҳақида асар яратмаганлиги, интилиш, иштиёқни тасвирлагани учун халқ театрида мавжуд бўлган моралите меросини, унинг аллегоризмини ўзгартирди ва ҳаётга тадбиқ этди. Марло драматик композиция яратиш ва ҳаракатларни рухийлаштириш учун мавҳум ғояни аниқ образда мужассамлаштиришдан фойдаланди.

К.Марло Амир Темур образида инсон ҳақидаги Ренессанс ғоясини мужассамлаштирар экан, умумевропа тамойиллари бўйича иш кўрди – XV–XVI асрларда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида яратилган трактатларда Сохибқирон инсонийлик хислатларига эга инсон сифатида тасвирланган эди.¹

«Буюк Амир Темур»нинг биринчи қисми иккинчи пардасида Форс шоҳи саройидаги воқеалар тасвирланади. Парданинг биринчи сахнасида шоҳнинг укаси Хосрав ва шоҳ саркардалари Амир Темур ҳақида суҳбат курадилар. Бу ерда Амир Темурнинг илк портрети чизилади. Амир Темурни «Беқиёс ғалабалару шону шавкатлар пешонасига битилган мардларнинг марди» (...valiant Tamburlaine, the man of fame, the man that un the forehead of his fortune) – деб таърифлаган Хосрав Менафондан у ҳақда сўрайди:

But tell me, that hast seen him, Menaphon,
What stature wields he, and what personage?
(P.88-94)

Сен яқинда кўргансан уни:
Қани, айт-чи, Темур ўзи қанақа одам?
(Б.28)

¹ Парфенов А. Т. Кристофер Марло. – М., 1964. – С. 88–94.

Ренессанс ривоятлари асосида К.Марло шундай мукаммал қаҳрамон намунасини яратдиким, Амир Темурнинг ташқи кўриниши ҳам гуманистик тасаввурларга асосланиб чизилди¹ – гуманистик антропологияга мувофиқ инсон танасининг мукаммаллиги бутун дунё гўзаллигини акс эттирарди. Менафон Хосравга қуйидагича жавоб беради:

Of stature tall, and straightly fashioned,
Like his desire, lift upwards and divine;
So large of limbs, his joints so strongly knit,
Such breadth of shoulders as might mainly bear
Old Atlas' burden. Twixt his manly pitch
A pearl more worth than all the world is is plac'd.
(P.16)

Обрўсидай бўйи баланд, қадди типпа-тик,
Маъбудларга монанд унинг бутун келбати,
Кучи танасига сиғмас, пайлари бўртиқ,
Елкалари кенг, чорпахил, ҳеч қийналмасдан
Атлант каби елкасига олар дунёни
Бундан ортиқ бўлмас саркарда шакли. (Б.28)

Бу таърифда Амир Темурнинг Атлантга қийсла-ниши бежиз эмас, у Уйғониш гуманизми асосида қудратли паҳлавон этиб тасвирланади. Атлант ёхуд Атлас қадимги юнон мифологияси қаҳрамони, ер куррасининг чекка ғарбида туриб, елкасида само гумбазини кўтариб турувчи паҳлавон.

Менафоннинг таърифича:

Wherein by curious sovereignty of art
Are fix'd his piercing instruments of sight,
Whose fiery circles bear encompassed

¹ Горфункель А.Х. Философия Эпохи Возрождения. – М.,1980.– С.46–51.

A heaven of heavenly bodies in their spheres,
That guides his steps and actions to the throne
Where honor sits invested royally.
Pale of complexion, wrought in him with passions,
Thirsting with sovereignty, with love of arms,
His lofty brows in folds do figure death,
And in their smootness amity and life
About them hangs a knot of amber hair,
Wrappwd in curls, as fierce Achilles was,
On which the breath of heaven delights to play,
Making it dance with wanton majesty.
His arms and fingers long and sinewy... (P.16-17)

Мазмуни: Амир Темурнинг «кўзи бургут кўзларидай чакнаб туради, аммо унинг юзи оппоқ, заъфарон тусда. Гоҳи ғазабкор тиришса мағрур манглай ўлим хавфи пайдо бўлар, гоҳи ёришса – дўстларига ҳаётларин қайтариб берад ... узун, чаққон кўллари каттиқ пайлари кучи ошиб тошганини кўрсатиб турар. Идроки, қадди-қомати, феълу атвори дунёга ҳоким бўлишидан дарак беради.» (Б.29)

Трагедиянинг иккинчи қисми 3-пардаси 4-саҳнасида Басра доруғаси ўлади. Теридам доруғанинг рафиқаси Олимпияга далда берад экан Амир Темур ҳақида шундай дейди:

But, lady, go with us to Tamburlaine,
And thou shalt see a man greater than Mahomet...
(P.94)

Аммо агар Темурхонга бир назар солсанг,
Кўрасанки, улуғвордир у барча зотдан. (Б.181)

Марло Амир Темурнинг паст табақадан келиб чиққанини таъкидласа-да, унинг «жасорат» этик та-

мойилига алоқадорлигини маълум қилади. Бунинг маъноси шуки, инсоннинг қадри унинг келиб чиқиши билан эмас, амалга оширган ишлари билан ўлчанади:

...virtue is the fount whence honor springs,
And they are worthy she investeth kings. (P.50)

Аслзодалик асоси – мардлик, жасорат,
Фақатгина шу ўтқизар одамни тахтга.

Табиийки, бундай ижобий хислатлар ҳақидаги сўзлар Амир Темурга яқин одамлар тилларидан чиқади, душманлари эса бутун асар давомида унинг келиб чиқишига салбий урғу берадилар. Соҳибкирон ҳақидаги яхши, ёмон гаплар ҳам уларнинг ҳаммасидан чиқади. Пьесада улар такрор ва такрор Амир Темур «оддий чўпон ўғли», «ёшлиқда ўғри бўлган», «ўғри», «талончи» деган сўз ва жумлаларни қайтарадилар. Бу сўзлар биринчи парданинг биринчи сахнасидаёқ, Форс шоҳи саройида Микет ва Хусравнинг аъёнлар билан суҳбатида жаранглайди.

Микет:

Meander, thou my faithful counselor,
Declare the cause of my conceived grief,
Which is, God knows, about that Tamburlaine,
That like a fox in midst of harvest time
Doth prey upon my flocks of passengers. (P.6)

Меандр, менинг сени шончли маслаҳатчимсан,
Уларга сўзлаб бер шоҳлик ташвишларимдан.
Йўлларда савдо аҳлини тунаб кетувчи
Анов Туронлик қарокчи Темур ҳақида. (Б.5)
(таъкидлар бизники – Б.Э.)

Меандр шоҳга қуйидагича жавоб қайтаради:

Oft have I heard your majesty complain
Of Tamburlaine, that sturdy Scythian thief,
That robs your merchants of Persepolis
Trading by land unto the Western Isles,
And in your confines wiuj his lawless train
Daily commits incivil outrages. (P.50)

Қурукликдан ғарб томонга қатнаб турувчи
Персеполик савдогарлар карвонларини
Темурбек талабди дея сурбетлик билан,
Шикоят қилар эдингиз, тез-тез ҳукмдор.
У сизнинг мулкда ҳар куни неча марталаб
Қонунга ҳилоф хужумлар ясаб туради. (Б.5-6)

Микет эса шундай фармойиш беради:

To send my thousand horse incontinent
To apprehend that paltry Scythian.(P.5-6)

Зудлик билан битга бўлук отлансин йўлга:
Таги паст скифияликни қамоққа олсин. (Б.6)

Учинчи парданинг иккинчи саҳнасида отасидан айрилган Зенократа аёнлардан бири Агидий билан суҳбатида аён унга шундай савол беради:

How can you fancy one that looks so fierce,
Only disposed to martial strategems? (P.31)

Фикри-зикри уруш, қирғин билан банд кимса,
Ёвуз чўпон қандай мафтун қилолди экан? (Б.67)

Биринчи қисм 3-парда 5-саҳнасида эса Оркан уни ҳақорат қилиб, таҳдид солади:

Эй чўпон боласи, эй ожиз Темур,
Ўлимни кут! Тамом қилар қиличим сени! (Б.187)
(таъкидлар бизники – Б.Э.)

Ўз хатти-ҳаракатининг фарқига борадиган жангчи, ақл-фаросати билан чўпонга қараганда кўпроқ гуманистга ўхшайди. У ўзига бошқаларни ишонтириш учун гапиришни яхши кўради. У ҳақиқий суҳандон, суҳандонларнинг устаси фаранги, нутқи кимга қаратилганидан келиб чиқиб (масалан, Боязидгами, Зенократагами), баъзан баландпарвоз, баъзан мафтункор сўзларни қўллайди. Унинг нутқида сафсата кучли, бироқ маъно тўла.

Асардаги Амир Темур ҳам ўз навбатида, душманларига нисбатан «жирканч», «ифлос» сифатларини қўллайди. Масалан, биринчи қисм 2-парда, 4-саҳнадаги Микет ва Амир Темур суҳбати: (Такрор)

TAMBURLAINE:

What, fearful coward, straggling from the camp
When kings themselves are present in the field?

MYCETES:

Thou liest.

TAMBURLAINE:

Base villain, dar'st thou give the lie? (P.22)

ТЕМУР:

Лаънати кўрқоқ! Қочдингми жанг майдонидан?
Шоҳлар довиюраклик билан уришмоқда-ку.

МИКЕТ: Ёлғончи!

ТЕМУР: Менми ёлғончи! Ўх, жирканч ит! (Б.38)

Биринчи қисм 5-парда, 1-саҳна – Боязид ва Амир Темур суҳбати:

TAMBURLAINE:

But, villain, thou that wishest this to me,
Fall prostrate on the low disdainful earth
And be the footstool of great Tamburlaine
That I may rise into my royal throne. (P.22)

ТЕМУР:

Менга ўлим тилаётган эй сен ифлос,
Ерга ёту юзларингни тупроққа яшир.
Ўз ҳокимлик сарватига чиқар чоғида
Темурхонга оёқ қўйгич битта зина бўл. (Б.88)

*Иккинчи қисм 5-парда, 1-саҳна – Теридам ва
Амир Темур:*

TAMBURLAINE:

Go, bind the villain! He shall hang in chains
Upon the ruins of this conquered town. (P.114) –

ТЕМУР:

Осиб қўйинг нобакорни занжирбанд қилиб,
Куйиб кул бўлган шаҳарни томоша қилсин. (Б.217)
(таъкидлар бизники – Б.Э.)

Амир Темур ҳеч қачон худоларга қарши чиққан эмас. У ўта тақводор инсон бўлган. Трагедияда ҳам у худолар билан (айниқса, Миррих билан) доимо алоқада бўлади. Бироқ Соҳибқироннинг худо билан алоқаси гуманистик эмас, балки тасаввуфийдир. Амир Темур «худонинг ғазоби», бу билан у Ердаги қонхўр, шафқатсиз шоҳларни жазолаши лозим. Трагедияда воқеалар ривожлангани сари оҳанг ҳам кўтарилиб боради. Дастлаб Амир Темур бошқаларнинг тили, сўзи билан ўзини «худонинг ғазоби» деб атаса (уч марта), кейинчалик, айнақса, пьесанинг иккинчи қисмида, унинг ўзи ҳам, бошқа персонажлар ҳам бу сифатни такрорлашдан толмайдилар

(турли шаклларда – «худонинг қамчиси», «худонинг ғазаби», «ғазаб қамчиси» – ўн уч марта). Қуйида мисоллар келтирилади.

Биринчи қисм: 4-парда, 2-саҳна (Темур Боязидга оёқ қўя туриб):

Ҳаво пардаси кўтарил пана қилмасдан.
Осмон кўрсин, қандай қилиб дунё шоҳлари
Ғазаб қамчиси пойида хор бўлганини. (Б.89)

4-парда, 3-саҳна (Миср султони жангчиларга):

Сизлар билан бораман мен Темур устига
Зоти паст чўпон худонинг ғазаб қамчиси. (Б.93)

Иккинчи қисм: 3-парда, 5-саҳна (Оркан):

Ер юзининг ҳукмдори, жаҳон маъбуди,
Ўзин тангри қамчиси деб атаган кимса. (Б.184)

4-парда, 4-саҳна (Амир Темур Трапезон ва Сурия шоҳлари тортиб келаётган аравада. Унинг чап қўлида тизгин, ўнг қўлида қамчи):

Ростдан ҳам мен ҳак-таоло қамчисидирман.(207)

5-парда, сўнги саҳна (Амир Темур сўнги нафасидан олдин ҳам ўз унвонини, ўз бурчини қайтаради):

Не тонг, худонинг қамчиси Темурхон ўлар. (Б.237)
(таъкидлар бизники – Б.Э.)

А.Т.Парфеновнинг фикрича, К.Марло бу сифатларни асарга ижтимоий тенгсизликка қарши кураш оҳанглари каби киритади, зеро адиб Амир Темурнинг ҳокимиятга интилишини қандай қилиб бўл-

са-да оқлаши, тушунтириши керак. Айнан шунинг учун ҳам Амир Темурнинг нутқида насронийлар химоясига алоҳида аҳамият берилади, зотан Амир Темурнинг душманлари насронийликнинг ҳам душманларидир.¹

Трагедия охирида муаллиф Амир Темурнинг комил эътиқодига мутлақо зид равишда Соҳибқирон образини ўз юрти манфаати доирасида ўзи истагандек талқин қилади. Унга кўра у яратган Амир Темур тимсоли исломни мураккаб дин деб ҳисоблайди. Муаллиф жаҳонгирнинг мусулмон ҳукмдорларга қарши курашини шу билан асослаб, ҳатто Қуръонни ёндириши саҳнасини ифодалашгача боради.

Бу муаллифнинг ҳақиқатдан йироқ субъектив қарашидир. Муаллифнинг ана шундай янглиш қараши таъсирида инглиз адабиёти, айниқса, К.Марло ижоди бўйича мутахассислар – шўролар даври рус адабиётшунослари (А.А.Аникст, Б.И.Пуришев, А.Т.Парфенов, А.К.Дживелегов, И.Гарин, М.М.Морозов, Н.И.Стороженко, А.Парфенова ва бошқалар) жаҳонгирни даҳрий дейишгача боришади.

Биринчидан, К.Марло университетда ўқиб юрган давридаёқ Махфий кенгаш аъзоси ва Англия махфий полицияси раҳбари сэр Френсис Уолсингемнинг жияни Тома Уолсингем билан дўстлашиб қолади. Бу танишув унинг ҳаётида мудҳиш роль ўйнади. К.Марло сэр Уолсингемга хизматга киради. Бу ўша давр учун ҳеч қандай ғайритабиий ҳол эмасди. Замона адабий ҳаёти ва театрининг бошқа арбоблари ҳам махфий хизматда турганлар.

Ҳукумат раҳбарлари К.Марлога яхши муносабатда бўлишган. Бироқ кейинроқ бу муносабат ўзгарган – уни атеизмда айблашган. 1593 йил 18 майда

¹ Парфенов А.Т. Кристофер Марло и легенды Востока и Запада / Marlowe Christopher Two tragedies. – М-в., 1980. – С.200-203.

К.Марлони қамоққа олиш ҳақида буйруқ чиққан, 20 майда эса у Махфий кенгаш унга янги буйруқ чиқмагунича ҳар куни кенгашга келиб туришни буюрган. «Ўзи каби бундай айбланганларга қараганда осонгина қутилгани учун савол туғилади, – деб ёзади адабиётшунос олим Е.Б.Черняк, – унга янги топшириқни олмагунича кенгашга келиб туриш буюрилмаганмикин?»¹

Амир Темур ҳеч қачон Яратганнинг мавжудлигига шубҳа билан қараган эмас. А.Т.Парфенов таъкидлаганидек, «Амир Темур ўзини осмону фалакка ва Худога қарши қўймайди, Амир Темур ўзини ер ҳокимияти контекстида тасаввур қилади – сафдошлари уни «ер худоси» («earthly god») деб аташади, унинг ўзи учун эса ердаги ғалабалар самодаги Аршиаълодан афзалроқ.»²

Асар талқинида Буюк Темур худонинг бор-йўқлигига эмас, унинг қаерда, қандай аниқ масканда бўлишига қизиқиш билдиради:

*Seek out another godhead to adore –
The God that sits in heaven, if any god,
For He is God alone, and but He. (P.117)*

*Энди сиз жангчилар изланг тангрини,
Осмондаги тангрини – унда бор бўлса –
Тангри бордир, тугилишу ўлиш бегона. (Б.223)*

Иккинчидан, К.Марлонинг «Буюк Амир Темур» трагедиясининг ҳар икки қисми алоҳида асар ҳисобланади. Уларнинг яратилиши ва саҳнада

¹ Черняк Е.Б. Тайная война и Вильям Шекспир/ Пять столетий тайной войны. – М.: Международные отношения, 1991. OCR Бычков М.Н. Converted from DVD copy of Maxim Moshkov Library – <http://lib.ru> (бундан кейин рус ва француз тилидан таржималар бизники – Э.Б.)

² Парфенов А. Т. Кристофер Марло.– М., 1964. – С.96–97.

қўйилиши ўртасида фарқ бор. Бунга К.Марлонинг Махфий кенгашга аъзолиги ўз таъсирини кўрсатган албатта. Бунинг натижасида трагедиянинг иккинчи қисмида Амир Темур худога қарши бўлиш у ёқда турсин, тақдирга тан беради. Биз буни юқорида ҳам келтирган эдик – «Тангри бордир, унга туғилишу ўлиш бегона.» Амир Темур ўғли Амирга ҳам тақдирга тан беришни ўргатади:

*Ориятдан устун қўйма, ўғлим, севгини,
Қабул қилиш вазифангдир тақдирда борин.*

(Б.234-235)

Newington Butts театрида трагедиянинг биринчи қисми 9 марта, иккинчи қисми 1 марта алоҳида қўйилган. Унинг иккала қисми 6 марта биргаликда саҳналаштирилган, холос. Бу узилишлар баъзан Махфий кенгаш қарорига асосан, баъзан турли тартибсизликлар ёхуд Лондонда 1592 йил августда қўзғалиб, беш йил давом этган вабо туфайли рўй берган.¹ «*Cette longue saison (42 semaines) est d'ailleurs riche en créations biens accueillies, telles que *Belin Dun* et *A Knack to Know an Honest Man*, et en reprises particulièrement heureuses, comme les deux parties de *Tamerlan*.*» – «Шунга қарамай, бу узок мавсум (42 ҳафта) «Билэн Дан» ва «Софдил одамнинг қобилиятлари» каби янги саҳналаштирилган спектаклларнинг яхши қабул қилиниши, айниқса, ниҳоятда бахтли «Буюк Амир Темур»нинг иккала қисми тез-тез қўйилиши билан ажралиб туради.»²

¹ Fuzier Jean. Carrière et popularité de la « Tragédie espagnole » en Angleterre/Dramaturgie et Société. Colloques internationaux du Centre national de la Recherches Scientifique.Sciences humaines. Rapports entre l'oeuvre théâtrale, son interprétation et son public aux XVI^e et XVII^e siècles. Nancy – 14-21 avril 1967. Tome II. – Paris : Editions du Centre National de la Recherche Scientifique, MCMLXVIII. – P.592.

² ўша жойда, P.598.

Бу пайтда (1587-1588) Марлонинг дунёкараши, тафаккурида қандайдир ўзгариш бўлганлиги аниқ. Бунга юқоридаги воқеа ҳам мисол бўлади, яъни Махфий кенгаш таъсири остида трагедияга ўзгартиришлар киритилган.

Марлонинг паҳлавонлари инсон табиатига хос барча хислатларга эга тирик одамлар. Асарда Амир Темур, масалан, барча фотиҳлар мисоли қудратли, маккор ва шафқатсиз. Бироқ у Зенократани чин юракдан севади, ўғилларини ўзига муносиб меросхўрлар қилиб ўстириш учун уларнинг тарбиясига катта эътибор беради, ўз саркардаларига ишонади, уларни хизматларига мос равишда рағбатлантиради.

Амир Темур ўз ғаними – Миср султонининг қизи Зенократани севиб қолади. Султон маҳв этилганини тан олган қуни ундан қизининг қўлини сўрайди:

Зенократа, қизлар ичра беназири сен,
Темурхоннинг энг муносиб умр йўлдоши,
Тўлин ойдай яшнаб турса лўппи юзлари,
Юлдуз каби чарақлайди шахло кўзлари. (Б.76)

У кўп ўйланади, бироқ ўз туйғусига, юрагига тан беради:

Жасоратга, шон-шарафга, ғалабаларга –
Юксалишга толиб бўлган ҳар бир сипоҳи –
Бош эгиши керакмикин ҳусн олдида?
Мен, доимо ғолиб, аммо туйғуда мағлуб
Унга лойиқ ҳеч қаршилиқ кўрсатолмадим. (Б.111)

Зенократага ўйланган Амир Темур жангу жадалда юра беради, унинг қадрига эса рафиқаси оғир хаста бўлиб, оламдан ўтаётганида етади:

Мен ҳам ажиб тезкорлик билан
Гўзал осмон саройига чиқиб борурман.

Маҳбубам Зенократанинг умридан кўра,
Узоқ чўзилмасин энди менинг ҳаётим!

У ҳам севимли Зенократаси билан бирга оламдан
ўтишни, у билан бирга бўлишни истайди:

Яша менинг муҳаббатим, ҳаётим асраб,
Ўлар бўлсанг агар, мени ҳам ўлдир. (Б.162)

К.Марло асарда ўз олдига Амир Темурнинг Боязид (темир қафасга солинган) устидан қозонган ғалабасини кўрсатишни асосий мақсад қилиб қўйган эди. Айнан мана шу унсур Марлодан кейин ёзилган асарлар катта қисмининг Амир Темур сиймосига бўлган ёндашишини белгилаб берди.

Таъкидлаш лозимки, Амир Темур пьесанинг биринчи қисмида ваҳший эмас, бу қисм тинчлик ўрнатилиши ва Соҳибқироннинг Миср султонининг қизи, фақатгина унинг сўзини инобатга олган Зенократага уйланиши билан тугайди.

Пьесанинг иккинчи қисмида турклар нассора Европа билан вақтинча сулҳ тузишга интилади, зеро Амир Темур ўзининг уч ўғлига «ўзи каби Худонинг ердаги шамшири» бўлишни амр қилади. Бунинг маъноси Амир Темур Зенократанинг ўлиmidан сўнг қақшатғич муҳорабаларга кириши ва кетма-кет янгидан-янги ўлкаларни қўлга киритиб, шафқатсизлик қилишида намоён бўлади. Ниҳоят у Бобилни қўлга киритади, Худога шак келтириб, Қуръони Каримни ўтга ташлайди. Бу воқеадан сўнг, у Аллоҳнинг қаҳрига учрайди ва иситма касали билан оғриб қолади. У тирик қолган икки ўғлига «дунёнинг қолган қисмларини забт этишни» буюриб, Зенократанинг жасадига бош қўйиб, дунёдан кўз юмади.

Адабиётшунослиқда тарихий ҳақиқат ва бадий

тўқима деган тушунчалар бор. Бадиий тўқима ҳақидаги фикрни биз Аристотелнинг «Поэтика» асаридан учратамиз. Унинг фикрича, муаррих рўй берган воқеаларни тилга олади, шоир эса рўй бериши мумкин бўлган воқеалар ҳақида сўз юритади. «Асрлар давомида бадиий асарларда бадиий тўқимага умумий бойлик сифатида, адибга ўздан олдин ўтган ҳамкасбларидан қолган мерос сифатида қараб келинди. Булар асосан (айниқса, антик ва ўрта асрлар сюжетларидан кенг фойдаланилган Уйғониш ва классицизм драматургиясида) ҳар сафар ўзгариб турадиган анъанавий персонажлар ва сюжетлар эди.»¹

Бунда адиб олами бадиий тасвирлайди, натижада бадиий қаҳрамон тарихий шахсда мавжуд бўлмаган хислатларга эга бўлади. К.Марло ҳам шу йўлдан борган, зеро «ҳар бир миллий адабиёт Темур образини ўз мафкуравий ва маданий мақсадларига мос тарзда яратади» – «Каждая национальная литература воссоздает образ Тимура соответственно своим идеологическим и культурным установкам.»²

К.Марло айнан шундай йўл тутган. Бу даврда Англия ва Франция Испания учун кураш олиб бораётгани сабабли адиб трагедияда Анқара муҳорабасида устун келган Амир Темур қиёфасида ўз қироли Вильгелм III ни, Йилдирим Боязид қиёфасида Франция қироли Людовик XIVни назарда тутган. Бу билан ватанпарвар адиб дастлаб Европани қутқарган Амир Темурни улуғласа-да, сўнг уни Африкани, ҳатто Ҳинд океанидаги Занзибар (Португалия

¹ Хализев И.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002. – С.115.

² Кароматов Х.С. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии Кристофера Марло «Тамерлан Великий». Дисс. канд. филол. н. – Т., 1990. – С.84.

мустамлакаси, ҳозир Танзания таркибига кирувчи орол)ни, жануби-шарқий Европани эгаллагани ва жанубий Европага кўз тикиб, бутун дунёга якка ҳокимликни ўйлаётган қилиб тасвирлайди.

Трагедиядаги жой ва персонажларнинг номлари ҳамда исмлари ҳам ўзгартирилган. Амир Темур Мовароуннахрнинг эмас, Эрон тахтига ўтиради. Зенократа Миср султонининг кизи ва ҳоказо. К.Марло трагедияда афсона, ривоятлардан ҳам кенг фойдаланган. Соҳибқироннинг Яқин Шарқдаги шаҳарларни забт этиш олдидан уларни қамал қилиб, шаҳар деворлари қаршисига учта байроқ тикиши, Боязидни банди этиб, темир қафасда ушлаб туриши, отга минишида уни оёғи остига қўйиши, овқатланганида стол остида ушлаб туриши ва ҳоказолар. Шунга қарамай, «Буюк Темур» фожиасининг бош қаҳрамони, XIV асарнинг сўнги чорагида дунёни ларзага солган бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур бўлиб, асарда у қадимги юнон-рим саркардалари Александр Македонский ва Юлий Цезарь мисоли эъзоз билан қаламга олинган.»¹

К.Марло «Буюк Амир Темур»да драматик техникада инқилоб ҳисобланмиш янгилик намойиш этди. У ўз асарини ёзишда Елизабетта даври драматининг муҳим хусусияти ҳисобланмиш эркинлиги ва бадиий ифодасининг турфалиги билан ажралиб турадиган қофиясиз беш туроқли ямбни – оқ шеърни қўллади. Бу эътирофга лойиқдир.

К.Марлонинг «Буюк Амир Темур» трагедияси бутун дунёда юксак баҳоланди. «Мен билган драмалар ичида «Буюк Амир Темур» қаҳрамоннинг

¹ Холбеков М. Марло ва Шекспир. Copyright © 2007 – 2008 Samarqand. № 47, 17.11.2007.

ўлими билан тугайдиган ягона трагедиядир.» – деб таъкидлайди олима Махуд хоним. – «*Tamburlaine the Great*» is the only drama I know in which the death of the hero constitutes the tragedy.»¹ Француз адабиётшуноси Жан Фузьенинг фикрича, «У чиндан ҳам Англиядаги оммавий театрларнинг олтин даврини белгилаб берди. У Уйғониш даври инглиз театрининг энг кўп саҳналаштирилган, энг кўп нашр этилган, энг кўп ўзгартирилган, энг кўп тилга олинган, тақлид ва пародия қилинган, энг кўп четга чиққан ва ўз даврида энг кўп таржима қилинган ва содалаштирилган асарлардан биридир.» – «*Elle marque véritablement le début de l'âge d'or des théâtres publics en Angleterre. C'est une des œuvres les plus jouées, les plus publiées, les plus remaniées, les plus citées, imitées ou parodiées, les plus exportées et, en son temps, les plus traduites ou adaptées de tout le théâtre anglais de la Renaissance.*»²

Европа маданиятининг кейинги тараққиётига катта таъсир кўрсатган гуманистик дунёқараш Уйғониш даврининг улкан прогрессив ютуқларидан бири бўлди. Гуманистик этикада назарда тутилган кўплаб масалалар инсон фаолиятининг маънавий омиллари тобора муҳим ижтимоий вазифа бажараётган бизнинг давримизда янгича маъно ва алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шунинг учун ҳам К.Марлонинг «Буюк Амир Темур» трагедияси

¹ Mahood M. Poetry and Humanism. – London, 1950. – P.60. *Christopher Marlowe. Tamburlaine. Edited by J.W.Harper Ernest Benn Limited, London, 1971.* – P.xxvii дан олинди.

² Fuzier Jean. Carrière et popularité de la «Tragédie espagnole» en Angleterre/Dramaturgie et Société. Colloques internationaux du Centre national de la Recherches Scientifique.Sciences humaines. Rapports entre l'oeuvre théâtrale, son interprétation et son public aux XVI^e et XVII^e siècles. Nancy – 14-21 avril 1967, Tome II. – Paris : Editions du Centre National de la Recherche Scientifique, MCMLXVIII. – P.590.

ҳамон жаҳон театрлари сахналаридан тушмай келмоқда. Шу ўринда биз муҳим бир маълумотни келтирмоқчимиз.

XXI асрда театр сахнасида ҳам ўзгариш кузатилмоқда. Амир Темур иймон эътиқодига мутлақо зид талқин қилинган К.Марлонинг «Буюк Амир Темур» пьесаси постановкасидаги Қуръони Каримнинг ёқилиши сахнаси олиб ташланди. «Bristol Old Vic» театрининг режиссёри Дэвид Фарр Буюк Британия мусулмон аҳли билан зиддиятга киришмаслик ва Лондонда 2005 йил 7 июлда рўй берган террористик хуружлардан кейин юзага келган ҳолатни кескинлаштирмаслик, диний қарама-қаршиликларнинг олдини олиш учун шундай қарорга келди, деб хабар беради «The Times» газетаси 2005 йил 24 ноябрдаги «Исломга ҳурмат юзасидан Шекспир замондошининг пьесасини ўзгартирдилар» деб номланган мақоласида.¹

«Bristol Old Vic» театри директори Саймон Риднинг таъкидлашича, Қуръони Каримни ёқиш сахнаси дунёдаги энг йирик динлардан бири вакиллариининг ғазабини кўзғатиши мумкин эди. Шу боис спектаклда Қуръони Карим «умуман китоб» билан алмаштирилди.

Гарчи шундай бўлса-да, бутун умр маънавият ва маърифат ҳомийси бўлиб келган Амир Темурнинг китоб ёндириши билан боғлиқ сахна тарихий ҳақиқатга зид бўлиб қолаверади.

«Марло пьесасини XXI аср контекстида талқин қилмоқ лозим: драматург ўз қарашларини талқин қилар экан исломга эмас, умуман, Худо мавжудлигига нисбатан эътиқодга қарши чиққан. Агар пьеса воқеалари яҳудий, насоро ёхуд ҳиндий мамлакатда

¹ <http://www.islam.de/4122.php>

бўлиб ўтганида, Марло қаҳрамони шу динларга қарши ҳаракат қилган бўларди» – дея таъкидлайди С.Рид.

Буюк Британия театр жамоатчилиги классик пьеса цензурасига турлича фикр билдирди. К.Марло ҳақидаги «The Reckoning: The Murder of Christopher Marlowe» китобининг муаллифи Чарльз Николи исломни драматургдан ҳимоя қилиш – К.Марлонини ҳақорат қилишдир, деб баҳолайди. «Буюк Амир Темур»ни «The Royal Shakespeare Company» театрида саҳналаштирган режиссёр Терри Хэндс эса диний ёки сиёсий мавзуларда ёзилган классик матнга ўзгартириш киритиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди.¹

Албатта, буборада ҳар кимнинг ўз фикри бўлиши табиий. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам ижодкор буюк шахс эътиқоди борасида тарихий воқеликка зид талқинларга берилишга ҳақли эмасдир.

Мазкур бўлимда таҳлил қилинган асарлар қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Амир Темур Ғарбий Европанинг Ренессанс маданий анъаналарида алоҳида ўрин эгаллайди. Уйғониш давридан бу фигура Ғарбий Европа маданий ва адабий ҳаётининг муҳим таркибий қисмига айланди. Усмонли туркларнинг Анқара жангида Мовароуннаҳр лашкарлари томонидан маҳв этилиши Европа маданиятида улкан қизиқиш уйғотди. Бевосита ушбу жангдан сўнг битилган номалар ва бадиий асарларда Мовароуннаҳр ҳукмдорининг қудрати мадҳ этилади. Уларда Соҳибқирон Европа умрини узайтиргани таъкидланади.

2. Ғарбий Европада Амир Темур ҳақидаги дастлабки асарлар латин тилида битилган бўлиб, муаллифларнинг асосий эътибори Соҳибқиронга,

¹ http://forum.rc-mir.com/topic1784794_0.html

унинг саркардалик маҳоратига, Мовароуннаҳр лашкарларига, улардаги тартиб-интизомга қаратилган. Номаларда Амир Темур илми нужум, ҳандаса, афсунгарлик ва бошқа фанлардан яхши хабардор, кўп тилларни билувчи доно ва оқил инсон сифатида тасвирланади. Асарларда кўплаб араб ва форс тилларидаги сўзлар қўлланилганлиги муаллифлар Амир Темур ҳақидаги Шарқ манбаларидан унумли фойдаланганлигидан далолат беради.

3. Шу пайтгача латин тили ҳукмрон бўлган ва миллий тиллардаги адабиётлар шаклланаётган бир пайтда Ғарбий Европа мамлакатларида Амир Темур ҳақида миллий тилларда ёзилган асарлар пайдо бўлди. Илк ёзма манбаларда акс эттирилган Амир Темур сиймоси ундан кейинги муаллифларнинг асарлари учун асосий мезон бўлди ва XV асрнинг биринчи ўн йилликларидан бошлаб Ғарбий Европа тамойилига айланди. Уйғониш даври маданиятида Амир Темур жасур ва мард инсон, кейинчалик эса тенги йўқ шахс тимсолига айланиб, Ғарбий Европа адабиёти равнақида алоҳида ўрин эгаллади.

4. Амир Темурнинг мазкур сиймоси XV аср Ғарбий Европа тасвирий санъатида ҳам ўз ифодасини топди: Соҳибқирон унда *Uomo famosi* – «машҳур инсон» сифатида намоён бўлди. Соҳибқироннинг мазкур тасвири Александр Македонскийга жуда ўхшаб кетади. Бу алоҳида диққатга сазовор, зеро у илк бора тасвирий санъатда ўз ифодасини топиб, кейинчалик мозийшунослик ва бадиий адабиётга кириб келган бундай ўхшатиш XV асрдаёқ пайдо бўлганидан дарак беради.

5. XVI асрга келиб нафақат мозийшунослар, балки кўплаб адиб ва драматурглар ўз асарларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига мурожаат қилдилар. Айнан XVI асрда Амир Темур тарихига тўғри

ёндашишга уринишлар бўлди. Унинг ҳаёти ва фаолиятини тасвирлашда кўплаб фантастик унсурларни қўллаш ҳам айнан XVI асрдан бошланди. Натижада Европанинг қатор давлатларида фантастик унсурлардан кенг фойдаланилган асарлар пайдо бўлди.

6. XVI аср Ғарбий Европа адабиётларида Амир Темур шахсига салбий баҳо берилган асарлар ҳам пайдо бўлди. Уларда Амир Темур ҳақидаги афсоналарда маҳв этилган Боязиднинг таҳқирланиши ҳақидаги саҳналар киритилди. Амир Темур Боязиднинг белига оёқ қўйиб отга минади, Боязидни стол остида сақлаб, овқатининг қолдиқларини унга худди итга ташлагандек иргитади, банди этилган султон хотини Амир Темур томонидан таҳқирланган ҳамда Боязид ўз жонига суиқасд қилган деган тухматли фикрлар билдирилди.

7. Ренессанс адабиётида Амир Темурнинг банди қилинган Боязидни қафасга солгани ҳақидаги ривоят қатор асарларда учрай бошлади. XV асрнинг охирларида пайдо бўлган мазкур мавзу кейинчалик жуда кўп баҳсларга сабаб бўлди, австриялик машҳур олим Ҳаммер-Пургштал форс ва турк манбалари, айниқса, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига асосланиб бу афсонанинг ёлғонлигини исботлади. Бироқ Амир Темур томонидан Боязиднинг қафасга солиниши ҳақидаги ривоят қатор тарихий ва драматик асарларнинг пайдо бўлишига туртки берди.

8. XVI асрда Амир Темур ҳақидаги маълумотлар кўпайди ва ҳаққонийлигини йўқотиб бўлса-да, гуманизм билан суғорилган асарларга манба бўлди. Бу асарларни Ғарбий Европада битилган Амир Темур солномалари ва унга бағишланган бадиий асарларнинг аксариятига хос бўлган умумий жиҳатлар бирлаштириб туради. Зикр этилган муштаракликлар-


дан ташқари, европаликлар назарида энг асосийси, уларда Амир Темурга Худонинг ғазабини амалга оширувчи инсон, ер юзига такаббур ҳукмдорлар-у гуноҳкор бандаларни жазолаш учун юборилган «адолат ҳомийси» деб қараш кенг тарқалди.

9. Гуманист муаллифлар Амир Темурнинг муваффақиятларини ғоявий ифодалаш йўлида сиёсатшунослик ва Макиавеллининг «имконият, қудрат»-ига асосланар эдилар. Натижада, Уйғониш даврида Амир Темур мавзуси «юксак» адабий жанрлар деб ҳисобланган эпопея ва трагедияларга асосий мавзу бўлиб кирди. Макиавелли назариясига асосланган Амир Темур ҳақидаги энг машҳур пьеса инглиз адиби К.Марлонинг эркин шеър (верлибр)да битилган «Буюк Амир Темур» тарихий романтик трагедиясидир.


10. «Буюк Амир Темур» трагедиясида Амир Темур образи инсонпарварлик тамойиллари асосида яратилган. Гуманистик этикада назарда тутилган кўплаб масалалар инсон фаолиятининг маънавий омиллари тобора муҳим ижтимоий вазифа бажараётган бизнинг давримизда янгича маъно ва алоҳида долзарблик касб этмоқдалар. Шунинг учун ҳам К.Марлонинг «Буюк Амир Темур» трагедияси ҳамон жаҳон театрлари сахналаридан тушмай келмоқда.



УЧИНЧИ БЎЛИМ



АМИР ТЕМУР
XVII–XIX АСРЛАР
ҒАРБИЙ ЕВРОПА
МАМЛАКАТЛАРИ
АДАБИЙ
АСАРЛАРИДА



ХVIII – XIX АСРЛАР НАСРИДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си Пети де ла Круа таржимасида «Буюк Тамерлан номи билан машхур бўлган Темурбекнинг тарихи» номи остида 1722 йил тўрт жилдада француз тилида босилиб чиқди. Орадан бир йил ўтмай китоб инглиз тилига ҳам таржима қилинди. Пети де ла Круанинг таржимасини Амир Темурнинг тўлиқ таржимаи ҳоли деб қараш нотўғри, зеро унда Амир Темурнинг йигирма беш ёшидан кейинги воқеаларни тасвирловчи «Зафарнома»нинг муҳим жойлари туширилиб қолдирилган. Бундан ташқари китобнинг французча таржимаси дунё юзини кўриши биланок Амир Темурнинг Шарафиддин Али Яздий яратган сиймоси шарқона олқишларнинг типик намунаси деб топилди ва шу йўсинда талқин қилина бошланди. Пети де ла Круа аслиятнинг услубини бир оз юмшатади. «Зафарнома»нинг таржима қилиниши Амир Темур сиймосини ижобий талқин қилишга ҳисса қўшиши лозим эди.

XVIII асрнинг машхур тарихчиси Эдвард Гиббоннинг қадимги ва замонавий дунёни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилган «Рим империясининг инқирози ва ҳалокати» («Decline and Fall of the Roman Empire») номли асари инглиз тарихий адабиётининг гули ҳисобланади.

Э.Гиббоннинг 1764 йили Римга қилган сафари натижасида унда Рим империяси ҳақида тарихий асар ёзиш фикри туғилади. Натижада «Рим империясининг инқирози ва ҳалокати» дунёга келади. Асар ўз сарлавҳасида кўрсатилган даврдан кенгрок

замонларни қамраб олади. Синтез маъносида Э.Гиббоннинг асари шубҳасиз тарихга илмий ёндашишга бўлган илк ҳаракатлардан биридир. Бироқ асарда муаллифнинг ҳозири ва ўз замонаси – Маърифатпарлик асрига хос бўлган муаммоларни кўтариши яққол сезилиб туради. Асарнинг бадиий хусусиятлари (тарихий шахслар – Марк Аврелий, Константин, Атилла, Амир Темур ва бошқаларнинг портретларининг яратилиши) тарих фанининг ривожига катта туртки берди.

Э.Гиббон ўз асарининг Амир Темурга бағишланган қисмини ёзишда асосан Пети де ла Круанинг таржимасига таянган бўлса-да, бошқа манбалардан, жумладан, Ибн Арабшоҳ асарларидан ҳам фойдаланган. Э.Гиббон яртаган Амир Темур образи Марказий Осиёдан чиққан тасодифий сиймо эмас, балки Шарқ ва Ғарбда тарих йўналишини белгилаб берган персонаждир. Мазкур тарихчи Амир Темур инсониятнинг ғазаби деган номга лойиқ деб ҳисобласа-да, ўзининг XVIII аср империалистларига хос типик тафаккури туфайли Соҳибқироннинг мақсадларини эмас, балки шу мақсадларга эришиш йўлида қўллаган усулларини қоралашга ҳаракат қилади. Э.Гиббон йирик салтанатни барпо этган бу инсондан завқланади. У бошқа тарихчилар таъкидлаб кўрсатган Амир Темурнинг ваҳшийликлари ҳақида ҳам, унинг салтанати ўзининг ўлимидан сўнг парчаланиб кетгани ҳақида ҳам лом-лим демайди. Аксинча, у асосий эътиборни икки йирик туркий салтанатлар ўртасидаги кураш ва мағлуб Боязид билан музаффар Амир Темур ўртасидаги муносабатларга қаратади. Муаллифнинг фикрича, Амир Темур билан Боязид ўртасидаги чексиз зиддият усмонли туркларни насроний Европага бўлган даъволаридан воз кечишга мажбур

қилган бўлса, мовароуннаҳрликларнинг султон қўшинлари устидан қучган зафари Византия империясининг умрини элик йилга узайтирган.

Амир Темур шахсига муносабатларнинг бу тарзда ўзгариши, бир томондан, олдинги талқинлар билан янги талқинлар ўртасидаги вақтнинг тобора узайиб бораётгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, янги талқинларда ҳали ҳам афсонавий одам бошлари чаноқлари ва бошқа ваҳшийликларга мурожаат қилиш давом этарди. XVIII асрга келиб бир-биридан мустақил фанга айланган санъат ва тарих Амир Темур ҳақида илк бор нафақат илгариги, балки ўзаро фарқ қилувчи фикрларни билдира бошлади. Тарихчилар Амир Темур фаолиятининг ҳарбий ва сиёсий соҳаларини таъкидлаб кўрсатишда давом этишар, бироқ энди улар буни кенг тарихий давр ичида олиб, мутлақо бошқа мафкура нуқтаи назаридан баҳолашарди. Амир Темур сиймосига бу сифат янгича ёндашишнинг ёрқин намуналарини буюк француз адиби ва файласуфи Вольтер (1694-1778)нинг «Миллатларнинг руҳи ва удумлари ҳамда мозийнинг Буюк Кардан Людовик XIII гача бўлган асосий воқеалари ҳақида эссе» («Essai sur les moeurs et l'esprit des nations et sur les principaux faits de l'histoire depuis Charlemagne jusqu'à Luis XIII», 1756) номли тарихий асарининг биринчи жилди LXXXVIII бобида (803-809 бетлар)да учратиш мумкин.

Вольтер дастлаб Амир Темур туғилиб ўсган юртга юксак баҳо бериб, уни «жаннатмонанд ўлка» деб таърифлайди:

«Timour naquit, l'an 1357, dans la ville de Cash, territoire de l'ancienne Sogdiane, ou les Grecs penetrerent autrefois sous Alexandre, et ou ils fonderent des colonies. C'est aujourd'hui le pays des Usbecs. Au

nom de la ville de Cash, on se figure un pays affreux; il est pourtant dans le meme climat que Naples et la Provence, dont il n'éprouve pas les chaleurs: c'est une contree delicieuse.»¹

«Темур 1357 йил юнонлар бир пайтлари Александр бошчилигида кириб бориб, қўрғонлар барпо этган кўхна Сўғдиёна худудидаги Кеш шаҳрида дунёга келди. Бугун бу ерларда ўзбеклар яшайди. Кеш номи тилга олинса, ғариб бир ўлкани тасаввур қиладилар; аммо у Неапол ва Прованс билан бир иқлимда жойлашган: у жаннатмонанд ўлка.»

Вольтер Амир Темурнинг оддий оиладан чиқиб, юксак мартабага эришганлигини қуйидагича таърифлайди:

«Тарихда шоҳлар орасидан ҳеч қачон йирик фотиҳлар чиққан эмас, оддий инсонларга эса ҳеч қачон йирик мол-дунёни қўлга киритиш насиб этмаган – бунга катта меҳнатлар эвазига эришилган. Амир Темур ўз ниятларига мос равишда бундан-да катта муваффақиятларга эришиши лозим эди, зеро, у камбағал оилада дунёга келиб, Александр эгаллаганига тенг ва Чингизхон эгаллаганича юртларни эгаллади.»

Вольтер Амир Темурнинг Туркия томон юришини қуйидагича шарҳлайди:

«Амир Темур бирин-кетин ғалабаларни қўлга киритаётган мана шу пайтда, насронийлардан мадад ола олмаган Византия императори ёрдам сўраб унга мурожаат қилди. Пон-Ўксин қирғоқлари томонида Боязид томонидан тобе этилган беш мусулмон султони ҳам айнаи бир пайтнинг ўзида ундан мадад сўрашди. Ҳам мусулмонлар, ҳам насронийлар

¹ Voltaire. Essai sur les moeurs et l'esprit des nations et sur les principaux faits de l'histoire depuis Charlemagne jusqu'a Luis XIII. – Paris: Editions Garnier Freres, 1963, tome I. – P. 803.

томонидан ёрдам бериши сўралган Амир Темур Кичик Осиёга йўл солди.»

Бу борада Вольтер Соҳибқиронга юксак баҳо беради, унинг бу баҳоси ҳозирги замон демократияси нуқтаи назарига жуда мос тушади:

«У миллатлар ҳуқуқини ҳимоя қилиб, Боязидга қарши курашишга мажбур бўлди. У Боязидга элчилар йўллаб, Константинопол қамалидан воз кечиш ва мол-мулки тортиб олинган мусулмон шаҳзодаларга нисбатан адолатни тиклашни сўради. Боязид бу таклифларга жаҳл ва кибор билан жавоб берди. Амир Темур унга уруш эълон қилди ва устига қўшин тортди». Натижада «Боязид Константинопол қамалидан воз кечди (1401) ҳамда Сезария ва Анқара орасида Амир Темурга қарши жангга кирди.»

Француз адиби ва файласуфининг назарида 1402 йилнинг 28 июлида Боязид ва Амир Темур қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жангда «гўё бутун дунё қуроли кучлари бир ерга жамлангандек эди.» Бу курашда Соҳибқирон ва унинг қўшинлари зафар кучдилар, зеро, «Амир Темурнинг қўшинлари тартибли эди, улар шафқатсиз муҳорабадан сўнг юнонларни, можарларни, олмонларни, французларни ва бошқа номдор жанговар миллатларни енгиб келган турклар устидан ғалаба қозондилар.»

Вольтер ушбу жангда Амир Темур қўшинлари фойдаланган стратегияни алоҳида таъкидлайди:

«Шу пайтгача фақат қилич ва камонлардан фойдаланиб келган Амир Темурнинг усмонлиларга қарши артиллериядан фойдаланганига шубҳа йўқ – ўқиб бўлмас ёзувлар битилган снарядлар ҳозир ҳам сақланиб қолган.»

Вольтер Амир Темурнинг мағлуб этилган усмонли туркларга бўлган муносабатига алоҳида тўхталарди:

«Шарқ муаррихлари ёзиб қолдирганларидан бир нарса аниқ ва равшан, у бизнинг диққатимизни ўзига тортади, бу ҳам бўлса Амир Темур мағлуб бўлган усмонлилар империясидан бирор шаҳарни ҳам тортиб олмаган.»

Амир Темур Боязидга шоҳларча муносабатда бўлди. Бироқ, тарих ва адабиётшунослиқда Амир Темур Боязидга ва унинг ўғилларига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлган, деган нотўғри фикрлар юради. Вольтер ўз давридаёқ бундай уйдирмаларнинг ғирт ёлғонлигини тасдиқлайди:

«Темурнинг ҳаётини қаламга олган бирорта араб ёхуд форс адиби у Боязидни темир қафасга солгани ҳақида ёзмайди; бироқ турк манбаларида шундай ривоят мавжуд, – деб ёзади у ва бунинг сабабини қидиришга ҳаракат қилади. – Балки уларнинг мақсади Амир Темурни ўта шафқатсиз қилиб кўрсатиш бўлса керак?»

Вольтер Амир Темур фақат Боязид Йилдирирмага эмас, балки унинг ўғилларига ҳам олижаноблик кўрсатганлигини алоҳида таъкидлайди:

«Бурса шаҳрига кирган музаффар Боязиднинг ўгли Сулаймонга мактуб битган, айтишларича бу мактубга Александр Македонский ҳам ҳавас қилган бўларди. «Мен Боязиднинг ғаними эканлигимни унутмоқ истайман, – деб ёзади Амир Темур. – Мен отасидан сўнг фарзандларига ҳам хизмат қилишга тайёрман, фақат улар менинг насиҳатларимга қулоқ солишса бас. Қучган зафарларим етади, энди шум тақдир мени ўз ноғорасига ўйната олмайди.»

Соҳибқирон Боязиднинг ўгли Сулаймонга йўллаган мактубида унга отасининг ўрнига султонликни тақлиф қилади. Сулаймондан рад жавобини олган Амир Темур Боязиднинг иккинчи ўғли Мусони

Бурсага ҳоким этиб тайинлайди ва унга қуйидагича ўғит беради:

«— Отангнинг меросини қабул қил; шоҳона қалб эгаси подшоҳликларни забт этишни ҳам, уларни ўз эгаларига қайтаришни ҳам билади.»

Вольтернинг гувоҳлик беришича, султон этиб тайинлаган Мусо, Амир Темурнинг мададига қарамай ўз биродарлари Сулаймонни ҳам, Муҳаммад I ни ҳам қарши курашларда енголмади. Боязиднинг фарзандлари ўн уч йил давомида ўзаро биродаркушлик урушида бўлдилар, «Амир Темур эса бундан наф ундиришга асло уринмади.»

Вольтернинг ёзишича, Шарқ солномаларида Амир Темурга нисбатан қарама-қарши фикрлар учрайди. Бу нарса, айниқса, араб манбаларида кўпроқ: «Араб адибларининг ёзишларича, Амир Темур Боязиднинг хотинини ярим яланғоч ҳолда ўзига шароб қуйиб беришга мажбур қилган; натижада турк султонлари ўз аёлларидан бирининг бунчалар ҳақоратланиши натижасида бошқа ўйланмасликка қарор қилганликлари ҳақидаги ривоят пайдо бўлган. Бироқ Мурот II нинг Сербия шоҳларидан бирининг қизига ўйланиши, Маҳмуд II нинг Туркман шаҳзадасининг қизини хотинликка олиши бу ривоятнинг ёлғонлигини исботлайди.»

Вольтернинг фикрича, «Боязиднинг темир қафасга солиниши ва унинг хотинига бўлган кўпол муносабат талқинини Амир Темурга хос олижаноблик билан асло солиштириб бўлмайди.»

Вольтер Амир Темур характеридаги бағрикенгликни алоҳида таъкидлайди:

«Ў на мусулмон, на буддапараст бўлган, бироқ худди Хитой алломалари сингари яккаю ёлғиз Тангрига ишонган ва бу орқали айрим маданиятли

халқларда бўлмаган юксак эътиқодини намоён этган. На унда ва на унинг қўшинида диний зиддиятлар кузатилмаган: у мусулмонлар учун ҳам, будда-парастлар учун ҳам, браҳманлар, жухудлар ва бошқа мажусийлар учун ҳам бирдек қайғурган; Лубнон тоғларидан ўтаётиб шу ерларда яшовчи камарли насронийларнинг диний маросимларида иштирок этган.»

Вольтер Соҳибқироннинг сўнги кунларини қуйидагича тасвирлайди:

«У Самарқандда Осиё давлатлари шоҳларининг вакиллари ва қатор давлатлар элчиларини қабул қилди. Бу ерда фақат Византия императори Мануэлнинг эмас, балки Кастилия қироли Энрике III нинг элчиларини ҳам кўриш мумкин эди. У катта байрам уюштирди. Салтанатнинг барча амалдорлари ва ҳарбийлари, барча хунармандлар ўз белгилари билан майдондан саф тортиб ўтдилар. У шу куни ўзининг барча набираларини уйлантирди ва эрга берди. Ниҳоят, у кўп йил яшаб, кексалик гаштини суриб, ўттиз олти йил ҳукмронлик қилиб, Александр Македонскийдан фарқли ўларок, узоқ умри ва севимли набиралари бахтидан маст ҳолда оламдан кўз юмди.»

Бироқ француз файласуфининг Соҳибқирон шаънига битилган барча фикрларига ҳам қўшилиб бўлмайди. Жумладан, у Амир Темурнинг қўл остидаги барча давлатларни адолат ила бошқаргани, буюк бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларидан беҳабар ҳолда Чингизхон ва Александр Македонский билан қиёслаб шундай ёзади:

«Fort inferieur au Macedonien, en ce qu'il naquit chez une nation barbare, et qu'il detruisit beaucoup de villes comme Gengis, sans en batir une seule: au lieu

qu'Alexandre, dans une vie tres courte, et au milieu de ses conquêtes rapides, construisit Alexandrie et Scanderon, retablit cette meme Samarcande, qui fut depuis le siège de l'empire de Tamerlan et batit des villes jusque dans les Indes, etablit des colonies grecques au dela de l'Oxus, envoya en Grece les observations de Babylone, et changea le commerce de l'Asie, de l'Europe et de l'Afrique, dont Alexandrie devint le magasin universel. Voila, ce me semble, en quoi Alexandre l'emporte sur Tamerlan, sur Gengis, et sur tous les conquérants qu'on lui veut egaler.»¹

«Македонияликдан фарқли ўлароқ, у ёввойи бир қабилада дунёга келди ва Чингизхонга ўхшаб кўплаб шаҳарларни вайрон қилдию, бирорта ҳам янги шаҳар барпо этмади; Александр эса ўзининг қисқа умри ва тезкор зафарлари давомида Александрия ва Скандерон шаҳарларини барпо этди, кейинчалик Амир Темур салтанатининг пойтахтига айланмиш Самарқандни қайта тиклади ва Ҳиндистонга қадар шаҳарлар курдирди, Жайхундан нарида юнон аҳоли масканларини барпо эттирди, Вавилон расадхоналарини Юнонистонга жўнатди, Осиё, Европа ва Африка савдо йўлларини ўзгартирди, Александрия эса унинг марказий омборига айланди. Айнан мана шунинг учун ҳам Александр Амир Темурдан, Чингизхондан ва бошқа фотиҳлардан устун туради.» (таъкид бизники – Б.Э.)

Таҳлилимиздан кўриниб турибдики, Вольтер Амир Темурнинг келиб чиқиши тўғрисида Ғарбий Европада Ренессанс даврида кенг тарқалган ривоятларга асосланган. Иккинчидан, у Амир Темурнинг бағрикенглигини таъкидласа-да, дини-эътиқодига

¹ Voltaire. Essai sur les moeurs et l'esprit des nations et sur les principaux faits de l'histoire depuis Charlemagne jusqu'à Luis XIII. – Paris: Editions Garnier Frères, 1963, tome I. – P. 807.

нисбатан қарама-қарши фикрларни билдирган (у на мусулмон, на будпараст бўлган; яккаю ёлғиз Тангрига ишонган). Вольтер Амир Темурни ундан олдин ўтган ҳарбий саркардаларга қийёслашда ҳам хатоларга йўл қўйган. Жумладан, Соҳибқиронни Александр Македонскийга муқоясалаб, македонияликнинг Жайхундан нарида юнон аҳоли масканларини барпо эттириши, Вавилон расадхоналарини Юнонистонга жўнатиши, Осиё, Европа ва Африка савдо йўлларини ўзгартириб, Александрияни унинг марказий омборига айлантиришини ижобий ҳолат деб баҳолайди.

Бизнингча, македонияликнинг Мовароуннаҳрда юнон аҳоли масканларини барпо эттириши мустамлакачилик сиёсатидан бошқа нарса эмас, Вавилон расадхоналарини Юнонистонга жўнатиши ва Александрияни марказий омборга айлантириши эса ғирт танлончиликдир. Мана шу ҳолатларга асосланиб, Александр Македонскийни Амир Темурдан юқори қўйиш жиддий хато. Зеро, Соҳибқирон Александр Македонскийдан фарқли ўлароқ, забот этган ўлкаларида ҳеч қачон мовароуннаҳрликларнинг аҳоли масканларини қурдирмаган, расадхоналарни Самарқандга жўнатмаган. Александр Македонский ва бошқа жаҳонгирлардан фарқли ўлароқ, Амир Темур умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Энг муҳими, мазкур қурилишларнинг географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолмаган. Бунинг исботи сифатида Соҳибқирон қадами етган жойлардаги тарихий обидаларни эслашнинг ўзи кифоя. Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбайжон ва Қобул каби узоқ ерларда ҳам ободончилик ишларини олиб борган, суғориш иншоотларини қурдирган. Самарқандни эса дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантирган.

Вольтер ўз асарининг Амир Темурга бағишланган бобини яқунлар экан, унинг авлодлари жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлайди, Соҳибқирон камолга етган азиз ва муқаддас заминнинг келажакда юксак зафарларга эришажагини башорат қилади:

«У олим эмас эди, бироқ ўз набираларида илм-фанга қизиқиш уйғотди. Ундан сўнг Мовароуннаҳр тахтига ўтирган машҳур Улуғбек Самарқандда биринчи Фанлар академиясини ташкил этди, Ер юзининг координатларини аниқлади, ўз номи билан аталган астрономия жадвали тузди; бу соҳада уни ўзидан юз йил олдин ўтган Кастилия қироли Алфонс X га қиёс қилиш мумкин. Бугун Самарқандда фанлар инкирозга учраган, бироқ шаҳар вақти келиб яна гуллаб бошлашига ишончим комил.» Демак:

Вольтер Соҳибқирон Амир Темурнинг шахси, ҳарбий саркардалик билимидан яхши хабардор бўлган;

Вольтер Амир Темурни ундан олдин ўтган буюк давлат арбоблари ва ҳарбий саркардаларга қиёслаб, унинг инсоният тарихида тутган ўрнини юқори баҳолаган;

Вольтер Амир Темур авлодларининг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссасига юксак баҳо берган;

Вольтер бундан 260 йил олдин (1756 йил) яратилган машҳур асарида юртимизнинг келажаги порлоқлигига катта умид билдирган.

XVIII асрда яшаб ўтган француз муаррихи ва таржимони **Л.М.Ланглэ** нафақат Францияда, балки бутун Европада Амир Темур ҳақидаги билимлар ва тасаввурларнинг кенг ёйилишига катта ҳисса қўшди. Афсуски, биз олимнинг таваллуд санасини ҳам, оламдан ўтган санасини ҳам аниқлай олмадик. **Л.М.Ланглэ** «Темур тузуклари»ни инглиз тилидан

ва аслиятдан француз тилига таржима қилиб, 1787 йил Парижда эълон қилган.¹ Унинг таржимаси «Тузукот»нинг француз тилидаги энг мукамал таржимаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, Л.М.Ланглэ «Амир Темурнинг ҳаёти» номли оригинал асарнинг ҳам муаллифидир.² Асар қатор тилларга таржима қилинган. Асарнинг русча таржимаси, жумладан, 1890 йил Тошкентда ҳам нашр этилган. Китобга А.Якубовский сўз боши битган. Ушбу асардан парчалар мустақилликка эришганимиздан сўнг, 1993 йил «Звезда Востока» журналининг 4-сонида босилиб чиқди (127 – 146 бетлар).

Л.М.Ланглэ Амир Темурнинг таваллуд санасини 1336 йил 7 май деб кўрсатади. Унинг Ибн Арабшоҳдан таъсирланганлиги ҳам маълум, зеро у ҳам Темур «қон тўла қўллари муштланган» ҳолда дунёга келди, деб ёзади. Бироқ унинг Темурнинг болалиги ва ўсмирлиги ҳақидаги ҳикояси диққатга сазовор. Унинг ёзишича, Темур «ўз қабиласининг бойвачча болалари орасида тарбия топди, гарчи у барча билан тенгдош, бироқ улардан пастроқ турса ҳам, ҳаммага даҳоларга хостаъсирўтказарди. Болалигидан бошлаб у фақат тахтлар ва забт этилган ўлкалар ҳақида гапирар, бу суҳбатларда унинг овози жоңланар, юзи ўз ёшига мос бўлмаган кўриниш оларди; у ўз ўртоқлари билан худди фуқароларидек муносабатда бўлар, уларни ўз аскарларига айлантларди: унинг ўйинлари курашлардан иборат эди. Унинг танаси кундан-кунга кучга кириб борар, ёшига нисбатан тез ривожланган ақлига улкан режалар келар, Темур эса уларни амалга оширишни ўйларди.»

¹ Langlais (L.M.). Les Instituts de Tamerlan. – Paris, 1787.

² Мазкур асар Les Instituts de Tamerlan. – Paris. 1787 нашрида «Тузукот»дан олдин жой олган. (Б.Э.)

А.М.Ланглэ ўз китобида Темурнинг ўсмирлиги ҳақида гапира туриб, ривоятсифат бир мисолни келтиради:

«Кунлардан бир кун тунда, алоҳида бир бинода йиғилган дўстлар ўз ёшларига хос машғулот билан банд эдилар. Темурнинг гапларини доимо мириқиб тинглардилар. У қўйидаги воқеани ҳикоя қилиб берди: «Бувимнинг башорат қилиш қобилияти бор эди. Бувим бир кун туш кўрибди, унга биноан ўғиллари ёхуд жиянларидан бири салтанатларни эгаллаб, халқларни тобе қилармиш, у замонасининг қаҳрамони бўлиб, бутун дунё ҳукмронлари унга бўйунсинармиш. Шу қаҳрамон – менман... Ўша замон яқинлашмоқда, ўша замон келди. Қасамёд қилинг, менга қасамёд қилинг, ҳеч қачон ташлаб кетмаймиз, деб қасамёд қилинг!»

Нотиқнинг ишончли овози, тун зулмати, барчанинг ҳайрати тингловчиларни ром этди: улар Темурга қатъий садоқатли бўлишга қасамёд қилдилар ва буни кейинчалик тасдиқладилар.»¹

А.М.Ланглэнинг ёзишича, Темур ўн икки ёшида ҳарбий хизматга кирган, фақатгина йигирма беш ёшида унга шуҳрат келган.

Мовароуннаҳрда нотинчлик ҳукм суриб, хонларнинг ўзаро қирғинбарот жанглари авжига чиққан бир пайтда «Темур ўз ватанининг даҳо-қўриқчиси сифатида майдонга чиқди». (129)

А.М.Ланглэ, асосан, Амир Темурнинг ўз оиласи аъзоларига, фанзандлари, набиралари ва халқига меҳрибонлиги, фан ва маданият аҳлини ардоқлаши, Ер юзидаги барча инсонларни бахтли қилишга

¹ Лянглэ. Жизнь Тимура // Звезда Востока, 1993, №4. – С.128. (таржима бизники, бундан кейинги мисоллар шу нашрдан келтирилади ва саҳифалари қавс ичида берилди – Б.Э.).

ингилиши каби хислатларига алоҳида тўхталади. Амир Темурнинг Самарқанд тахтига ўтирганидан кейинги олти йили ҳарбий юришларда ўтди. У Мовароуннаҳрнинг шимоли-ғарбидаги жангларда зафар қучди.

«Бироқ ғалаба қувончи узоққа бормади, – деб ёзади Л.М.Ланглэ. Бу зафарлар билан бирга музаффарнинг бошига катта кулфат тушди.

У бир фалокат рўй беришини олдиндан сезар, мудҳиш тушларидан кўрқар, Самарқандда қолган катта фарзанди Жаҳонгирнинг тақдиридан ташвишланарди. Кўркувлари бекорга эмас экан. Самарқандга қайтиб у қора ва кўк кийимларга бурканган, бошдан-оёқ чангга беланган мотамсаро ула молар ва аёнларни учратди. Бироқ оддий халқ Жаҳонгирга чуқур мотам тутарди, бутун Самарқанд аҳли: «Ботир Жаҳонгир шамол учириб кетган гулдек пайдо бўлдию кетди! Одил шаҳзодамизни ажал ўз комига тортди-эй!», дея фарёд урарди.

Уларни кўриб бахтиқаро ота янада кўпроқ изтироб чекди. У ўзини чиндан ҳам бахтсиз ҳис қилди; унинг юзи-кўзидан ёш аримас, ҳаёти азобга айланганди.

Унинг ишлари ҳам юришмай қолди. Хавотирга тушган аёнлар уни бу кулфатдан қутқазмиш йўлини ахтара бошладилар. Уларнинг бу ҳаракатидан Соҳибқироннинг кўнгли бироз таскин топди, зеро у уларнинг садоқатлилигини яхши биларди. Забт этилган ўлкалардаги исёнлар эса уни ўзига келтирди. У яна сафарга отланди ва кўп ўтмай Хуросонни бутунлай забт этди» (131).

«Бироқ унинг кулфатлари бу билан тугамади, – деб давом этади Л.М.Ланглэ. – Шу пайтгача омади кулиб боққан ва ҳар доим ғалаба нашидасини то-

тиб юрган бу хукмдор шундай кулфатларни бошидан кечирдиким, улар унга ўзи ҳам бошқа одамлар қатори одам эканлигини эслатиб қўйди. Ажал унинг қизини, синглиси ва хотинларидан бирини ўз домига тортди. Кетма-кет рўй берган бу йўқотишлар шунчалик оғир эдики, Темур бир неча муддат ўзига келолмай қолди; унинг давлат ишларидан ҳам кўнгли совуди. Алломаю уламолар унга динини, саркардаю аёнлари қўлга киритган зафарларини ёдга солдилар – Темур бундан ғоятда таъсирланди. Оламдан ўтган маликалар сарф қиладиган маблағлар ҳисобидан катта-катта садақалар улашиб, унинг кўнгли бироз тинчиди» (131).

Кўпчилик мозийшунослар қолдирган битиклардан китобхонда Амир Темур умрини фақат жангу жадалларда ўтказган, деган тушунча ҳосил бўлади. Бироқ Л.М.Ланглэнинг ёзишича, «Темур ҳарбий юришлари чоғида ҳам на хотинини ва на фарзандларини ёдидан чиқарган; у уларни яхши кўришини билдириш ниятида ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб, уларга совға-саломлар ва мактублар йўллаб турган. Бир сафар у юборган совғаларни Месопотамия ҳокими Амир тутиб қолади. У Темурнинг барча талабларига жавоб қайтармади. Темур тезда Месопотамияга қўшин суриб, бебош ҳокимни муносиб жазолади» (134).

Соҳибқирон ҳатто ўзининг энг ашаддий душманларидан ҳам меҳрини аямаган. Шу ўринда Л.М.Ланглэ Анқара жангидан сўнг Амир Темурнинг хузурига келтирилган султон Боязид Йилдиримга бўлган муносабатини мисол қилиб келтиради. Маълумки, Соҳибқирон маҳв этилган султонга оталарча муносабатда бўлган, шоҳона иззат кўрсатган: «... банди этилган Боязиднинг изтироби уни (Амир Темурни – Б.Э.) ҳам ташвишга соларди; у султоннинг

кўнглини олиш учун барча ишларни қилиб кўрди. Темур унга ҳатто Анатолияни ҳам, тожини ҳам қайтариб берди. Бироқ мардларча азоб чекишни билмаган Боязид ғамда оламдан ўтди.

Темур ўзининг қўлида жон берган султонга аза тутди. Боязиднинг ўғилларига отасини эҳтиром ила дафн этиш учун лозим бўлган барча нарсани берди» (141).

Бироқ орадан бир неча кун ўтгач Амир Темур суюкли набирасидан айрилади – йигирма тўққиз ёшли Мирза Муҳаммад Султон бевақт оламдан ўтади. Бу ҳақда Л.М.Ланглэ ёзади:

«У ёш бўлса-да ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатган эди; бобоси унинг сиймосида нафақат ўз авлодига, балки ўз иқтидори ва даҳосининг ворисига аза тутди. Ўз яқинларини йўқотиш Темур учун нақадар оғир бўлмасин, у шу пайтгача бундай азоб чекмаган эди. Бу қайғунинг нақадар чуқурлигини ҳис этиш учун набирасининг сиймосида ўзини кўраётган олтмиш ёшли азадор бобонинг юрагига эга бўлиш керак.»¹

Соҳибқирон барча набиралари ва уларнинг ўғиллари – эвараларини бирдек суйган. Улуғ амир Мирзо Муҳаммад Султоннинг ўлиmidан сўнг Арзурум шаҳрига келганида у ерда неваралари ва эвараларини учратади. Айниқса Муҳаммад Султоннинг ўғиллари Ийжал ва Саъд Ваққосни кўриб Соҳибқироннинг кўзларидан ёш қуйилади: «У (Амир Темур) уларни бағрига босиб, юзларидан лутф билан ўпди.» (142)

¹ Cheref ed-Din Ali Yezdi. Histoire de Timur-bec, connu sous le nom de grand Tamerlan, empereur des Mogols et Tartares. Traduite par Francois Petis de la Croix. – Paris, 1722. – Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997. – 261 (266^а – 266^б) ва 269-270 (275^а – 276^а) бетлар.

1896 йил Парижда узоқ вақт Франция Миллий кутубхонасининг нозири бўлиб ишлаган таниқли муаррих Леон Каюннинг «Осиё тарихи. Турклар ва мўғуллар. Мозийдан 1405 йилгача.» номли йирик тадқиқоти эълон қилинди.¹ Олим ўзининг 520 саҳифалик бу асарини хунлар, мўғуллар ва туркий халқлар тарихига, уларнинг жаҳон тарихи, илм-фани ва маданиятида тутган ўрнига бағишлаган. Китобда Атилла, Чингизхон ва Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига катта ўрин берилган.

Леон Каюн асарининг катта қисми «Timour et le triomphe de l'Islam» – «Темур ва Исломнинг зафари» деб номланади. Асар муаллифи бошқа муаррихлардан фарқли ўлароқ, ўз эътиборини Амир Темурнинг Осиёда йирик бирлашган давлат қуриб, майда-чуйда «хонлик»лар ва «хоқон»ликлар ўртасидаги курашларга чек қўйиш, тинчлик ўрнатиш, Шарқ ва Ғарб ўртасида дўстлик ва биродарлик алоқаларини йўлга қўйишдек жиҳатларига қаратади. Шу ўринда Л.Каюн Амир Темурнинг Европа, айниқса, Франция билан дўстлик алоқаларини ўрнатишга қаратилган ҳаракатларини юксак баҳолайди:

«Lorsque Timour eut conquis en Asie la place qu'y occupaient les gengiskhanides, il chercha l'amitié et l'alliance française, non plus cette fois contre les Sarrassins d'Égypte, mais contre les Ottomans.»²

«Темур Осиёда чингизийларнинг ўрнини эгаллаганидан сўнг Франция билан дўстлик ва иттифоқлик алоқаларини йўлга қўйди, бироқ энди

¹ Cahun Leon. Introduction à L'Histoire de l'Asie. Turcs et Mongols des Origines à 1405. – Paris: Armand Colin et C^{ie}, 1896.

² Cahun Leon. Introduction à L'Histoire de l'Asie. Turcs et Mongols des Origines à 1405. – Paris: Armand Colin et C^{ie}, 1896. – P.499. (бундан кейинги мисоллар шу нашрдан келтирилади ва саҳифалари қавс ичида берилади – Б.Э.).

бу иттифоқ Миср саррацинларига эмас, усмонли-ларга қарши эди.»

Муаллиф Амир Темурнинг турк султони устидан қозонган ғалабасига ҳам шу нуқтаи назардан баҳо беради:

«Sa victoire sur Payezid semblait une revanche du desastre française de Nicopolis.» (499).

«Унинг Паязид (Боязид) устидан қозонган ғалабаси французларнинг Никополдаги мудҳиш мағлубияти учун ўчдек туюлади.»

Леон Каюн Амир Темурнинг ўлимидан сўнг Мовароуннаҳр билан Франция ўртасидаги муносабатлар тўхтаб қолганини таъкидлайди:

«La mort de Timour, l'éloignement des deux peuples, les guerres civiles de France, enfin le eclin de l'esprit des croisades reduisirent ces correspondances entre la maison de Timour et celle de Valois à un simple episode sans autre consequence.» (499).

«Темурнинг ўлими, икки халқнинг узоқлашиб кетиши, Франциядаги фуқаролар урушлари, ниҳоят, салиб юришлари руҳининг ўтмишга шўнғиши Темур билан Валуа ҳукмдорлари муносабатларининг мактублар билан чекланиб қолишига олиб келди.»

Л.Каюннинг Амир Темурнинг Ўтрорда оламдан ўтишининг сабаблари ҳақидаги фикри шу пайтгача бизга маълум барча талқинлардан тубдан фарқ қилади. Зеро, барча манбаларда Амир Темурнинг 1404 йил декабрида бошланган юришдан мақсади Хитойни қўлга киритиш эди, деб таъкидланади. Л.Каюн эса бунни қуйидагича изоҳлайди:

«Malgre son coup de théâtre, Timour était loin d'être rassuré. Quelques jours après il rassembla ses troupes, et se mit en marche, non pour aller conquerir la Chine,

comme on le repète de confiance – un homme tel que lui, qui avait lu les annales et qui connaissait les choses savait très bien qu'à soixante-dix ans on ne conquiert pas la Chine, – mais pour couvrir le Turkestan contre une invasion des Chinois par la Pentapole du Nord et par l'Hexapole de Kachgar.»(499-500)

«Бу қойилмақом ғалабадан Темурнинг кўнгли асло жойига тушгани йўқ. У қўшинларини шошилинч равишда йўлга бошлаганида ишончли манбаларда такрорланганидек унинг мақсади Хитойни забт этиш эмасди. Солномаларни ўқиган, ҳамма нарсани яхши тушунадиган у каби инсон етмиш ёшида Хитойни забт этишнинг ўзи бўлмаслигини яхши биларди, – балки Туркистонни хитойликларнинг Шимолдаги Бешбурчаги ва Қашғардаги Саккизбурчаги ҳужумларидан ҳалос қилиш эди.»

Л.Каюннинг фикрича, бу Темурнинг Хитойни эгаллаш нияти йўқ эди, дегани эмас:

«Ce n'est point que l'envie lui manque; le rêve de reconstruire l'empire turc à l'est pendant très longtemps à hante les Transoxianais, jusqu'au moment ou, tout s'amoindrissant par degrés, ils n'ont plus conçu d'ambition plus haute que d'affranchir l'Hexapole musulmane et de l'arracher aux Djong Kafir, aux «Puissants infidèles.» (500).

«Унинг бундай нияти йўқ эди, деб айтолмаймиз; Шарқда турк империясини тиклаш фикри узоқ вақт мовароуннаҳрликларни шошириб турди, бироқ бу кўпга чўзилмади, аста-секин ниятлар камайиб, мусулмон Саккизбурчагини қўлга киритиш, уни Жонг Кофирлар – «Қудратли ғайридинлар»дан тортиб олишга бориб тақалди.»

Л.Каюннинг ёзишича, Амир Темур умри сўнгида фақат бир нарсадан озор чеккан. «Хитой тарихи-

ни ҳижрий 922 йил рабиул-аввал ойида (мелодий 1516 йил апрель) Константинополда ёзиб тамомлаган Саид Али Акбарнинг гувоҳлик беришича, – деб таъкидлайди Леон Каюн, – ўлим тўшагида ётган Амир Темур «лашкарларини Тибет, Уйғур ва Хитой ғайридинларига қарши бошлаш ўрнига мусулмонларнинг қонларини тўкканидан афсусланган.»

«Saïd Ali Ekber, auteur d'une description de la Chine qu'il acheva d'écrire à Constantinopole en Rebi-El-Ewel 922 (avril 1516), assure qu'à son lit de mort Timour «exprimait le regret d'avoir versé le sang des musulmans, au lieu d'avoir tourne ses armes contre les infidèles du Tibet, du pays des Ougour et de la Chine.»

Амир Темур нафақат моҳир саркарда, балки буюк бунёдкор, илму фан, маданият ва санъат ҳомийсидир. «Соҳибқироннинг Кешда қурдираётган биноларини кузатган Клавихонинг ёзишича, – таъкидлайди Л.Каюн – уларни кўриб «бутун дунё, ҳатто Париждаги энг моҳир санъаткорлар ҳам лол қоларди.»

«Самарқанддаги қурилишлар кўламини айтмаса ҳам бўлади! Санъатни яхши тушунган Бобур мақтаган масжидни,¹ ғозлар, тустовуқлар ва филлар айланиб юрган боғларни, деворлари минг тусли фрескалар билан безатилган кошоналарни, ҳаммомлар, шифохоналар, ҳукмдор қурдирган кенг ва равон тужжорлар кўчасини айтмайсизми!» (505).

Леон Каюннинг ёзишича, Амир Темур шу каби санъат ва истироҳат масканларини қурдириш билангина чекланмаган, балки элу юртга наф келти-

¹ Л.Каюннинг фикрича бу – харобалари ҳозир ҳам (китоб ёзилган пайтда – изоҳ бизники) кўришиб турган Самарқанддаги Масжиди Шоҳ ёки Ҳукмдорлар масжидидир. Исфахондаги худди шундай улкан масжидни, Қум ва Манҳаддаги мақбараларни ҳам Амир Темур бунёд эттирган.

рувчи бунёдкорлик ишларини ҳам назаридан четда қолдирмаган. «Унинг ҳукмдорлик пайтида Мовароуннаҳрда бошоқли экинлар майдони бениҳоя кенгайди, дашту далаларда ишончли назорат остига олинган суғориш иншоотлари бунёд этилди, пахта экиш ривожланди, ўлкада каноп ва зиғир ўстириш йўлга қўйилди, Самарқанд атрофида қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди, Амударё устига кўприк қурилди.» (505-506).

Француз шарқшуносининг тан олишича, Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда илм-фан, адабиёт ва санъат гуллаб-яшнади:

«Марказий Осиёдаги Ренессанс ўрта асрлар маданиятининг изчил давоми эди. Европаликлар эллинизм зарбаси ва қайта кашф этилган антик дунё нурларидан кўзлари қамашиб ўзларини мавҳумликка, эркин изланишларга ва исёнларга урган бир пайтда, XV асргача улардан қолишмаган осиеликлар ота-боболарининг йўлларини давом эттириб, мактабларга қатнардилар. Улар араблар томонидан бузилган Арасту илмини қайтадан кашф этдилар, Алмагестга қайтдилар, ватандошлари Абу Али ибн Синонинг асарларига шўнғидилар. Улар фикҳ, ҳуқуқшунослик ва нотиқликни ривожлантиришга барча куч-ғайратларини ташладилар, Евклид, Птоломей, Галиан, Гиппократ асарларини қайта тикладилар.» (503).

Амир Темур даврида туркий тил зафар кучди. Гарчи унгача бу тилда Хўжа Аҳмад Яссавий ижод қилган бўлса-да, Темурдан сўнг энг машҳур диний ва дунёвий асарлар туркийда битиладиган бўлди. Уларнинг орасида «Мирҳожнома» (1442), «Бахтиёрнома» (1432) ва «Тазкират – ул – Авлие» каби асарларини айтиш мумкин.¹

¹ Қавс ичида қўлёзмаларнинг Ҳиротда кўчирилган санаси кўрсатилган. – Леон Каюн изоҳи.

Леон Каюннинг таъкидлашича, Ғарбдаги кўпчилик муаррихлар ва адабиётшунослар «мактаб кўрмаган»¹ ва «саводсиз»² Амир Темур «Тузуқлари»нинг ҳаққонийлигига, уларнинг Соҳибқироннинг ўз қўли билан ёзилганлигига шубҳа билдирадилар. Бироқ Леон Каюннинг қуйидаги фикри ниҳоятда аҳамиятлидир:

«Parmi les principaux écrivains transoxianais et khorassanais du XV siècle, il faut citer, après **Timour lui-même, dont les Tuzukat sont une œuvre hors pair**, et son petit-fils Khalil (on a de lui des vers en persan conservés par Mir Ali Chir), les mystiques Seid Ali Hamadani (mort en 1384), Khodja Beha Ed-Dine (mort en 1388), les poètes Latfoullah de Nichapour, Kemel Ed-Dine de Khodjend, Ahmed de Kerman, auteur d'une vie de Timour en vers, le jurisconsulte, grammarien et exégète Teftzani (1322-1381), le lexicographe Djezeri, l'auteur du plus volumineux dictionnaire arabe.» (508-509).

«XV асрнинг мовароуннаҳрлик ва хуросонлик асосий адиблари орасида «**Тузуқот**»ининг қиёси йўқ Темурнинг ўзи ва набираси Халил (унинг форс тилидаги ғазаллари Мир Алишер томонидан сақланиб қолинган)дан сўнг тасаввуфга оид асарлар муаллифлари Саид Али Ҳамадоний (1384 йил оламдан ўтган) ва Хўжа Баҳоуддин (1388 йил оламдан ўтган), шоирлар Лутфулло Нишопурий, Камолиддин Хўжандий, Темурнинг ҳаёти ҳақида шеърый асар битган Аҳмад Кермоний, фикҳшунос, тилшунос ва тавсифчи Тезфоний (1322-1381) ҳамда араб тилидаги энг йирик луғат муаллифи Жезарийни кўрсатиш лозим.» (таъкидлар бизники – Б.Э.)

¹ Хукхэм Хильда. Властитель семи созвездий. – Т.: Адолат, 1995. – С.8.

² Ўша жойда, С.305.

Узоқ вақт Париждаги Франция Миллий кутубхонасида нозир бўлиб ишлаган олим Леон Каюннинг бу иқрорига биз шубҳа билдиришга ожизмиз.

Амир Темурдан сўнг «унинг ишларини авлодлари – тасвирий санъат шайдоси Шоҳрух, шоир Халил Султон, фалакшунос Мирзо Улугбек ва шоҳ ва шоир, юсак дидли солномачи Бобур давом эттирди. Бобур бобоси Темурнинг диди ва тафаккурини ўғли Хумоюнга ва машҳур набираси, файласуф Акбарга қолдирди.» (497) – дея таъкидлайди Леон Каюн ўз асарининг сўнгида.

XVII – XVIII АСРЛАР ҒАРБИЙ ЕВРОПА ДРАМАТУРГИЯСИДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

XVII – XVIII асрлар Ғарбий Европа драматургиясида Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига бағишланган драматик асарлар бармоқ билан санарлидир. Булар испан адиби Луис Велес Геваранинг «Форслик Буюк Амир Темур» («Nueva ira de Dios, y Gran Tumorlan de Persia», Valencia, 1640) асари (пьеса 1719 йилда нидерланд тилига таржима қилинган), кастилия (испания)лик Диаманте Матос Фрагосо и Андрес Гил Энрикеснинг «Форслик музаффар хукмдор Амир Темур» (1672), инглиз драматурглари Шарль Саундерснинг «Буюк Амир Темур» («Tamerlan the Great», London, 1681) ва Никола Роунинг «Амир Темур» («Tamerlan», London, 1702), ҳамда француз драматурги Жак Прадоннинг (1644-1698) «Амир Темур ёхуд Боязиднинг ўлими» («Tamerlan ou la mort de Bajazet», Paris, 1675) трагедияларидир.

Жак Прадон (1644-1698)нинг номини кўплаб француз адабиётшунослари ҳам билишмайди, бил-

ганлари ҳам унинг исмини адашиб Никола деб юртишади. Ваҳоланки, Жак Прадон машҳур фожианавис Жан Жак Расиннинг замондоши бўлган, у билан рақобатда ижод қилган. Бу икки адибнинг рақобатчилиги шу даражада бўлганки, уларнинг иккиси ҳам айнан бир хил мавзуларда асарлар ёзишган, ҳатто уларнинг пьесалари айнан бир вақтларда сахнага кўйилган, кўплаб шов-шувларга, тўполонларга сабаб бўлган. Ана шундай жанжаллардан бири икки муаллифнинг бир хил номдаги «Федра» пьесаларининг сахналаштирилиши билан боғлиқ.

Франция Академиясининг аъзоси Жозеф Бэйдэ ва Сорбонна университетининг профессори Пол Азар раҳбарлиги остида 1924 йили Парижда нашр этилган икки жилдли «Француз адабиёти тарихи»да ёзилишича, «замонасининг энг ёмон шоирларидан бўлган» Жак Прадон ўз ҳомийлари – Ж.Ж.Расиннинг душманлари бўлмиш Невер герцоги ва унинг опаси – Буйон герцогинясининг хоҳишига кўра Ж.Ж.Расин билан бир пайтда «Федра» пьесаси устида ишлаш бошлайди. 1677 йил 1 январь куни Бургунд Отели театрида Ж.Ж.Расин пьесасининг премьераси бўлиб ўтади. Прадон пьесасини Генеген (Пор Руайял) театрида биргаликда сахналаштириётган Мольер ва Марэ труппалари эса икки кунга кечикишади. Расинни ер билан яксон қилишга қатъий қарор қилган Буйон герцогиняси маккор иш тутган – у иккала театрнинг биринчи каторларидаги жойларни кетма-кет олти спектакль учун сотиб олган. Бунинг учун у ўша даврдаги катта сармоя – 15 минг ливрни сарф қилган, бироқ бу билан у ўзи хоҳлаган муаллифнинг пьесасини бадном қилиш имкониятига эга бўлган. Зикр этилган олимларнинг таъкидлашича, Прадоннинг пьесаси олти марта намоёниш этилганидан

сўнг сахнадан олиб ташланган – еттинчи куни уни кўргани ҳеч ким келмаган.¹

Бироқ Париж III – Янги Сорбонна университетининг профессори Мишел Корвэн раҳбарлигида 208 кишилиқ муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланиб, 1991 йили нашр этилган «Театр қомусий луғати» («Dictionnaire encyclopédique du THEATRE», – Paris: Bordas, 1991)да таъкидланишича, юқоридаги гаплар ғирт афсона бўлиб, у Жан Жак Расиннинг ўғли Луи Расиннинг уйдирмаларига асослангандир. Ҳақиқатда эса бунинг акси бўлган – Прадоннинг пьесаси катта муваффақият қозонган ва бир ой давомида сахнадан тушмаган.² Рақибининг пьесасини сахнага қўйилмасидан илгари таъқиқлаштириш қўлидан келмаган Ж.Ж.Расин унинг бу муваффақиятидан янада озор чеккан. «Иккимиз ўртамиздаги фарқ шундаки, Прадон ёзишни билмайди»,³ деб жар солиб юрган қирол Людовик XIV нинг арзандаси бу муваффақиятсизликдан кейин икки йил давомида қўлига қалам олмаган.

Прадоннинг ўзи эса Расин ва унинг дўстларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида шундай дейди: «Бу жаноблар муаллифларни пьесалар ёзиш ҳуқуқидан, ноширларни нашр қилиш, актёрларни ролларни ижро этиш ва томошабинларни шу асарларни муносиб баҳолаш ҳуқуқидан маҳрум қилишни истаётганликларини билиб, ҳурматли ўқувчиларим маза қилиб қулишса керак».⁴

¹ Histoire de la littérature française illustrée, en 2 volumes, Paris, Librairie Larousse, 1924, tome second, p. 22.

² Dictionnaire encyclopédique du THEATRE. – Paris : Bordas, 1991. – P. 676 ^а.

³ Beaurepaire Ch. de. Notice sur le poète Pradon. – Rouen, 1899. – P. 258.

⁴ ўша жойда. P.261.

Чиндан ҳам Жак Прадон иқтидор соҳасида Расиндан қолишмаган, ҳатто ундан устун турган. Прадоннинг катта муваффақият билан қўйилган дастлабки пьесалари ҳам фикримизга далил бўла олади. Бу пьесаларнинг биринчиси «Пирам ва Тисбе» (1674) бўлса, иккинчиси «Амир Темур ёхуд Боязиднинг ўлими» (1675)дир.

«Амир Темур ёхуд Боязиднинг ўлими» Жан Расиннинг «Боязид» (1672) пьесасига жавоб тариқасида ёзилган бўлиб, ундан кескин фарқ қилади. Маълумки, Расиннинг бу асари кўп жиҳатидан Шекспирнинг «Отелло»сига ўхшаб кетади, зеро уларнинг иккаласида ҳам муҳаббат ва рашк, вафо ва хиёнат мавзулари Шарқ ҳаётига мурожаат қилиниб ёхуд шарқлик қаҳрамонлар воситасида ёритилади. Расин асари қаҳрамонларидан бири бўлмиш Боязиднинг бизга маълум тарихий шахс Йилдирим Боязид билан алоқаси йўқ, у султон ҳам, саркарда ҳам эмас – султон Амурат (Мурод)нинг укаси, холос. Тарихий Боязид билан пьеса қаҳрамони ўртасидаги ягона ўхшашлик уларнинг иккиси ҳам турклигида. Асар номи «Боязид» бўлса-да, унинг марказида Роксана образи туради, барча воқеалар унинг атрофида рўй беради: султон Амуратнинг ҳарбий сафарга кетганидан фойдаланган унинг маъшукаси Роксана Боязидга ишқ изҳор қилади, бироқ Боязид ўз холаваччаси Аталидага ошиқи беқарор. Ўз муҳаббатига муносиб жавоб олмаган Роксана Боязидни ўлдиради ва ўзи ҳам султон Амурат юборган чопар қўлида жон таслим қилади.

Ж.Расиндан фарқли ўлароқ, Прадон ўз асарини тарихий ҳақиқатга яқинлаштиришга ҳаракат қилган. Адиб ўзидан илгари турли Европа халқлари адабиётларида яратилган асарлар

орқали буюк ватандошимиз тарихини бирмунча жиддий ўрганганга ўхшайди. Бир қарашда пьесада тилга олинган воқеалар ҳам тарихий аниқ санада – 1402 йили рўй беради. Бироқ Ж.Прадон мана шу воқеаларни Самарқандга – Кўксаройга кўчириб тарихий ҳақиқатга хилоф иш тутган.

Маълумки, Соҳибқирон ҳар қандай ихтилофни беҳуда қон тўкишларсиз, тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлган. Қатор тарихий ҳужжатлар, муаррих ва солномачиларнинг шоҳидлик беришича, Улуғ Амир жасурлиги ва довюраклиги туфайли Йилдирим номини олган Туркия султони Боязид билан «сен-менга боришни» ҳам хоҳламаган. Ҳатто Боязид XV асрнинг бошига келиб Соҳибқирон қурган буюк салтанатнинг гарбий сарҳадларига хавф солиб, Самарқанд иттифоқчиларию вассалларига ҳужум қилаётган, ўзининг Ғарб ва Шарқ ўртасидаги алоқаларни, аввало, савдо-сотиқни йўлга қўйишдек режаларига тўсқинлик қилаётган бир пайтда ҳам ўз оdatига содиқ қолган Амир Темур Боязидни кўп маротаба инсофга чақирган, унга номалар битиб, элчилар юбориб, муросага келишни таклиф этган. Бироқ ихтилофни тинч йўл билан ҳал этиб бўлмагач, Соҳибқироннинг Йилдиримга қарши жанг қилишдан ўзга чораси қолмаган. Анқара жангида мағлуб бўлган Боязид аср этилади ва орадан кўп ўтмай – 1403 йил 9 март куни Оқшаҳрда эмболия (қон томирларининг тиқилиб қолиши) касаллигидан оламдан ўтади. Соҳибқирон эса ўзининг кечаги ғанимига юксак иззат-эҳтиром кўрсатиб, шоҳона дафн маросимини уюштиради ва уни Бурса шаҳрига дафн эттиради (бугунги кунда Йилдирим Боязид Муродия мақбарасида мангу уйқуда).

Банди этилган Боязиднинг темир қафасда

сақланганлиги ҳақида Фарбда кенг тарқалган ривоятлар ғирт афсона бўлганидек, Ж.Прадон пьесасида унинг Самарқандга келтирилиши ҳам уйдирмадан ўзга нарса эмас. Бу ҳолни фақат бадий тўқима деб қараш мумкин. Шу тўқимага биноан султоннинг кизи Астерия ҳам отаси билан бирга, қизнинг ягона мақсади қандай қилиб бўлса ҳам отасини тутқунликдан ва ўлимдан халос қилиш. Унга бу ишда севгилиси, Амир Темур саройида бошпана топган юнон шаҳодаси Андроник ёрдам бериши керак. Ота ва унинг кизи ҳамда Андроник Амир Темурга суиқасд режасини ишлаб чиқишади. Амир Темур бундан огоҳ бўлгач, қизининг муҳаббати эвазига отасини тутқундан озод қилишга рози бўлади. Қизининг севган йигити билан бахтли бўлишини истаган Боязид эса заҳар ичиб ҳалок бўлади. Қиз ҳам отасининг йўлидан бормоқчи. Шу орада Астерия билан Андроник ўртасидаги чуқур севгидан хабар топган Амир Темур ниятидан қайтади ва олижаноблик қилиб, Астерияни Андроникка топширади. Бу орада Амир Темурнинг қайлиғи – Трабзон маликаси Араксида ташриф буюради, асар Амир Темур ва Араксиданинг умрларининг охиригача бир-бирларига содиқ қолиш ҳақидаги қасамёдлари билан якунланади.

Беш пардадан иборат йирик бу асарга кўш ном берилиши («Амир Темур ёхуд Боязиднинг ўлими») муаллифнинг бош қаҳрамон хусусида иккиланганидан дарак беради. Бизнингча бунинг сабаби иккита: биринчиси, Ж.Прадон Ж.Ж.Расиннинг юқорида тилга олинган пьесасидан чиройлироқ, мукамалроқ асар ёзишни хоҳлагани бўлса, иккинчиси, Ж.Прадон асарининг воқеалари марказида чиндан ҳам Амир Темур ва султон Боязид туради. Бу икки қаҳрамон асарнинг бошидан охиригача бирга бўли-

шади: биринчи парданинг илк кўриниши Анқара жангида мағлуб бўлган Боязиднинг тутқун этилиб, Самарқандга келтирилганлиги эълон қилиниб очилса, бешинчи парданинг сўнгги кўриниши унинг заҳар ичиб, ҳаётдан кўз юмиши ҳамда Амир Темур ва Араксиданинг мурод-мақсадга етиши билан якунланади.

Бирқарашда Боязид образи бошқа персонажларга нисбатан ажралиб тургандек кўринади: у ниҳоятда мард ва иродаси кучли қаҳрамон – тарихий жангда кўшини маҳв этилганлиги ва ўзининг боши узра ажал шамшири яланғочланиб турганига қарамай, у яккаю ёлғиз қизининг бахти учун курашади. Бироқ у бу курашни охирига етказмай оламдан кўз юмади. Унинг ўлимни ихтиёр этиши ўзининг ожизлигидан дарак берса-да, ўлаётиб ҳам у душмани қаршисида тиз чўкишни истамайди. Бу сўнгги пардадаги Боязид ва Амир Темур учрашуви сахнасида ўз аксини топган: рақибига қарши уюштирилган суиқасди фож бўлган Боязид унга мўлжалланган заҳарни ўзи ичиб, Амир Темур хузурига киради, ниҳоят тутқунликдан халос бўлиб, у дунёда абадий озодликка эришажагини айтади. Асардаги энг фожеавий образлар ҳам Боязид ва унинг қизи Астерия образларидир.

Амир Темур образи эса муаллифнинг энг катта ютуғидир. Бу образ талқинида Прадон ўзидан олдин ўтган Ғарбий Европа адибларидан (хусусан, инглиз драматурги Кристофер Марлодан) анча юқори туради. Зеро, Прадон асарида Амир Темур нафақат буюк саркарда ва фотиҳ, балки чин инсон ва олийжаноб қалб эгаси сифатида намоён бўлади. У Боязид, Астерия ва Андроникнинг ўзига қарши уюштирилган фитнасида огоҳ бўлганидан кейин ҳам афв этади, ҳаётларини сақлаб қолади. Амир

Темур – мураккаб образ. Инсон бўлганлиги сабабли у ҳам айрим жузъий нуқсонлардан ҳоли эмас. Амир Темур Трабзон маликаси Араксидани яхши кўради, маликанинг саройга келишини интизорлик билан кутади, лекин шу билан бирга, маълум бир пайт сирдоши Леоннинг гапига учиб Астерияга уйланишига озгина қолади. Бироқ рақибининг қизининг Андроникка бўлган муҳаббатидан воқиф бўлгач, яна унга ҳиммат кўрсатиб, эркинлик ҳадя этади.

Дўстлик, муҳаббат каби инсоний соф туйғуларни тасвирлашга берилиб кетган муаллиф айрим сахналарни, хусусан, Боязиднинг Амир Темур томонидан хўрланишини ҳам ўта бўрттириб юборади. Шундай сахналардан бирида – Астерия Амир Темурга захар солинган шароб тутиб, бу фош бўлгач – буюк фотиҳ қизни ўз аскарларининг ёнига киргизиб юбориб, уни отасининг кўзи ўнгида шарманда қилмоқчи бўлади. Бироқ бу гап пўписалигича қолиб кетади. Гарчи бундай йўл тутиш Амир Темур табиатига зид бўлса-да, муаллиф бу билан жаҳонгирнинг ўз душманларига нисбатан нақадар шафқатсиз бўла олишини кўрсатмоқчи бўлади.

Жак Прадоннинг мазкур фожиаси шеърий усулдаги нафис асар бўлиб, ўн икки бўғинли бандлар **а-а** тарзида жуфт қофияланган:

Seigneur, vous pouvez faire obéir vos sujets;
Je suis indépendant et ne connais personne
Qui puisse me parler par *je veux* ou *j'ordonne*.
Je m'expose peut-être aux plus cruels destins,
Mais je n'en pas moins du sang des Constantins,
Et tous ceux que le Ciel dans mon rang a fait naître
N'obéissent jamais quand on leur parle en maître!

Одамларингиз жим бўлишса эди, эй жаноб;
Мен озод инсонман, шунинг учун билмайман
Кимки деса *истардимки ёки буйруқ қилгайман.*
Балки жинойтчилардир ёнимдагилар
Ҳукмдорлар излари қонимдагилар.
Тангри берган хислатлар – яхшим, ёмоним,
Менга буйруқ берганни суймайди жоним!

«Амир Темур ёхуд Боязиднинг ўлими» Жак Прадон ижодидаги илк пьесалардан бири бўлганлиги сабабли айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Воқеалар ривожининг сустиги, айрим сахналар ўртасидаги узилишлар ва персонажлар ҳиссиётларига ортиқча тўхталиш шулар жумласидан. Шунга қарамай француз драматургиясида Амир Темурга бағишланган илк пьеса ҳисобланмиш бу асарнинг аҳамияти жуда катта, зеро у нафақат Европа драматургиясида, балки жаҳон опера санъатида ҳам Соҳибқирон мавзусининг равнақиға улкан ҳисса кўшди.

Дунёға машҳур кўпгина композиторлар Жак Прадоннинг мазкур пьесаси асосида кейинги асрда бирин-кетин «Амир Темур» («Тамерлан», «Тамерлано») номли қатор опералар яратилди. Жак Прадон пьесаси асосида яратилган энг биринчи опера бастакор Жулио Сезаре Коррадининг «Буюк Амир Темур» операси бўлиб, у Венециянинг Опера театрида 1689 йида кўйилган эди. Бироқ 1711 йида Венециянинг шу театрида кўйилган «Тамерлано»нинг шухрати юқори бўлди. Операнинг бугунги кунга келиб изсиз йўқолган партитурасини театрнинг машҳур бастакори Франческо Гаспарини граф Агостино Пиовененинг шеърый либреттоси асосида яратган эди. Пиовене орқа декорацияни қисқартириб, асарға янги персонажлар (вакиллар, ҳарам оғаси) ҳамда интригали

қўшимчалар (зиддиятли севги ва сулолавий муаммолар)ни киритади.

Ж.Прадон пьесаси асосида яратилган опералар орасида Ж.Ф.Хандл, Никола Порпора, Антонио Вивальди ва Антонио Мария Саччиниларнинг асарлари ҳам бор. Бу опералар дунёнинг энг нуфузли театрлари сахналарида ўйналди.¹

Асар номи	Бастакор	Либретточ	Йили	Шаҳри
<i>Il gran Tamerlano</i>	Giulio Cesare Corradi	?	1689	Венеция
<i>Tamerlano</i>	Francesco Gasparini	Agostino Piovene	1711	Венеция
<i>Tamerlano</i>	Gasparini	A. Piovene	1716	Удина
<i>Tamerlano</i>	Gasparini	A. Piovene	1717	Режжио
<i>Tamerlano (Il Bajazet)</i>	Gasparini	M.Zanelli, A.Piovene	1719	Режжио
<i>Tamerlano</i>	F.Chelleri	A. Piovene	1720	Тревиза
<i>Tamerlano</i>	Gasparini	A. Piovene	1710	Венеция
<i>Tamerlano</i>	Gasparini	A. Piovene	1716	Удина
<i>Tamerlano</i>	Gasparini	A. Piovene	1717	Режжио
<i>Tamerlano</i>	Cheleri	A. Piovene	1720	Тревиза
<i>Tamerlano</i>	Gasparini	A. Piovene	1720	Милан
<i>Tamerlano</i>	Leo	A. Piovene	1722	Неапол
<i>Tamerlano</i>	G.Haendel	A. Piovene	1724	Лондон
<i>Tamerlano</i>	Gini	A. Piovene	1728	Турин
<i>Tamerlano</i>	Gasparini	A. Piovene	1730	Турин
<i>Tamerlano</i>	Nicola Porpora	A. Piovene	1730	Дрезден
<i>Tamerlano</i>	A.Vivaldi	A. Piovene	1735	Верона
<i>Tamerlano</i>	Scolari	A. Piovene	1764	Милан
<i>Tamerlano</i>	Guglielmi	A. Piovene	1765	Венеция
<i>Tamerlano</i>	Antonio Sacchini	A. Piovene	1773	Лондон
<i>Tamerlano</i>	Ferdinando Par	A. Piovene	1796	Милан
<i>Tamerlan</i>	Reichardt	?	1799	Кёнигсберг
<i>Tamerlan</i>	Peter von Winter	Etienne Morel de Chedeville	1802	Париж
<i>Tamerlano</i>	Mayer	A. Piovene	1813	Милан
<i>Tamerlano</i>	Tadolini	A. Piovene	1822	Болонья
<i>Tamerlano</i>	Sapienza	A. Piovene	1824	Неаполь

¹ Dictionnaire lyrique. – Paris : Larousse, éd. 1870. – PP. 646 – 647.

XVIII аср драматургларини воқеаларнинг тарихий тадрижи эмас, балки мураккаб характерга эга бўлган икки буюк шахс ўртасидаги зиддият кўпроқ қизиқтиради. Санъатнинг барча шакллари ичидан катта опера сериа жанри Амир Темур ва Боязиднинг характерларини тўлақонли акс эттиришга қодир эди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Ренессанс трагик театри ҳамда XVII–XVIII асрлар операсида тез-тез учраб турадиган қадимги юнон ва Рим персонажларини эслатувчи бош қаҳрамонлар сифатида тасвирланишган. Либретточилар ушбу бадиий унсурни опера пайдо бўлганидан бери унда ҳукмронлик қилувчи бош тематик муаммо – севги, ҳаёт ва ўлимнинг ўзаро муносабатига мослаштирганлар. Насрда яратилган асарларда Амир Темур ва Боязид мураккаб муҳаббат интригалари марказида туради. Ренессанс трагедиясининг шафқатсиз ва макиавеллича музаффар Амир Темуридан фарқли ўлароқ, янги Амир Темур образи ҳаёт ва ўлим, зиддиятли севги ва иттифоқдошлар ҳамда ғолиб душманлар ўртасидаги кечинмаларнинг қаҳрамонона интригасида катализатор вазифасини бажарувчи сиймо эди. Турк султони ҳам илгариги шафқатсиз табиатли Боязиддан фарқли ўлароқ энди оила бошлиғи ва басалобат шахс. Сиёсий ва тарихий воқеалар орқа планда қолиб кетади, уларга экзотикани кўрсатиш ва спектаклга улуғворлик бахш этиш учун мурожаат қилинади, холос.

XVIII аср давомида темурий опералар Венеция, Тревиза, Неапол, Лондон, Верона, Кенигсберг, Милан ва Париж каби катта опера марказларида намоиш этилди. Операнинг 1719 йилда Режжио (Италиянинг шимоли) саройи театрида қўйилган вариантда унинг номи ўзгартирилиб, у «Il Bajazet»

деб аталди. Модена ўлкасининг эгалари Эсте оиласига қарашли сарой шоири Ипполито Занелли Пиовене либреттоси услубини ўзгартирди ва драматик кўринишдаги бўш саҳналарни кучайтирди. Натижада Боязид кучли персонажга айланди, унинг ўлимига қаҳрамонона тус берилди. Гаспарини янги арияларни қўшди ҳамда матннинг каттагина қисмини қайта ёзди. Бироқ тарихнинг узвий ривожини ва матндаги айрим пассажлар Ж.Прадон қандай ёзган бўлса шундай қолди. Таъкидлаш лозимки, Прадон пьесаси асосида Пиовене либреттоси бўйича яратилган опералар ҳамон қўйилар (Турин, 1730, Венеция, 1765, Милан, 1772) ҳатто дат тилида Копенгагенда ҳам саҳналаштирилган эди («Den store Tamerlan» – «Амир Темур тарихи», 1764).

Юқорида келтирилган асарлардан энг машҳури шубҳасиз Ж.Ф.Хандлнинг «Амир Темур» операсидир. Никола Хэйм томонидан инглиз тилига ўгиррилган Ж.Прадон пьесаси асосидаги либреттони Агостино Пиовене яратган. Хандл эса уч ҳафта ичида, яъни 1724 йил 3–23 июлида 3 пардадан иборат операни ёзиб тугатган. Операнинڭ премьераси 1724 йил 31 октябрда Буюк Британия Қирол Театри (Лондон)да бўлиб ўтган. Дастлабки спектаклда қуйидаги актёрлар иштирок этишган: кастратлар Сенесино ва Андреа Пачини (Андроник ва Амир Темур ролларида), тенор Франческо Боросини (Боязид), Франческа Кюжжони (Астерия), Анна Дотти (Ирена) ва Жюзеппе Боши (Леон). Орадан бир йил ўтар-ўтмас – 1725 йили опера Олмонияда (Хамбург) олмон тилида (ариялари итальян тилида) қўйилган.

1802 йили Париждаги Опера театрида Этьен Морел де Шедвил либреттоси асосида Винтер саҳналаштирилган тўрт пардадан иборат «Амир Темур»

операси кетма-кет ўн икки маротаба ўйналган. Қатор француз танқидчилари опера қозонган муваффақиятни алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Ўтган аср давомида Ж.Прадоннинг «Амир Темур ёхуд Боязиднинг ўлими» пьесаси асосида яратилган Хандлнинг «Амир Темур» операси қатор мамлакатларда қўйилган: Олмонияда (Карлсрур – 1924, Лейпциг – 1925, Халле – 1940 ва 1952); Англияда (Бирмингем – 1962, Эдимбург Опера фестивали – 1982, Лидс – 1985); АҚШда (Блумингтон – 1985) ва Францияда (Лион Опера театри – 1985).¹

XXI асрда Австрия (Вена, Musikwerkstatt – 2002 йил, март–май), Швеция (Стокгольм, Drottningholms Slottsteater, – 2002 йил, 3–18 август), Италия (Рим, La Scala, 2006 йил, сентябрь) ва бошқа қатор давлатларнинг томошабинлари мазкур операни кўришга муваффақ бўлганлар.

Англиядаги буржуа маърифатпарварлик драмсининг биринчи босқичи тахминан ўттиз йилни ўз ичига олади. Бу давр драмага янги мавзулар ва янги ахлоқий қарашларнинг кириб келиши билан ажралиб туради. Бироқ бу билан драматик шакллар ўзгармади.

XVIII асрга Реставрация даври драматугиясидан икки жиддий жанр – қахрамонлик драмаси ва классицизм тусидаги трагедия мерос бўлиб қолди.² Николас Роу (1674-1718) биринчи жанрнинг давомчиларидан биридир. Қахрамонлик драмаси Англияда Реставрация даврида амалга кирган ўтиш даври драмасини билдирарди. Унинг мазмуни ҳаётий қизиқишлардан бирмунча йироқ ва ор-номус ҳамда

¹ Dictionnaire encyclopédique du THEATRE. – Paris: Bordas, 1991. – PP. 66-67.

² [http://lit-prosv.niv.ru/Мокульский С. История западноевропейского театра, т. 2. Английская драма на перепутье \(1698 -1727\).](http://lit-prosv.niv.ru/Мокульский С. История западноевропейского театра, т. 2. Английская драма на перепутье (1698 -1727).)

қадр-қимат ҳақидаги аристократик тушунчалар билан боғлиқ кучли эҳтирос ва ғайритабиий зиддиятлардан иборат эди.

Бу жанрнинг ўзига хос хусусиятларини Реставрация даври йирик вакилларида қабул қилган, ўзини Отвей ва Линнинг шогирди деб ҳисобловчи Н.Роу янги ахлоқий оҳанглари киритиб жанрни ривожлантирди. У драмани янгилашда миллий анъаналардан келиб чиқиш керак, деб ҳисобларди. Шунинг учун унинг асарлари сабоқ берадиган насихатомуз жумлалар билан қоришиб кетган ҳаракат, эҳтиросли назмий монологларга тўла ва мелодраматик таъсирга эга. У ўз пьесалари сюжетларини Англия тарихи ва Уйғониш даври драматурглари асарларидан олди. Бироқ у қахрамонлик драмаси ташқи кўринишини сақласа-да, ҳаракатни маълум тамойилга мослар, шу билан Ренессанс ва классицизм драматургларида фарқ қилар эди.

Н.Роунинг пьесаси К.Марлонинг «Буюк Амир Темур» трагедияси билан бир хил номланса-да, инглиз Ренессансининг «исёнкор даҳоси»нинг асари билан ўхшашлиги кам. Н.Роунинг пьесасида 1402 йилги Анқара муҳорабаси ва у билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар тасвирланади. Шу сабабли Н.Роу трагедиясидаги персонажлар сони ҳам К.Марло трагедиясига қараганда жуда кам. Н.Роунинг пьесасида биз фақатгина қуйидаги образларни учратамиз: Амир Темур, Боязид, Аксалла, *итальян шаҳзодаси*, Темурнинг яқин дўсти, Монеzes, *юнон шаҳзодаси*, *нароний*, Стратокль, *Монезеснинг дўсти*, Тана шаҳзодаси, Амир Темурнинг қариндоши ва саркардаси, Умар, *тартар қўшини саркардаси*, Мирван, Амир Темурнинг *парфиялик саркардаси*, Зама, Халу, Боязиднинг *ҳарам огаси*, Турк дарвиши, Арпасия, *юнон маликаси*, Селима, Боязиднинг қизи, Тартар ва турк аскарлари,

Боязиднинг аёнлари (жаллодлар, масхарабозлар) ва бошқалар.

Никола Роунинг «Амир Темур» («Tamerlan, a Tragedy») пьесасининг премьераси 1702 йил Лондонда бўлиб ўтди. Пьеса XVIII аср инглиз театридаги энг машхур асарлардан ҳисобланади. Пьеса инглиз театрида ўтиш даврини бошлаб берган ёрқин асар ҳисобланади. Барокко усулида ёзилган мазмундор «қаҳрамонлик трагедияси» персонажларнинг илк «замонавий» руҳий тадқиқотини ўзида мужассамлаган, янада тушунарли ҳамда реалистик ҳис-туйғуларни ифодаловчи «сентиментал» трагедияга ўрин бўшатиб берди. «Қаҳрамонлик трагедияси»да эпик ўлчамлардаги экзотик қаҳрамонлар севгимуҳаббат туфайли ғайритабиий қаҳрамонликлар содир этадилар, ўз мақсадларига етиш учун турли ваҳшийликларни амалга оширадилар, бошқа персонажларга ҳамда томошабинларга таъсир қилиш учун баладпарвоз сўзлардан ташкил топган узундан-узоқ маърузалар ўқийдилар.

Н.Роунинг персонажи Ж.Прадон қаҳрамонига нисбатан бир мунча ижобий кўринади: Амир Темур энди инсониятнинг ғазаби эмас, балки унинг фаровонлиги учун хизмат қилувчи шахс. Унинг қаршисида рақиби Боязид чексиз мағрурликнинг карикатурасига ўхшайди.

Н.Роу тарихий шахс Амир Темур образини сиёсий мақсадларда қайта яратди ва илоҳийлаштирди. Шу сабабли пьеса ўз даврида улкан муваффақиятларга эришди.

Мазкур пьеса муаллифи бош қаҳрамонлар – Амир Темур ва Боязидни бир-биридан кескин фарқ қилувчи шахслар сифатида тасвирлайди. Амир Темур қиёфасида олижаноб, инсонпарвар ва очинқўл Англия қироли Уильям III тасвирланса, Боязид қи-

ёфасида енгилтабиат, худбин ва золим, ўша давр Англияси учун кўплаб фалокатлар келтирган Франция қироли Людовик XIV намоён бўлади. Пьеса яратилишидан бир йил олдин, яъни 1701 йили Англия билан Франция ўртасида Испания мероси учун уруш бошланган эди. Англия меросхўрсиз қолган Испания қироли Карл IIнинг ерларини эгаллашга интилган Франция қироли Людовик XIVга қарши курашар экан, бу жангда унга голландияликлар ва Австриянинг Ҳабсбурглар сулоласи ёрдамга келган эди.

Асарда тасвирланаётган воқеалар жадал суръатларда ўтади. Византияни қўлга киритиб, дунё ҳукмронлиги учун интилаётган мағрур ва масрур Боязид қаршисида Марказий Осиёдан чиққан янги рақиб – Амир Темур пайдо бўлади. Амир Темурнинг лашкаргоҳи Галатия пасттекисликларида жойлашган. Улуг Амир кўшинларини бошқараётган саркардалар орасидаги итальян генерали Аксалла ҳал қилувчи жанг олдидан Боязид кўшинлари жойлашган лагердаги бир неча чодир ичидаги аскарларни қиличдан ўтказиб, Боязиднинг қизи Салимани олиб кетади. Аксалла бир неча муддат турк султони ҳузурида Амир Темурнинг элчиси бўлиб хизмат қилади, бу орада Салима уни ёқтириб қолади. Шундан кейин моваруннаҳрликлар ва усмонли турклар ўртасида ҳал қилувчи жанг бошланиб кетади, мағлуб бўлган Боязид эса рақибининг ихтиёрига ўтади.

Амир Темур рақибига бу муҳораба унинг айби билан рўй берганлигини, бунга фақат турк султони айбдор эканлигини айтади. Боязиднинг ўша даврда Европада, Кичик Осиё ва Яқин Шарқда олиб борган юришлари натижасида қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг, шу жумладан, етим-есирларнинг ҳам қони беҳуда тўкилганлигини маълум қилади:

When I survey the Ruins of this Field,
The wild Destruction, which thy fierce Ambition
Has dealt among Mankind, (so many Widdows,
And helpless Orphans has thy Battle made,
That half our Eastern World this Day are Mourners)
Well may I in behalf of Heav'n and Earth
Demand from thee Atonement for this wrong.¹

(Мазмуни: Мен бу вайроналарни кўриб турибман. Қиргинбарот урушларинг сенинг бемаъни хоҳишларинг-ла инсониятга катта зарар етказди (қанчалаб бева, ёрдамга муҳтож етим болалар сенинг урушларинг натижасида ҳалок бўлди). Дунёнинг тенг ярми ўша кунлар мотам тутди. Мен сендан Самолар ва Инсоният номидан гуноҳларингни ювишингни талаб қилишга ҳақлиман).

Омад ўзидан юз ўгирган Боязид тақдир билан ҳисоблашмайди: у музаффар Амир Темурнинг олижаноб жумлаларига баландпарвоз сўзлар, ман-манлик ва ҳақоратлар билан жавоб беради. Бу эса уни ўзининг ҳақиқий мағлубиятни тан олган муносиб рақиб эмас, балки кўпол ва тарбиясиз хоқон қилиб кўрсатади:

Tamerlan:

Henceforth I will not wonder, we were Foes,
Since Souls that differ so, by Nature hate,
And strong Antipathy forbids their Union.

(Мазмуни: Мен энди ажабланмайман. Биз рақибларга айландик. Зеро табиатаимиз тўғри келмади. Хоҳиш-истакларимиз ҳам ҳар хил. Бундай қарама-қаршилик бирлашишимизга йўл қўймайди).

¹ Rowe Nicholas. *Tamerlane. A Tragedy.* – London, Printed for Jacob Tonson. [etc.], 1702. – P.19.

Bajazet:

The noble Fire that warms me does indeed
Transcend thy Coldness, I am pleas'd we differ,
Nor think alike.¹

(Мазмуни: Мени ўз домига тортмоқчи бўлган олийжаноб Олов Сенинг совуқлигиндан устун, мен хурсандман – бизлар бир-биримиздан фарқ қиламиз, Ниятларимиз, фикрлашимиз ҳам турлича).

Бироқ шунга қарамай асарда Амир Темур олижаноб шахс сифатида намоён бўлади. Соҳибқирон турк султониға ўзининг ҳарб юришларини эли, юрти, халқи манфаатларини ўйлаб амалға ошираётганини билдиради:

Tamerlan:

No – for I think like Man,
Thou like a Monster; from whose baleful Presence
Nature starts back; and tho she fix'd her Stamp
On thy rough Mass, and mark'd thee for a Man,
Now conscious of her Error, she disclaims thee,
As form'd for her Destruction. –
Tis true, I am a King, as thou hast been:
Honour, and Glory too have been my Aim;
But tho I dare face Death, and all the Dangers,
Which furious War wears in its bloody Front,
Yet would I chuse to fix my Fame by Peace,
By Justice, and by Mercy; and to raise
My Trophies on the Blessings of Mankind;
Nor would I buy the Empire of the World
With ruin of the People whom I sway,
Or forfeit of my Honour.²

¹ ўша жойда, Р.20.

² Rowe Nicholas. Tamerlane. *A Tragedy*. – London, Printed for Jacob Tonson. [etc.]. 1702. – P. 21.

Амир Темур:

Тўғри, чунки мен инсон каби фикрлайман
Сен эса Маҳлуқ, сендан ўлим ҳиди келади....
Чин ҳақиқат, мен ҳам сен каби ҳукмдорман,
Шон-шуҳрат менинг ҳам олий мақсадим.
Шафқатсиз урушларда қон билан тўқнашиб
Ўлим ва бошқа хавфларга дуч келсам ҳам,
Мен фақат Тинчлик, Адолат, Эзгулик ила
Шон-шуҳратга эришгайман.
Инсонлар дуоси ила Зафарлар кучгайман.
Салтанатимни ўзга халқларни қириб
Вайроналар устида барпо этмайман.
Агар мен шундай қилсам халқимнинг
Ҳурматидан маҳрум бўлгайман.

Асар интригаси мураккаб бўлиб, унда қатор персонажлар иштирок этади. Амир Темур, Боязид, Аксалла ва Салимадан ташқари булар Боязиднинг зўрлик билан ушлаб турилган насроний хотини, юнон маликаси Арпази, Арпазининг собиқ севгилиси, эндиликда Амир Темур қўшинида хизмат қилувчи шаҳзода Монебет, мовароуннаҳрлик саркарда Умар, дарвиш, жангчилар ва ҳ.к. Арпази Монебетга интилади, Аксалла Салимага эришишни хоҳлайди, Умар эса уларнинг ўртасига тўғаноқ бўлади. Амир Темур эса ўз қўл остидагиларига қанчалик меҳрибон бўлмасин, ошиқ-маъшуқларнинг ниятларини рўёбга чиқаришга ўзини ҳақсиз деб ҳисоблайди. Зеро, нима бўлса ҳам Арпази Боязиднинг қонуний хотини, Салимага эса отаси фотиҳа бермаяпти.

Шундан сўнг Аксалла Боязиддан қизининг қўлини сўрашга қарор қилади. Султон бу таклифни аввал қатъий рад этади, сўнгра Амир Темурнинг боши эвазига қизи Салимани Аксаллага беришга

рози бўлади. Аксалла эса ҳеч қачон Амир Темурга қўл кўтара олмайди, қўл кўтаришни истамайди ҳам.

Амир Темур турк султониға унинг тахтини, бу билан озодликни қайтаришни, у билан иттифоқ тузиб дўст бўлиб қолишни таклиф этади. Шу орада Соҳибқирон ҳузурига бир дарвеш ташриф буюриб, ислом ва Муҳаммад аллайҳисалом ҳаққи-хурмати турк тахтини халифаларнинг ворисларига топшириб, уларнинг измидан юришга даъват этади:

Dervise:

Well might the Holy Cause be carry'd on,
If *Mussulmen* did not make war on *Mussulmen*.
Why hold'st thou Captive a believing Monarch?
Now, as thou hop'st to 'scape the Prophet's Curse,
Release the Royal *Bajazet*, and join
With Force united, to destroy the Christians.¹
(Учинчи парда, 2-сахна).

(Мазмуни: Мусулмон мусулмон билан жанг қилмаслиги лозим, акс ҳолда у Аллоҳнинг лаънатига учрайди! Зоти Олийлари, сиз ўз кучларингизни Боязид билан кофирларга қарши бирлаштирганингиз маъқул!)

Амир Темур дарвешга куйидагича жавоб беради:

Tis false; no Law Divine condemns the Virtuous,
For differing from the Rules your Schools devise.
Look round, how Providence bestows alike
Sunshine and Rain, to bless the fruitful Year,
On different Nations, all of different Faiths;
And (tho' by several Names and Titles worshipp'd)
Heav'n takes the various Tribute of their Praise;
Since all agree to own, at least to mean,

¹ Rowe Nicholas. Tamerlane. A Tragedy. – London, Printed for Jacob Tonson. [etc.], 1702. – P. 40.

One best, one greatest, only Lord of All.

Thus when he view'd the many Forms of Nature,
He found that all was good, and blest the fair Variety.

(Мазмуни: Сиз мени талмовсиратмоқчимисиз, ҳали! Бу, албатта, сизнинг сиёсий маслагингизга дахлдор кўринади. Парвардигор кўп эътиқодларни яратди, уларнинг барчасининг номи диндир. Мазкур динлар орасидаги айрим номувофиқлар учун жангга отланиш қондошларингга нисбатан хиёнаткорлик деб баҳоланмоғи шарт!).

Соҳибқирон билан дарвешнинг ўртасидаги мулоқотдан аёнки, Н.Роу бу ўринда Амир Темурни Европанинг ҳалоскори сифатида талқин этади, зеро дарвеш нутқидаги «кофирлар» сўзи замирида Европа назарда тутилади. Бинобарин, Йилдириш Боязид Амир Темур билан тўқнасув арафасида Европага юриш бошлашга тайёрланиб турган эди.

Дарвиш пайтдан фойдаланиб Амир Темурга ханжар санчишга ҳаракат қилади. Дарвиш қўлга олингач, Амир Темур сўнгги бор Боязидни инсофга чақиради, оға-иничилик битимига келтиришга уриниб кўради. Бироқ инсонийлик қиёфасини йўқотган Боязид Соҳибқирон шаънига ҳақоратларни кучайтиради, ҳар қандай битимдан бош тортади. Амир Темур султонни ўлимга маҳкум этади, аммо Арпазининг илтижоларига қулоқ солиб, ҳукмидан қайтади.

Н.Роу Амир Темурнинг Боязид устидан зафар кучиши ҳақидаги анъанавий мотивни қўллаб, асарга жангнинг ўзи хоҳлаган натижасини киритади. Пьеса сўнгида Амир Темур Боязидни темир қафасга солишга ваъда беради. Бу Боязид-Людовик учун ҳақиқий жазо, дейди Амир Темур-Уильям. Зеро, у ўз муҳорабалари, амалга оширган қирғинлари,

қотилликлари, зўравонлик ва хиёнатлари туфайли она замин кўксида оғир жароҳат қолдирган эди.

Пьесада Амир Темур образи салбий бўёқларда чизилган Боҳзид образидан яққол устун туради. «Le personnage de Tamerlan est une conception puissante, une grande figure.»¹ (Амир Темур образи кучли концепция, у қудратли шахс).

Пьесада романтик ҳис-туйғулар, романтик муҳаббатга катта ўрин берилган. Асар персонажлари турли синовлардан ўтадилар; бурч ва ҳуқуқ, рашк ва муҳаббат, садоқат ва хиёнат, умуман, эзулик ва ёвузлик ўртасидаги курашасарнинг илк мисраларидан сўнгги мисраларигача тарк этмайди. Н.Роунинг трагедияси моҳирона ёзилган ҳаяжонли ҳолатларга бой, қизиқарли ва яхлит бир асар ҳисобланади.

Н.Роунинг «Амир Темур» пьесаси 1702 йилдан 1715 йилгача ўн мартадан ортиқ намойиш этилди. 1713 йил бундан мустасно, зеро шу йил Утрех шартномаси имзоланиб, Испания мероси учун урушга чек қўйилди.² Бироқ 1716-1777 йилларда французларга қарши қаратилган мазкур пьеса асосидаги спектакл кўп марта сахнага қўйилди; спектакл йил двомида бир неча марталаб намойиш этилар ва кўп ҳолларда Лондоннинг икки йирик театри Драри Лэн (Drury Lane) ва Ковент Гарден (Covent Garden) да бир пайтнинг ўзида қўйиларди. Кўп ўтмай пьесанинг матни нашр этилди, ҳатто француз тилига ҳам таржима қилинди.³

Н.Роу драматургияси маърифатпарвар зодагонларнинг аҳдқисизлигига қарши қўйган ахлоқ ко-

¹ Tamerlan, tragédie de Rowe. Grand Robert en 16 volumes, v.14. – Paris, 1964. – P. 436^b.

² Англия, Франция ва Голландия ўртасида Утрех (Голландия) да имзоланган тинчлик битими (Б.Э.).

³ Théâtre français, vol. 6. – Paris, 1745-1749. – PP. 253-382.

декларини тасдиқлаш борасидаги биринчи тажрибалардан эди. Пьесалар муаллифи тарихий мавзунинг кенг ижтимоий умумлаштириш учун қўллаганди. Унинг асарларида сарой зиддиятлари ижтимоий-оилавий ва маънавий тус олади. Шу маънода Н.Роу XVIII аср манфаатпараслик драмасынинг йўлбошчиларидан бири бўлди.

ХVIII – ХІХ АСРЛАР ШЕЪРИЯТИДА СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ

Романтизм даврига келиб инглиз адабиётида Амир Темур мавзусида шеърий асарлар пайдо бўла бошлади.

Шоир, адабий танқидчи, публицист ва эссе жанрининг инглиз адабиёти тарихидаги энг йирик вакили Чарльз Лэмбининг (1775-1834) «Малика Ариананинг орзуси» (1818) деб номланган шеъри ана шулар жумласидан.

Ч.Лэмб Лондонда хизматчи оиласида дунёга келди. У коллежда ўқиб юрган кезлари Ли Хант ва Самуэль Кольриж каби романтиклар билан танишди ва бир умрга дўст бўлиб қолди. Ч.Лэмб руҳоний бўлиб етишмоқчи эди, бироқ дудуқаниши туфайли бу орзусидан воз кечди. У 1792 йилдан 1825 йилга қадар Ҳиндистон ишлари бўйича бошқармада хизмат қилди.

Ч.Лэмб адабиёт майдонига 1798 йил «Розамунд Грей ҳақида қисса» асари билан кириб келди. 1802 йили унинг «Жон Вудвиль» номли шеърий трагедияси дунё юзини кўрди.

Орадан кўп ўтмай, Ч.Лэмб адабий танқидчи сифатида танилди. Ли Хант бошқарган журналда унинг

Шекспир ва Хогарт ижоди ҳақидаги кузатишлари чоп этилди. Бироқ унинг адабиёт ҳақидаги кўп фикрлари хатларида қолиб кетган. Британия энциклопедияси уни инглиз эпистоляр жанрининг классикларидан бири деб таърифлайди.¹

Ч.Лэмб 1820 йилдан ўзининг хусусий «London Magazine» журналини чоп эта бошлади. Журналда эълон қилинган «Элиянинг очерклари» унга катта шуҳрат келтирди. Мазкур очерklar тўплам ҳолида илк марта 1823 йил нашрдан чиқди, тўпламнинг иккинчи нашри орадан 10 йил ўтиб эълон қилинди. Адиб ўз очерклари ва эсселарида 30 йиллик хотиротларга берилган телбасифат Элия ниқобида пайдо бўлади. Очерklarнинг мавзуси ранг-баранг – уларда театр ва санъат, нозик ҳис-туйғулар, ҳаёт ва сиёсат масалалари кўтарилади. Услуб жиҳатидан бу асарлар Ч.Лэмб бир умр ҳавас қилган Лоренс Стернинг асарларига яқин туради.

«Малика Ариананинг орзуси» – Амир Темурнинг рафиқаси ҳақидаги шеър. Шеърнинг умумий руҳини таҳлил этиб хулоса бериш мумкинки, Соҳибқирон рафиқаси малика Ариананинг сарҳад билмас ҳаёлий орзулари Амир Темурнинг сарҳадбилмас имкониятлари тимсолидир. Бироқ шеър бевосита Амир Темурга алоқадор бўлмай, Соҳибқирон унда бирор муносабат билан тилга олинади. Асарда Чарльз Лэмбнинг Амир Темур ва унинг яқинлари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги намоён бўлади. Муаллиф унда Соҳибқиронни «Бутунжаҳон ҳукмдори қудратли Темур» (mighty Tamerlane, That was lord of all the land Between Thrace and Samarc-hand), деб сифатлар экан, унинг рафиқасига Ғарб

¹ Луков Вл. А. Лэмб Чарльз // Электронная энциклопедия «Мир Шекспира» [2010].

муҳитига мос, бироқ тарихий ҳақиқатга зид ном қўйиб, уни «Қиролича Ариана»га айлантиради:

«Oriana who was queen
To the mighty Tamerlane» –

«Ариана қудратли Темурнинг рафиқаси эди».

Шеърда Соҳибқироннинг маликаси авжи туш палласида атиргул ва бинафшаларнинг хушбўй ҳиди анқиб турган Самарқанд яқинидаги дарё бўйида салқинлаб ухлашни орзу қилади:

On a bank with roses shaded,
Whose sweet scent the violets aided,
Violets whose breath alone
Yields but feeble smell or none
(Sweeter bed Jove ne'er reposed on
When his eyes Olympus closed on),
While the nontide fervour beam'd,
Mused herself to sleep, and dream'd.

Шунингдек, шеър талқинидан шоир Амир Темур хонадони аъзоларининг турмуш тарзи билан ҳам таниш эмаслиги маълум бўлади. Зеро, шеър баёнида қироличанинг уйқуга кетиши олдидан олтига қул унинг устида олтиндан зеб берилган заррин матодан бичилган чодирни ушлаб туради:

While o'erhead six slaves did hold
Canopy of cloth o'gold.

Яна иккитаси эса мусиқа чалиб, уни аллалайди:

And two more did music keep,
Which might Juno lull to sleep.

Бу мусиқанинг жозибаси шу қадар кучлики,

у ҳатто худоларнинг энг кучлиси, энг жаҳлдори Юпитерни ҳам уйкуга кирита олади.

Чарльз Лэмбнинг шеъри хаёлотнинг маҳсули бўлиб, тарихий ҳақиқатдан мутлақо йироқ. Унда фақат бизга таниш икки ном – Амир Темур ва Самарқанд учрайди, холос.

Шеър жами 36 мисрадан иборат бўлиб, икки қисмга бўлинган. Биринчи қисм 16, иккинчиси эса 20 мисрадан ташкил топган. Бандларнинг қофияланиши а-а, б-б шаклида.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инглиззабон шеърятда барча шоирлардан олдин юқоридаги шеърни битган Чарльз Лэмб ўзидан кейин Амир Темур мавзусининг Ғарб шеърятида кенг тарқалишига йўл очди.

Виктор Жеймс Дейли (тахаллуси Крив Роу) 1858 йил 5 сентябрда Ирландиянинг Наван шаҳрида дунёга келган. Унинг отаси Уильям Жон Дейли Британия ҳинд аримияси аскарлари, онаси Мэри Жейн (қизлик фамилияси Моррисон). Виктор Жеймс Дейли Англиянинг Девонпорт шаҳридаги насроний оғалар Конгрегацияси мактабида таълим олди. Шунга қарамай Дейлининг диний билимлари юзаки эди, зеро у ўқиш ўрнига дала-даштларни кезиб юришни, турли тарихий ва маданий масканларни зиёрат қилишни яхши кўрарди.

1878 йил Дейли кемада Жанубий Австралияга йўл олади. Бу ерда унинг танишлари бўлишига қарамай у Сиднейда тушиб қолади. Сиднейда етарлича маблағ тўплаган Виктор Дейли Аделаида штатига кўчиб ўтади, давлат хизматига киради ва маҳаллий газетага мақолалар ёзиб кун кўради. Дейли 1880 йили Франциянинг мустамлақаси Янги Каледонияга ўтиб яшашга бел боғлайди, бироқ йўл-йўлакай Мель-

бурнда тўхтаб, бор-будидан айрилади. Ниятидан воз кечган Дейли Мельбурн ва Сидней газеталарида штатсиз мухбир бўлиб ишлайди, ёзувчилик билан шуғулланади. Виктор Жеймс Дейли 1905 Сидней яқинида сил касалидан вафот этади, унинг хотини ва тўрт боласи боқувчисиз қолади.

Дейли Крив Роу тахаллуси остида ижод қилди. У ўзининг дастлабки ижоди намуналарини «Bulletin» журналида эълон қилдирган. Ўша давр танқидчилари шоир илк шеърларининг лириклиги ва ҳазинлигини таъкидлайдилар. Дейлининг 1898 йилда эълон қилинган илк шеърый тўплами «Саҳар ва оқшомларда»ни жамоатчилик илиқ кутиб олди. Дейлининг «Шеърлар» (1908), «Шароб ва атиргуллар» (1911) тўпламлари шоирнинг ўлимидан сўнг нашр этилган.

Виктор Дейлини унинг лирик шеърлари танитди. Унинг энг сара асарлари 1880-1890-йилларда ёзилган. Умуман, унинг ижодига оилада тиллардан-тилларга ўтиб ҳикоя қилиб келинган ирланд ривоятлари (сагалари) катта таъсир ўтказган. Унинг ижтимоий-сиёсий мавзуда битилган сатирик шеърлари (асосан баллада кўринишида) замондошлари томонидан жиддий қабул қилинмаган. Ғарбда Дейли ижодига XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб қайта кучайган қизиқиш ҳамон сўнгани йўқ.

Изданишларимиз давомида биз Дейлининг асарлари орасидан ёш Темурга бағишланган шеърини топишга муваффақ бўлдик. «Шаҳзода Темур» (аслиятда: Tamerlane) номли бу шеър балладани ёдга солади. Зеро, у тўққиз бешликдан иборат бўлиб, ҳар бешлик а-б-а-б-б шаклида қофияланган, юксак пафос билан суғорилган. Эътибор беринг:

LO, upon the carpet, where
Throned upon a heap of slain
Blue-eyed dolls of beauty rare
(Ah, they pleaded all in vain!)
Sits the Infant Tamerlane!¹

Баллада Амир Темурнинг болалик, ўсмирлик даврига бағишланганлиги учун биз уни шартли равишда «Шаҳзода Темур» деб номладик. У келтирилган бешлик билан бошланади. Мазкур бешликда болакай Темурнинг қўғирчоқларни ўйнаб ўтирганлиги ҳақида гап боради:

Назар ташла гилам устига
Қўғирчоқлар унда кўп эрур.
Сомон тиқиб улар пўстига
(Кими йиғлар, кими ёлворур!)
Тахтда шаҳзод Темур ўлтирур!

Асарга синчковлик билан назар соладиган бўлсак, у чуқур рамзий маъноларга эга эканлигини кўрамиз. Тахтда ўтирган болакай Темурнинг оёғи остида ётган қўғирчоқлар оддий қўғирчоқлар эмас, балки Амир Темурнинг салтанатига қарши чиққан, унга душманлик қилган кичик хонликлар, султонликлар ва бошқа шундай ўлкаларнинг хукмдорларидир. Уларнинг нияtlари ёвуз бўлган, Амир Темур билан муроса қилишдан бош тортишган, натижада, ёш боланинг қўлига тушган жонсиз қўғирчоқлардек ҳолга кириб қолишган. Балладанинг кейинги бешлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди:

Broken toys upon the floor
Scattered lie – a ruined rout.

¹Victor James Daley @ <http://PoemHunter.com>

Thus from all things evermore
Are – the fact is past a doubt –
Hidden virtues hammered out.

Қўғирчоқлар кўплари синган
Теграсида ётишар қат-қат.
Ҳақиқат бор аччиқ, синалган –
Эзгуликка етади фақат
Кимда бўлса агар соф ният.

Шоирнинг назарида болакай Темур фақат қўғирчоқларни синдириш билан банд эмас. Бўлажак Улуғ Амир ҳар кимни хизматига яраша, бажарган ишига лойиқ баҳолашни ўрганади, ҳар кимга иложи бори-ча мадад беришни, қўллаб-қувватлашни орзу қилади:

Poet's page, or statesman's bust,
Nothing comes to his amiss;
Everything he clutches must –
'Tis his simple dream of bliss! –
Suffer his analysis.

Шоирнинг битганин, бойнинг ишини
Баҳолайди бўлажак амир;
Қувватлажак ҳар бир кишини
Орзуси шу, фақат биттадир –
Кўриб чиқиш барин бирма-бир.

Шу ўринда шоир Темурбекка мурожаат қилади, унинг қўғирчоқларни синдириши сабабини сўрайди, мозийдан қандай сабоқ олганлиги билан қизиқади:

O my little Tamerlane,
Infantile Iconoclast,
Is your small barbaric brain

Not o'eraud by the amassed
Wit and Wisdom of the Past?

... Доно, Зукко, Донишман
Ўтмишдан не биласан?

Шоирнинг фикрича, ҳар бир саркарда, ҳар бир давлат арбоби мозийдан, ўтмишда рўй берган йирик мухорабалар, воқеа-ҳодисалардан сабоқ олмоғи лозим. Шоир Темурбекнинг тез орада балоғатга етишини, ўз замонаси учун Темур каби қаҳрамонлар зарурлигини таъкидлайди, зеро замона алғов-далғов бўлиб ётган, одамлар иймон-эътиқодларини йўқотаётган бир даврда у каби янги – тоза, соф бир куч келиб, тартиб-интизом ўрнатмоғи, янгилик уруғларини сепмоғи талаб қилинади:

Type are you of that which springs
Ever forth when comes the need,
Overthrowing thrones and kings,
Faithless altar, sapless creed;
Sowing fresh and living seed.

Зарурият келганда
Сен кабилар чиқади.
Иймонлар чириганда
Тож-тахтларни йиқади –
Янги уруғ тиқади.

Баллада оптимистик руҳда яқун топади. Шоир ўзининг ёш қаҳрамонини яхши кўради, унга эркалаб муомала қилади, бироқ айна пайтда у «митти Бузғунчи»ни огоҳликка чақиради, зеро дунёда токи «Очкўз, Шахвоний ва Кўр, ярим одам, ярим шайтонлар» (Effigies by age revered – Gilded shapes of Greed and Lust – Shakes them into rags and dust) мавжуд экан, у хавф-хатардан холи эмас:

Little Vandal, smash away!
Riot while your blood is hot –
If into the world each day
Such as you are entered not,
It would perish of dry-hot.

Кичкина «Бузғунчи», огоҳ бўл, огоҳ!
Томирингда қонинг қайнайди –
Сендайлар келмаса дунёга, ногоҳ,
Ҳаёт бузилади, турмуш айнайди –
Бировлар бировнинг гўштин чайнайди!

Кўриниб турганидек, Дейли Соҳибқироннинг тарихда тутган ўрнига юксак баҳо беради. Шоир Амир Темурнинг башарият тарихида қолдирган (балладада: қолдиражак) ролини тўғри тушуниб етади. Шу нуқтаи назардан Виктор Жеймс Дейлининг таҳлил этилган «Шаҳзода Темур» номли балладаси нафақат XIX аср Ғарб шеъриятида, балки буюк бобомиз Амир Темур ҳақида хорижда яратилган асарлар орасида энг сараларидан ҳисобланади.

Буюк аждодимиз Амир Темур ҳақида Ғарбий Европа адабиётларида юзлаб асарлар битилган. Немис адабиёти ҳам бундан мустасно эмас. Буюк немис адиби И.В.Гёте ҳам ўзининг «Ғарбу Шарқ девони»да Амир Темур образига мурожаат қилган. Инсониятнинг вайронгарчиликлари Гётенинг «Девон»ида «Темурнома» ва «Зулайхонома»да акс эттирилган. «Темурнома»да «Аёз ва Темур» номли шеър ҳам бор. Шеър қуйидагича бошланади:

**BUCH DES TIMUR
DER WINTER UND TIMUR**

So umgab sie nun der Winter
Mit gewalt'gem Grimme. Streuend
Seinen Eishauch zwischen alle,
Hetz't'er die verschiedenen Winde
Widerwartig auf sie ein.
Über sie gab er Gewaltkraft
Seinen frostgespitzten Sturmen,

**ТЕМУРНОМА
АЁЗ ВА ТЕМУР**

Қақшатқич газаб билан
Қиш келди. Ҳамма ёққа
Муздек совуқ уфурди ва
Жангга муштоқ шамолларни
Одамларга ташлади.
У қаҳратон бўронга
Зўравонлик буюрди.

Аёз бутун атрофга даҳшат солиб келади. Одамларнинг устига муздек шамолу бўронларни йўллайди, уларга зўравонлик қилишни буюради. Сўнг Темурга йўлланиб, уни сиқувга олади:

Stieg in Timurs Rat hernieder, Schrie ihn drohend an und sprach so: „Leise, langsam, Unglucksel'ger, wandle, du Tyrann des Unrechts; Sollen langer noch die Herzen Sengen, brennen deinen Flammen?“ ¹¹	Темурга ўғит бериб, Ғазаб-ла шундай деди: «Тинчлан, бахтсиз, жим бўл! Йўқол, инсофсиз ҳукмдор! Оловинг одамларни Қачонгача куйдираб?»
---	--

Аёз Темурни шафқатсизликда, бераҳмлиқда айблайдую, бироқ ўзи ундан минг чандон ўтиб кетади. У ўзининг кимлигини яхши билади:

Bist du der verdammten Geister
Einer, wohl! ich bin der andre.»

Ё мен каби лаънати
Руҳлардан биримисен?»

Сўнг Аёз Темурни бирлашишга чақиради, Ер юзига биргалиқда ёвузлик уруғини сочишни таклиф қилади. Темурни Марсга – оддий жангчига, ўзини Юса Сатурн – уруш худосига теглаштиради:

Bist du der verdammten Geister Einer, wohl! ich bin der andre. Du bist Greis, ich auch, erstarren Machen wir so Land als Menschen. Mars! du bist's! ich bin Saturnus, Ubeltatige Gestirne, Im Verein die schrecklichsten.	Ё мен каби лаънати Рухлардан биримисен? Икки кекса бир бўлиб Ер юзин қуритамиз. Сен – Марс бўлсанг, мен – Сатурн, Бирлашсак, чидаб бўлмас офатлар келтира- миз.
---	--

Бироқ Аёз бу билан тинчимайди. Ўзи бошлаб келган шамоллардек йўналишини тезда ўзгартиради, яна Темурга юзланади:

Totest du die Seele, kaltest Du den Luftkreis; Qualen deine wilolen Heere. Glaubige mit tausend Martern;	Сен шафқатсиз, сен илон Ер-кўкни музлатурсен. Бераҳм қўшининг билан Диндорларни қирурсен,
---	--

А.Аникстнинг фикрича, Гётенинг асарида Темурнинг қиёфаси Наполеон образи билан уйғунлашиб кетади. Бунда шоир зўравонлик ва вайронгарчиликка қарши чиқади.

Аёз энди ўзи бир дақиқа олдин бирлашишни, дўстлашишни таклиф қилиб турган Темурга таҳдид солади, Худони ўртага қўйиб уни ёмон жазолашини, унга шафқат қилмаслигини маълум қилади:

Geb es Gott! was Schlimmres finden. Und bei Gott, dir schenk ich nichts. Hor es Gott, was ich dir biete! Ja, bei Gott! von Todeskalte Nicht, o Greis, verteid'gen soll dich Breite Kohlenglut vom Herde, Keine Flamme des Dezembers. ²	Худо шоҳид! Ва мен ҳам Сенга кўп кулфат солгум. Худо бор. Шафқат қилмам Сенга асло. Эй, раббим! Декабрда минг ўт ёқ – Қочолмайсен сен мутлоқ Ўлимнинг совуғидан.
---	--

Гёте бу шеърда ҳам, кейин келтириладиган шеърда ҳам Темур қиёфасида Франция императори Наполеонни, унинг Германия ва Европа халқлари бошига солган кулфатларини тасвирламоқчи бўлган. Бироқ Гётенинг бу фикридан фақатгина «Аёз ва Темур» номли Амир Темур ҳақидаги бир араб афсонаси асосида ёзилган шеър қолган, холос.¹

Гётенинг шеърлари босқинчилик ва вайронгарчилик урушларига қарши қаратилган. Бунга «Зулайҳога» номли шеър мисол бўла олади:

AN SULEIKA	ЗУЛАЙҲОГА
Dir mit Wohlgeruch zu kosen, Deine Freuden zu erhohn, Knospend müssen tausend Rosen Erst in Gluten untergehn. Um ein Flaschen zu besitzen, Das den Ruch auf ewig halt, Schlank wie deine Fingerspitzen, Da bedarf es einer Welt.	Мушқу анбарлар ила Кўнглингни олмоқ учун, Ёнар юзлаб ғунчалар Дўзахи ўтда бугун. Жимжилоғингдек кичик Идишдаги шул анбар, Бир олам номсиз тирик Жонларни ютди, дилбар.
Einer Welt von Lebenstrieben, Die in ihrer Fulle Drang Ahndeten schon Bulbuls Lieben, Seeleregenden Gesang. Sollte jene Qual uns qualen, Da sie unsre Lust vermehrt? Hat nicht Myriaden Seelen Timurs Herrschaft aufgezehrt? ³	Озод эди неча минг Бу оламдан ўтганлар – Ёниб, куйиб, булбулнинг Шодон куйин кутганлар. Куйма, бўлар иш бўлган. Бахтинг шиша ичида! - Минглаб одамлар ўлган Темурнинг қиличидан!

Гёте мазкур шеърда рамзлардан усталик билан фойдаланади, шеърдаги гуллар – тирик жонлар, биргина Зулайҳонинг кўнглини олмоқ учун минглаб гуллар, ғунчалар ҳам қурбон қилинади. Жимжилоқдек кичик бир идишга Зулайҳо учун анбар жамлаш-

¹ Аникст А. Творческий путь Гете. – М.: Художественная литература, 1986. – С.437.

га минг-минг гуллар – «номсиз тирик жонлар»нинг қони тўкилади:

Жимжилоғингдек кичик
Идишдаги шул анбар,
Бир олам номсиз тирик
Жонларни ютди, дилбар.

Шу гуллар, шу «тирик жонлар» озод, эркин эди, муҳаббатга зор эди, уларнинг ҳам севилишга, севишга ҳақлари бор эди, улар ҳам ўз булбулларининг куйларини шодон кутишган эди:

Озод эди неча минг
Бу оламдан ўтганлар.
Ёниб, куйиб, булбулнинг
Шодон куйин кутганлар.

Шоир Зулайҳонинг анбари учун қурбон этилган минглаб «тирик жонлар» қисматидан қайғуриш билан бирга, энди уни юпатади. Энди кеч бўлганлигини, бу гулларни ортга қайтариб бўлмаслигини таъкидлайди:

Куйма, бўлар иш бўлган.
Бахтинг шиша ичида!
Минглаб одамлар ўлган
Темурнинг қиличидан!

Гёте шеъридаги Темур аслида айнан бизнинг буюк аждодимиз Амир Темур эмас. Асарда бунга ҳеч қандай ишора ҳам йўқ.

Учинчи бўлим бўйича куйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. XVII – XIX асрлар Фарбий Европа драматургиясида Амир Темур образи янгича талқин қилина бошланди. Айниқса салтанат манфаатлари ҳақи-

да ёхуд инсоний ҳис-туйғулар ҳақида гап кетганда Амир Темурнинг одамийлиги янада яққолроқ намоён бўла бошлади. Ж.Прадон ва Н.Роунинг асарларида илк бор пайдо бўлган бу мотив кейинги асрларда Ғарбий Европа адабиётларида Амир Темурнинг тўлақонли сиймосини яратиш муҳим омиллардан бири бўлди. Бу ҳолат аксарият шарқшунос ва темуршуносларнинг Ғарбий Европага Амир Темурнинг ижобий тасвири фақатгина 1722 йилдан сўнг, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си Пети де ла Круа томонидан француз тилига таржима қилинганидан кейин кириб борди, деб таъкидлашлари мутлақо асоссиз эканлигини тасдиқлайди.

2. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг французча таржимаси (1722) дунё юзини кўриши биланоқ Амир Темур сиймоси шарқона олқишларнинг юксак намунаси деб топилди, шу йўсинда янгича талқин қилина бошлади. Соҳибқирон шахсига муносабатларнинг бу тарзда ўзгариши, бир томондан, олдинги талқинлар билан янги талқинлар ўртасида ўтган вақтнинг тобора узайиб бораётгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, янги талқинларда афсонавий қаҳрамон янги мафкура нуқтаи назаридан баҳоланарди. Амир Темур сиймосига бу сифат янгича ёндашишнинг ёрқин намуналарини Ж.Прадон, Н.Роу, Вольтер, Э.Гиббон, Л.Вайн, В.Дейли каби адибларнинг асарларида учратиш мумкин.


3. XVII–XIX асрлар Ғарбий Европа адиблари ва санъаткорларини тарихий воқеалар эмас, мураккаб характерга эга бўлган икки саркарданинг тўқнашуви кўпроқ қизиқтирар эди. Уйғониш даври трагедисидаги қаттиққўл ва Макиавелли тасвирига мос саркарда Амир Темур энди ҳаёт ва ўлим, зиддиятлар келтириб чиқарувчи муҳаббат ва садоқатлар ҳикоя

қилинадиган жанговар қаҳрамонлик тўқнашувларида асосий ролни ўйновчи янги Амир Темурга айланган эди. Сиёсий ва тарихий воқеаларга экзотика сифатида қаралар, улар спектаклларни бойитиш учун ишлатиларди, холос.


4. Амир Темур сиймоси XIX аср Ғарбий Европа шеърятига ҳам кириб борди. Амир Темурнинг болалиги, улғайиши, уйланиши ва рафиқаси ҳамда сарҳад билмас имкониятлари ҳақида шеърый асарлар яратилди.



ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ



XX АСР
АДАБИЁТИДА
АМИР ТЕМУР
СИЙМОСИ



XX АСР ТАРИХИЙ РОМАНЛАРИДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

Инсоният ўзининг жадал тараққиёти давомида нафақат маълум тарихий босқичларни бошидан кечиради, шу билан бирга, ижтимоий тафаккурнинг аниқ даражаларини ҳам белгилайди. Шу маънода XX асрда башариятнинг ҳаётида ҳам, тафаккурида ҳам турли босқичлар рўй берди. Бу воқеалар айнан асрнинг дастлабки ўн йилликларида бошланди ва XXI аср бошида ҳам давом этмоқда. Маълум бир давр ва маълум кишилар ҳақидаги тарихий ёки бадиий асарлар осмондан тушиб қолмайди. Уларни якка муаллиф ёки муаллифлар гуруҳи яратади, хоҳлайдиларми, йўқми тасвирланаётган тарихий воқеа ёки шахсга муайян бир мафкуравий мақсад нуқтаи назаридан ёндашадилар.

Бунда санъаткорнинг оламни бадиий тасвирлаш истаги кучга киради, натижада бадиий қаҳрамон тарихий шахсда мавжуд бўлмаган хислатларга эга бўлади. Бошқа тарихий қаҳрамонлар қатори Амир Темур ҳам бундан мустасно эмас, зеро «ҳар бир миллий адабиёт Темур образини ўз мафкуравий ва маданий мақсадларига мос тарзда яратади.»¹ XX асрда буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида хорижда, шу жумладан ГАРбий Европада яратилган тарихий-бадиий асарларда ҳам Соҳибқирон образи турлича талқин қилинади. Айрим муаллифлар унга очик рақибона муносабатда бўлса, айримлари унинг фақат ижобий томонларини кўрадилар, қолганлар эса икки ўт орасида қоладилар, холис ёндашадилар.

¹ Кароматов Х.С. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии Кристофера Марло «Тамерлан Великий». Дисс. канд. филол. н. – Т., 1990. – С.84.

Қуйида биз таҳлил қиладиган асарлар ҳам шулар жумласидан.

XX асрда Ғарбий Европа малакатларида юзлаб тарихий ва бадиий асарлар, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар яратилди, бадиий ва мультипликацион фильмлар суратга олинди. Филология фанлари доктори, адабиётшунос А.Расуловнинг маълумотига қараганда, ҳозирги кунда Ғарб ва Шарқда Амир Темур ҳақида мавзу эътиборига кўра жаҳоннинг турли тилларидаги 1500 га яқин асарлар мавжуд. Табиийки, булар илмий, илмий-бадиий (бадиа) ва адабий-бадиий асарлар мажмуасидан иборат.¹ Амир Темур тарихига оид соф илмий деб аталадиган манбалар ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ жаҳон илмий тарихчилигида яққол кўзга ташландиган муҳим жиҳатлардан бири, уларда илмийлик ўзанида бадиийликнинг ҳам мавжуд бўлишидир. Соҳибқирон ҳақидаги тарихий-бадиий (солномалар, тарихий романлар) асарлардан Ҳарольд Лэмбнинг «Ҳукмрон ва саркарда», Ҳильда Ҳукхэмнинг «Етти иқлим султони», Тильман Нагелнинг «Фотих Амир Темур кечки ўрта асрлар адабиётида», Мишел Дойчнинг «Амир Темур ёхуд Қиёмат қойим ўйинлари», Жан Баке-Граммон, Марсель Брион ва Ж.П.Рунинг бир хил номланган «Амир Темур» солномалари ҳам бор.

Ҳильда Ҳукхэмнинг «Етти иқлим султони» номи хужжатли-тарихий қиссасида, жумладан, «... улкан муваффақиятлар қозонган, сахройи оксуяклар ва кўчманчи қабила бошлиқларига раҳнамолик қилган Саркарда, афтидан, дунё миқёсида бир вақтнинг ўзида ҳам ўтроқ, ҳам кўчманчи халқлар

¹ Расулов А. Улуғ салтанатнинг шаклланиши.// Жаҳон адабиёти, 2003 йил № 11. – Б.136-138.

устидан ўз ҳукмини ўрнатган сўнги саҳройи қабила бошлиғи бўлиб қолаверди.»¹ (таъкидлар бизники – Б.Э.). Бунга ажабланмасдан бўлмади, албатта. Амир Темур Чингизхоннинг авлоди саналган «саҳройи оқсуякларга раҳбарлик қилган», амм «кўчманчи доҳийлар» деганда кимлар назарда тутилгани мантиқан аниқ эмас. Боз устига, «Темур мактаб кўрмаган»² ва «саводсиз эди»,³ дейилиши тарихий ҳақиқатга зиддир.

Айниқса, қиссада Амир Темурнинг Хитойга юриши пайтидаги 1405 йил қиш воқеалари тасвирида майхўрликка берилиши манзаралари ҳам ҳақиқатга зид, бадий тўқима маҳсулидир. Муаллиф ошқозон ва ичак шамоллаши билан, ўлим тўшагида ётган Соҳибқиронни «Темур ўзини иситиш учун яна ва яна май, ўтқир ичимлик ва турфа хил дориворлар буюрарди. Майдан у шаробга ўтди; бироқ овқатларга қўл урмади. Соҳибқирон ичкилик ичишни тўхтатмади. Бетоблик туфайли заифлашган ва дармонсизланган кекса Соҳибқирон деди: «Мен май лаззатини татиб кўрдим.»⁴ Аъёнлар унинг ичкиликка ружу қўйишини хасталик оқибати деб баҳолайдилар.

Соҳибқирон сиймосининг бундай талқин қилинишини француз шарқшунос олими, Франция Илмий тадқиқотлар маркази (CNRS)нинг тадқиқотчилар гуруҳи раҳбари, Лувр Олий мактабининг профессори ва Сорбонна университети Туркий тадқиқотлар институтининг аъзоси Жан-Поль Ру ижодида ҳам кўрамиз. Ж.П.Рунинг «Амир Темур» асаридан парчалар Абдумурод Кўчибоев таржима-

¹ Хукхэм Хильда. Етти иқлим султони. – Т.: Адолат, 1999. – Б.4.

² ўша жойда, Б.8.

³ Хукхэм Хильда. Властитель семи созвездий. – Т.: Адолат, 1995. – С.305.

⁴ ўша жойда, С.301.

сида «Жаҳон адабиёти» журналида (10-32-бетлар) эълон қилинди.¹

Таржимага битилган сўнгсўзда А.Кўчибоев Ж.П.Руни Ўрта Осиё тарихига оид 20 га яқин илмий-тарихий рисола яратган, деб таъкидлайди. Аслида Ж.П.Ру 2003 йилгача ҳаммаси бўлиб 20 га яқин асар ёзган (аниқроғи – 18 та, биттаси Жан-Луи Баке-Граммон билан ҳамкорликда), шулардан атиги иккитаси бевосита («Буюк Моғоллар тарихи. Бобур» – «Histoire des Grands Moghols. Babur», 1986 ва «Амир Темур» – «Tamerlan», 1991)² ва учтаси билвосита («Ислом» – «L'Islam», 1964, «Турклар тарихи. Тинч океандан Ўрта ер денгизигача икки минг йил» – «Histoire des Turcs. Deux mille ans du Pacifique a la Méditerranée», 1984, ва «Мўғул империяси тарихи» – «Histoire de l'Empire Mongol», 1993)³ Мовароуннаҳр тарихи билан боғлиқ. Адибнинг Амир Темур, Бобур билан боғлиқ тарихий китоблари билан биз яхши танишмиз, тадқиқотларимиз доирасида уларни таҳлил қилганмиз.

Замондосшимиз Ж.П.Ру бизга маълум барча француз шарқшунослари орасида юртимиз ўтмишига салбий муносабатда бўлган адибдир (бунинг учун унинг «Турклар тарихи» китобининг «Темур катаклизми» деб номланган X боби (225-246-бетлар), «Буюк Моғоллар тарихи. Бобур» асарининг «Темурийлар Уйғониш даври» номли II боби (51-93-бетлар) ва «Амир Темур» китобининг «Кириш»

¹ Ру Жан Пол. Амир Темур. Эссе. Француз тилидан Абдумурод Кўчибоев таржимаси. // Жаҳон адабиёти, 2002, № 1. – Б.10-32.

² Roux Jean-Paul. Histoire des Grands Moghols. Babour. – Paris, Fayard, 1986; Tamerlan. – Paris : Fayard, 1991.

³ Roux Jean-Paul. L'Islam. – Paris : Fayard, 1964; Histoire des Turcs. Deux mille ans du Pacifique à la Méditerranée. – Paris, Fayard, 1984; La religion des Turcs et des Mongols. – Paris : Payot, 1984; Histoire de l'Empire Mongol. – Paris, Fayard, 1993.

(13-24-бетлар) ҳамда «Жаллод» номли X боби (191-214-бетлар)ни ўқиб чиқиш кифоя. А.Кучибоев Ж.П.Руни кўкларга кутаради ва, аксинча, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига ҳар томонлама холисона баҳо берган Люсьен Бува (Муғул салтанати, 2-босқич. Жаҳон тарихи, VIII том, Франция Академияси аъзоси Э.Кавэняк таҳрири остида, Париж, 1927), Рене Груссэ (Осиё тарихи, Париж, 1922; Даштлар салтанати, Париж, 1938), Альбер Шандор (Амир Темур, Париж, 1942), Марсель Брион (XIV аср. Шахслар. Амир Темур. Асрлар силсиласи туркумида, академик Жерар Вальтер таҳрири остида, Париж, 1963) ва ниҳоят, Люсьен Керен (Амир Темур салтанати, Ньюшатель, 1978) каби француз шарқшуносларини Ибн Арабшоҳга хос ғаразгўйлик, сохталик ва бир ёқламаликда айблайти. Назаримизда, А.Кучибоев зикр этилган асарларни аслиятда ўқиш у ёқда турсин, ҳатто Л.Кереннинг ўзбек тилига ўгирилган рисоласини ҳам ўқимаган кўринади, йўқса асар номи ва унинг таржимонини тўғри кўрсатган бўларди («Буюк Темур салтанати» – таржимон Б.Эргашев эмас, «Амир Темур салтанати» – таржимон Б.Эрматов).

А.Кучибоев Ж.П.Рунинг «бу асари ўзининг тарихий ва илмий аҳамияти билан, буюк бобомиз салоҳиятига чексиз ҳурмати билан ўзбек китобхонларида чексиз қизиқиш уйғотади», деб ҳисоблайди-ю, асарнинг қандай жанрда эканлигини ҳатто тилга олмайти ҳам. Боз устига Ж.П. Рунинг «Амир Темур» номли солномасидан (иловаларсиз 322 бет) танлаб олинган айрим парчаларни «Амир Темур. Эссе» сарлавҳаси остига жамлаб, китобхонни чалғитади.

Ж.П.Ру Амир Темур номини ўзининг қатор китобларида тилга олади. «Муғул империяси тарихи», «Турклар тарихи. Тинч океандан Ўрта



Темур Бек ёхуд Буюк Амир Темур
Пьер Дюфлонинг “Буюк сулолалар ва олий зотлар
тасвирланган гравюралар” тўпламидан олинган
XVIII аср гравюраси.

Амир Темур европаликлар нигоҳида
XV – XVI асрлар



Англия (33,4 x 35,0)



Франция (26,5 x 35,0)




Германия.
Йоханн Шильтбергернинг
китобидан олинган расм.



Анна-Луи Жирод де Русси
Триозон, XIX аср.



Амир Темурнинг тилладан ясалиб, 1900 йил Париждаги Бутунжаҳон кўргазмасига қўйилган ҳайкалчаси.
Кўргазма тугагач ҳайкалча йўқолган, бироқ 1997 йилги Истамбул кўргазмасида яна пайдо бўлган. Бугунги кунда ҳайкалчанинг тақдири номаълум. Ҳайкалча ўлчами 12,0x21,0 см.



**Кристофер Марло (1564 – 1593)
ва унинг Амир Темур асари.**



Milan. Giulio Ferrario, 1816.

Бигатти Жованни Акватинта. Амир Темурнинг илк тасвирларидан (Жулио Феррарионинг *Il costume antico e moderno, o, storia... di tutti i popoli antichi e moderni* асаридан) (Осиё. Том II. Милан. 1816 йил)



Казимир Эдшмид (1890 – 1966)
ва унинг Амир Темур асари.



Ж.-П.Ру.
Амир Темур.
Париж, 1991.



Фабрис Леоми.
Амир Темур.
Париж, 1996.



Арно Блэн.
Амир Темур.
Париж, 2007.



**Осиё ва Европа давлатлари Чингизхон ва
 Амир Темур даврида.**

Кулрангда – Чингизхон босиб олган ўлкалар, сариқ рангда –
 Амир Темур забт этган худудлар, 1800 йил харитаси.



Йилдирим Боязид (Мурод I нинг ўгли ва вориси).
Миниатюра «Усмонли шаҳзодалар сиймоси» китобидан.

molinos de viento e de fue
ta de la andaluzia muchas
cercas. Et muchas muy
firmes. Et muchas ad
tas e limas. Et muchas
e otras muchas frutas
e la generacion de la ge
te desta andaluzia e desta
ysla son gregos. Et
ala fe gregos tubel
os mas e esta andaluzia
es muy grande. e guala
e mercaderias q' viene
allo e muchas ptes. Et
Gonos nabos no pue
den yr en alixadria ni
en ihytu. E en la supia
q' no baya aceto ysla
e pasen solo de la e la
tra de la turquia esta tan
guro desta ysla q' pes
e muy bre e en esta
ysla ysla e fode. Et
otras villas e castillos
ulo andaluzia e fode.

Bien es a fuer de tierra
e un dia de ago
sto los dichos sub
yazano offerato uno nabe
ya fista eula d'abe e de
e q' esta pinto un gomec
q' aya noche yacer luma
tu gual e pinto e ag
e fode como q' e fode
buo conpato este conyo
esta fode ayo es religio
ya furo la tra de la turquia
q' esta ala mano de
au e yr pto e esta e esta
otra pte. Et muchas yslas
y lhadas. Et estas e fode
lhadas e es religio ya
e noche ya e no anar
io. Et el dicho dia veynte q'
pinto. Et Gual e d'ay
go e luma e maris ayete
vuto conpato e audido
lhadando e una pte
q' no podia d'ollar vuto
de la tra e turquia.

Клавихо кундалигидан бир сахифа
(Мадриддаги миллий кутубхона).

Le Maire de Paris

Paris, le 10 septembre 1980


Chère Madame,

Je vous remercie très vivement de m'avoir adressé le livre que votre mari a consacré à Tamerlan et je puis vous dire que j'ai été également très sensible à l'aimable lettre qui accompagne cet envoi.

J'ai lu avec beaucoup d'intérêt cet ouvrage, qui fait revivre un personnage hors du commun, avec le constant souci de rechercher la vérité à travers la légende.

En vous renouvelant mes remerciements, je vous pris de croire, Chère Madame, à l'assurance de mes respectueux hommages et de mes sentiments les meilleurs.

Avec une amitié


Jacques CHIRAC

Madame Lucien KEHREN

30, rue Maria Amalia Vaz de Corvalho, 2 Dte

LISBONNE (1700)

Париж шаҳар мери Жак Ширакнинг
Керен хонимга йўллаган мактуби.

ер денгизигача икки минг йил», «Буюк Моғоллар тарихи. Бобур» китоблари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, у Соҳибқиронга «Амир Темур» номли алоҳида китоб бағишлаган. Бу китобларни тадрижий равишда таҳлил қилар эканмиз, уларда муаллифнинг Амир Темур ҳақидаги фикрларининг қарама-қаршилигини, унинг Соҳибқиронга бўлган муносабатининг ўзгариб бурганини кузатамиз.

Биз қуйида Ж.П.Рунинг Амир Темур ва темурийларга муносабати, Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятини, унинг тарихда тутган ўрнини ёритишга ёндашишда адиб услубини сақлашга ҳаракат қиламиз.

Ж.П.Ру ўзининг «Мўғул империяси тарихи»да Чингизхон ва унинг авлодлари Чигатой ва Олтин Ўрда улусларида улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширди, деб даъво қилади. Унинг фикрича: «Кўчманчиларнинг ерлари қандай бўлса шундай қолди ёки у ерларда деярли ҳеч нарса қилинмади; ўтроқ ҳалқлар яшайдиган ўлкаларда, аксинча, улкан ривожланиш рўй берди. Бугун биз бу бунёдкорлик обидаларини сезмаймиз, зеро бу ерлардан Амир Темур ўтган: бир томондан, у иншоотларни вайрон қилди, иккинчи томондан, буюк темурийлар уйғонишини бошлаб бердиким, бу унинг бошқа қилмишларини ювиб кетди».¹

Француз олими Амир Темур барпо этган салтанат ҳақида сўз юрита туриб қарама-қарши фикрларни билдиради. «Унинг Мўғул империясини қайта тиклашга урингани аниқ эмас. Бироқ у ўз ташвиқотининг натижаси бўлмиш ҳамма ишонган ғоядан фойдаланди – мақсади Осиёни қайтадан

¹ Roux Jean-Paul. Histoire de l'Empire Mongol. – Paris, Fayard, 1993. – P. 453.

бирлаштириш, яъни буюк Мўғул империясини қайтадан тиклаш эди».¹

Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги муносабатлар, Соҳибқироннинг Тўхтамишга берган зарбалари ва унинг яна қайта-қайта бош кўтариб чиқишига тўхталиб, Ж.П.Ру шундай ёзади: «Доимо зафар қучиш, бироқ ишни охиригача етказмаслик Амир Темурга одат бўлиб қолган эди».²

Ж.П.Ру ўзининг «Турклар тарихи. Тинч океандан Ўрта ер денгизигача икки минг йил» китобида ҳам Амир Темурнинг мақсади ҳақидаги юқоридаги китобида билдирган фикрини қайтаради: «Мақсади Чингизхон империясини тиклаш эканлигини билдириб, у фақат «амир» деган унвон билан яшади. Ўз ўрнига қўйилган кўғирчоқ хон номидан иш кўрди, фармонлар имзолади.»³

Француз муаррихи Амир Темурнинг Сурияга қилган юриши, Дамашқнинг забт этилиши ҳақида ижобий фикрлар билдиради. Унинг ёзишича, Соҳибқирон султон Фаражга мактуб йўллаб, ундан ўзи тарафига ўтиши ва вассалликни тан олишини сўрайди. Бироқ рад жавобини олгач, Дамашқ томон юриб, шаҳарни қамал қилади. Шу пайтда Амир Темур машҳур олим Ибн Халдунни қабул қилади, у билан узоқ суҳбат куради. Соҳибқирон араб олимини ўз билимлари ва донолиги билан лол этади. Ж.П.Рунинг ёзишича, агар шаҳар қирқ уч кун қаршилик кўрсатмаганида бу учрашув дамашқликларни ҳалокатдан қутқарган бўларди. Бироқ бунинг акси бўлди. Шу ерда Ж.П.Ру ғарблик айрим муар-

¹ Roux Jean-Paul. Tamerlan. – Paris : Fayard, 1991. – P.515.

² Roux Jean-Paul. Histoire de l'Empire Mongol. – Paris: Fayard, 1993. – P.502.

³ Roux Jean-Paul. Histoire des Turcs. Deux mille ans du Pacifique à la Méditerranée. – Paris: Fayard, 1984. – P.209.

рихлардан фарқли ўлароқ, Дамашқдаги машхур омайидлар жомъе масжидига кетган ўт тасодифий бўлганлигини тан олади: «Шубҳасиз тасодифий бир ёнғин Исломинг ёнғ кўҳна масжидларидан бири – омайидлар жомъе масжидини қисман вайрон қилди. Қандай кўрилик!»¹

Тарихда Амир Темур Европа ҳалоскори сифатида танилгани барчага аён. Аксарият асарларда у Яратганнинг марҳамати ила тенгсиз музаффарлик кучган адолатли, ҳалоскор ҳукмдор ва моҳир саркарда сифатида таърифланади, эътироф этилади. Бироқ Ж.П.Ру беписандлик билан шундай ёзади: «Тақводорларнинг тили билан айтганда, Европани худо асради; муаррихлар шеваси билан айтганда, туркларнинг ёвуз даҳоси Боязид Йилдирим билан Амир Темур бир даврда яшашини лозим топди. Муҳорабага ҳар иккисининг ғурурияти сабаб бўлди: биринчиси, ўзининг енгилмаслигига ишонса, иккинчиси, қисқа муддат ичида бир миллион квадрат километрдан зиёд кучли салтанат бунёд этган эди.»²

Муаллиф Амир Темур бу тўқнашувга кучли психологик тайёргарлик кўрганини, Боязид эса ғанимни менсимагани ва ўз кучига ортиқча ишонганини таъкидлайди: «Бу унинг ақли пастлигидан дарак беради».³ Анқара жанги 1402 йил 28 июлда бўлиб ўтганлигини тасдиқловчи аксарият муаррихлардан, жумладан, ғарблик машхур муаррихлардан фарқли ўлароқ, Ж.П.Ру бу жанг 1402 йил 20 июлда бўлиб ўтди, деб ҳисоблайди, ҳар икки томондан муҳорабада қатнашганларнинг сонини анча камайтиради: «Улар Ансир – Анқара яқинида

¹ Ўша жойда, Р. 238.

² Roux Jean-Paul. Histoire des Turcs. Deux mille ans du Pacifique à la Méditerranée. – Paris: Fayard, 1984. – Р. 244.

³ Ўша жойда.

1402 йил 20 июлда тўқнашдилар. Муҳорабада бир миллион одам тўқнашди, деб гапиришади. Аслида унинг тўртдан бири ҳам бўлган эмас, бироқ улар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган лашкарлар эди.»¹

Ж.П.Руниинг фикрича, жанг ажойиб томоша бўлди: «Қандай гўзал намоиш! Қандай гўзал байрам! Шундай экан, ким урушни ёқтирмайди? Эр киши уруш учун яратилган-да дегинг келади.»²

Француз муаррихи Амир Темурнинг Анқара муҳорабасидан сўнг усмонли турклар хазинасидан Самарқандга олиб кетган бойликлари икки юз туяга юк бўлди, деб ҳисоблайди.³

Ж.П.Ру Амир Темурнинг дини, эътиқодини шубҳа остига қўяди. Унинг фикрича, бир одам бир пайтнинг ўзида икки эътиқодга эга бўлиши мумкин эмиш: «У «Ёсоқ»ни йўқ қилиб, ўрнига шариат қоидаларини ўрната олмади... У бутун умри давомида чексиз эътиқодида шаманизм ва исломни қориштириб яшади. Фақат диний таълимотдан беҳабар кишигина инсон бир пайтнинг ўзида икки эътиқодга эга бўлишини билмайди.»⁴ Шу билан бирга, кейинги жумлада у Соҳибқирон ҳақиқий мусулмон эканлигини тан олади: «Амир Темур чин мусулмон сингари калима келтириб оламдан ўтди.» (231)

Ж.П.Руниинг Амир Темурга нисбатан ёвуз муносабати қуйидаги фикрларида ўз аксини топади. У Соҳибқироннинг кучли иродаси ҳақида гапирар экан, унинг мажруҳлигига урғу беради, жароҳатла-

¹ Ўша жойда, Р.244-245.

² Ўша жойда, Р.245.

³ Roux Jean-Paul. Histoire des Grands Moghols. Babour. – Paris: Fayard, 1986. – Р.34.

⁴ Roux Jean-Paul. Histoire des Turcs. Deux mille ans du Pacifique à la Méditerranée. – Paris: Fayard, 1984. – Р.229. (келтирадиган мисоллар шу нашрдан олинади – Б.Э.).

рининг жангларида орттирилганлигини эслатмайди ҳам: «Шу оқсоқ, шу бир қўли ишга ярамас киши, шу мажруҳ фақат янашга бўлган иродаси туфайлигина узоқ умр кўрди.» (230)

Ж.П.Ру Амир Темур ҳаёти ва фаолиятидан фақат ёмонлик ахтаради. Унинг қуйидаги жумлалари фикримизга далил бўла олади: «Темур шафқатсизлиги ва вайрон қилиш қудратини намоён этиб, ортидан харобалар қолдириб, ўттиз йилдан ошиқ муддат мобайнида Евросиё кенгликларини айлаиб юрди. Очиғини айтайлик: тенгсиз хислатлари, табиатининг мураккаблиги ва даҳосига қарамай, у қахрамондан кўра қонхўрга яқинроқ эди.» (230).

Ж.П.Ру «Амир Темур» солномасининг «Кириш» қисмида Ғарбий Европа мамлакатлари адибларининг Соҳибқирон шахсига муносабати ҳақида шундай дейди:

«Бу инсонга қанча мадҳиялар битилган бўлса, шунча тухматлар ҳам қилинган. Унга мадҳиялар битганлар билан ёлланган муаррихлар ёки оддийгина қизиқувчиларнинг аҳволини тушуниш керак. Ундан нафратланишган ва уни севишган, ақл бовар қилмас даражада мақташган ва қарғашган. Кўпчиликнинг хотирасида у ҳақида салбий фикр туғилган. Бироқ у доимо салбий бўлмаган. Тарозининг бир ҳаракати билан уни бутунлай оппоқ қилиб кўрсатиш ҳам нотўғри. Замонавий барча тадқиқотларда уни оқлаб кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Бундан ажабланиш керак эмас. Зеро, асрлар давомида муаррихлар ўз замоналари, ўзлари яшаган давр мафкураси таъсирида бўлганлар.

У ҳақидаги манбалар ҳам кам ўрганилган, мен бу борада ҳаммадан устун бўлишга даъво қила олмайман: бунга менинг вақтим ҳам, имкониятим

ҳам етмайди; кўплаб нашр қилинган ёхуд нашр қилинган бўлса ҳам таржима қилинмаган манбалар асосан форс тилида битилган – уларга менинг тишим ўтмайди. Уларни ўрганаётганларнинг олдидан кўп қийинчиликлар турибдики, бу манбаларга бугунлай ёруғлик киритиш учун ҳали бир неча ўн йилликлар керак бўлади. Бироқ бу манбалар Амир Темур ҳаётининг мураккаб томонларини аниқ ёритиб беришга имкон беради.» (15).

Ж.П.Ру ўз фикрини давом эттириб, қўшимча қилади: «Амир Темур туфайли Мовароуннаҳр ва Эронда бир неча ўн йилликлар давомида тинчлик ўрнатилди, тинчлик билан фаровонлик келди, савдосотиқ гуллаб-яшнади, жойларда кучли ва лаёқатли маъмурият ўрнатилди.» (18).

«Ҳар қандай тадбирнинг чегараси бўлади. Амир Темур фаолиятининг чегараси йўққа ўхшайди. У ўз имкониятларидан ҳам ўтиб кетади. У меъёр нималигини билмаган. Уни ҳеч нарса, на қийинчиликлар, на кексалиги, на хасталиги тўхтата олган. Фақатгина ўлим ундан устун келган.» (19).

«Амир Темур кеча ва эртанги кун ўртасида муаллақ турган. У қабилачилик анъаналари билан алоқани узган қабила фарзанди, шаҳарда ўрнашиб қолган дайди, дунёдаги энг катта динни қабул қилган динсиз кимса. Унинг Марказий Осиё ва рус ўрмонларини ларзага келтирган юришлари тарихдаги энг сўнгги йирик тантанавор ҳодисалардир. Ғаними – Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг мағлубияти нафақат славянлар ва турклар учун, балки бутун Евроосиё учун оламшумул воқеа ҳисобланади.» (20).

Ниҳоят Ж.П.Ру тўғри фикр ҳам билдиради: «Амир Темурга нисбатан муносабатимиз қандай бўлиши ва кўнглимизда унга нисбатан қандай

туйғулар туйишимиздан қатъи назар, у ғайриоддий ва ақлни лол қиладиган шахс, буюк давлат арбоби ва моҳир саркарда бўлиб қолаверади. Унга тенг келадиганлар кам, ундан ўтадиганлар эса йўқ ҳисоб. У Александр (Македонский), Дариус, Юлий Цезарь, Чингизхон ва Бонапарт оиласидан. У мозийнинг энг буюк шахсларидан.» (24).

Китобнинг Тўхтамиш билан бўлган тўқнашувлар, Ироққа биринчи юриш, Дехлига хужум қилинган кейинги бобларида ҳам француз муаррихи Ибн Арабшоҳ ва Ҳофизи Аbru маълумотларига таянади. Уларнинг фикрларини қўштирноқ ичида келтирадию, манбаларини кўрсатмайди. Ж.П.Ру кўп жойларда ўзининг фикрига ўзи қарши чиқади. Жумладан, юқорида келтирганимиздек, у ўзининг турклар ва мўғуллар тарихига бағишланган олдинги китобларида Амир Темур ва Йилдирим Боязид қўшинлари ўртасидаги Анқара жанги 1402 йил 20 июлда бўлиб ўтган, деб таъкидлаган эди. «Амир Темур» китобида эса бу муҳораба 1402 йил 28 июлда бўлган, деган фикрни билдиради:

«Le combat commença à 9 heures du matin, sans doute le 28 juillet 1402, au nord-est de la ville, dans la plaine de Tchubukabad.»

- «Жанг, шубҳасиз, 1402 йил 28 июль эрталаб соат 9 да, шаҳарнинг шимоли-шарқида, Чубукобод воҳасида бошланди.»

Саҳифа тагида бу жумлага қуйидагича изоҳ беради:

«Бу ғалати туюлиши мумкин, турли манбалар Анқара жангининг санаси ҳақида турли фикрдалар, бирок 28 июл санаси ҳақиқатга якин кўринади.» (142, таъкидлар бизники – Б.Э.).

Амир Темурнинг Чин сари юриши ҳақида сўз юритар экан, Ж.П.Ру унинг қудратини тан олади:

«У (Амир Темур) ҳеч қачон бундай пухта тайёргарлик кўрмаган эди, шубҳасиз ҳеч қачон, янги замонларгача ҳеч ким жангга бундай тайёргарлик кўрмаган эди. У ғалаба қозониши керак эди. У ғалаба қозонарди ҳам.» (155).

Агар таржимон таъкидлаганидек, рисола чиндан ҳам тарихий, ҳам илмий аҳамиятга эга бўлса, нега унда у тўлалигича таржима қилинмади? Бунга нима халал беради? Биз мазкур фаслни ёзишда, афсуски, А.Кўчибоев таржимасига суяна олмадик, зеро таржиманинг аслиятга мослиги бизда шубҳа уйғотди. Таржимани баҳолаш эса тадқиқотимиз доирасига кирмайди. Бироқ қандай бўлишидан қатъи назар, буюк аждодимиз шаъни биз учун миллат шарафи билан баробар эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ғарбда Амир Темур ҳақида турли жанрдаги қатор асарлар битилганига қарамай, XX – XXI асрларда ҳам у кишининг шахсига, ҳаёти ва саркардалик фаолиятига бағишланган ўнлаб китоблар пайдо бўлмоқда. Шундай китоблардан бири инглиз адиби Жастин Мароццининг «Амир Темур олам музаффар» (Justin Marozzi. Tamerlane. Conqueror of the World.) асаридир.¹

Жастин Мароццининг «Амир Темур олам музаффар» китоби ўн икки боб, Миннатдорлик, икки илова, иллюстрациялар ва изоҳлар, жами 323 саҳифадан иборат. Китоб муаллифнинг Соҳибқирон ҳақидаги китоблардан олган билимлари ҳамда Ўзбекистон ва Афғонистонга қилган сафарлари таассуротларига асосланган. Унда Марказий Осиёнинг Амир Темур давридаги давлатлар тузилиши, Соҳибқироннинг юришлари ва қучган зафарлари-

¹ Marozzi Justin. Tamerlane. Conqueror of the World. – Sankt-Petersburg: КАРО, 2007.

га бағишланган хариталар ҳамда иллюстрацияларда Амир Темур ва унинг даври билан боғлиқ миниатюралар, XX асрда собиқ шўролар иттифоқи даврида унга бўлган муносабат ва мустақил Ўзбекистон Республикасида Соҳибқироннинг юртга янгидан қайтарилиши ҳақидаги давлатимизда олиб борилаётган тадбирлардан олинган фотосуратлар билан тўлдирилган. Асарнинг русча таржимаси Москванинг «Полиграфиздат»ида нашр этилди.¹ Биз шу нашрдан фойдаландик.

Жастин Мароцци ўз асарида Соҳибқиронга ва умуман юртимизга самимий ва холисаниллоҳ муносабатда бўлади. Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрнига юксак баҳо беради. Бироқ шу билан бирга асарда айрим фикр ва таҳлиллар борки, уларда келтирилган муаллифнинг ва у суянган бошқа олимларнинг бадий тўқималари тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Биз қуйида шуларга тўхталамиз.

Жастин Мароцци ўз китобининг «Талаффуз ва терминлар бўйича изоҳлар» номли кириш қисмида қуйидагиларни ёзади:

«Бундан икки йил муқаддам Фрэнсис Вуд ўзининг «Ипак йўли» (The Silk Road) асарида шундай ёзган эди: «Мен ушбу китобимни ўзим ёзган китоблар орасида энг қийини деб ҳисоблайман, айниқса шаҳарлар номини талаффуз қилиш ва келтириш борасида». Мен унинг қийинчиликларини тушунаман. Бу қийинчиликлар фақатгина шаҳарлар номи билан боғлиқ эмас». (Бу ерда ва бундан кейин таржима бизники).

Аммо китобнинг «Даштдан бошланган йўл (1336

¹ Мароцци Джастин. Тамерлан. Завоеватель мира. Полководец у ног которого лежал весь мир... – М.: Астраль, 2005. (бундан кейинги мисоллар шу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида келтирилади. – Б.Э.).

– 1370)» номли биринчи бобида муаллиф инглиз армиясининг подполковниги П.М.Сайкснинг «Форсийлар тарихи» номли китобидан олинган куйидаги ўринли фикрини ҳам келтиради:

«Соҳибқирон Амир Темур тарихда Осиёдан чиққан энг буюк фотиҳ эди. Кичик бир амалдорнинг ўгли нафақат барча жасурларнинг жасури, балки ўта таъсирчан, олижаноб, тажрибали ва эҳтиёткор шахс эди. Бу хислатларнинг уйғунлиги уни ўз аскарларининг қудратли саркардасига айлантирди, уруш худоларининг ўзлари ҳам унга мадад бериб турди.» (5).

Ушбу боб Мовароуннаҳр лашкарларининг 1402 йил 28 июлдаги Анқара жанги билан бошланади:

«1402 йил 28 июль тахминан эрталаб соат 10 да водийни ўраб турган тепаликларнинг биридан кекса ҳукмдор ўз кўшинини кузатиб турарди. Лашкарлардан кўпчилиги Анқаранинг шимоли-шарқидаги Чебукобод водийсида жамланган эди. Ҳар бир жангчи «Олға!» деган фармонни бетоқат кутар эди. Булар унинг бутун салтанатининг барча бурчакларидан – Арманистондан Афғонистонгача, Самарқанддан Сибиргача йиғилган икки юз минг сафланган аскарлар эди. Бу ўзларига ишонган, тартибли жангчилар қатор жанглarda тобланган эдилар. Улар мағлубият нималигини билишмасди... Уларнинг нигоҳи само остида кўринган олисдаги суворийга қаратилган эди. Чиндан ҳам уларнинг ҳукмдори ўз унвонларига мос эди. Соҳибқирон (туғилган пайтида сайёраларнинг ўзига саҳийлигига ишора қилувчи унвон), Олам Музаффари, Аср Императори, Етти Иқлим Султони. Аммо фақат бир исм – Темур унга ҳаммасидан тўғри келарди.» (5-6) (таъкид бизники – Б.Э.).

Соҳибқироннинг ватани Кеш ва Шаҳрисабз ҳақида сўз юрита туриб, Жастин Мароцци, жумладан, ўз асарининг 26-бетида шундай ёзади:

«Шаҳрисабз, Яшил шаҳар, ўзининг олтин асрига қадам қўймоқда эди. 1379 йил Шарафиддин Али Яздий хабар қилади: «...бу шаҳарнинг гўзаллигига, воҳаларнинг тоза хавосига, боғларининг бойлиги ва меваларининг ширинлигига мафтун бўлган ҳукмдор у ерда ўз ёзги қароргоҳини барпо этди ва шаҳарни салтанатининг иккинчи пойтахти деб эълон қилди».

Шундан кейин асарда ўқиймиз:

«Амир Темур қурдирган бошқа бинолардан фарқли ўлароқ, Оқ Саройнинг шарқий биносида битилган куфий битикка биноан «Султон Аллоҳнинг ердаги сояси» деган фикрни ўзида намоён этиши лозим эди. Афсонада айтилишича, ғарбий минорада битилган «Султон соядир» деган яширин ёзувдан ғазабланган Амир Темур устани сарой минорасидан ерга отиб юборишни амр қилган». (таъкид бизники).

Бундан ташқари, асарда Оқ Сарой ҳақида қуйидагича ижобий фикрлар ҳам бор:

«1404 йил қудрати ва нафосатидан Клавихо завқланган Оқсарой Шаҳрисабз жавоҳирига айланган. Шарафиддин Али Яздий ёзганидек, «у шундай гўзаллик ва нафосат ила бунёд этилганки, ҳеч бир бино у билан тенглаша олмайди». Амир Темурнинг ўзи ҳам тахминан шундай деган:

«Бизнинг қудратимизга шубҳа қилганлар биз бунёд қилган биноларига боқсинлар». Бу чиндан ҳам тўғри сўзлар эди.» (таъкид бизники – Б.Э.).

Биз Жастин Мароццининг буюк аждодимиз Амир Темур ҳақида билдирган фикрларидан хурсандимиз. Аммо, хулоса шуки, тарихий шахслар, алломалар, саркардалар ва буюк давлат арбоблари ҳақида асар битган ҳар қандай адиб тарихий ҳақиқат ва унга бўлган замонавий талаблардан келиб чиқиб, хулосалар чиқариши лозим бўлади.

XX АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА БАДИИЙ НАСРИДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ: ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЙ ТҶҚИМА

XX аср бошида немис файласуфи Шпенглер Европада маданият-маърифат масалалари ортда қолаётганига эътибор қаратди, «маданият ўлди» дея жар солди. Унинг фикрича, «ўлиб бораётган маданият тамаддунга айланади». Маданият қуриб қолган ўрмон каби юз йиллаб шу аҳволда туриши мумкин. Бу ўрмонда яшовчилар асрлар давомида ҳали ҳам маданият мавжуд деб ўйлашади. Дарахтлар фақат қаққайиб турса ҳам, биз улар ҳамон тирик деб ўйлаймиз.

Шпенглерга ўхшаш каттаю кичик қатор шпенглерлар пайдо бўлди. Экспрессионизм даҳларидан бири бўлмиш Казимир Эдшмид ўша пайтда ёзган эди: «Бизда гоё мантикий равишда униб чиқадиган анъана, унга ҳаёт бахш этадиган доя замин йўқ. Францияда ҳар бир революционер ўзидан олдин ўтган маслақдошига суянади. Германияда ўн саккиз ёшга тўлган ҳар бир ўспирин йигирма ёшлини телба ҳисоблайди. Францияда ўсмир ўзидан каттани устоз деб билади, бизда эса катта ёшдагиларга эътибор ҳам беришмайди. Француз адиби халқ қалбини, халқ дардини тасвирлайди. Ҳар бир немис ёзувчиси эса ўз ижодини узоқ чекка қишлоқдан бошлайди. Бизда кўп нарса ҳамон халқ онгининг тилпирашини эслатади. Шу сабабли бизнинг санъат асарларимиз – ёввойи, узук-юлуқ, шакланмаган асарлар. Бошқа халқлар санъати асарлари муқим шаклларга эга.»¹

¹ Edschmid Kasimir. Ueber den Expressionismus in der Literatur und die neue Dichtung. – Berlin, 1919.

Экспрессионизм урушдан олдин Германияда дунёга келди. «Бироқ унинг ота-онаси, боболари ва момолари масаласи аниқ эмас эди: қариндошлари жуда кўп бўлиб чиқди. Қариндошлар обрўли, салмоқли, исмлар юки босади, энг «узоқ илдизлар» эса ўта оғир. Бундан ажабланиш керак эмас, зеро янги оқимнинг асосий мақсади «шунчаки изланиш» эмас, балки «ҳаётни янгича ҳис қилиш» эди. Ҳаётни янгича ҳис қилиш бироз мужмалликни тақозо этади, шу сабабли у бир пайтнинг ўзида ҳам назмда, ҳам тасвирий санъатда, ҳам архитектурада ва театрда сезилди – шу сабабли ҳам Фриц фон Унру ва Рене Шикеле, ҳам Кандинский, ҳатто, Карл Гауптман экспрессионистларга айланиб қолишди. Хуллас, романтизмда қандай бўлган бўлса, бунда ҳам шундай бўлди.»¹

Герберт Кюн 1919 йил «Нойе шаубюне» номли журналда эълон қилган театр ҳақидаги мақоласида шаклидан қатъи назар, ҳар қандай ижодий фаолият асосида турадиган нарсаларга эътибор қаратади:

«Импрессионизмнинг объекти тасвирланаётган нарса бўлган; расм тасвирланаётган нарсага берилаётган мазмунни ҳам ифодалаган. Бор гап шу. Биз ташқи ҳодисаларга тақлид қилганмиз. Дунё аниқ ҳодисаларгагина бориб тақалган. Экспрессионизмда тасвирланаётган нарса ва тасвир бир-биридан жиддий фарқ қилади. Тасвир тасвирланаётган объектнинг айнан ўзи эмас. Тасвир, аниқ қилиб айтганда, тасвирланган нарсани тушунишга даъват, холос. Қайсидир маънода тасвирланаётган нарса картина, драма, шеърдан ташқарида қолади.»²

Немис адаби Казимир Эдшмид (ҳақиқий исми-шарифи – Эдуард Шмид, 1890 – 1966) экс-

¹ Тынянов Ю.Н. Поэтика. История литературы. Кино. – М.: Наука, 1977. – С.128.

² Кюн Герберт. О театре.// Нойе шаубюне. – Берлин, 1919. – S.73.

прессионист сифатида оламга танилган. У новеллалар, прозаик балладалар ва йўл кўрсаткичларининг муаллифи ҳисобланади. К.Эдшмидни фактлар эмас, улар ортида яширинган картина, фактлардан яраладиган олам тасвири – нореаль воқелик қизиқтиради. Унинг фикрича, экспрессионист адибнинг фаолияти янги воқелик ва оламнинг янги тасвирини яратишга қаратилган бўлиши лозим.

К.Эдшмиднинг фикрича, ҳақиқий воқелик экспрессионистнинг ўзида намоён бўлади: «Қаршимиздаги воқелик ҳаққоний эмаслигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Воқеликни биз яратишимиз лозим. Буюмнинг моҳиятини ундан ташқарида қидирмоқ керак. Бизнинг фактларга ишонишимиз, уларни тасаввур қилишимиз, қайд қилишимиз билан чегараланиб қолишга ҳаққимиз йўқ, дунёнинг соф, бузилмаган тасвирини бериш керак. Бу тасвир эса фақат бизнинг ўзимизда мавжуд».

К.Эдшмид ўзининг экспрессионизм ҳақидаги назарий қарашларини «Ueber den Expressionismus in der Literatur und die neue Dichtung» («Адабиётда экспрессионизм ҳақида», Берлин, 1919) номли китобида эълон қилган. Казимир Эдшмид тўрт новеллалар тўпламининг муаллифи. Унинг новеллаларида қаҳрамонларнинг ижтимоий ўзгаришларга муносабати, ҳиссиётлари ниҳоятда ўткир, бу ҳиссиётлар уларни ақлдан оздиришгача олиб боради. Казимир Эдшмид каби экспрессионистлар қаҳрамоннинг барча ҳис-туйғулари ва бутун иродасини бир фокусга жамлайди ва инсон руҳиятининг қолган барча «макон»ларини онгли равишда улоқтириб ташлаб, шу топилган нуқтада чуқур психологик таҳлил юриғади. Бу сифат ёндашувда уларнинг ўзлари

кашф этган ижтимоий ўзгаришлар суръати ва инсоннинг фаоллиги ҳақидаги шиор ўзига хос шаклда амалга оширилади. Уларнинг муштараклигида экспрессионизмнинг яна бир асосий – ҳаётнинг нотекис, шиддатли кечиши ва инсон руҳиятининг турфа ихтилофлардан иборат, мувозанатини йўқотган оқимининг маълум мослигини тан олишдек нуқтаси намоён бўлади.

Экспрессионист адаблар ижодида руҳий кечинмалар чуқурлашиб, баъзан ҳатто мистик табиат кашф этади. Матнларнинг бири-биридан узоқ ва мантиқсиз парчалардан ташкил топиши, сюжетнинг йўқлиги асосий жанрлар шакллари ва приоритетларнинг ўзгаришини белгилаб берди. Анъанавий роман ва қиссалар қаторида китобхонга мавҳум кундаликлар, мактублар ва чизгилар эълон қилина бошланди. Анъанавий бадиий категориялар ҳам ўзгарди. Сюжет парчаланиб кетди, унинг тугун ва ечим каби унсурлари йўқолди. Замон ва маконни идрок этиш ҳам ўзгарди, образлар тизими янги тамойиллар асосига қурила бошланди.

Энг аввало, экспрессионизм атамасига эътибор бермоқ лозим. Мазкур атама французча «expression» – билдириш, билдирмоқ («impression» – «таассурот» сўзидан келиб чиққан импрессионизмга муқоюса) маъносини англатади. Экспрессионизмнинг қаҳрамонлар ҳиссиётларининг уларни ақдан оздиришгача олиб борувчи асосий хусусияти узоқ қадимий замонларга бориб тақалади (Софокл, «Шоҳ Эдип»). Бунга Казимир Эдшмиднинг «Олти жилға» ва «Темур» номли тўпламларига киритилган асарларни мисол қилиб келтириш мумкин.

«Темур» номли тўпламдан уч новелла ўрин олган: «Худо», «Герцогиня» ва «Музаффар». Тўпламда-

ги биринчи ва иккинчи новелланинг учинчисига алоқаси йўқ. «Музаффар» номли учинчи новелла соҳибқирон Амир Темурга бағишланган. Мазкур асарни, назаримизда, новелла деб аташ гўё камтарликка ўхшайди, зеро унинг ҳажми 84x108 $\frac{1}{32}$ форматада 55 саҳифани ташкил этади (тўпламнинг 317 – 371 бетлари).¹

«Музаффар» новелласи динамизмга бой, воқеалар ривожини жуда жадал кечади. Бу асарнинг илк хатбошисидаёқ намоён бўлади:

«Im Jahre des Tigers geschah Timurs Geburt, im Monat Schual, geronnenes Blut fest in der Faust. Vierzehnjahrig ließen sie ihn aus der Jurte auf seine erste Jagd. Er tötete dreißig Hirsche in hüfthohem Schnee. Sein Oheim Hadschi berlas salbte ihm den Daumen und schenkte ihm ein Weib. Im Garten am Fluß spielte er mit ihm den Abend. In der Nacht tötete er sie und fraß sie an, schwamm durch den Fluß, machte einen Stamm Pferde los und ritt einen Wirbel durch die Landschaft Kesch.»²⁵ (Темур Йўлбарс йилининг хут ойида муштлари қонга беланган ҳолда дунёга келди. Унга ўн тўрт ёшга тўлганида ов қилишга руҳсат берилди. У белгача келадиган қорда ўн уч кийикни ўлдирди. Амакиси Хожи Барлос унга тасанно айтиб, чиройли бир кийик совға қилди. Темур дарё бўйидаги боғда жонивор билан кечгача ўйнади. Кечаси уни сўйиб, гўштини пишириб еди. Дарёда чўмилди ва отини эгарлаб, Кеш адрлари бўйлаб чоптириб кетди.)

Асар ибтидосининг ўзидаёқ экспрессионизм

¹ Edschmid, Kasimir. Die frühen Erzählungen. – Neuwied und Berlin, Hermann Luchterhand Verlag GmbH, 1965.

² Edschmid, Kasimir. Die frühen Erzählungen. – Neuwied und Berlin, Hermann Luchterhand Verlag GmbH, 1965.– S. 318. Бундан кейин келтирилган мисоллар шу наҳрдан олинган бўлиб, саҳифалар қавс ичида берилган.

ақидалари яққол кўзга ташланади. Экспрессионистларнинг услуби ҳам ўзига хос. Бу ўзига хослик ҳам мавзу танлашда, ҳам тил синтаксисида ўз аксини топган динамизмдан иборат. Асарда сюжет шу қадар тез ривожланадики, китобхон асарнинг уч-тўрт сатрини ҳам ташлаб кета олмайди, зеро ҳар бир сатр ҳаракатга тўла ва қаҳрамонни тез-тез янги ҳолатларга солиб кўяди. Эътибор беринг: биринчи жумлада Монат Шуалда (?) дунёга келган Темурбек, иккинчи жумладаёқ ўн тўрт ёшга тўлади ва ов қилишга рухсат олади. Илк бор овга чиққан ўспирин биринчи куниёқ белигача келган қорда (Кешда, 1350 йил 10 – 15 ноябрда!) ўн учта кийикни ўлдиради! Шу куни у амакиси Хожи Барлос (!) ўзига совға қилган кийик билан кечгача ўйнайди ва кечаси уни сўйиб, пишириб ейди (!).

Асарда мантиқнинг йўқлигини бир қарашда илғаб олиш қийин эмас. Балки Кешда бир метрли қор ёққандир, лекин Темурбекни ўзи меҳр қўйган, сўйиб ўйнаган жониворини сўйиб ейиши, жаҳонгирни болаликдан шафқатсиз ва тошбағр эди, дея кўрсатишга уринишдан бошқа нарса эмасдир.

Асардаги илк сатрларданоқ Темурбек ҳиссиз, тошбағир бир ўспирин сифатида тасвирланади. Асардаги воқеалар, Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари хронологияси ҳам бузиб кўрсатилган. Жумладан, унда Кешда турган Темурбек тўсатдан Шероз остонасида пайдо бўлади, сўнг ўзи Самарқандга қайтиб сарқардаси Аксалла бошчилигидаги қўшинни Гуржистонга йўллайди. Орадан ўн йил ўтиб, у Москвага қўшин тортади, сўнг Хитойга юриш қилади ва яна Самарқандга қайтади. Ундан кейин турк султони Боязидга қарши муҳорабага киради, Фаластин, Қуддус, Дамашқ ва Қоҳирага ҳужум уюштиради.

Шундан сўнг Самарқандга қайтган Амир Темурнинг юришлари Деҳлида тугайди.

Бу воқеалар ўртасида ҳам мантиқ йўқ. А. ва Ю.Римский-Корсаковлар К.Эдшмиднинг рус тилида нашр этилган «Олти жилға» («Шесть притоков») номли тўпламига ёзган сўзбошисида «экспрессионизмнинг асосий унсури ҳаракат», – оддийликка ингилиш – мантиқсизлик, руҳиятга қарши бориш, ҳар қандай қонунни инкор этишдир. – дейилади. Бу ҳолатларнинг барчаси «эмоционализм декларацияси»да айнан келтирилган бўлиб, унинг учинчи банди «ҳаракат»га мадҳия ўқийди, олтинчи банди «қонунларни рад этса», ўнинчи банди «оддийлик»-ни олқишлайди ва н.х.к.»¹

Воқеалар баёни ҳақиқатдан йироқ. Бу экспрессионизмнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Зеро, экспрессионист адибларни воқеа-ҳодисаларнинг мантиқи эмас, қаҳрамонлар, персонажларнинг ҳиссиётлари қизиқтиради. Асар ташқи воқеликка йўналтирилган эмас, у ўзга бир воқелик – ижодкор оламини таклиф этади. «Бебукин» романининг муаллифи Карл Эйнштейн 1912 йил «Аукцион» журналида эълон қилинган мақоласида экспрессионизмдаги шу ҳолатга эътиборни қаратган эди. Унинг таъкидлашича, санъатнинг вазифаси унга воқелик юклаётган барча нарса (юмор, руҳият, мантиқ)дан озод бўлиш ва шу воқеликни ижодий ёндашув ҳамда шахсий фантазия асосида реконструкция қилишдан иборат.

К.Эдшмид ҳам Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатни ўз шахсий фантазияси асосида реконструкция қилган. Асарнинг бош қаҳрамони Амир

¹ Эдшмид К. Шесть притоков. Пер. и предисловие А. и Ю.Римских-Корсаковых. Серия: Всемирная литература. – Петербург – Москва: Государственное издательство, 1922. – С.5.

Темур, асосий персонажлар – унинг бош саркардаси Аксалла, ноёни Яко (Ёқуб), Яконинг ўғли Зайнобиддин, Хитой хоқони, Амир Темурнинг ўғли Кезер, унинг хитойлик хотинлари, мунажжим.

Амир Темур Шероз шаҳри ёнида жароҳатланди: «Er hinkte und bewegte die linke Hand nicht. Er ließ mit siebzig auf gestellten Blasebälgen den Felsen wochenlang erhitzen. Dann warf er einen abgeleiteten Fluß dagegen, daß der Basalt zerknallte.» – У оқсар ва бир қўли ишламас эди. У етмиш жойидан шикастланиб, бир ҳафта тўшақда ётди. Сўнг яраларини тўкиш учун оқар дарёда чўмилди. (S.322).

Таъкидлаганимиздек, экспрессионистларнинг асарларида воқеалар ривожига жуда жадал. К.Эдшмиднинг «Музаффар»ида ҳам бир жангнинг эртаси тонг саҳарида Яконинг ўғли Зайнобиддин икки юзта суворий билан Хитой императори хузурига йўл олади. Яко Хитой хоқонига Амир Темурнинг талабини етказди: агар хон тинчликни истаса Пацанф ва Пакинфу вилоятларини Темурбекка бериши лозим. Хитой хоқони рад жавобини беради.

Орадан бир йилу уч ой ўтиб Амир Темур қўшинлари йўлга чиқади ва афсонавий Хитой деворларини ишғол қилади: хоқон банди этилади.

Хоқоннинг суюкли рафиқасини ҳам келтирадилар. Амир Темур унинг чодирига киради, у билан танишади. Аёлнинг исми Мисер Улек экан. Темурбек ундан нима учун хоқонни ўзига қарши боришдан қайтармаганлигини сўрайди. Мисер Улек тишларини ғижирлатади. Шунда Амир Темур унинг юзига шапати тортади.

К.Эдшмид биз шу пайтгача дуч келмаган, Амир Темур ҳақидаги бошқа на бирор тарихий, на бирор бадий асарда учратмаган саҳнани чизади: жаҳонгир

Темурнинг шапатисига Хитой хоқонининг хотини ҳам шапати билан жавоб беради:

«Laut stieß ihr Timur ins Gesicht «warum...», aber, nicht zitternd vor dem Rollen, gab sie zurück: «Aus demselben Grunde, aus dem du gegen ihn zogst!» – «Сен ўзинг унга қарши бош кўтарганинг учун!» (S.333).

Воқеаларнинг бундан кейинги ривожда ҳам мантиқ йўқ. Амир Темур аёлга разм солади: унинг кўзлари нафратга тўла эди. Темурбек кўзларини ундан олиб қочади ва ҳозиргина ўзига шапати туширган Мисер Улекни ўзининг бешинчи хотини қилиб олажагини билдиради:

«Er sah auf sie. Ihre Augen stachen hell vor Naß. Er hielt ihren Blick aus. Eine Weile wartete er. Dann sagte er: «Dein Lager kann in mein Frauenhaus geführt werden. Ich nehme dich als fünfte Frau.» (S.333).

Эртасига Амир Темурнинг чодирига Хитой хоқонини олиб кирадилар. Уларнинг ўртасида дастлаб музаффар билан мағлуб каби эмас, икки тенг ҳукмдор ўртасидаги каби суҳбат бўлиб ўтади. Хоқон бу дунёга ҳеч ким устун бўлмаслигини, ҳеч ким уни бутунлай забт этолмаслигини билдиради:

«Ich ließ in zweihundert Städten Priester um die Feuer der Sonne gehen und kupferne Pauken schlagen, daß ich siege. Ich siegte nicht.» – Мен икки юзта давлатга қарши жанг қилдим, мақсадим фақат ғалаба эди. Бироқ ғалаба қозонолмадим. (S.335).

Бироқ вазият борган сари таранглашади. Эдшимид ҳар иккаласининг шу пайтдаги ҳолатини чизар экан, турли сифатлаш ва ўхшатишлардан фойдаланади. Жумладан, суҳбат бошида баъзан кулиб, баъзан ҳазиллашиб турган хоқон энди ёхуд қалтирайди, ёхуд тиз чўқади, Амир Темурдан ўзини кўйиб юборишини сўрайди. Темурбекнинг эса юзи баъзан хиралашади, баъзан у хоқоннинг саволарига

совуқ жавоб беради, гоҳо унинг «юзига қон югуриб, бўридек ваҳшийлик билан қулса» (Da aber lachte Timur rauh wie ein Wolf, und das Blut sturzte in sein Gesicht), гоҳо «шундай ўшқирадики, наъраси чодирнинг пардаларини йиртиб юборгудек бўлади (Seine Stimme rollte durch das Zelt, daß die Vorhänge flogen).» (S.334-337).

Амир Темур соқчиларга имо қилиб, хоқонни ўлдиртиради:

«Timur sah nicht nach ihnen, wandte den Kopf nach der Seite, und wie seine Blicke zwei Tataren trafen, sprangen sie hinter den schreitenden König und zerhieben ihn.» (S.337).

Асарда Хитой забт этилганидан сўнг Амир Темур кўшинларига ўн кун дам беради. Аскарлар кайф-сафо қиладилар. Бироқ шу давр ичида суворийларнинг отлари вабодан қирила бошлайди, аскарлар ҳам иссиққа дош беролмай, бадбўй хидлардан оламдан ўтарди. Темур уларга ўлжа олинган отларни сўйишга буюради: аскарлар от гўштини тўйиб-тўйиб ейишар, бу пайт улардан бахтли одам йўқ эди, бироқ қоринлари ёрилиб ўлишарди:

«Eine grüne Wolke hüllte das Heer ein zehn Tage, bis sie geteilthätten. Rudel wilder Tiere durchmaßen die Ebenen von dem Gebirge her und fraßen in Orgien. Pferde starben an der Pest hin, und Tataren fielen in Haufen vor Hitze und Geruch der Fäulnis. Timur gab ihnen aus der Beute Gäule zum Schlachten, und sie fraßen rohes Pferdefleisch schmatzend vor Seligkeit, bis ihnen die Mägen platzten und sie würgend über die Toten fielen.» (S.338).

Мазкур сахна тасвирида Эдшмид экспрессионистларга хосусул қўллайди. Зеро «чалажон мурдалар томонидан бажариладиган мудхиш-фантастик ҳарбий экзерсис маросимлари, госпиталларда жарроҳлик

Темурнинг шапатисига Хитой хоқонининг хотини ҳам шапати билан жавоб беради:

«Laut stieß ihr Timur ins Gesicht «warum...», aber, nicht zitternd vor dem Rollen, gab sie zurück: «Aus demselben Grunde, aus dem du gegen ihn zogst!» – «Сен ўзинг унга қарши бош кўтарганинг учун!» (S.333).

Воқеаларнинг бундан кейинги ривожда ҳам мантиқ йўқ. Амир Темур аёлга разм солади: унинг кўзлари нафратга тўла эди. Темурбек кўзларини ундан олиб қочади ва ҳозиргина ўзига шапати туширган Мисер Улекни ўзининг бешинчи хотини қилиб олажагини билдиради:

«Er sah auf sie. Ihre Augen stachen hell vor Naß. Er hielt ihren Blick aus. Eine Weile wartete er. Dann sagte er: «Dein Lager kann in mein Frauenhaus geführt werden. Ich nehme dich als fünfte Frau.» (S.333).

Эртасига Амир Темурнинг чодирига Хитой хоқонини олиб кирадилар. Уларнинг ўртасида дастлаб музаффар билан мағлў каби эмас, икки тенг ҳукмдор ўртасидаги каби суҳбат бўлиб ўтади. Хоқон бу дунёга ҳеч ким устун бўлмаслигини, ҳеч ким уни бутунлай забт этолмаслигини билдиради:

«Ich ließ in zweihundert Städten Priester um die Feuer der Sonne gehen und kupferne Pauken schlagen, daß ich siege. Ich siegte nicht.» – Мен икки юзта давлатга қарши жанг қилдим, мақсадим фақат ғалаба эди. Бироқ ғалаба қозонолмадим. (S.335).

Бироқ вазият борган сари таранглашади. Эдшмид ҳар иккаласининг шу пайтдаги ҳолатини чизар экан, турли сифатлаш ва ўхшатишлардан фойдаланади. Жумладан, суҳбат бошида баъзан кулиб, баъзан ҳазиллашиб турган хоқон энди ёхуд қалтирайди, ёхуд тиз чўкади, Амир Темурдан ўзини қўйиб юборишини сўрайди. Темурбекнинг эса юзи баъзан хиралашади, баъзан у хоқоннинг саволларига

совуқ жавоб беради, гоҳо унинг «юзига қон югуриб, бўридек ваҳшийлик билан кулса» (Da aber lachte Timur rauh wie ein Wolf, und das Blut sturzte in sein Gesicht), гоҳо «шундай ўшқирадики, наъраси чодирнинг пардаларини йиртиб юборгудек бўлади (Seine Stimme rollte durch das Zelt, daß die Vorhänge flogen).» (S.334-337).

Амир Темур соқчиларга имо қилиб, хоқонни ўлдиртиради:

«Timur sah nicht nach ihnen, wandte den Kopf nach der Seite, und wie seine Blicke zwei Tataren trafen, sprangen sie hinter den schreitenden König und zerhieben ihn.» (S.337).

Асарда Хитой забот этилганидан сўнг Амир Темур кўшинларига ўн кун дам беради. Аскарлар кайф-сафо қиладилар. Бироқ шу давр ичида суворийларнинг отлари вабодан қирила бошлайди, аскарлар ҳам иссиққа дош беролмай, бадбўй хидлардан оламдан ўтарди. Темур уларга ўлжа олинган отларни сўйишга буюради: аскарлар от гўштини тўйиб-тўйиб ейишар, бу пайт улардан бахтли одам йўқ эди, бироқ қоринлари ёрилиб ўлишарди:

«Eine grüne Wolke hüllte das Heer ein zehn Tage, bis sie geteilthätten. Rudel wilder Tiere durchmaßten die Ebenen von dem Gebirge her und fraßen in Orgien. Pferde starben an der Pest hin, und Tataren fielen in Haufen vor Hitze und Geruch der Fäulnis. Timur gab ihnen aus der Beute Gäule zum Schlachten, und sie fraßen rohes Pferdefleisch schmatzend vor Seligkeit, bis ihnen die Mägen platzten und sie würgend über die Toten fielen.» (S.338).

Мазкур сахна тасвирида Эдшмид экспрессионистларга хос усул қўллайди. Зеро «чалажон мурдалар томонидан бажариладиган мудҳиш-фантастик ҳарбий экзерсис маросимлари, госпиталларда жарроҳлик

санъати намуналари сифатида кўрғазмага қўйилган одам танаси аъзоларининг ачинарли бўлаклари, аскар тиғи атрофида урушга қарши, ўзларини шу куйга солган кўринмас кучдан ҳам кўрқиб, ҳам нафратланиб, бири иккинчисига ҳамдардлик билдирувчи узуқ-юлуқ каломлар – булар ҳаммаси экспрессионистик тасвирга хос хусусиятлардир.»¹

Бизнингча, бу тасвир натуралистик бўёқларга беланган.

Асар давомида Амир Темур Хитой хоқони ўлимидан сўнг Мисер Улек билан Самарқандга йўл олади. Улар отда бир ярим ой йўл босиб, жаннатга етиб келдилар: «...bis sie das «achte Paradies» erreichten: Samarkand leuchtete aus den Gärten.»

Амир Темур «гулга беланган Самарқанд»нинг Конигул деган масканида Мисер Улек учун ажойиб бир сарой бунёд эттиради:

«In der Ebene von Kjanegül erbaute Timur einen Palast in der Mitte des Fundorts der Rosen. Künstler aus Bagdad übermalten die Wände. Der Hof stieg in Marmor und Talkstein, Schwibbogen leuchteten Sprüche des Korans, die Türen brüllten vor Erz. Glockentüreme wuchsen aus den Ecken. Er baute einen Windfang und einen unterirdischen Saal.» (S.339).

Воқеалар ривожид яна узилиш рўй беради, Темурнинг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди: Мисер Улека аталган сарой битганидан сўнг овга чиққан Темур отда сайр қилиб юрган бир аёлни кўриб қолади, уни силтаб отдан ерга туширади. Дағ-дағ қалтираб турган, юзу кўзини ёш қоплаган аёл Темурга «Заминни тинч қўй, шу қилганинг етарли.» дея насиҳат қилади:

«Er stellte die Frau mit dem Pferd, das bäumte. Sie

¹ Тынянов Ю.Н. Поэтика. История литературы. Кино. – М.: Наука, 1977. – С.122.

warf die Arme auf und erstarrte. Die Pupillen erloschen. Geschlossenen Auges, grau im Gesicht, sagte sie: «Betritt den Boden der Ruhe. Es ist genug». (S.340)

Бу аёл ҳам хитойлик эди: «Er war die Chinesen.» У Темурга «Бир куни сендан ҳам омад юз ўгиради» дея башорат қилади: «Du fällst noch heut in Unglück an einer weißen Stute.»

Шу куни кечқурун Темур аёлни чодирига келтиради, унинг қаршисида тиз чўкади ва қўлига қимиз тутади: «Dann holte er die Chinesin. Er ließ ihr Stutenmilch reichen und hockte sich zu ihr, ein Brettspiel auf den Knien.» (S.341)

Мисер Улекдан фарқли ўларок, иккинчи хитойлик аёл Темур билан ўзини жуда эркин тутади. У Темурдан асло ҳайиқмайди, аксинча, баъзан у билан ҳазиллашади, баъзан устидан кулади. Темурга ҳеч ким айта олмаган гапларни ҳам шу аёл айтади: «Sie lachelte: «Das Blut steht dir überm Mund. Du darfst nicht weiter.» – «Сенинг оғзинг қонга тўла. Бу узок давом этмайди.» – дейди у Темурга, ҳатто у ёв отган камон ўқи пешонасига тегиб ўлишини, бу қачон рўй беришини ҳам башорат қилади:

«Ja», sagte sie, «du hast mein Gesicht überschritten, aber ein Pfeil steht auf deine Stirn gezückt. Hier ist das Ende.»

«Wann?» schrie Timur und lachte wie ein Pferd.» – «Қачон?» – дея сўрайди ундан Темур отдек пишқириб кулиб.»

Хитойлик аёлдан оддийгина жавоб бўлади: «... am siebenten Tag im Monat Ramadhan.» – «Рамазон ойининг еттинчи кунида.»

Шу куни Амир Темур одатдагидек мунажжимни чақиради, тун бўйи у билан суҳбатлашиб, кулиб чиқади:

«Die Nacht sprach er mit Guines. Sein Hirn war voll

dumpfem Triumph, schon eh er aufbrach. Er lachte die ganze Nacht. Guines zitterte.» (S.343-344).

Бундан кейинги воқеалар Эрондаги Сивос қалъасини олиш саҳнасига ўхшаб кетади. Амир Темур ҳам макр, ҳам куч ишлатиб қалъани қўлга киритади. У шаҳар деворларининг ташқарисида турганида дарё бўйлаб ўзи томон туяда келаётган хитойлик аёлни кўради, шодон қичқириб юборади:

«Mit einem Kamel trabte vom Fluß herauf eine Frau, sie kam näher, es war die Chinesin, während Timur durch die Wellen jubelnden Geheuls wogte.»— 352).

Шу ерда хитойлик аёлнинг башорати амалга ошишига бир баҳя қолади: У Мисер Улек билан бирга шаҳар деворларининг ташқарисида турганида маҳв этилган қалъанинг тирик қолган қўриқчиларидан бири шаҳар девори устида туриб уни нишонга олади:

«Da sah er auf der Mauer der Stadt jemand einen Bogen spannen und richtete sich groß auf. Er stand hoch. Wie gegossen. Kein Haar bewegte sich. Lang sah er im Schweigen auf den Zielenden, dessen Hand die Sehne immer fester anzog. Es war der siebente Tag des Monats Ramadhan.» (S.352).

Рамазон ойининг еттинчи куни эди. Шу ерда мўъжиза рўй беради. Камондан ўқ узилади, у чириллаб учиб келиб Амир Темурнинг пешонасига тегар-тегмай тўхтади ва ерга қулаб тушади. Унга ҳеч қандай зарар етмайди:

«Die Zeit war um. Der Pfeil kam, riß einen zischenden Ton durch die Luft und flog in Timurs Stirn und fiel von ihr nieder. Timur saß starr. Dann wölbten sich seine Augen zurück in die Höhlen.

Miser Ulek stürzte vor und warf sich gegen ihn, schreiend und seine Schenkel umklammernd. Timur stand ruhig, schob mit einer träumerischen Bewegung

die Haare aus der Stirn, es war keine neue Wunde darin, sein Gesicht wuchs wie ein Fels.» (S.352-353).

Амир Темур хоинларни қаттиқ жазолайди. У бир пайтлар қўшинидан қочиб кетиб, Сивосда айшишрат қилиб юрган юқори мартабали ҳарбийлардан бирини Самарқандга олиб кетади ва шаҳар аҳли олдида сазойи қилдиради:

«Den feigen Offizier führte er in einer Kiste mit sich, zu gering, ihn zu töten, ließ er ihm den Bart scheren, ihn mit Bleiweiß und Mennig überstreichen und barfuß, eine Weiberhaube am Kopf, durch die Stadt gehen.» (S.353).

Самарқандга етиб келгач, Темур ҳаётини сақлаб қолган хитойлик аёлни ўзининг олтинчи хотини қилиб олади. Сивосда рўй берган мўъжизадан кейин Темур энди ҳеч нарсадан қўрқмасди, ўзининг режаларини амалга оширишдан энди уни ҳеч ким тўхтатиб қололмасди: «Kein Maß hielt mehr, keine Prüfung, den schleudernden Herausbruch seiner Pläne.» (S.353).

Асарда Темурнинг мураккаб характери намоён бўлади. К.Эдшид тасвирида бу унинг одамлар ва ҳайвонларга ҳар сафар гурлича бўлган муносабатида кўринади. Юқориди келтирганимиздек, Темурнинг ҳайвонларга нисбатан икки хил ёндашуви асарнинг илк хатбошидаёқ кўринган эди. Шу сингари Темур иккинчи хитойлик аёл унинг чодирига эргаштириб келган итларни яхши кўради, итлар ҳам уни яхши кўришади. Улар биргалашиб ўйнайдилар:

«Sie kletterten auf den Körper des liegenden Chans und leckten ihm den Bart. Er lachte und, mit ihnen spielend, zerdrückte er eines aus Ungeschick, da hob sich die alte Dogge gegen ihn. Er achtete sie nicht.» (S.341).

Шундай катта ҳажмли новеллада Темур билан унинг кучли рақиби турк султони Йилдирим

Боязид ўртасидаги зиддият ва муҳорабага атиги бир неча (15) мисра ажратилган, холос. Кутилмаганда Боязид Темурнинг қароргоҳига келади-да, ўзининг мағлублигини тан олади. Темур султонга от тухфа этади. Султон эртаси куни шу отда сайр қилишга изн сўрайди. Темур розилик бергач, султон бу тухфани қадрлашини маълум қилади:

«Der Feldherr des Sultans Bajazeth beugte sich ein wenig vor Timur und kündete ihm die Schlacht. Seine Stimme war hart und echt. Timur schenkte ihm ein Pferd. Er bat, es am nächsten Tage gegen ihn reiten zu dürfen. Timur nickte.

«Ich werde das Geschenk in Ehren halten», sagte der Feldher.» (S.358-359).

Темур айш-ишратга берилиб, салтанат ғазнасини совураётган ўғлини жазолайди. Шундан сўнг у Қуддусни (аслиятда Иеруссалим), Дамашқ ва бутун Фаластинни вайрон қилади, Мисрга кўшин тортади.

Асардаги воқеалар Деҳли ва унинг атрофида давом этади. Шаҳар забт этилганидан сўнг унинг вайронларида турган Темур «энди бутун дунёни ўз оёғи остида ҳис қилади»: «Als die Stadt leer war, füllte Timur den letzten Fleck von Weiß auf seiner Windrose, die Welt lag in seinen Händen...» (S.368).

Бироқ бу ўз-ўзини алдаш эди. Темур энди ёлғизланиб қолади – энг яқин одамлари ундан воз кечишади.

Асарда К.Эдшмид қўллаган бадий тасвир воситалари ўта чегараланган. Темурнинг юришлари, лашкарларининг жанговар тузилиши ва қурол-аслаҳалари ҳақида сўз кетганида муаллиф асосан «ярим ой шаклидаги», «доира шаклидаги», «офтобда ярақлайди», «қуёш нурида ялтирайди» каби иборалардан фойдаланади. Жумладан:

«Reiter den Kopf im Halbmond geschoren,... In einem Halbkreis rannte das Heer über die Steppe. Die runden Säbel glühten in der Sonne.» – Суворийлар боши узра *ярим ой* нур сочар, ... *Ярим ой шаклида* саф тортган қўшин илдам одимларди. *Қиличлар қуёш нурида ялтирарди.* (S.322)

«In einem Halbkreis stießen die Tataren schweigend aus den Steppen. Ihre runden Schwerter blitzten in der Sonne.» – Лашкарлар *ярим доира шаклида* даштдан чиқиб келдилар. Уларнинг *доира шаклидаги қалқонлари қуёш нурида ялтирарди.* (S.324).

«Im zehnten Jahre rollten alle tatarischen Heere im Halbkreis aus den vier Winden gegen Samarkand zurück.» – Қўшинлар ўн йилдан сўнг *ярим доира шаклида* Самарқандга қайтдилар. (S.325).

Асарда ифодаланишича Амир Темур қўшинлари Хитойга ҳужум қилиш арафасида Эргимул саҳросида йиғилади. Бу ерда ҳам улар *ярим ой шаклида* сафланади (Zwei ungeheure Halbkreise brausten, Pferde mit kleinen Tataren, bartlos, Bogen über den Rücken, über das asiatische Tiefland nach China.)

Уларнинг шамширлари *қуёш нурида ялтирарди* (Ihre runden Schwerter blitzten in der Sonne. – S.331).

Амир Темур билан Хитой хоқони узоқ тортишиб чодирдан ташқарига чиққанида самода «*ўроқ шаклидаги ой осилиб турарди*». (S.337).

Олмаликни қуршаб турган Мовароуннаҳр лашкарлари жойлашган чодирлардан тутун чиқади, аскарлар кунга ўтириб олиб сочларини *ярим ой шаклида* орқага ташлашар, кўкраklarини ёғ билан силашарди: «Filzzelte rauchten über den Ebenen. Tataren kämmten vom halbmondig geschorenen Kopf die Haare lang nach dem Nacken und ölten die Brust.» (S.353).

Амир Темурнинг лашкарлари шунчалар кўпки, «қир-адирлар фақат суворийларга тўла, уларнинг *офтобда қаттиқ қизиган совутлари кўзни олади*» (Die Steppe flimmerte unter dem Reiten. Sie bekam metallene Ränder, die sich erhitzten. – S.354).

Унинг қўшинлари юрган йўлларда «*ер ёнади*» (Der Boden glühte gläsern. – S.354), *отларнинг туёқлари зарбидан ларзага келади*. (Erde zitterte unter dem Schlag immer trabender Hufe. – S.325).

Жаҳонгир лашкарлари кирган жанггоҳлар тасвирлари қонга тўла: «Уфқ иссиқ қон буғлари билан тўлди.» (Die weiße Flut vom Hügel schoß tiefer in die Masse. Durch die Wolke brach Timur zurück, die nackten Säbel zerhieben die Flanke der Brüllenden. *Die Ebene dampfte in dickem Rot.* – S.328). Деҳли яқинида қонга ташна қўшин уни (Темурни) кутар, жанговар отлар туёқларини олдинга чўзар, *ярим ой шаклидаги шамширлар қуёи нурида товланар эди.*» (Die Pferde stemmten die Beine nach vorn, durch die Kandaren zurückgerissen. *Die runden Säbel blitzten in der Sonne. Die Armee hing blutgierig,* wie eine in zwei Teile geschnittene Wolke am Ende des Gebirges. – S.370).

Мавҳум қаҳрамонлар, экспрессионистларга хос шартли ҳолатлар, энг аввало, китобхонларга муаллифнинг ҳис-туйғулари ва фикрларини етказиши лозим эди. Санъаткор ва асар, муаллиф ва образ айнан бир оламда – изоҳсиз номутаносибликлар, фожиали тўқнашувлар оламида бирга юрадилар. «Олам мавжуд. Уни такрорлаш эса бемаънидир» – деб ёзади Казимир Эдшмид.¹

«Адабий (ва бошқа) инқилобчиларнинг балоси шундаки, – деб ёзади Ю.Н. Тинянов, – улар «ҳаётни янгича ҳис қилиш» орқали ҳеч нарса ва ҳеч ким би-

¹ Edschmid K. Frühe Manifeste. Epochen des Expressionismus. – Hamburg, 1957. – S. 34.

лан ҳисоблашишмади. Шу боис улар кўп нарсани акс талқин қилишди, ваъзхонлик қилишди, такрорлашди, кейин эса бир четга чиқиб китобга термулишди. Достоевскийни Гамсун (импрессионизм душмани) билан аралаштиришди. Натижада экспрессионистлар ўзлари кимлигини ўзлари ҳам тушунмай қолдилар ва оқим тугатилганини эълон қилдилар.»¹

Ю.Н.Тинянов таъкидлаганидек, «Ҳеч бир сабабсиз оқим йўқолди, бир неча оқимларга бўлиниб кетди ва экспрессионизм сифатида ортда қолди. Яқинда унга мотамномани (некролог) бошқа бир киши эмас, айнан Казимир Эдшмиднинг ўзи битди. У «Икки бошли нимфа» (Die Doppelköpfige Nümfe) асарида экспрессионизм эскирди, энди олға босиш керак (қаёққа?) деб даъво қилди. Казимир Эдшмид экспрессионизмнинг тўртдан уч чорагини ўйлаб топган шахс, бизда унинг сўзлари шубҳа уйғотмайди.»²

Ю.Н.Тиняновнинг фикрича, «Экспрессионизм... экспрессио-нистларнинг ўзлари тан олганларидек, мавжуд эмас, балки, ягона адабий оқим сифатида умуман бўлган ҳам эмас.»³

Биз ҳам Ю.Н.Тиняновнинг фикрига қўшилаемиз. Экспрессионизм адабий оқим сифатида умуман бўлган эмас. Аниқ тасвирдан қочиш, айнаган шакл, ўта субъективлик каби хислатлар «экспрессионизм»нинг қиёфасини белгилайди. «Экспрессионист» адиб мавжуд тарихий фактларни ҳолисанилло таҳлил қилишга қодир эмас. К.Эдшмиднинг биз таҳлил қилган «Музаффар» номли асари фикримиз далилидир.

¹ Тинянов Ю.Н. Поэтика. История литературы. Кино. – М.: Наука, 1977. – С.128.

² Тинянов Ю.Н. Поэтика. История литературы. Кино. – М.: Наука, 1977. – С.128.

³ ўша жойда, С.127.

Келиб чиқиши сербиялик бўлган француз адибаси Милена Нокович тарихий мавзуларда ижод қилади. Адибанинг «Аёлнинг хоҳлагани» («Ce que femme veut», 1978), «Агар бирор Президент...» («Si un président», 1980) каби асарлари чоп этилган. Унинг 1985 йил эълон қилинган «Косово узра усмонлилар туни» («Et la nuit ottomane tomba sur Kossovo») тарихий романи катта муваффақият қозонди ва 1986 йили Каннда ўтказилган конкурсда «Олтин Қалам» мукофотига сазовор бўлди.

Милена Ноковичнинг «Самарқанд узра олтин ёмғир» («Pluie d'or sur Samarkand») тарихий романи Париждаги Delville нашриёти томонидан 1993 йил эълон қилинган.

Мазкур романни ёзиш жараёнида адиба Самарқандда бўлган, шаҳар тарихи, айниқса, Амир Темур ҳаёти билан боғлиқ асарлар билан танишиб чиққан.

«Самарқанд узра олтин ёмғир» олти қисмдан иборат. Улар мос равишда «Сичқон йили, 1383 йил март», «От йили, 1390 йил куз», «Йўлбарс йили, 1397 йил апрель», «Аждаҳо йили, 1398 йил март», «Илон йили, 1400 йил апрель» ва «Қўй йили, 1403 йил март» деб номланган. Ҳажми 351 саҳифа.

Асарнинг бош қаҳрамони кейинчалик Соҳибқироннинг набираси Халил Султоннинг рафиқасига айланган Шодмулкдир. Асар воқеалари Шодмулк дунёга келмасидан анча илгари бошланади. 1383 йил 31 мартада етти йиллик юришга чиққан Амир Темур қўшинлари Эроннинг Сабзавор шаҳрини қўлга киритишади. Шаҳарда яшовчилар орасида яқиндагина турмуш қуришган Карим ва Шаджарнинг оиласи ҳам бор. Карим шаҳар ҳимоячилари орасида ҳалок бўлади, ҳомиладор Шаджар эса ўзига қариндош уч-

тўрт эркак ва аёллар билан Самарқандга келиб қолади. Шундай қилишни унга амакиси Иброҳим Мажуб маслаҳат берган бўлиб, Самарқандда улар ҳар қандай хатарлардан холи бўлишлари мумкин эди. Шодмулк Самарқандда дунёга келади ва туғилган кунининг эртасигаёқ бутунлай етим қолади – онаси оламдан ўтади. Қизалоқни сабзаворликлардан бирининг қариндоши бўлмиш Ширин исмли каштачи кампир боқиб олади.

Шодмулк болалигиданоқ рақсга қизиқади ва улгайгач раққоса бўлади. Қизалоққа болалигиданоқ унинг Сабзавордан эканлиги, отаси мовароуннаҳрликларга қарши курашда ҳалок бўлганлиги, онаси Самарқандда вафот этганлиги такрор ва такрор сўзланиб, унинг қалбида Соҳибқиронга нисбатан нафрат туйғулари уйғотилган эди. Қиз балоғатга етгач, ўзининг шум ниятини амалга оширишга киришади: дастлаб Соҳибқирон саройига раққоса бўлиб жойлашади, сўнг амир Хожи Сайфиддиннинг канизагига айланади.

Асар воқеаларига кўра бир мунча муддат ўтгач, Шодмулк шаҳзода Халил Султонни севиб қолади: «Dans son coeur, la haine de Timour et l'amour de l'un de ses petits-fils, s'assortissaient d'un trouble pervers. Elle assouvissait l'aversion qu'elle portait à la famille impériale par l'amour de l'un des leurs et non des moindres. Elle désirait Khalil Sultan. Elle le voulait quoi qu'il advont, fût-ce au prix de la destruction, du maléfice ou de sa vie».¹ – «Унинг қалбида Амир Темурга нафрат ва унинг набираларидан бирига муҳаббат қарама-қарши исён кўтарарди. У ҳукмдор оиласига бўлган ғазабини оз эмас, кўп эмас айнан

¹ Nokovitch Milena. Pluie d'or sur Samarkand. – Paris : Delville, 1993. – PP. 241-242.

шу оиланинг бир аъзосига бўлган муҳаббати билан сўндирарди. У Халил Султонни хоҳларди. У нима бўлса ҳам – салтанат вайрон бўладими, ўзи жодуга учрайдими ёки ҳалок бўладими – Халил Султонга эришишни истарди».

Шодмулк ниҳоят Халил Султонга турмушга чиқади. Соҳибқирон вафотидан сўнг шаҳзодани ўз измига солиб, унинг бир мунча муддат салтанат тахтига ўтиришига сабабчи бўлади, кейинчалик Амир Темур қурган буюк давлатнинг парчаланиб кетишига эришади. Халил Султон ҳалок бўлгач, Шодмулк ўз жонига қасд қилади.

Шодмулк Соҳибқирон салтанати тарихида шундай қабих роль ўйнаши у дунёга келмасиданоқ башорат қилинган эди. Жумладан, фолбин Саана Шаджар қиз туғишини, бу қиз кўп шов-шувларга сабаб бўлишини башорат қилган эди.¹ Қосим дарвеш ҳам Иброҳим Мажубга унинг қариндошларидан бири Сабзавор учун ўч олишини билдирган, у албатта аёл киши бўлади, деб айтган эди.² Уларнинг худди мана шу суҳбати чоғида Қосим дарвеш айтган ушбу сўзлар асарнинг бошидан охиригача лейтмотив бўлиб келади: «L'empire de Timour est éphémère, c'est l'empire des Sables. Un simple souffle de femme peut l'anéantir» – «Темурнинг салтанати ўткинчи, у қумлар салтанати. Аёл кишининг бир нафаси уни вайрон қилиши мумкин».

Амир Темурнинг Сабзаворга ҳужум қилишининг сабабини М.Нокович вилоят аҳлининг Соҳибқиронга йиллик хирож тўламай қўйганлигидан, деб билади. Шаҳарни Мироншоҳ бошчилигидаги лаш-

¹ Nokovitch Milena. Pluie d'or sur Samarkand. – Paris : Delville, 1993. – P.57.

² Ўша жойда, P.41.

карлар қўлга киритишган эди. Амир Темур ўғлига шошилиш мақтуб йўллаб, шаҳарда талончиликка йўл қўймасликни, буйруққа амал қилмай ўғрилик содир этганларни еттитадан етмиш еттитагача дарра билан савалашни буюради. Бундан ташқари, Мироншоҳ Жомъе масжиди ҳовлисида диндорларни, шаҳарнинг таниқли кишиларини, олим ва уламоларни, табиблар, муҳандислар, меъморлар, мусаввир ва моҳир ҳунармандларни иззат билан қабул қилиши лозим эди. Зеро, улар Самарқандга жўнатилиб, ўз билимлари ва ҳунарлари билан салтанат пойтахтининг чиройига-чирой қўшишлари керак бўларди.¹

Шу билан бирга асарда Соҳибқирон шаҳар ҳимоячиларидан икки минг кишини қатл эттирди. У буни «итоат этишдан бош тортган Сабзавор ва унинг атрофидаги қишлоқларни жазолаш ҳамда диндан қайтган исёнкорларга дарс бериш учун қилди, токи бу бошқаларга ўрнак бўлсин» – «punir Sabzavar et ses villages qui eurent la hardiesse de sortir du chemin de l'obéissance et a traiter ces hérétiques et ces rebelles d'une manière si rude, qu'ils servissent d'exemple aux autres».²

М.Нокович ўз талқинида Амир Темурнинг мураккаб образини, турфа фикрли қаҳрамонларни яратади. Унга кўра «Амир Темур адабиётни яхши кўради. У Осиёнинг асосий тилларини, шу жумладан форс тилини ҳам билади. У маданиятимиз дурдоналарига нисбатан ваҳшиёна ва зараркунандалик муносабатида бўлувчиларга шафқат қилмайди!

– Timour aime les lettres. Il connaît les principales langues de l'Asie, y compris le Persan. Rien chez lui ne

¹ Ўша жойда, Р.32-33.

² Nokovitch Milena. Pluie d'or sur Samarkand. – Paris: Delville, 1993. – Р.42-43.

justifie la haine et la hargne à l'égard de la fleur de notre civilisation! ».¹

Тўхтамишхонни маҳв этиб тўрт йиллик юришдан қайтган Соҳибқирон она шаҳри Кешда тантаналар уюштиради. Шундан кейин Амир Темур Самарқандга йўл олади. Шаҳар аҳли Соҳибқиронни зўр тантана билан кутиб олади. Тантаналар сўнггида Амир Темур бутун салтанатда фуқаролар уч йил давомида солиқ тўлашдан озод этилажагини эълон қилди. «Мовароуннаҳр халқи шу пайтгача бундай буюк ва бундай олижаноб ҳукмдорни кўрган эмасди» – деб ёзади М.Нокович. «Jamais, de mémoire d'homme, le peuple de Transoxiane n'avait connu un seigneur aussi grand et aussi généreux».²

Асарга кўра Амир Темур мақтовларни ёқтирмайди. Самарқандга қайтган кунининг эртасига Соҳибқирон Оқ Саройда Миср ва Шом султонларининг, турк султони Боязид Йилдиримнинг элчиларини қабул қилади. Бу қабулдан унинг кўнгли тўлмайди. Муаззинлар пешин намозига чақиришаётган бир пайтда саройга Хожи Сайфиддин кириб келади. У Амир Темурга Самарқанд аҳли ҳамон унинг Ҳиндистон зафаридан маст эканлигини, Аллоҳдан ўзларини бой ва бахтиёр қилиш учун қурашаётган музаффар ҳукмдорларига марҳаматини аямаслигини сўраётганларини баён қилади: – «Seigneur roi, Samarkand vibre encore des fêtes de ton retour de l'Inde. Les habitants de la capitale implorent la bénédiction du Très Puissant sur la tête de leur souverain, victorieux et qui les couvre de richesses».

Амир Темур кўзларини пирпиратиб, зўраки илжаяди ва уни тўхтатади: – Мақсадга ўтайлик. –

¹ ўша жойда, Р.105-106.

² ўша жойда, Р. 129.

Timour cligna ses yeux et l'arrêta d'un sourire un peu forcé : – Venons aux fait.¹

Амир Темуր ўз фарзандлари ва набираларига меҳрибон ота, меҳрибон бободир. Суюкли набираси Муҳаммад Султон вафот этган куни бўлиб ўтган қуйидаги воқеа бунга ёрқин мисолдир: «Le lendemain, en présence de mêmes dignitaires et de ses chefs militaires, impénétrable chef de guerre que tout le monde croyait étranger à la souffrance des autres et à la sienne propre, éclata :

– Maintenant écoutez tous, le Souverain du ciel et de la terre se moque bien de Nous et de vous ! Lorsque la maison est achevée, la mort entre. Notre héritier, notre estimé mirza Mohammaed Sultan, vient de s'envoler tel un gerfaut dans sa dix-huitième année, vers le Très Miséricordieux! Ni les meilleurs médecins ni les plus grands chamans n'ont pu le sauver .

Une tempête de lamentations et de cris couvrit sa voix. Timour se tourna vers l'assemblée, l'air assombri, absent. Soudain il jeta son sceptre et son casque d'or à terre et quitta son trône. En signe de deuil, il déchira le haut de son manteau impérial et se roula par terre en gémissant: « Nous sommes à Dieu, nous retournons à Lui. Affliction à moi, d'avoir si peu fait à l'égard du Très Sublime, Maître des Mondes.

La nuit qui suivit, sa tente de commendement resta éclairée. Il pleura et gémit jusqu'à l'aube.»²

«Эртаси куни худди шу аслзодалар ва ҳарбий бошлиқлар ҳузурида ҳамма ўзганинг ва ўзининг қайғусига бефарқ деб ҳисобловчи яқинлашиб бўлмас саркарда фигон урди:

– Гапимга қулоқ солинг, ер юзи ва осмону фалак-

¹ Nokovitch Milena. Pluie d'or sur Samarkand. – Paris: Delville, 1993. – P.216.

² ўша жойда, P. 284-285.

нинг Ҳукмдори сиз билан бизни масхара қилмоқда! Уй қуриб битказилганда фалокат киради, дейдилар. Тахтиворисимиз, суюкли фарзандимиз Мирза Муҳаммад Султон Аллоҳнинг ҳузурига йўл олди! На энг яхши табиблар, на энг буюк афсунгарлар уни кутқариб қололмадилар.

Оҳ-фарёд ва йиғилар унинг овозини босиб кетди. Бир зум ўзини йўқотган қайғули Темур йиғилганларга ўгирилди. Тўсатдан у салтанат ҳассаси ва тилла тожини ерга улоқтирди-да, тахтдан йироқлашди. Мотам белгиси сифатида шоҳона тўнининг ёқасини юлиб ташлади-да, ерга думалаб хириллай бошлади: «Биз Худонинг бандаларимиз, унинг ҳузурига қайтиб борамиз. Парвардигорга, бутун олам Ҳукмдорига кам марҳамат кўрсатдим ва унинг қаҳрига учрадим.

«Тун бўйи унинг чодарида чироқ ўчмади: у тонг отгунча оҳ тортиб, фарёд уриб чикди.»

Муаллиф Амир Темурни халқпарвар ҳукмдор сифатида гавдалантиради. У ўзининг ҳар бир юришидан қайтиб келар экан, салтанат пойтахтида тантаналар уюштиради, ушбу шоду хуррамликларга оддий халқ ҳам қатнашишини талаб қилади, қўлга киритилган бойликларнинг бир қисмини авомга улашади. Шу сабабли ҳам Самарқанд аҳли «Аллоҳдан ўзларини бой ва бахтиёр қилиш учун курашаётган музаффар ҳукмдорга марҳаматини аямаслигини сўрайди.»

Амир Темур образи жами олти қисм, 37 бобдан иборат ушбу романнинг атиги 8 бобида намоён бўлади. Булар учинчи (биринчи қисм), ўн олтинчи (иккинчи қисм), йигирма учинчи, йигирма бешинчи (қисман), йигирма олтинчи (тўртинчи қисм), ўттиз биринчи (бешинчи қисм), ўттиз иккинчи (қисман) ва ўттиз тўртинчи (олтинчи қисм) боблардир.

Қолган бобларда Амир Темурга бош қахрамон ва бошқа персонажларнинг тиллари билан турли диалогларда баҳо берилади.

Масалан: «Depuis avènement de Timour, il faut reconnaître, fit observer le derviche, que les marchands et les artisans sont bien traités à Samarkand.»¹

«Темур тахтга ўтирганидан бери Самарқандда савдогарлар ва хунармандларга яхши муносабатда бўлишмоқда» – дейди дарвеш Иброҳим Маджуб ўз жиянлари Шаджар ва Дунёга.

Ёки: «Leurs armées sont plus nombreuses que les йтоiles. Timour se prend pour un autre Gengis Khan».² – «Уларнинг (мовароуннаҳрликларнинг) лашкарлари осмондаги юлдузлардек кўп. Темур ўзини иккинчи Чингизхон деб ҳисоблайди» – дейди имом Хожи Солиҳ Иброҳим Мажубга.

Самарқандда Шодолмулк, унинг холаваччаси Саана ва ўғай онаси Ширин ўртасидаги суҳбатда куйидаги гаплар бўлиб ўтади:

« – C'est un homme de grande stature.

– On dit qu'il impressionne ses visiteurs et qu'en sa présence, personne n'ose relever la tête!

– C'est naturel, il a les yeux d'un démon, renchérit Chadolmolk.

Sa mère laissa entendre la même chose:

– Timour est terrifiant. Ses proches aussi le craignent.»³

« – У баланд бўйли одам.

– Айтишларича, у меҳмонларда катта таассурот қолдирар эмиш, унинг кўзига ҳеч ким тик боқолмас эмиш!

¹ Nokovitch Milena. Pluie d'or sur Samarkand. – Paris : Delville, 1993. – P. 41.

² ўша жойда, P. 53.

³ Nokovitch Milena. Pluie d'or sur Samarkand. – Paris: Delville, 1993. – P. 119.

– Тўғри, – тасдиқлади Шодолмулк, – унинг кўзлари иблиснинг кўзларига ўхшайди.

Онаси ҳам қизининг гапини маъқуллади:

– Темур даҳшатли. Яқинлари ҳам ундан қўрқишади».

Иброҳим Мажуб билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган Шодолмулк ўртасида бўлиб ўтган суҳбатда Амир Темурнинг адолатпешалиги, салтанат ва халқ мулкига кўз олайтирганларни шафқатсиз жазолаши ҳақида Шодолмулк шундай дейди:

«Pendant le déroulement des fêtes et des noces de ses arrière-petits-fils, il avait ordonné de pendre le Grand Vizir et son Maître d'écurie et d'égorger un cordonnier et un boucher, accusés de vol». ¹ – «Тантаналар ва эвараларининг никоҳ тўйлари бўлиб ўтаётган бир пайтда у ўғирликда айбланган Бош вазир ва отхона бошлиғини осийшга, бир этикдўз ва яна бир қассобни бошини танасидан жудо қилишга фармон берибди».

Асарда Амир Темур бевосита пайдо бўлган ва биз юқорида келтирган боблар, умуман, ўз асарида М.Нокович Ибн Арабшоҳнинг, Клавихо ҳамда XX аср француз темуршунос олимларининг асарларидан кенг фойдаланган. Баъзи ерларда адиба уларнинг асарларини деярли сўзма-сўз келтиради. М.Ноковичда, жумладан, Л.Кереннинг таъсири сезилиб туради. Буни адибанинг романи сўзбошисидан ҳам билиш мумкин: «Мен Амир Темурнинг биографи ва Клавихонинг «Амир Темур даврида Самарқандга саёҳат» китобининг таржимони Л.Керенга дўстона миннатдорлик изҳор қиламан. У кишисиз Шодолмулк мазкур китобим ёзилаётган пайтда Азроилнинг қора саройидан чиқиб кета олмасди.»²

¹ ўша жойда, Р. 323.

² ўша жойда, Р.5.

Мисолларга мурожаат қиламиз. Л.Керен, «Амир Темур салтанати»:

«Одатдагидек Самарқандга қайтиш катта тантананага айланди. Биноларнинг пештоқлари ва кўчаларга нодир гиламлар ташлаб қўйилган, майдонларда гуллардан зафар дарвозалари тикланган эди. Темур рафиқаси Туман оғага қурган шифохонаси учун миннатдорчилик изҳор қилди ва ўзи ҳам Дехли масжиди билан рақобатлаша оладиган жомъе масжиди бунёд этажагини эълон қилди.

Эртасигаёқ ишлар бошлаб юборилди. Бу Улуғ Амир барпо этган энг йирик иншоот ва дунёдаги энг катта масжидлардан бири эди: уни салтанатнинг турли вилоятларидан келтирилган ўнлаб энг яхши меъморлар, муҳандислар, наққошлар ва гишт терувчилар амирзодалар раҳбарлигида тўрт йил ичида қуриб битказдилар.

Бинонинг ичкарасига кириладиган монументал порталга тилла суви юритилган бронза дарвоза ўрнатилган. Энг катта марказий залнинг пойдевори қурилишида Ҳиндистондан келтирилган филлар ҳам ишлатилган бўлиб, улар беш юз сангтарош тоғ ён бағирларидан кесиб олган оғир тошларни қурилишга етказиб туришган».¹

М.Нокович, «Самарқанд узра олтин ёмғир»:

«Chaque retour de guerres déployait le même appareil, la même allégresse. Les ramparts a l'intérieur de la capitale et les façades de ses maisons, se voilaient de pièces de brocart et de tentures de soie. Des portiques de fleurs ornaient les places et les avenues. Ses épouses, Saray Molk et Touman Aka, avaient fait construire pendant son absence, une grandiose madrasa ainsi qu'un nouvel hôpital. Le Grand Emir les avait félicitées, mais il

¹ Керен Люсьен. Амир Темур салтанати. – Т.: Маънавият, 1999. –Б.93-94.

ne voulut pas être en reste. A peine de retour des Indes, il fit le projet de construire la mosquée la plus vaste et la plus haute de l'Asie, plus belle que celle de Delhi.

C'est vingt-huit mai 1399, jour choisi par les astrologues de la cour, Timour ouvrit le chantier de la future Grande Mosquée du Vendredi. Il confia l'exécution de l'édifice aux meilleurs architectes. Il chargea des princes de sang de surveiller l'avancement des travaux.

Les bronziers ramenés de Delhi préparaient dans les fonderies impériales, le métal doré destiné aux quatre vantaux de portail monumental d'entrée de la Mosquée. Pendant plusieurs semaines, les éléphants ramenés de l'Inde, transportaient des blocs de pierre qui provenaient des carrières des environs de Kech. Plus de cinq cents tailleurs de pierre, découpaient jour et nuit, des pans de montagne.»¹

Кўриниб турганидек, келтирилган парчани М.Нокович Л.Кереннинг романи матнидан деярли сўзма-сўз ўзлаштирган.

Яна бир мисол.

1404 йил кузида Амир Темур Хитойга юриш қилишга тайёрланаётган эди. Ўша пайтда Улуғ Амир кайфиятида турли ўзгаришлар рўй бераётган эди. Набираларнинг тўйларига бағишланган тантаналар бошланган куннинг эртаси тонг саҳарда Амир Темур Аллоҳга қуйидагича илтижо қилади:

«Par moi-même je ne suis rien, c'est Toi sui du petit prince que j'étais, as fait le plus puissant souverain du monde. J'ai fait régner l'ordre et la sécurité chez mes sujets, à tel point qu'un homme seul portant sur sa tête un bassin d'argent, rempli de pièces d'or, peut traverser mon empire sans crainte!

¹ Nokovitch Milena. Pluie d'or sur Samarkand. – Paris: Delville, 1993. – P. 206-207.

Mais la conquête des royaumes a provoqué des actes terribles, des meurtres, des emprisonnements, des tortures et des incendies. Pour effacer ces impitoyables soeurs de nos victoires, devenues nos péchés et nos crimes, je prends la résolution d'aller convertir les païens de Cathay et d'abattre leurs idoles.»¹

Л.Кереннинг «Амир Темур салтанати» тарихий романида ҳам худди шу нарса мавжуд. Қуйида ушбу романдан олинган парчани М.Ноковичдан келтирилган иқтибоснинг айнан таржимаси деб ҳисоблаш мумкин:

«Мен ўзимдан ўзим бу даражага эришганим йўқ. Сен мендек кичик бир Амирни бу дунёнинг энг қудратли ҳукмдори даражасига кўтардинг. Мен ўз қўл остимдаги ўлкаларда шундай тартиб ва интизом ўрнатдимки, бошига тилла танга тўла кумуш товоқ қўйган ҳар қандай кимса бутун Салтанатимни у сарҳадидан бу сарҳадигача бежавотир кесиб ўтиши мумкин.

Бироқ бунга етишишнинг ўзи бўлмади: ёт юртларни истило қилиш, қон тўкишлар, қотилликлар, банди қилишлар, одамларни азобга қўйишлар ҳамда шаҳар ва қишлоқларни ёндиришларни талаб қилди; зафарларимиз учун зарур бўлган шу шафқатсиз ишларимизни, ўз айбимиз ва гуноҳимизни ювиш учун мен Чин мажусийларини исломга киритишга ва уларнинг маъбудларини ер билан яксон қилишга аҳд айладим.»²

Қуйидаги мисралар ҳақида ҳам худди шу фикрни билдириш мумкин.

М.Ноковичда: «La veille, des centaines de crieurs avaient sillonné les faubourgs de la capitale et propagé

¹ Nokovitch Milena. Pluie d'or sur Samarkand. – Paris: Delville, 1993. – P. 314-315.

² Керен Люсьен. Амир Темур салтанати. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 147.

l'invitation de Timour à sa population : «Débarbouillez-vous, lavez-vous et préparez-vous a vous donner du bon temps. Je vous ordonne a tous, humbles ou puissants, riches ou pauvres, de ne causer aucun dйplaisir a qui que ce soi! Dirigez-vous vers les jardins où vous recevrez des boissons et des victuailles a satiété.»¹

Л.Керенда: «Бугун энг нафис либосларни кийингиз ва кўнгилахушлик қилишга ҳозирланингиз. Ожиз ва қудратли, бою камбағал барча фуқароларимга бир-бирларининг дилларини оғритмасликни буюрурмен. Шаҳар боғларига юрингиз, анвойи ичимлик ва емаклар сизга мунтазир.» (149)

Бундан ташқари, М.Ноковичнинг романида Шайх Нуриддин, Хожи Сайфиддин, Ноён Бока каби персонажлар борки, улар Амир Темур ҳақида асарлар ёзган XX аср Фарбий Европа адибларидан фақатгина Л.Кереннинг «Амир Темур» номли трагедиясида учрайди, холос.

«Самарқанд узра олтин ёмғир» романида Ибн Арабшоҳдан олинган мисоллар ҳам учрайди. Жумладан, Амир Темурнинг ўз маслаҳатчиси Муҳаммад Қавчинни жазолаши ҳақидаги Ибн Арабшоҳда,² сўнг Л.Керенда³ келтирилган воқеа М.Ноковичда 185 – 187-бетларда бадийлаштирилган ҳолда берилади ва ҳ.к. Романдаги «L'empire de Timour est éphémère, c'est l'empire des Sables» – «Темурнинг салтанати ўткинчи, у қумлар салтанати» ибораси эса Л.Бува, Р.Грессе ва Ж.П.Руларнинг китобларидан олинган.

Бундай ҳолатни нафақат М.Ноковичнинг, балки

¹ Nokovitch Milena. Pluie d'or sur Samarkand. – Paris: Delville, 1993. – P. 303.

² Арабшоҳ Ибн. Темур тарихида тақдир ажойиботлари.– Т., 1992, 2-китоб. – Б.75-79.

³ Керен Люсьен. Амир Темур салтанати. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 86.

бошқа Ғарбий Европа адабларининг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тарихий романларида ҳам учратиш мумкин. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тарихий мавзуда ижод қилувчи адиб албатта солномаларга мурожаат этади, улардан у ёки бу даражада фойдаланади. Бу эса бадий тўқима билан биргаликда асарга реалистик тус беради.

XX АСР ФРАНЦУЗ ДРАМАТУРГИЯСИДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

Люсьен Керен Франциядаги «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари» Ассоциациясининг президенти эди. Бу кишининг ҳаёт йўли афсонага ўхшайди. Л.Керен умрининг кўп қисмини хорижда ўтказган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, урушдан сўн Сурия, Ҳиндихитой, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эксперти сифатида узоқ йиллар давомида Марокаш, Бразилия ва Португалияда хизмат қиладди. Унинг Ўзбекистонга илк ташрифи ҳам ўзининг ана шу хизмати билан боғлиқ.

1961 йилда Марокашда ишлаб юрган Л.Керен Мароккаш Қиролик ҳукуматининг топшириғига биноан ўша йилларда шўролар ҳукуматининг ирригация соҳасида Марказий Осиёда олиб бораётган «илғор» тажрибаси ва унинг ижобий томонларини Марокаш шароитига татбиқ қилишни ўрганиш мақсадида Ўзбекистонга юборилади. Бироқ бу ташриф мутлақо кутилмаган натижа беради. Сирдарё ва Амударё сувларини хўжасизларча исроф қилиб, Қизилқум ва Қорақум чўлларини ин-

тенсив ўзлаштириш қандай фалокатли оқибатларга олиб келишини ўша пайтдаёқ тўғри баҳолаган Л.Кереннинг ҳисоботидан сўнг Мароккаш ҳукумати бу тажрибани ўз ерларида қўллашдан воз кечади, олимнинг ҳаётида эса туб бурилиш рўй беради.

Кўп асрлик бой маданиятимиз ва қадимий шаҳарларимиз француз олимида катта таассурот қолдиради. Айниқса, Самарқанд уни бутунлай ўзига мафтун этади. Шаҳардаги улугвор биноларни кўрган Л.Кереннинг қалбида уларни бунёд эттирган буюк инсон Амир Темурга нисбатан чексиз меҳр, чуқур ҳурмат уйғонади. Ватанига қайтган Л.Керен Соҳибқирон ҳаёти ва тарихини ўрганишга бел боғлайди. У шу мақсадда Париждаги Олий тадқиқотлар амалиёти институтида таниқли профессор Луи Базэн ташкил этган Марказий Осиё туркий халқлари адабиёти ва маданияти курсига қатнайди, Франция ва Европада Соҳибқирон ҳақида ёзилган ўнлаб китобларни ўқиб чиқади. Бироқ ўқиганларидан қониқмайди, зеро бу китобларнинг муаллифлари аксарият ҳолларда Амир Темур шахсига бир ёқлама ёндашиб, уни золим шоҳ ва шафқатсиз саркарда сифатида тасвирлашган эди.

Соҳибқирон ҳақида ҳақиқатни ёзишга қатъий бел боғлаган олим ўрта асрлар тарихини чуқур ўрганади, нафақат Франция, балки Испания, Португалия ва Англия музейларида сақланаётган қимматли манбаларни излаб топади. Л.Кереннинг кўп йиллик машаққатли изланишлари, меҳнатларининг маҳсули сифатида «Амир Темур салтанати» номли тарихий роман дунёга келади.¹ Тақдир тақозосини қарангки, роман ҳам илк марта 1978 йил Франциядан ташқарида – Швейцариянинг Ньюшатль шаҳрида

¹ Kehren Lucien. Tamerlan. – Neuchatel: Editions de la Baconnière, 1978.

жойлашган «Ла Баконьер» нашриётида чоп этилади. Китоб йигирмадан ортиқ тарихий харита ва суратлар билан безатилган эди. 1980 йил эса у Париждаги «Пайот» нашриёти томонидан нашр этилади (харита ва расмларсиз). Шундан сўнг бу асар бир неча марта қайта нашр қилинади.

Роман Самарқанд тарихи билан бошланиб, Амир Темурнинг дунёга келишидан умрининг охиригача бўлган даврни қамраб олади. Унда Соҳибқирон барпо этган салтанатнинг кейинги тақдирига ҳам алоҳида аҳамият берилган, буюк бобокалонимизнинг Европа қироллари билан ўрнатган муносабатлари ҳақидаги маълумотлар ва Темурийлар шажараси илова қилинган. Мазкур китобнинг қимматли жойи шундаки, унда муаллиф ўзидан илгари Амир Темур ҳақида ёзилган асарларни ҳолисанлилоҳ изоҳлайди, Соҳибқироннинг фаолиятига тарихий нуқтаи назардан тўғри ёндашиб, ул зотнинг башарият олдидаги буюк хизматларига юқори баҳо беради. А. Кереннинг бу романи Францияда турлича баҳоланди. Бироқ бу китобга Франциянинг бўлажак президенти, ўша пайтда Париж шаҳри мэри бўлган Жак Ширак жаноблари берган баҳо диққатга сазовор:

«Мухтарам хоним, турмуш ўртоғингизнинг Амир Темурга бағишлаган китобини менга тақдим этганингиз учун сизга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор қиламан. – деб ёзган эди Жак Ширак Керен хонимга. – Қиёси йўқ қаҳрамонни яна орамизга қайтарган, афсоналар ичра ҳақиқатни тиклаш иштиёқида яратилган бу асарни мен катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим.»

Таниқли давлат ва сиёсат арбоби бўлиш билан бирга Амир Темурнинг ашаддий мухлиси ҳисобланмиш Жак Ширакнинг юқорида келтирилган баҳоси-

дан руҳланган Л.Керен ўз изланишларини давом эттирди ва кўп ўтмай "Амир Темур" номли икки қисм, олти пардадан иборат каттагина (148 машинкаланган саҳифа) пьеса яратди. Пьесадаги воқеалар Амир Темурнинг Самарқандда тахтга ўтириши билан бошланиб, Ўттор қалъаси воқеаларида тугайди.

Пьесанинг ҳар икки қисми уч пардадан иборат. Трагедияда юздан ортиқ персонажлар иштирок этади. Бироқ энг асосий персонажлар Амир Темур, Сарой Мулк хоним, амирлар Нуриддин, Сайфиддин, Жаҳонгир ва Бўка нўён, турк султони Йилдирым Боязиддир.

Пьесанинг биринчи қисми етти саҳнадан иборат. Биринчи пардадаги воқеалар Самарқандда рўй беради. Шаҳарнинг амиру уламолари янги шоҳ сайлаш учун йиғиладилар. Бу лавозимга уч номзод бор, булар амир Муса, амир Ҳусайн ва амир Темурдир. Мажлис аҳли анъаналарга биноан уларнинг орасидан тахтга энг муносибини танлайди – бу Амир Темур.

Трагедиянинг беш саҳнадан иборат иккинчи пардасида воқеалар Эронда рўй беради. Пьесанинг тўрт саҳнадан иборат бўлган учинчи пардасида Исфохон фожиаси ҳақида ҳикоя қилинади, кейинги воқеалар «Сибирдаги Олтин Ўрда ўлкасида» давом этади.

Асарнинг иккинчи қисмини бошлаб берган тўртинчи парда ҳажман катта бўлиб, етти саҳнадан иборат. Мазкур пардадаги воқеалар Самарқанд ва Ҳиндистонда бўлиб ўтади. Унинг биринчи саҳнасида музаффар Мовароуннаҳр лашкарларининг Тўхтамишхонга қарши қурашдан сўнг Самарқандга қайтиши, Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши ва яна ватани пойтахтига қайтиб келиши тасвирланади.

Пьесанинг бешинчи пардаси воқеалари Самарқандда ва, асосан, Туркияда бўлиб ўтади.

Соҳибқирон билан Йилдирим Боязид ўртасидаги муносабат асарнинг бош зиддияти, Мовароуннаҳр қўшинлари билан усмонли турклар ўртасидаги муҳораба пьесадаги асосий қуроли тўқнашув бўлганлиги сабабли, мазкур парда саккиз сахнадан иборат.

Асарнинг олти сахнадан иборат олтинчи пардаси воқеалари Самарқандда, Хитой чегараси яқинида ва Ўтрор қалъасида рўй беради.

Пьесада Амир Темур адолатпеша ҳукмдор, садоқатли дўст ва вафодор ёр бўлиш билан бирга чуқур билимлар соҳиби, фан ва маданият раҳнамоси сифатида тасвирланади. Амир Темур Эрон шоҳи Шожа билан дўстона суҳбатлашади, бироқ шоҳнинг ўғли Мансур Соҳибқироннинг дўсти Сулаймонни ўлдирди. Шундан сўнггина Амир Темур Исфохонга юриш бошлайди, мовароуннаҳрлик аскарларни ўлдирган шаҳарга ўт қўяди.

Амир Темур турк султони Боязид билан тинчликда яшашни, дўст тутинишни хоҳлайди. Бироқ Боязид бунга қарши. Соҳибқирон унинг ҳузурига ўз элчиси билан мактуб юборади. Мактубда шундай ёзилган: «Боязид, сенким жасоратларинг учун Йилдирим деб аталмиш полвоң, фақатгина бир мактанчоқ ва ёлгончи туркдурсен. Сен Бағдод султони ва Миср ҳамда Сурия султони билан биргаликда менга қарши фитна тузибсен. Сен ўзингни Худонинг танлагани ва туркларнинг ягона шоҳи деб эълон қилибдурсен, зотан сен бир мактанчоқ ва телбадурсен. Билким, сенинг иттифоқдошларинг тарқаб кетишди, аларнинг қўшинлари қочди ва мен Ҳалаф, Дамашқ ва Бағдодни қўлга киритдим. Агар сен ўз ҳаётингни, салтанатинг ва молу мулкингни сақлаб қолишни истасанг, мени ўз хокиминг деб

тан ол, менинг вассалларим ва дўстларим бўлмиш туркман шахзодаларини азобга солишингни бас қил. Агар таклифимни рад этсанг, менким Темур, худонинг тўкмоғи, салтанатингни забт этурмен ва ўзингни йўқ қилурмен.»

Элчига Боязиднинг жавоби:

«Мактубидан жаханнам иси келиб турган сенинг хўжанг бор йўғи эски молбоқар эрур ва унинг гапларидан отхона хиди анқимоқда. Унга бориб айт, мен унинг таклифини рад этурмен ва чақиригини қабул қилурмен. Мен курраи заминдаги барча туркларнинг бегидурмен, у бўлса бир ёввойи, қийшиқ оёқ чўлоқ ва камбағаллар қотилидир. Агар у менинг юртимга юриш қилишга журъат этадиган бўлса, мен уни махв этамен ва унинг кўз ўнгида хотини Сарой Мулк билан ишрат қилурмен, сўнг ўзини ўлгунича савалатурмен. Бор, гапларимни Темурга етказ ва тезроқ кўзимдан йўқол!»

Хамманинг олдида элчини ва унинг ҳукмдори Амир Темурни таҳқирлаган Боязид ўғли Сулаймон Челеби билан якка қолганида унга Амир Темурни мақтайди: «Ўғлим, Темур мохир саркарда, айёрлик ва донишмандлик борасида уста. Мен ҳам айёрлик ва донишмандликни ундан ўрганишим зарур. Ҳақиқий турклар ҳар бир ишни охиригача етказди.» (таъкидлар бизники – Б.Э.).

Анқара жангида Амир Темур зафар кучади, уни қафасга солмоқчи бўлган Боязиднинг ўзини қафасга солади. Шу ерда Амир Темур билан Боязид ўртасида суҳбат бўлиб ўтади:

«Боязид: Мени ҳақоратлашга журъат этдинг, мен сендан нафратланаман, эй мўғул; сен ва сенинг авлодларинг Худонинг қаҳрига учрагай. *(Темур кулади)* Сен менинг огир қисматимдан кулаяпсен, бироқ шуни унутмаки, ҳар кимга бойлик ва давлатни Худо-

нинг ўзи беради, у бугун сенга инъом этган нарсасини эртага ўзи қайтариб олиши мумкин.

Темур: Гапларинг рост, бироқ мен сенинг аччиқ қисматингдан кулаётганим йўқ; аммо бир ғалати ҳолни кўриб ўзимни кулгидан тўхтата олмаяпман: қара, Худо икки салтанатнинг тахтини сендек бир кўрга ва мендек бир чўлоққа раво кўрса-я! Мен сенга сулҳ таклиф қилган эдим, аммо сен ҳақорат билан жавоб бердинг. Манманлигинг ўзингнинг бошингга етди, Боязид.

Боязид: Асло! Мендан асло миннатдорлик эшитмайсен! Усманий олий зотнинг фарзанди ҳеч қачон мўғул подачаси қаршисида тиз чўкмайди. Юзингга айтишим мумкин: сен золимсен, фирибгарсен, конхўр жаллодсен! Ох, ақлдан оздим шекилли! Қаерданман ўзи? Нима қиляпмен?

Боязид алаҳсирай бошлайди: «Ох, ох! Мен Византия тахтига кўтарилурмен ва Римдаги Авлиё Пётр черковининг меҳробида саманимга ем берурмен. Ва шу сассиқ хайвонлар лашқарини енгиб, Шероз ва Самарқандга мағрур кириб борурмен. Олға, янучарлар мен билан юринг, сипоҳийлар менинг ортимдан! (Боязид қаттиқроқ талпина бошлайди) (таъкид бизники – Б.Э.).

Шу билан бирга, мазкур асар айрим камчиликлардан холи эмас. Композицион тузилиши жиҳатидан пьеса саҳналаштириш учун жуда оғир. Ундаги ҳар пардадаги саҳналар воқеалари (1-пардадан ташқари) турли жойларда рўй беради. Л.Кереннинг мазкур трагедиясига К.Марлонинг «Буюк Амир Темур»ининг таъсири кучли. Европа драматургияси хусусиятларидан келиб чиқиб, муаллиф Шарқ ҳаётини бирмунча романтиклаштириб кўрсатади, айрим ўринларда Амир Темур ҳақида Европада тарқалган афсоналардан фойдаланади.

Жумладан, пьесанинг биринчи пардасида Амир Темурнинг Самарқанд тахтига ўтириши ҳақида гап боради. Унинг бешинчи саҳнасида Самарқанд қози ва уламолари тахт эгасини сайлайди. Амир Ҳусайн тахтга интилади, сайловда ўзини қўллайдиган иттифоқчилар топишга ҳаракат қилади. Пьесанинг тўртинчи саҳнасидаги амир Ҳусайн билан амир Муса ўртасидаги суҳбатда Ҳусайн суҳбатдошига қуйидаги сўзларни айтади:

«Ҳусайн: Темурнинг отаси эса ўз уруғи бойлигини дарвишларга бўлиб берган нодон, холос. Шунинг учун ҳам Темур қўй ўғирлаб кун кўрган. Нахот Самарқанд амирлари мол ўғрисини тахтга кўтаришса?

Муса: Темур мол ўғриси дейсанми? Бу гапингга ишонмайман.

Ҳусайн: Шубҳа қилмасанг ҳам бўлаверади, буни ҳамма билади...» (таъкидлар бизники – Б.Э.).

Соҳибқирон бирон шаҳарни қамал қилганида унинг қаршисида биринчи кун оқ чодир, иккинчи кун қизил чодир, учинчи кун эса қора чодир тикиши ҳақидаги (2-парда, биринчи ва тўртинчи саҳналар) ривоят ҳам шундай унсурлардан биридир. Иккинчи парда, биринчи саҳна. Эрон чегараси қаршисида тикилган чодирда Амир Темур ва Сарой Мулкхоним ўтиришибди. Чодирга амир Нуриддин ва Жаҳонгир киришиб, Мовароуннаҳр лашкарлари жангга шай эканликларини билдиришади. Шунда Жаҳонгир қуйидаги сўзларни айтади. Аслиятда:

«J'ai envoyé dans toute la Perse des hommes proclamer que ton étendard blanc signifiait que tu épargnerais ceux qui se rendraient sans retard, mais que ton étendard rouge annonçait que ton pardon ne serait accordé qu'après de cruels chatiments et des têtes coupées. Je leur ai fait crier sur toutes places publiques

que l'étendard noir de Timour serait la mort et l'incendie pour tous les rebelles et leurs cités.»

«Мен бутун Эронга одамлар жўнатдим, улар сенинг оқ туғинг қаршилик кўрсатмаганларга меҳрингдан, қизил туғинг қаршилик кўрсатганларни қаттиқ жазолаб, кейин раҳм-шафқат қилишингдан дарак беришини эълон қилишади. Улар барча майдонларда Темурнинг қора туғи исёнкорлар учун ўлим ва уларнинг шаҳарлари учун жаҳаннам оловини билдиришини маълум қилишади.»

Ёки иккинчи парда тўртинчи сахна. Қамалга олинган Исфaxon қаршисида Амир Темур билан хирож йиғишга жўнатилган ўғли шаҳарликлар томонидан қатл этилган кекса амир Али шайхнинг суҳбати. Аслиятда:

«**Ali Shaïk:** Je réclame l'honneur d'aller planter l'étendard noir devant la grande porte d'Ispahan.

Timour: Je te comprends, tu planteras l'étendard noir. Soleyman, tu enverras des officiers planter des étendards rouges devant les autres villes. Malheur à elles si elles ne comprennent pas le cri de colère divine.»¹

Таржимаси:

«**Али Шайх:** Исфaxon дарвозаси олдига сенинг қора туғингни тикиш шарафини менга берасен.

Темур: Дардингни тушунамен, туғни сен тикасен. Сулаймон, сен зобитларни бошқа шаҳарлар дарвозалари олдига қизил туғларни тикишга юборасен. Агар Худонинг қаҳрини тушунишмаса, ўзларидан кўришсин.»

Маҳв этилган Боязид Йилдиримнинг қафасда сақланиши (5-парда, саккизинчи сахна) Соҳибқирон ҳузурига ташриф буюрган европалик элчиларнинг ақлини лол қилади, улар ўз кўзларига ишонмайди-

¹ Kehren Lucien. Tamerlan Pièce en 6 actes (deux. parties). – P. 45.

лар, Франция, Кастилия, Венеция ва Трабзон элчилари Буюк Турк устидан зафар қозонган Амир Темурга ўз ҳукмдорларининг олқиш ва табрикларини етказадилар.

Аслиятда:

Ambassadeur de France: *Grâces et felicitations de mon maître, Charles VI roi de France, à Timour, roi de Samarkand et notre protecteur contre le Grand Turc. (subitement l'ambassadeur voit Bajazet dans sa cage et il fait un bond en arrière).*

Франция элчиси: Менинг хўжам франклар қироли Карл VI Буюк Турқдан бизни ҳалос этган Самарқанд шоҳи Темурга табрик ва қутловлар йўллайди! (*кутилмаганда элчи қафасдаги Боязидни кўриб қолади ва кескин ортига тисарилади*)».

Драматург мазкур саҳнада мағлуб бўлган Боязиднинг тилла қафасга солинган саҳнасини келтириб, Европа ва айрим Шарқ мамлакатларида тарқалган тўқима ҳикоят ва ривоятларга содиқ қолади. Бироқ Амир Темурнинг бу ишни атайлаб, ёвузлик ёхуд ваҳшийлик юзасидан эмас, балки мажбуран шундай қилганини кейинги диалогларда уқтиришга ҳаракат қилади.

Эътибор беринг:

«**Timour:** Ne craignez plus le Grand Turc, je l'ai mis dans cette cage.

Ambassadeur de France: Jésus Marie ! Bajazet La Foudre dans cette cage! Par quel enchantement?

Timour : Sans aucun sortilège si c'est ce que tu veux dire. J'ai vaincu les Turcs et j'ai enfermé leur Sultan dans cette cage, que j'ai trouvée dans sa propre voilière, car il est devenu fou.»

Таржимаси:

«**Темур:** Буюк Турқдан энди қўрқмангиз, мен уни мана шу қафасга жойладим.

Франция элчиси: Йилдирим Боязид қафасда!
Бу қандай мўъжиза!

Темур: Бунинг ҳеч бир ажабланарли ери йўқ.
Мен туркларни маҳв этиб, ударнинг Султонини ўзининг қушхонасидан топилган мана шу қафасга солдирдим, холос, зеро у ақлдан озиб қолган эди.

Боязид: Боязид! Демак мен Боязидмен, омадсиз Боязид, бир кунда лашкарию салтанатидан айрилган бечора Боязид!

(Боязид қафас ичида айланиб, панжараларни тепа бошлайди.)

Темур: Жаноб элчилар! Унинг ақлдан озганига ўзингиз ишонч ҳосил қилингиз.» (таъкидлар бизники – Б.Э.).

Кўриниб турибдики, асар моҳиятига кўра Улуғ Амирнинг Боязид ақлдан озганлиги учун уни қафасга солдиришдан ўзга чораси қолмаган. Боязиднинг ўзини тутиши ҳам (Боязид қафас ичида айланиб, панжараларни тепа бошлайди) фикримизга далил бўла олади. Бунга элчиларнинг ўзлари ҳам шохид бўлишади.

Соҳибқирон ўзининг Самарқандга қайтишини маълум қилади, Боязидни элчиларга топшириб, уни даволаш кераклигини уқтиради:

«Je vous ai dit que j'allais repartir. Vous surveillerez Bajazet et vous le ferez soigner par vos médecine.»¹

«—Сизга айтганимдек мен Самарқандга қайтишга ҳозирлик кўрмоқдамен. Боязидни сизларга қолдирамен, табибларингизга уни даволаттиринг.»

Бироқ Амир Темур ўз сўзини тугатмасидан Боязид оламдан ўтади. Соҳибқирон элчилар билан хайрлашади ва қафасдаги Султон қаршисида ёлғиз қолади:

Timour : La fin de mon grand ennemi me laisse un

¹ Kehren Lucien. Tamerlan Pièce en 6 actes (deux parties). – P.126.

gout d'amertume. Je crois que le bras de Dieu se fatigue de manier son fléau sur terre. On ne peut échapper à ses chagrins, on ne peut courir plus vite que son remord.

– Буюк рақибимнинг ўлими дилимга қайғу солди. Назаримда, Ер юзи узра адолат тарозисини кўтариб турган Худонинг қўллари толиқаётганга ўхшайди. Инсон ўз қисматидан қочиб қутила олмайди, доимо кечикиб тавба-тазарру қилади.»

Шундан сўнг Соҳибқирон жанговар дўсти амир Нуриддинни чақириб, унга қуйидагича топшириқ беради:

«Nous retournons à Samarkand, Nouriddin. Mais avant, fait préparer des funérailles pour Bajazet, comme on le fait chez nous pour honorer les héros.»¹

«– Нуриддин, биз Самарқандга қайтамыз. Аммо олдин Боязидни дафн қилишни ўйла, юртимизда ботирларни қандай дафн этсак, унга ҳам шундай иззат-хурмат кўрсатмоғимиз лозим.»

Трагедиянинг сўнгги пардасида воқеалар Самарқанд ва Ўтторда рўй беради. Самарқандда Амир Темурнинг Хитойга юриш ниятидан воқиф бўлган Сарой Мулк хоним уни бу йўлдан қайтаришга уринади:

«Сарой Мулк: Азизим, ҳар инсон ҳаётининг баҳори бор, кузи бор, шу жумладан шоху маликаларнинг ҳам. Қариллик гаштини сурадиган пайт келди, мен эса сенинг ёнингдамен; амалга оширган ишларингга назар сол ва ғурурлан: қандай гўзал саройларинг, битмас-туганмас бойликларинг, сўлим боғларинг ва амрингга мунтазир ўлкаларинг бор! Сен бутун ер юзини забт этдинг, Темур.»

Бироқ Соҳибқирон ўз ниятидан қайтмайди. Шунда Сарой Мулк хоним эрини ўз тушидан воқиф

¹ Kehren Lucien. Tamerlan Pièce en 6 actes (deux. parties). – P.127.

қилади: «Афсус! Ташвишларим ўринли экан. Тунда туш кўриб эдим. Тушимда қор босган бепоён ўлканинг қоқ ўртасидаги қимсасиз бир шаҳарда юрган эмишмен, чўлдан эса қимнингдир қичқириклари эшитилармиш – тушим шу ерда тамом бўлди!» (таъкидлар бизники – Б.Э.)

Сарой Мулк хонимнинг бу туши рўёбга чиқади. Хитойга йўл солган Мовароуннахр лашкарлари Ўтрорда тўхтайдилар. Шу ерда Амир Темурнинг аҳволи оғирлашади. Амир Темурни худосиз деб таърифлаган Уйғониш (Ренессанс) ва ундан кейинги даврлар Ғарбий Европа адибларининг фикрларига қарши ўлароқ, бу ерда Тангри такрор ва такрор тилга олинади:

«Темур: Мен Аллоҳнинг тўқмоғи эдим, унга хизмат қилдим!»

Ёки:

«Қудратингдан ўргилай Худо! Қисматим битди!»¹ (таъкидлар бизники)

Амир Темур Ўтрорда оламдан ўтади.

Пьеса мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Париждаги «Шан з'Элизэ Комедияси» театри «Иль де Франс» актёрлар уюшмаси билан ҳамкорликда бу асарни саҳналаштириш устида ишлай бошлади. Спектакль безакларини Фэрнан Пуййон, костюмларини Ж.Ш. де Кастел Бажак тайёрлар, чироқ бўйича масъул этиб Робер Хосейн тайинланган эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, пьеса ҳажман катта бўлганлиги сабабли режиссёр Клод Бегнэр ҳамда уюшма раҳбари Жан-Пол Зенакэр бошчилигида иш олиб бораётган актёрлар спектакль эълон қилинган сана – 1985 йил мартигача уни саҳналаштириб улгуриша

¹ ўша жойда, Р. 144.

олмайди. Спектакль ўйналмай қолиб кетади. Орандан бир йил ўтгач, ижодий гуруҳ мазкур спектаклни Канаданинг Монреаль шаҳри театрида қўйиш учун таклифнома олади, иш уммон ортида давом этади. Театрда бир ой давомида репетиция қилинади, спектакль учун махсус мусиқа ҳам ёзилади.¹ Бироқ премьерадан олдин актёрлар уюшмаси раҳбари Ж.-П.Зенакэр маош учун мўлжалланган ўша даврдаги катта пул – 50.000 француз франкини олиб, ғойиб бўлади. Бундан ғазабланган актёрлар спектаклда ўйнашдан бош тортишади. Шу-шу пьеса саҳналаштирилмаган, фирибгар режиссёр ҳам қайтиб кўринмаган (Л.Керен).

Л.Кереннинг «Амир Темур» трагедияси ниҳоят Ўзбекистонда, қисман бўлса-да, саҳналаштирилди. «2007 йил сентябрь ойида Самарқанддаги Ҳамид Олимжон номидаги драма театрида таниқли режиссёр Олимжон Салимов ва Искандар Султонов А.Ориповнинг «Соҳибқирон», Л.Кереннинг «Буюк Темур», М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» ва Х.Давроннинг «Самарқанд ҳаёли» асарлари асосида саҳналаштирган «Буюк Темур» спектакли премьераси бўлди. Асосий ролларни Баҳрилло Раҳимов, Меҳри Ҳақимова, Бахтиёр Раҳимов, Фарид Расулов ижро этмоқдалар.»²

Люсьен Керен Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти устидаги изланишларини давом эттирган. Заҳматкаш олим илмий изланишларини катта жамоатчилик фаолиятига қўшиб олиб борди. Жумладан у Франциядаги «Темурийлар маданияти ва тарихини

¹ 1995 йил октябр ойида Л.Керен мазкур мусиқа битилган магнитофон тасмасининг бир нусхасини режиссёр Баҳодир Йўлдошевга тўхфа қилган.

² Маданий ҳаёт / «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталици, 2007 йил 7-декабрь.

ўрганиш ҳамда, француз-ўзбек маданий алоқалари» ассоциациясини ташкил этди ва узоқ вақт унинг президенти бўлди. Бу ассоциация ўз соҳаси бўйича дунёда ягона бўлиб, нафақат Амир Темур ва темурийларнинг фан, маданият ва санъатнинг равнақиға қўшган ҳиссасини тарғиб қилиш, балки француз-ўзбек маданий алоқаларини ривожлантириш, дўстликни мустаҳкамлашга ҳам катта ҳисса қўшди.

Люсьен Керен 1996 йил Ўзбекистон Республикасининг «Шухрат» медали билан тақдирланди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 1996 йил Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўрғазмасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқини шу хушхабарни маълум қилиш билан якунлади: «Бугун мен ҳам қувончли пайтдан фойдаланиб, Франциянинг таниқли олими, профессор Люсьен Керен Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, темурийлар даврининг бой маънавий қадриятларини кўп йиллар давомида самарали илмий тадқиқ этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари маданиятининг яқинлашиши ва ҳамжиҳатлиги ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти – «Шухрат» медали билан тақдирланганини маълум қилмоқчиман.»¹

Люсьен Керен 2013 йил дунёдан кўз юмди.

¹ Каримов И.А. ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши» кўрғазмасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқ, 1996 йил 24 апрель, Париж/Каримов И. Амир Темур ҳақида сўз. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.22.

ХУЛОСАЛАР

Амир Темур ҳақидаги илк ёзма манбалар Ғарбий Европада унинг тириклик пайтидаёқ пайдо бўлган (1403). Уларнинг энг биринчиси буюк аждодимиз Европа (Франция ва Англия)га йўллаган элчиси ҳозирги Туркияда жойлашган Султония шахрининг архиепископи Жан (Иоан) қаламига мансуб «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» асаридир. Ғарбий Европада Амир Темур ҳақидаги илк асарларнинг муаллифлари Соҳибқироннинг замондошлари, уни яқин-йироқдан билган одамлардир. Уларнинг барчаси буюк саркарда ва давлат бошлиғи Амир Темур ҳақида энг ижобий фикрларни билдирганлар. Ғарбий Европа ҳарбийлари Амир Темурнинг саркардалик маҳоратига, унинг қўшинига, қўшиндаги тартиб-интизомга юксак баҳо берганлар, Соҳибқиронни инсоният тарихидаги энг моҳир саркарда деб баҳолаганлар. Бунга улар ёзиб қолдирган асарлар гувоҳ бўлади.

Ғарбий Европада Амир Темур ҳақидаги дастлабки асарлар лотин тилида битилган бўлиб, муаллифларнинг асосий эътибори Соҳибқиронга, унинг саркардалик маҳоратига, Мовароуннаҳр лашкарларига, улардаги тартиб-интизомга қаратилган. Номаларда Амир Темур илми нужум, геометрия, магия (афсунгарлик) ва бошқа фанлардан яхши хабардор, кўп тилларни билувчи доно ва оқил инсон сифатида тасвирланади. Асарларда кўплаб араб ва форс тилларидаги сўзлар қўлланилганлиги муаллифлар Амир Темур ҳақидаги Шарқ манбаларидан унумли фойдаланганлигидан далолат беради.

Лотин тили ҳукмрон бўлган ва миллий тиллар-

даги адабиётлар шаклланаётган бир пайтда Ғарбий Европа мамлакатларида Амир Темур ҳақида миллий тилларда ёзилган асарлар пайдо бўлди. Илк ёзма манбаларда акс эттирилган Амир Темур сиймоси ундан кейинги муаллифларнинг асарлари учун асосий мезон бўлди, XV асрнинг биринчи ўн йилликларидан бошлаб Ғарбий Европа тамойилига айланди. Уйғониш даври маданиятида Амир Темур жасур ва мард инсон, кейинчалик эса тенги йўқ шахс тимсолига айланиб, Ғарбий Европа адабиёти равақида алоҳида ўрин эгаллади.

Амир Темур Ғарбий Европанинг Ренессанс маданий анъаналарида алоҳида ўрин эгаллайди. Уйғониш давридан бу фигура Ғарбий Европа маданий ва адабий ҳаётининг муҳим таркибий қисмига айланди. Усмонли туркларнинг Анқара жангида Мовароуннаҳр лашкарлари томонидан маҳв этилиши Европа маданиятида улкан қизиқиш уйғотди. Бевоқифа ушбу жангдан сўнг битилган номалар ва бадиий асарларда Мовароуннаҳр ҳукмдорининг қудрати мадҳ этилади. Уларда Соҳибқирон Европа умрини узайтиргани таъкидланади. Амир Темурнинг ҳалоскор сиймоси XV аср Ғарбий Европа тасвирий санъатида ҳам ўз ифодасини топди: Соҳибқирон унда *Uomo famosi* – «машҳур инсон» сифатида намоён бўлди. Бу алоҳида диққатга сазовор, зеро у илк бора тасвирий санъатда ўз ифодасини топиб, кейинчалик мозийшунослик ва бадиий адабиётга кириб келган бундай ўхшатиш XV асрдаёқ пайдо бўлганидан дарак беради.

Ғарбий Европа мамлакатларида Амир Темур ҳақида пайдо бўлган илк асарлар (хотиралар, саёҳат кундаликлари) тарихий, ҳаётий воқеалар тасвири билан бир қаторда Соҳибқирон ҳақидаги афсона ва ривоятларга ҳам бой. Шу ривоятлар кейинги

асрларда Ғарбий Европа мамлакатлари соф бадий адабиётига Амир Темур сиймосининг кириб боришига йўл очиб берди. XVI асрга келиб нафақат мозийшунослар, балки кўплаб адиб ва драматурглар ўз асарларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига мурожаат қилдилар. Айнан XVI асрда Амир Темур тарихига тўғри ёндошишга уринишлар бўлди. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини тасвирлашда кўплаб фантастик унсурлар, тўқима воқеаларни қўллаш ҳам айнан XVI асрдан бошланди. Натижада Европанинг қатор давлатларида ана шундай талқиндаги асарлар пайдо бўлди.

XVI аср Ғарбий Европа адабиётларида Соҳибқирон адолати ва табиати, эътиқодига мутлақо зид равишда унинг шахсига салбий баҳо берилган асарлар ҳам пайдо бўлди. Уларда Амир Темур ҳақидаги афсоналар, маҳв этилган Боязиднинг таҳқирланиши каби тўқима сахналар киритилди. Уларга кўра Амир Темур Боязиднинг белига оёқ қўйиб отга минади, уни хонтахта остида сақлаб, овқатининг қолдиқларини унга худди итга ташлагандек ирғитади, банди этилган султон хотини Амир Темур томонидан таҳқирланади. Боязид ўз жонига суиқасд қилган, деган тухматли фикрлар билдирилади.

Ренессанс адабиётида Амир Темурнинг банди қилинган Боязидни қафасга солгани ҳақидаги ривоят қатор асарларда учрай бошлади. XV асрнинг охирларида пайдо бўлган мазкур мавзу кейинчалик жуда кўп баҳсларга сабаб бўлди. Австриялик машхур олим Ҳаммер-Пургштадт форс ва турк манбаларига, айниқса, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига асосланиб бу афсонанинг ёлғонлигини исботлади. Бироқ Амир Темур томонидан Боязиднинг қафасга солиниши ҳақидаги бу ривоят

қатор тарихий ва драматик асарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди.

XVI асрда Амир Темур ҳақидаги маълумотлар кенгайди ва ҳаққонийлигини йўқотиб бўлса-да, гуманизм билан суғорилган асарларга манба берди. Бу асарларни Ғарбий Европада битилган Амир Темур солномалари ва унга бағишланган бадий асарларнинг аксариятига хос бўлган умумий жиҳатлар бирлаштириб туради. Зикр этилган муштаракликлардан ташқари, европаликлар назарида, энг асосийси, уларда Амир Темурга Худонинг ғазабини амалга оширувчи инсон, ер юзига такаббур ҳукмдорлар-у гуноҳкор бандаларни жазолаш учун юборилган «Худонинг ғазаби», «адолат ҳомийси» деб қараш кенг тарқалди.

Гуманист муаллифлар Амир Темурнинг муваффақиятларини ғоявий ифодалаш йўлида сиёсатшunosлик ва Макиавеллининг «қудрат»ига асосланар эдилар. Натижада, Уйғониш даврида Амир Темур мавзуси «юксак» адабий жанрлар деб ҳисобланган эпопея ва трагедияларга асосий материал бўлиб кирди. Макиавелли назариясига асосланган Амир Темур ҳақидаги энг машҳур пьеса инглиз адиби Кристофер Марлонинг эркин шеър (верлибр)да битилган икки қисмдан иборат «Буюк Амир Темур» тарихий романтик трагедиясидир. «Буюк Амир Темур» трагедиясида Амир Темур образи гуманизм намуналари асосида яратилган. Гуманистик этикада назарда тутилган кўплаб масалалар инсон фаолиятининг маънавий омиллари тобора муҳим ижтимоий вазифа бажараётган бизнинг давримизда янгича маъно ва алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шунинг учун К.Марлонинг «Буюк Амир Темур» трагедияси ҳамон жаҳон театрлари саҳналаридан тушмай келмоқда.

XVII – XIX асрларда Ғарбий Европа драматургиясида Амир Темур образи янги талқин қилина бошланди. Энди Соҳибқирон илгаригидек ёввойи ёхуд ваҳший эмас, балки инсонпарвар сиймо сифатида гавдаланди. Айниқса, салтанат манфаатлари ҳақида ёхуд чуқур инсоний ҳис-туйғулар ҳақида гап кетганда Амир Темурнинг одамийлиги яққолроқ намоён бўла бошлади. Ж.Прадон ва Н.Роунинг асарларида илк бор пайдо бўлган бу мотив кейинги асрларда Ғарбий Европа адабиётларига Амир Темурнинг тўлақонли сиймосини олиб чиқишда муҳим омиллардан бири бўлди.

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг французча таржимаси (1722) дунё юзини кўриши биланоқ Амир Темур сиймоси шарқона олқишларнинг типик намунаси деб топилди, шу йўсинда талқин қилина бошлади. Амир Темур шахсига муносабатларнинг бу тарзда ўзгариши, бир томондан, олдинги талқинлар билан янги талқинлар ўртасида ўтган вақтнинг тобора узайиб бораётгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, янги талқинларда афсонавий қаҳрамон янги мафкура нуқтаи назардан баҳоланарди. Амир Темур сиймосига бу сифат янги ёндашишнинг ёрқин намуналарини Ж.Прадон, Н.Роу, Вольтер, Э.Гиббон, Л.Вайн, В.Дейли каби адибларнинг асарларида учратиш мумкин.

XVII – XIX асрлар Ғарбий Европа адиблари ва санъаткорларини тарихий воқеалар эмас, мураккаб характерга эга бўлган икки саркарданинг тўқнашуви кўпроқ қизиқтирар эди. Уйғониш даври трагедиясидаги қаттиққўл ва Макиавелли тасвирига мос саркарда Амир Темур энди ҳаёт ва ўлим, зиддиятлар келтириб чиқарувчи муҳаббат ва садоқат ҳикоя қилинадиган жанговар қаҳрамонлик тўқнашувларида

асосий ролни ўйновчи янги Амир Темурга айланган эди. Сиёсий ва тарихий воқеаларга экзотика сифатида қаралар, улар спектаклларни бойитиш учун ишлатиларди, холос.

XVIII аср охиридан бошлаб илгарилари жуда таъсирчан бўлган Амир Темур сиймоси яна бир бор қизиқ адабий йўналишга тушиб қолди, тахтдан ажралган хукмдор, ўтмишдаги қаҳрамоннинг соясига, оддийгина итоаткор персонажга айланди. Бу Карло Гоццининг илк бор Венецияда 1761 йил қўйилган «*Турандот*» – «театр учун ёзилган беш актли трагикомик афсона»сидан бошланди. Гоцци «иложсиз воқеалар асосига қурилган» ва «на мафтункор, на ўзгариши бор маънисиз тарих» деб баҳолаган бу асар мелодрама ва экзотик спектакл омухтаси эди.

Амир Темур сиймоси XIX аср Ғарбий Европа шеърятига ҳам кириб борди. Амир Темурнинг болалиги, улғайиши, уйланиши ва рафиқаси ҳамда сарҳад билмас имкониятлари ҳақида шеърый асарлар яратилди. XVIII аср Ғарбий Европа драматургиясида, хусусан, операсида, Амир Темур инсонпарвар сиймо сифатида тасвирлана бошлагач, саҳнада тобора кам кўриниб, ўрнини рақиби Боязидга бўшатиб бера бошлади. XIX асрда Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётларида Амир Темур мавзуида янги салмоқли асарлар яратилмаганини даврлар, мафкуралар ўзгариши, унга бўлган қизиқиш вақтинчалик пасайгани билан изоҳлаш мумкиндир.

Инсоният ўзининг жадал тараққиёти давомида нафақат маълум тарихий босқичларни бошидан кечиради, балки, шу билан бирга, ижтимоий тафаккурнинг аниқ даражаларини ҳам белгилайди. Шу маънода, XX аср башариятнинг ҳаётида ҳам, тафаккурида ҳам турли босқичлар рўй берди.

Маълум бир давр ва маълум кишилар ҳақидаги тарихий ёки бадиий асарлар осмондан тушиб қолмайди. Уларни якка муаллиф ёки муаллифлар гуруҳи яратади, хоҳлайдиларми, йўқми тасвирланаётган тарихий воқеа ёки шахсга маълум бир мафкура нуқтаи назаридан ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашадилар.

Бунда санъаткорнинг оламини бадиий тасвирлаш ҳуқуқи кучга киради, натижада бадиий қаҳрамон тарихий шахсда мавжуд бўлмаган хислатларга ҳам эга бўлади ёки уларни йўқотади. Бошқа тарихий қаҳрамонлар қатори Амир Темур сиймоси ҳам бундан мустасно эмас, зеро ҳар бир миллий адабиёт унинг образини ўз мафкуравий ва маданий мақсадларига мос тарзда яратади. XX асрда буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида хорижда, шу жумладан, Ғарбий Европада яратилган тарихий-бадиий асарларда ҳам Соҳибқирон образи турлича талқин қилинади. Айрим муаллифлар унга очик рақибона муносабатда бўлса, айримлари унинг тарих майдонидаги адолати, ижобий томонларини кўрадилар, қолганлар эса икки ўт орасида қоладилар, холис ёндашадилар. XX асрда Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётларида Амир Темурнинг турли сиймолари яратилган. Ҳар бир адиб унинг образини ўз мақсади, дунёқараши нуқтаи назаридан талқин қилган. Шундай экан, хоҳлаймизми йўқми улардан қандай ёзишни талаб қилолмаймиз. Бироқ Амир Темур ҳақидаги ҳаққоний тарихий маълумотлар билан дунё, хусусан ғарб олимлари ва ёзувчиларини кенгроқ таништириб бориш, бу борада хорижий тилларда муҳим адабиётлар чоп этиш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолаверади.

XX асрда Ғарбий Европа мамлакатларида Амир

Темур ҳақида юздан ортиқ асарлар яратилган. Улар тарихий, тарихий-бадий, илмий, илмий-оммабоп жанрлардаги йирик асарлар, солномалар, бадий асарлардан иборат. Ғарбий Европа тарихчилигида яққол кўзга ташланадиган муҳим жиҳатлардан бири илмийлик ўзанида бадийликнинг ҳам мавжудлигидир.



АДАБИЁТЛАР:

Ўзбек ва рус тилларида

1. Абдурахимов Максуд. Бирюзовый перстень Темура: Восточные новеллы. – Т.: Укитувчи, 1997. – 88 с.
2. Абдуллатипов Р.А. Дагестан в творчестве Романа Фатуева. Дисс. канд. филол. наук. – Махачкала, 2008. – 167 с.
3. Абдунабиев Қилич. Амир Темур, Йилдирим Бойазид ва Масхара: Драмалар. – Қарши: Насаф, 2006. – 158 б.
4. Абиджанова Д.С. Маверауннахр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60-90-х годов XX в. Автореф. дис. канд. ист. наук. – Т., 2001. – 26 с.
5. Азимов Э. Амир Темур салтанати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 87 б.
6. Али Мухаммад. Амир Темур чамани. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2006. – 215 б.
7. Али Мухаммад. Амир Темур солномаси – Amir Temur solnomasi. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – 52 б.
8. Али Яздий Шарафуддин. Зафарнома. – Т.: Шарқ, 1997. – 382 б.
9. Амир Темур буюк давлат арбоби (илмий-назарий конференция материаллари. 1995 йил 24 ноябрь). – Т., 1995. – 58 б.
10. Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ, 1996. – 296 б.
11. Амир Темур в мировой истории: монография. – 2-е изд., испр. и доп. – Т.: Шарқ, 2002. – 300 с.
12. Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни мавзуида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган Республика миқёсидаги илмий-назарий конференцияда қилинган маърузалар. – Т.: Фан, 1996. – 86 б.
13. «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуидаги халқаро конференция тезислари. 1996 йил 23–26 октябрь, Тошкент. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 124 б.
14. Амир Темур: Шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон

Амир Темур Ғарбий Европа адиблари нигоҳида

- учун аҳамияти – Амир Темур: оценка его личности современниками, значение его деятельности для независимого Узбекистана – Amir Temur: Seine zeitgeschichtlichebeurteilung, seinebedeutungfurUsbekistah auf demwege der nationalen selbstfindung: материалы временных коллективов/ Конференция ҳақида ҳисобот. Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум материаллари (Самарқанд, 1996 йил, 27-29 сентябрь); Самарқанд шаҳри ҳокимияти, Конрад Аденауэр фонди. – Т., 1997. – 163 б.
15. Амир Темур сабоқлари: «Амир Темур ва инсон манфаатлари» мавзуида ўтказилган халқаро илмий конференция материаллари (Тошкент, 1997 йил). – Т.: Шарқ, 1998. – 64 б.
 16. Амир Темур сабоқлари: «Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси» (Тошкент, 1998,). Халқаро илмий конференция материаллари. – Т.: Ғ. Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – 104 б.
 17. Амир Темур сабоқлари: 1999 йил 23 декабрда ўтказилган «Амир Темур ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги буюк хизматлари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Шарқ, 2001. – 64 б.
 18. «Амир Темурнинг миллий давлатчилик сиёсати: тарих ва ҳозирги замон» мавзуидаги Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган илмий конференция материаллари. – Т.: Фан, 2006. – 308 б.
 19. «Амир Темур маърифатли инсон, адолатли давлат арбоби, тadbиркор саркарда» мавзудаги Республика миқёсидаги илмий-назарий конференцияда қилинган маърузалар. – Т.: Фан, 1993. – 56 б.
 20. Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 312 б.
 21. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 208 б.
 22. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Мақолалар тўплами. – Т.: Ғафур Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 88 б.
 23. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида: Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406)/Клавихо Руи Гонсалес де. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар /Султония

- архиепископи Иоанн. – Т.: Гафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 208 б.
24. Аҳмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. – М., 1965.
 25. Аҳмедов Бурибай и др. Амир Темур: Жизнь и общественно-политическая деятельность. – Т.: Университет, 1999. – 264 с.
 26. Аҳмедов Бўрибой. Амир Темур. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 640 б.
 27. Аҳмедов Бўрибой. Амир Темурни ёд этиб. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 367 б.
 28. Аҳмедов Бўрибой. Амир Темур ҳақида ҳикоялар. – Т.: Ёзувчи, 1998. – 95 б.
 29. Аҳмедов Нарзулла. Амир Темур. Ривоят ва ҳақиқат. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – 95 б.
 30. Бердимуродов Амридин. Ғўри Амир мақбараси: илмий-оммабоп рисола. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. – 77 б.
 31. Березиков Евгений. Великий Тимур. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 335 с.
 32. Боймуродов Назрулло. Соҳибқирон Амир Темурнинг руҳий олами. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 62 б.
 33. Бородин Сергей. Самарқанд осмонида юлдузлар: трилогия/ С. Бородин. – Т.: Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, 1956. 1-китоб: Темурланг. – 1956. – 501 с.
 34. Буюк сиймолар, алломалар. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. 2-китоб: Марказий Осиёдаги машҳур мутафаккир ва донишмандлар. – 1996. – 119 б.
 35. Бўриев Олимхон. Амир Темур. – Т.: Чўлпон, 1996. – 415 б.
 36. Бўриев Омонullo. Соҳибқирон Амир Темур. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 109 б.
 37. Вамбери Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Гафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 93 б.
 38. Гёте И.В. Ғарбу Шарқ девони. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 163 б.
 39. Гёте И.В. Фауст. Лирика. – М.: Художественная литература, 1986. – 767 с.
 40. Дадабоев Ҳамидулла. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 96 б.
 41. Зиёев Ҳамид. Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири. – Т.: Маънавият, 2008. – 134 б.

42. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 1-китоб, 2-китоб. – Т.: Меҳнат, 1992.
43. Ибятгов Ф.М. Тохтамыш и Тимур. Дисс. канд. ист. наук. – Владикавказ, 2002. – 226 с.
44. Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. – Т.: Фан, 1994. – 238 б.
45. Исмоил Ака. Буюк Темур давлати. – Т.: Чўлпон, 1996. – 158 б.
46. ИФЕАК. Центральная Азия глазами одного французского эрудита XVII века. – Т., 2003. – 111 с.
47. Каримов М.М. Из истории международных связей и дипломатии Центральной Азии во второй половине XIV – начале XVI вв. Дисс. канд. ист. наук: – Худжанд, 2009. – 155 с.
48. Кароматов Х.С. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии Кристофера Марло «Тамерлан Великий». Автореф. дисс. канд. филол. н. – Т., 1990. – 23 с.
49. Керен Люсьен. Амир Темур салтанати. – Т.: Маънавият, 1999. – 223 б.
50. Керен Люсьен. Амир Темур салтанати. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 248 б.
51. Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. – Т.: Адолат, 1996. – 86 б.
52. Клавихо Руи Гонсалес. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 262 б.
53. Лапглэ. Жизнь Тимура// Звезда Востока, №4, 1993. – С.127-146.
54. Лэмб Гарольд. Тамерлан. Правитель и полководец. – М.: ЗАО «Центрполиграф», 2009. – 287 с.
55. Мароцци Джастин. Тамерлан. Завоеватель мира Полководец, у ног которого лежал весь мир... – М.: Астраль, 2005. – 324 с.
56. Муқимов Зиёдулла. Амир Темур тузуқларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 119 б.
57. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – 158 б.
58. Муҳаммаджонов Абдулахад. Амир Темур. – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2011. – 40 б.

59. Мўминов Иброҳим. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни: ёзма манбалар маълумоти асосида. 2 – нашри. – Т.: Фан, 1993. – 56 б.
60. Парфенов А.Т. К вопросу о первоисточниках «Темир-Аксакова действия» // Вестник Московского университета. Филология. №2 1969. – С.16-30.
61. Путешествия Иоганна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427 г.). – Т.: Шарк, 1997. – 239 с.
62. Расулмухамедова Д. Соҳибқирон Амир Темур – истиқлол даври ўзбек адабиётида. – Т.: «Ўзбек Ксерокс» ҚК, 2002. – 86 б.
63. Расулова Т.С. Амир Темур светоч Азии или знаки судьбы Сахибқирана. – Т.: Musiqa, 2011. – 174 с.
64. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркале мировой литературы. – Т.: Издательский дом «Мир экономики и права», 1999. – 108 с.
65. Сатторий Ҳаким. Хотира карвони. – Т.: Фан, 1994. – 129 б.
66. Сатторий Ҳаким. Олтин силсила. – Т.: Шарк, 2006. – 126 б.
67. Содиқов Ҳамдам. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати. – Т.: ART FLEX, 2010. 433 б.
68. Соҳибқиронга армуғон (илмий тўплам). – Т., 1996. – 178 б.
69. Социальная жизнь народов Центральной Азии в первой четверти XX века: традиции и инновации – Social life of Central Asian peoples in the first quarter of 20th century: traditions and innovation: Материалы международной конференции (Ташкент, 12-13 сентября 2008 г.). – Т.: ART FLEX, 2009. – 167 с.
70. Султонов Комилжон. Соҳибқирон Амир Темур ва мустақил Ўзбекистон. – Т.: Фан, 2010. – 43 б.
71. Тарасова Н.С. Франция в европейских международных отношениях в первой половине XV в.: Дис.канд. ист. наук: 07.00.15. – Екатеринбург, 2004. – 301 с.
72. Темур тузуқлари /Institutes of Temur/Les instituts de Temour. – Т.: Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 343 б.
73. Темур Амир. Амир Темур ўғитлари. – Т.: Наврўз, 1992. – 64 б.
74. Темур ва Улугбек даври тарихи. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – 263 б.

75. Тошкандий Мулло Салоҳиддин ибн Мулло Алоиддин хўжа Эшон Салоҳиддин. Амир Темур Кўрагон жангномаси – Темурнома. – Т.: Чўлпон, 1991. – 349 б.
76. Убайдулло Темур. Соҳибқироннома. – Т.: Шарқ, 1997. – 63 б.
77. Уватов Убайдулла. Ибн Арабшоҳ ва унинг "Ажойиб ал-мақдур фи навоиб Темур" асари. (1305) 1887–1888) йилги Қоҳира нашри бўйича). Филол. фан. канд. дисс. Қисм 1: 240 б.; шу киши: Ибн Арабшоҳ "Ажойиб ал-мақдур фи ахбори Темур" асарининг таржимаси. Филол. фан. канд. дисс. 2-қисм: 91 б. – Т., 1974.
78. Уватов Убайдулла. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. –Т.: Шарқ, 1997. – 160 б.
79. Уложение Темура: законы и законодательные акты. – Т.: Изд-во лит. и искусства им. Г. Гуляма, 1999. – 352 с.
80. Улуғбек Мирзо. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994. – 351 б.
81. Уэлш Луиза. Тамерлан должен умереть. – М. : Студия пыток, 2011. – 212 с.
82. Хайитметов Абдуқодир. Темурийлар даври ўзбек адабиёти: Тадқиқотлар, мақолалар, лавҳалар. – Т.: Фан, 1996. – 160 б.
83. Хукхэм Хильда. Властитель семи созвездий. – Т.: Адолат, 1995. – 320 стр.
84. Холбеков М. Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари. – Самарқанд, 1996. – 40 б.
85. Холбеков М. Ғарбда ҳайрат уйғотган сиймо//Тафаккур, №3, 2008. – Б.26-31.
86. Файзиев Турғун. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, 1995. – 350 б.
87. Файзиев Т. Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган Темурий шаҳзодалар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 32 б.
88. Чжен Виктор. Амир Темур: Поэма. – Т.: Ёзувчи, 1998. – 190 с.
89. Ёқубов И. Муҳаммад Али ижодида тарихий жараён концепцияси ва лиро-романтик талқин. – Т.: Фан, 2007. – 79 б.
90. Ўлжаева Ш.М. Амир Темур ва Темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. – Т.: Фан, 2005. – 269 б.

91. Қаюмов Азиз. Асарлар. – Т.: Mumtoz so'z, 2008. 10-жилд:
92. Қадимият обидалари; Амир Темур қиссалари; Шохрух Мирзо; Улуғбек Мирзо; Ҳинд адабий сарманзиллари. – 2010. – 301 б.
93. Қаюмов А. Амир Темур қиссалари. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 32 б.
94. Қодиров П. Амир Темур сиймоси. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 246 б.
95. Ғойибов Наим. Амир Темур даври маънавияти. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 48 с.
96. Ҳукхэм Ҳильда. Етти иқлим султони. – Т.: Адолат, 1999. – 318 б.
97. Юсупова Г.А. Ҳозирги ўзбек романларида Амир Темур ва темурийлар образининг бадиий талқини. Филол. фан. ном. дис. автореф. – Т., 2005. – 26 б.

Хорижий тилларда

98. Adravanti, Franco. Tamerlano. – Milano: Fabbri, 2001.–336 p.
99. Aерcke Kristiaan Au miroir des peurs occidentales/ Samarcande 1400-1500. La cité-oasis de Tamerlan: cœur d'un Empire et d'une Renaissance. – Arles: Autrement, Janvier 1995.
100. Agraves Jean d'. Le Cimetière de Tamerlan: L'Espionne de Nelson. Illustrations de Maurice Toussaint, 1947.
101. Alexandrescu-Dersca M.- M. La campagne de Timour en Anatolie. Thèse de doctorat. – Bucarest, 1942.
102. Ali Charif Al Din. Histoire de Timur-Bec, connu sous le nom du Grand Tamerlan... écrite en persan par Cherefeddin Ali, natif d'Yezd... Traduite en françois par feu Monsieur Pétis de La Croix. – Paris, 1722.
103. Angiolini, Pietro. Timur-Kan, azione mimica... da Pietro Angiolini... – Venezia: tip. Casali, 1820.
104. Attal Jean-Pierre. Tamerlan. – Paris, 2002.
105. Audiffret Pierre-Hyacinthe-Jacques-J.-B. Notice sur Tamerlan, empereur des Tartares-Mongols... – Paris, 1826.
106. Berl Emmanuel. Histoire de l'Europe. Tome 1. D'Attila à Tamerlan. – Paris, 1862.
107. Baron Mary Kelley. «The meaning has a meaning»: a critical reading of the major plays of Christopher Marlowe. Ph.D.

- University of Illinois at Urbana-Champaign, 1973. – 227 pages.
108. Bernard Michel. Les grands conquerants, Tamerlan, Cortes et Pizarre, Pierre le grand. – Paris, 1973.
109. Bernardini Michele. Mémoire et propagande à l'époque timouride. – Paris: Association pour l'avancement des études iraniennes, 2008. – 164 p.
110. Battenhouse Roy W. Preface / Marlowe's Tamburlaine. A Study in Renaissance Moral Philosophy. – Vanderbilt Nashville: Vanderbilt University Press, 1966.
111. Bletschacher Richard. Tamerlan. – Weinheim: Beltz und Gelberg, 1995. – 214 S.
112. Blin Arnaud. Tamerlan. – Paris: Librairie Académique Perrin, 2007. – 250 pages.
113. Böhm Peter. Tamerlans Erben, Zentralasiatische Annäherungen. – Berlin, 2005.
114. Brion Marcel. Tamerlan. – Paris, 1942.
115. Brion Marcel. Préface de Gérard Wälter. Le mémorial des siècles: 14^e siècle, les hommes, Tamerlan. – Paris, 1963.
116. Capus Guillaume. A travers le Royaume de Tamerlan Asie centrale. Voyage dans la Sibérie occidentale, le Turkestan, la Boukharie, aux bords de l'Amou-Daria, à Khiva, et dans l'Oust-Ourt, par Guillaume Capus. 1892.
117. Champdor Albert. Tamerlan. – Paris, 1973.
118. Clavijo Ruy Gonzalez de. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. – Paris: Imprimerie Nationale, 2006.
119. Daly Karen Marie. The fifteenth-century Spanish libros de viajes: Travel discourse prior to Columbus. Ph.D. – Indiana University, 2003. – 258 pages.
120. Degenhart M. Tamerlan in der Literatur des westlichen Europas / Archiv für das Studium der Neueren Sprachen. – Braunschweig, 1913, vol. 123. – S. 253-278.
121. Deutsch Michel. Tamerlan oder wie spielt man das Ende der Welt. – Bad Homburg v.d.H. : Hunzinger-Bühnenverl, 1988. – 24 S.
122. Edschmid, Kasimir. Timur: Novellen / von Kasimir Edschmid. – Leipzig: K. Wolff, 1917. – 221 S.
123. Edschmid Kasimir. Afrika nackt und angezogen. Zeichnungen und Phtographien von Erna Pinner. Fr./M.: Frankfurter Societäts-Druckerei, Abteilung Buchverlag, 1929, 281 S.

124. Edschmid Kasimir. Die achatnen Kugeln. – Berlin, 2006.– 227 Seiten.
125. Etienne Morel De Chdeville. Tamerlan: Opera En Trois Actes. Reprsent Pour La Premire Fois, Sur Le Theatre de L'Opera Le 27 Fructidor an X. Remis Au Theatre Le 25 Juillet 1806, Repris Pour La Retaite de Mlle. Maillard, Le 1er. Fevrier 1815. – United States: Nabu Press, 2010.
126. Frank Karl A. Ich reite für Tamerlan. – Düsseldorf: Hoch; Wien: Österreichischer Bundesverlag, 1986. – 127 S.
127. Ghiyasoddin, Ali di Yazd. Le gesta di Tamerlano / a cura di Michele Bernardini. – Milano: Mondadori, 2009. – XXXVI, 243 p.
128. **González de Clavijo, Ruy.** Embajada a Tamorlán / ed., introd. y notas de Francisco López Estrada. – Madrid: Ed. Castalia, 1999. – 422 pajinas.
129. Goethe J.W. Gedichte. – Moskau: Progress,1980.
130. Grousset René. L'Empire des steppes: Attila, Gengis-Khan, Tamerlan. – Paris: Payot, le Regard de l'Histoire, 1949,(4^e édition).
131. Hacks Peter. Tamerlan in Berlin. – Berlin: Eulenspiegel-Verl, 2002. – 90 S.
132. History of civilizations of Central Asia. Volume IV, The age of achievement, AD 750 to the end of the fifteenth century. Part One, The historical, social and economic setting / ed., M.S. Asimov and C.E. Bosworth. – Paris: UNESCO publ., 1998. – 485 p.
133. Ibn Arab Chah Ahmad ibn Mohammad, Vattier Pierre. Portrait du grand Tamerlan, avec la suite de son histoire, jusques à l'établissement de l'empire du Mogol. – Paris, 1658.
134. Johann Schiltbergers Irrfahrt durch den Orient: der Aufsehen erregende Bericht einer Reise, die 1394 begann und erst nach über 30 Jahren ein Ende fand / aus dem Mittelhochdt. übertr. und hrsg. von Markus Tremmel. – Taufkirchen: Via Verbis Bavarica, 2011. – LXXXIV, [11]
135. Karl J. Timur und die Frauen / Anzeiger der Osterreichischen Akademie der Wissenschaften. – Vienna, C. XI, 1974. – S.515-529.
136. Kehren Lucien. Tamerlan, l'Empire du Seigneur de Fer. – Newchatle (Suisse), 1978. – 255 p.
137. Kienast Wolfgang. Tamerlan und die Familienbande. – Berlin: Verl. Das Neue Berlin, 1989. – 31 S.

138. Kloss Peter-Erich. Tamerlan. – Halle : Landestheater Sachsen-Anhalt, 1952. – 12 S.
139. La Barre Duparcq Édouard de. Nouveaux portraits militaires, esquisses historiques et stratégiques, par Éd. de La Barre Duparcq.... Henri IV, Xénophon, Alexandre le Grand, Bélisaire, Boucicaut, Fernand Cortès, Gouvion-Saint-Cyr, Cromwell, Folard, Henri de Prusse, Scanderberg, Pajol, Montcalm, Toiras, Tamerlan. – Paris, 1890.
140. Lal Kishori Saran. Twilight of the Sultanate [Texte imprimé], a political, social and cultural history of the Sultanate of Delhi from the invasion of Timur to the conquest of Bahur, 1398-1526, by Kishori Saran Lal,... – London: Asia publishing house, 1995. – XIV-358 p.
141. Lamartine Alphonse de. Les Grands hommes de l'Orient, par A. de Lamartine.... Mahomet, Tamerlan, le sultan Zizim. – Paris, 1865.
142. Lamb Harold. La vie de Tamerlan. Traduit de l'anglais par Pierre-Jean Robert. – Paris, 1942.
143. La Renaissance Timuride. – Paris : UNESCO, 1996. – 224 p.
144. Léomy Fabrice. Tamerlan: le condottiere invaincu. – Paris: Éd. France-Empire, 1996. – 353 p.
145. Le Strange, Guy (1854-1933). The Lands of the Eastern Caliphate, Mesopotamia, Persia, and Central Asia from the Moslem conquest to the time of Timur. G. Le Strange. – London: Frank Cass and C°, 1966. – XX-536 p.
146. Levi Della Vida Giorgio. Visita a Tamerlano: saggi di storia e letteratura / a cura di M.G.Amadasi Guzzo e F.Michelini-Tocci. – Napoli: Morano, 1988. – 246 p.
147. Mahood M. Poetry and Humanism. – London, 1950. – 260 p.
148. Manz B.F. The rise and rule of Tamerlane. – Cambridge, 1989.
149. Marino Elisabetta. Tamerlano: Dalla letteratura inglese a quella americana. – Roma: Sun Moon Lake, 2000.
150. Marlowe Christopher. Tamerlan. – France, Paris: Albin Michel, Edition bilingue anglais/français, texte français de Philippe de Rothschild. 1977. – 247 p.
151. Marlowe Christopher. Two Tragedies. Tamburlaine the Great. Doctor Faustus. – Moscow: Vyssaja Skola, 1980. – 286 p.
152. Marozzi Justin. Tamerlane. Sword of Islam. Conqueror of the World. – London: Harper Collins, 2000

153. Marozzi Justin. Tamerlane. Conqueror of the World. – Sankt-Petersburg: KAPO, 2007. – 321 p.
154. Medoph Thomas de, Nève Félix, Rizas G. Tamerlan – Bourreau de Paris – Abdul Hamid II. – Paris, 1971.
155. Moranvillé Henri. Mémoire sur Tamerlan et sa cour, par un dominicain Jean, archevêque de Sultanieh, en 1403, publié par H. Moranvillé. – Paris, 1894.
156. Nagel Tilman. Timur der Eroberer und die islamische Welt des späten Mittelalters. – München: Oldenbourg, 1993. – 531 S.
157. Nokovitch Milena. Pluie d'or sur Samarkand. – Paris: Delville. – 352 p.
158. Obaldia René de. Tamerlan des coeurs. – Paris, 2006.
159. Ottokar Intze. Tamerlan und Bajazet in den Literaturen des Abendlandes. – Erlangen, 1912. – 60 S.
160. Percheron Maurice. Les conquérants d'asie les perses et alexandre – attila – genséric – ye-liu ta-ché – gengis khan – tamerlan – les grands mogols – jehanjir – destin de l'asie. – Paris, 1862.
161. Pierrad André. On l'appelait Tamerlan. – France, Paris: Editions Julliard., 1970. 190 pages.
162. Piovene, Agostino. Tamerlano, dramma per musica da rappresentarsi nel Teatro di San Samuele il carnevale dell'anno 1754 / [primo atto posto in musica dal signor Gioacchino Cocchi, il Secondo dal Signor Giambatista Pescetti, il terzo parte da uno e parte dall'altro di essi maestri]. – Venezia: presso Angiolo Geremia in Merceria all'insegna della Minerva, 1754.
163. Plaisir de France, oct. 62 : Tamerlan benoist-méchin vendôme p. Iorenz lits historiques et lits d'aujourd'hui. par: Collectif, 1826.
164. Pradon Nicolas. Tamerlan, ou la Mort de Bajazet, tragédie. – Rouen, 1676.
165. Prawdin Michael. L'Empire mongol et Tamerlan. Préface et traduction de George Montandon. – Paris, 1937.
166. Roux Jean-Paul. Tamerlan. – Paris, 1991.
167. Sainctyon Le Sieur de. Histoire du grand Tamerlan, tirée d'un excellent manuscrit et de quelques autres originaux, très propre à former un grand capitaine, par le sieur de Sainctyon. – Paris, 1678.
168. Sami Nizam al-Din Abd al-Wasi. Histoire des conquêtes

- de Tamerlan intitulée Zafarnama. Avec des additions empruntées au Zubdatu-t-tawarih-i Baysunguri de Hafiz-i Abru, Édition critique par Félix Tauer. – Paris, 1937.
169. Schiltberger Hans. Captif des Tatars. Traduit de l'allemand par Jacques Rollet; préface de Michel Balivet. – Toulouse: Anacharsis, 2007. -194 p.
170. Sela Ron. The legendary biographies of Tamerlane: Islam and heroic apocrypha in Central. – New York: Cambridge University Press, 2011. – xvii, 164 p.
171. Silvestre de Sacy Antoine-Isaac. Mémoire sur une correspondance inédite entre Tamerlan et le roi de France Charles VI. – Paris, 1812.
172. Strebel Hannes. Tamerlans Lofts. – Berlin, 2002.
173. Szuppe Maria. L'Asie centrale de Tamerlan. – Paris, 2009.
174. Thackston, W. M. A century of princes: sources on Timurid history and art / Selected and translated by W. M. Thackston; Published in conjunction with the exhibition «Timur and the princely vision», Washington, D. C. and Los Angeles, 1989. – Cambridge [Mass.]: The Aga Khan program for Islamic architecture, 1989. - XVI + 394 p.
175. Toppi, Sergio. La lacrima di Timur Leng. – Saint-Égrève: Mosquito, 1998. – 48 p.
176. Torma Franziska. Turkestan-Expeditionen. Zur Kulturgeschichte deutscher Forschungsreisen nach Mittelasien (1890-1930). – Berlin, 2011.
177. Voltaire. Essai sur les moeurs et esprit des nations depuis Charlemagne jusqu'à Luis XIII. Tome II.– Paris : Bordas, Edition de R.Pomeau. Classiques Garnier, 1990. – 962 p.
178. Walter J. Fischel. Ibn Khaldun and Tamerlane, their historic meeting in Damascus, 1401 A.D. 803 A.H., a study based on Arabic manuscripts of Ibn Khaldun's Autobiographye with a translation into English and a commentary, by Walter J. Fischel. – London, 1952.

МУҲДАРИЖА

Соҳибқирон даҳосига юксак эҳтиром (Хайриддин Султонов).....	3
Муқаддима.....	8

I БЎЛИМ.

Илк ёзма манбаларда Амир Темур сиймоси	
Амир Темур ҳақидаги илк ёзма манбалар ва уларнинг тарихи.....	12
Амир Темур -- афсона ва ҳақиқат.....	23
Амир Темур Европалик ҳарбийлар нигоҳида.....	46

II БЎЛИМ.

Ғарбий Европа Уйғониш даври адабиётида Амир Темур сиймоси талқини

Уйғониш даври насрида Амир Темур талқини....	60
Жан дю Бек ижодида Амир Темур сиймоси.....	72
Кристофер Марлонинг «Буюк Амир Темур» трагедиясида Соҳибқирон сиймоси.....	82

III БЎЛИМ.

Амир Темур XVII – XIX асрлар Ғарбий Европа мамлакатлари адабий асарларида

XVIII – XIX асрлар насрида Амир Темур сиймоси.....	112
XVII – XVIII асрлар Ғарбий Европа драматургиясида Амир Темур сиймоси.....	134
XVIII – XIX асрлар шеъриятида Соҳибқирон сиймоси.....	156

IV БЎЛИМ.

XX аср адабиётида Амир Темур сиймоси

XX аср тарихий романларида Амир Темур сиймоси.....	172
XX аср Ғарбий Европа бадиий насрида Амир Темур сиймоси: тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима.....	188
XX аср француз драматургиясида Амир Темур сиймоси.....	218
Хулосалар.....	234
Адабиётлар.....	242

Илмий-оммабон нашр

Баҳодир ЭРМАТОВ

**АМИР ТЕМУР ҒАРБИЙ ЕВРОПА
АДИБЛАРИ НИГОҲИДА**

Масъул муҳаррир

Минҳожиддин Мирзо

Тақризчилар

**Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси;
Ҳамидулла Болтабоев, филология фанлари
доктори, профессор.**

Муҳаррирлар

Тўлқин Алимов, Улугбек Ақромов

Мусаввир

Уйғун Солиҳов

Мусаҳҳих

Юсуф Музаффар

Саҳифаловчи

Муҳаррам Зойитова

Нашриёт лицензияси АИ № 170. 23.12.2009.

Босишга рухсат этилди 26.03.2019.

Бичими 84 x 108 ¹/₃₂. Palatino Linotype гарнитураси.
15,0 нашр т. 16,5 шартли б.т. Адади 2000 нусха.
Буюртма № 288. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Navro'z» нашриёти, Тошкент ш.,
Амир Темур к., 19-уй.

«SAYDANA PRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Қамарнисо к., 3. Saydana-print@mail.ru
тел.: +99891 162-08-43; +99899 862-08-43. e-mail: